



HAZARMAT

ҶУКОРЛАР



Е Қ У Т

— Еқутхон!.. Еқут!..

Трамвайдан тушган аёл тўхтаб, орқасига аланглаб қаради. Баланд чинор соясидан кўркам гавдали киши чиқди. У бошини чап елкасига сал қийшайтириб, жилмайиб, аста-секин юриб келарди.

— Султон ака!.. — Еқут кутилмаган бу учрашувдан шошиб қолди. — Қачон келдингиз, хизмат сафарига-ми ёки дам олишга?!

Султон жавоб урнига қулини узатиб, самимий куришди. Унинг қули дағал булса-да, илиқ эди. Қулини қуйиб юбормай, соҳил томонга бош ирғади: — Кучанинг нариги томонига ўтайлик. Анҳор буйида пича дам олсак.

Еқут Султонга майли дегандек бир қараб олди-ю, индамай олдинга юрди. Унинг кетидан Султон қадам ташлади. Еқут қулини Султон қулидан олган булса-да, кафтида унинг ҳарорати қолгандай бир мавҳум ҳиссиёт оғушида эди. Султоннинг чекка сочларига оқ оралаб, пешонасидан юқори сочи сийраклашган, кўз атрофида майда ажинлар қаторлашгани Еқутнинг хаёлидан ўтиб борарди.

Султон эса олдинга ўтиб олган Еқутга қараб борарди. Унинг эғнида қора хонатлас, ҳаворанг жемпер, оёғида кулранг баланд пошнали туфли. Сочини боши орқасига тугун қилиб, шойи дуррача билан танғиб олган. Тўлишган гавдаси атлас кўйлак ичида тўлқин уриб боряпти.

Кучанинг нариги бетига ўтганларидан кейин Султон Еқутга бараварлашиб қолди. Султоннинг бошига

кўндирган чуст дупписи, нейлон галстуги, куйлаги енгидан чиқиб турган олтин соати, туфлиси, йул-йул костюми — ҳамма-ҳаммаси узига ярашган. Кулса ёноғида чуқурча пайдо булар, лекин пирпираб турган қора кузларидаги нур нима учундир Ёқутга суник туюларди.

Уларни ёнма-ён кўрган кишилар бир-бирига муносиб, бахтли эру хотин булса керак деб уйлашарди. Аслида бундай эмасди.

Анҳор суви шалолаб, тангача балиқ қирғоқдаги меҳмонларни томоша қилиш учун бир кутарилди-ю, яна сув тубига шўнғиди.

Ариқ буйида ранги синиқ, қора кийинган бир жувон кўринди. У ариқ ёқалаб, ёнма-ён кетаётган Султон билан Ёқутга маъносиз қараб ўтиб кетди.

Ёқут ҳам Султон ҳам қора кийинган аёлни кўришди, лекин ҳеч нарса дейишмади.

Султон Ёқутни анҳорнинг шундай тепасида ўрнатилган ёғоч курсига таклиф этди. Ёқут индамай ўтирди, Султон ҳам рўмолчаси билан курсини артиб ўтирди. Ёқут «нима гап» дегандай Султонга қаради. Султон анҳорга, унинг шўх оқимига тикилиб, оғир ички дард билан чуқур нафас олди.

— Идорангизга ёзган хатларимни олдингизми? — сўради ниҳоят у.

— Олдим.

Чинор барги узилиб, Ёқутнинг елкасига тушди. Уни Султон олди ва анҳорга қўйиб юборди.

— Елкангизга хазон кўнди. Бу ниманинг аломати? Нимага хатларимга жавоб бермайсиз? Кейинги хотиним оламдан ўтди. Ўзимни қаерга қўйишни билмайман. Мен уша бундан йигирма йил бурун сизни севган, сизни деган Султонман. Тўрт оёқ билан от ҳам қоқилади, мен ҳам қоқилдим. Кўзим очилиб ҳузурингизга бош эгиб келдим. Мен сиздан асло ажралмас эдим. Уйингиздаги уша чулоқ сизни мендан жудо қилди. Ёши сиздан анча катта одамни нима қиласиз. Унинг бир оёғи гурда булса, сизнинг ҳаётингиз гулда... Қирчиллама ёшингизни қировга ташламанг. Сиз ҳаётимнинг безағи бўлган ёқутимсиз. Хўп денг, илтижо қиламан.

Султон бошини эгиб, «мен ҳамма гапимни айтдим, нима дейсиз?» дегандай Ёқутга термулди.

Ёқутнинг кўнгли галати бўлиб кетди. Боши айланди, тили сўзга келмади, кўзи ялтиради. Сумкасидан

капалак гулли румолчасини олиб, юз-кузини артди. Унсиз сувга тикилди.

Тулиб оқаётган анҳор узоқдан келаётган йўловчининг саргузаштини ҳикоя қилаётгандай шивирлаб жимирлаб утарди. Унинг оқимида ўз сиру асрорларини изҳор қилиб ўтирган бу икки киши ўз ўтмишларини эслашарди.

...Ун саккиз ёшида институтга қадам қўйган пайтлари севги сирларини ким титкиламаган, дейсиз. Фарҳод ва Ширин, Тоҳир ва Зухраларнинг вафодорликлари қайси ёшларнинг дилларини чертиб ўтмаган. Султон билан Ёқут ҳам институтнинг биринчи йилидаёқ шундай эди. Улар дилларида пайдо бўлган муҳаббатнинг оҳанграбо садосига қулоқ солган эдилар.

— Ёқут, лолазоримсиз!

Бу сўз чиндан ҳам лолазорда Ёқутга Султон юрагидан айтилган ва бошқа ҳеч кимдан эшитилмаган сўз эди. Баҳор фасли эди ушанда. Дам олиш куни институт ёшлари лола сайлига чиқишди. Султон билан Ёқут ҳам курсдошларига қўшилиб, шаҳар ташқарисига қир бағрига келишди. Бир томони тоққа, бир томони дарёга бориб тақаладиган қир-адирлар одам ақлини шоширадиган даражада қип-қизил эди. Баҳор ёмгиридан дармон топиб, қуёшга интилган лолаларнинг ҳақиқ жамоли нақадар гузал. Йигитлар, қизлар бир-бирларини қувлашиб, ҳар томонга гиламдай тушалган лолазорларга сочилиб кетдилар.

Султон Ёқутнинг қулидан ушлаб лолазор майса устида бирпас утиришни таклиф қилди. Лола териб югуриб-елиб ҳориган Ёқут бу таклифга бўйсуниб, атлас қўйлагининг этакларини тақимига қайтариб ўтирди. Султон унинг ёнида тиз чўкди. Шу вақт бир тургай ҳавога кутарилиб, улар тепасида муаллақ туриб қолди, живир-живирлаб хонишга кирди. Султон билан Ёқут осмонга тикилишиб, бошларини бир-бирларига суяб олганларини сезмай қолдилар. Тургай сайрашдан тўхтаб, узини майсага урди. Шу пайт йигит билан қиз ўз нафасларини жуда яқиндан сезиб, бир-бирларига жилмайиб маъноли қараб қўйдилар.

Салқин шабада эсди. Бу оромбахш тоғ нафасидан лолалар тебраниб, Ёқут билан Султоннинг бир-бирларига юракдан яқин бўлганликларини табриклайтгандай эди.

Султон узун, озгин қулларини чузиб, Ёқутга интилди, уни қучмоқчи, бағрига босиб, юзларидан буса олмоқчи булди.

Ёқут эса бошини баланд кутариб, Султонга қайрилди, унинг қулидан тортқилаб урнидан турғизди, лола тераётган қизлар тудасига тортқилаб олиб кетди.

Шу кундан бошлаб улар бир-бировлари билан ён-ма-ён юрадиган, дарсларини биргаликда тайёрлайдиган булди. Иккиси ҳам бир курсда ўқир эди. Курсдошлари ҳам, институт талабалари ҳам бунга эътибор беришмасди. Бирга ўқигандан кейин бирга юришадида, дер эди. Йиллар утди, Султон Ёқутни севиб қолди. У узининг юрак сирини бир-икки бор унга сездирди ҳам, институтни битириш олдидан эса масалани кундаланг қуйди: «Сизни севаман, сизга уйланиб, юртимга олиб кетаман», — деди.

— Нималар деяпсиз? — Ёқут донг қотиб қолди. Тепа сочи бир қарич кутарилгандай булди.

— Онангиз сизни телефонга қақирибдилар, сиздан илтимос, менинг бу гапимни айтинг, — шошилмай, аммо дуриллаган овоз билан гапирди Султон, — агар айтишга тилингиз бормаса, почтага сиз билан бирга бораман. Ойингизга узим айтаман.

— Йуқ, йуқ, асло! Хеч қачон бормапсиз. Узим ҳам бу ҳақда ҳеч нарса демайман. Ўқишни битирмай туриб-а?!

— Ўқишни битирмай туриб! Ўқишнинг битишига нима қолибди. Ниҳоят икки ой вақт қолди. Хуп денг, Ёқутхон...

Ёқут туни билан тулғониб чиқди. Ниҳоят Султоннинг гапи ерда қолмади. Икки ҳафтадан кейин институт клубида никоҳ кечаси утказилди. Султоннинг онаси, Ёқутнинг ойиси бир йиғлаб, бир қулиб тўйбоши булдилар. Институт раҳбарлари икки ёшнинг тўйини тантана билан утказдилар. Ҳофизлар, раққосалар келишди. Қадаҳлар кутарилди. Ёр-ёр айтилди.

Султон билан Ёқут диплом олганларидан кейин юрларига кетишмади. Улар шаҳар чеккасидаги катта қишлоқнинг мактабида ўқитувчи булиб қолдилар. Қишлоқдаги колхозга уттиз беш — қирқ ёшлардаги хушфёъл, дилкаш, меҳрибон Аҳмаджон ака раислик қиларди.

Аҳмаджон ака Султонларга идора ёнидаги уч хонали катта ҳовлини бушаттириб берди, уларни мактаб ишига, колхоз жамоат юмушига аралаштириб юборди.

Идорада анча киши ишларди. Ҳисобчи-бухгалтер Ҳасанча деган йигит ҳар куни тушда ош дамларди, ошга у-бу нарса керак бўлиб қолса, Султонларникига кирар ва у ердан бемалол олиб ишлатаверарди. Ош дамланганда Ҳасанчанинг серғушт, доим терлаб турадиган ялтироқ юзи яна кўринарди.

— Қушни, қани, бир ошам паловхонтўрага марҳамат қилсинлар, — деб уни ҳоли жонига қўймай олиб кетарди. Ёқут индамасди.

— Майли одамларга қўшилинг, дўст орттиринг, — деб эрига рухсат берарди.

Идора ёнидаги меҳмонхонага дўстлар йиғилиб, уртага ош тортиларди. Ҳасанча давранинг бош-қоши эди. У мактабдан чарчаб келган Султонга ароқ қўйилган пиёлани узатарди;

— Дарс тамом бўлди, энди дам оласиз. Танишганимиз, қушни булганимиз учун оласиз, Султон ака.

Султон илгари ҳам бу улфатлар орасида бир-икки зиёфатда бўлганди. Бугун ҳам яна уша хилдаги зиёфат. Пиёлани куриб юзини буриштиради:

— Кўнглим тортмаяпти, бу сафар узр.

— Олинг, муаллим, иштаҳани очади.

— Биродарлар, буни олсам оромим бузилади.

— Нима деяписиз, Султон ака, — Ҳасанча турп билан бир тўғрам гуштни қўлига олди, — бу оромижон-ку. Умар Хайём ҳам «аччиқлиги минг ширин жонга арзийди» деган-ку, ёки Ёқутхондан чўчийсизми? Чўчиманг, бизнинг қишлоқ куёвлари қизлардан чўчимайдилар. Олинг, қўлим толиқаяпти. Ош совиб қолди.

Султон Ҳасанчанинг юзига кўз қирини ташлади. «Бизнинг қишлоқ куёвлари келинлардан чўчимайдилар». Қизиқ гап. Чиндан ҳам нимадан чўчиш керак? Пиёлани қайтармайман, оламан. Дўстлар учун, яхши одамлар учун заҳар ют, деганлар.

Идорадаги улфатчилик бора-бора одат тусига кириб қолди. Султон Ҳасанча билан баъзи кунлари шаҳарга тушиб кетадиган ва у ерда ётиб қолиб, эрталаб тўғри мактабга борадиган бўлиб қолди.

Уқувчилар Султон домланинг гоҳида дарсларни ланж олиб бораётганидан шикоят қиладиган бўлиб қолдилар. Бу масала уқитувчилар кенгашида курилди. Султонга нордон гаплар айтилди. Ёқут мажлисдан изтироб билан, йиғлаб чиқди. Уйга қайтгач эрига ялинди, насиҳат қилди.

— Сизга нима булди, Султон ака, на уйга қарайсиз, на дарсга. Бунинг устига шаҳарга бориб, у ерда ётиб қоладиган қилиқ чиқардингиз. Шаҳарда кимингиз бор? Бугундан бошлаб Ҳасанча билан ҳамтовоқ булмайсиз. Мен буни раисга, ҳа уша Аҳмаджон акага ҳам айтаман.

— Раисни уртага тикманг. Менга раис ҳам, сиз ҳам хужайинлик қила олмайсизлар. Сиз одамлар билан дуст бул, уртоқ орттир дедингиз. Нима булибди? Дуст орттирганман. Булсам ушалар билан буламан.

— Вой, тавба, тухматга ҳам қоламан шекилли. Қуйинг, бунақа бурама гапларни, Султон ака. Бу ичкиликнинг таъсири булса керак.

— Мен илгари қандай бусам, ҳозир ҳам шундайман. Фолбинлик қилаверманг.

Шу пайт дераза тақиллаб, ойна орқасидан Ҳасанчанинг тарвуз пучоғидай думалоқ, тиржайган башараси кўринди. Султон индамай ўрнидан туриб, эшикка юрди.

— Идорага чиқиб келаман.

— Ҳеч қаёққа бормайсиз! — Ёқут эрининг йўлини тўсди.

Султон Ёқутни зарб билан четлатиб, эшикни ланг очиб, ташқарига чиқиб кетди.

Султон кечқурун уйга ширакайф булиб қайтди. Шу вақт эшик тақиллатиб Аҳмаджон ака кириб келди. Раис Султонга салом берди ва Ҳасанчани суради.

— Бирга эдик. Шаҳарда қолди.

— Ҳасанча бир вақтлар яхши бола эди, бора-бора айниятти. Сиз у билан ошна булманг. Оилангизни ёлғиз ташлаб, шаҳарда санқиб юриш яхши эмас.

— Хотинимга хужайинлик қилманг. Умуман айтганда биз билан ишингиз булмасин.

— Нима учун ишим булмас экан?

Ёқут гапга аралашди:

— Аҳмаджон ака, Султон акамнинг аҳволларини кўриб турибсиз. Ҳозир бироз беҳудга ўхшайдилар. Бошқа бир вақт топиб гаплашарсизлар. Ундан кўра столга келинг, ҳозир чой ичамиз.

— Чойни кейин ҳам ичсак булаверади, — Аҳмаджон ўрнидан турди, — лекин Султон акамлар тарғиботчи булиб тайинланган Оқсой участкаси буларнинг йўлларига мунтазир. Мен у ерга олиб борай деб келувдим.

— Мен Оқсойга бормайман.

Аҳмаджон ака бу жавобдан ҳайрон булди. Урнидан туриб, уйланиб деди:

— Сиз бормасангиз Ёқутхонни таклиф қиламиз.

— Ихтиёрлари узларида...

Ёқутнинг ранги оқариб, қулидаги чойнак ерга тушиб, чил-чил булди.

Раис менинг оёғим ёқмади шекилли, дегандай атрофга аланглаб қараб, индамай чиқиб кетди.

Ёқут шундан кейин Оқсой участкасига тарғиботчи булиб тайинланди.

Ёқут дарсдан кейин уйларида икки километрча келадиган яшил мевазор адир орасидаги хушманзара далага келарди. Бу ерда ўзининг таниш ўқувчилари, колхозчи қиз-жувонлар уни ўраб олишарди. Мактаб ўқувчилари билан деворий газета чиқарар, дала шийпонини безатар, қиз-жувонларнинг суҳбатини қиздирар эди.

Кунлардан бирида бир кекса аёл икки яшар чамасидаги қизчани кутариб келиб қолди. Қиз калта-калта нафас олар, иссиғи ниҳоятда баланд эди. Аёл раисни сўради:

— Бу ерга келганлари йўқ. Нима, бола касалми?

— Тоби қочиб қолди. Иссиғи баланд. Қўрқяпман.

— Кимнинг боласи? — сўради Ёқут.

Боланинг юзини очиб, унга термулиб турган бошқа бир аёл:

— Муаллима, бу бола раиснинг боласи, онаси улган. Ҳеч кими йўқ. Фақат отаси. Бу Ҳамро холаминг раиснинг ён ҳовли қушнилари булади. Боқиб-қараб юрадилар.

— Телефон билан «тез ёрдам»ни чақирайлик, — деди урнидан туриб Ёқут.

— Телефон бузилиб ётибди, опажон, — жавоб қайтарди бир йигит.

— Далада на от, на бошқа бир улов кўринади.

Ёқут болани қулига олиб кампирга: — Кетдик, — деди, — бу ерда бекорга улов пойлаб утиришнинг фойдаси йўқ.

Ёқут қизалоқнинг исмини сўради.

— Ёдгор.

— Табаррук от экан, — уйланиб, яна гапирди: — Мунча қават-қават кийим... Ўзи қизиб ётипти. Бунинг устига роса кийинтириб, бўғиб қуйибсиз-ку!

Ёқут Ёдгорнинг қизил бахмал камзулини, ҳаворанг духоба нимчасини ечиб, юмшоқ халатида қолдирди ва

оёқ-қулини кампирнинг рўмоли билан ураб, кутариб олди. Ёдгор оқ мағиз, лекин озгин ва нимжон қизча эди. Нафаси ёнар, юраги тез-тез уриб турарди. Ёқут қадамини тезлатди, унинг орқасидан кампир қоқилиб-суқилиб, кийшайиб, ярим югуриб борарди. Йулда прицеп тиркалган трактор куринди. Тракторчи угирилиб қаради-ю, машинасини таққа тўхтатди.

Ёқут Ёдгорни врачга курсатиб, укол қилдириб, уйига олиб келди. Ҳамро хола ҳам келди. Бола каравотда ухлаб қолди.

Бир маҳал Султон Ҳасанча билан ширакайф киб келди. Ҳасанча салом бермай стулга утириб, Ҳамро холага сўз қотди:

— Нима қилиб бу ерларда адашиб юрибсиз?

— Раиснинг қизчасини Ёқутхон билан докторга олиб борувдик, болам, дам олганимдан кейин уйга олиб кетаман. Шамоллаб қолибди.

Султон каравотга яқинлашиб, буйнини чузиб, пишллаб ухлаб ётган болани кўздан кечирди. Сўнг орқасига қараб, Ҳасанчага имо қилди:

— Юр кетдик, уй-уй бўлмабди, бу уй идора булиб қопти. Энди касалхонага айланибди.

— Тўғри айтасиз Султон ака, уйингиз бесаранжом...

— Йўқолинлар, бу ердан, бераҳмлар, — Ёқут газаб билан қичқирди, — беандишалар!

— Нима деяпсан! — ушқирди Султон, тишини гижирлатиб, яна дуқ урди. — Мен сени биламан. Сен Оқсойга тез-тез борадиган булиб қолдинг. У ерда нима бор?! Хотини улган раис бор. Унинг пинжида юрибсан. Мана бугун боласини уйингга олиб келибсан. Эртага унинг уйига боласини боқишга борарсан.

— Бу сўзни айтишга қандай тилингиз борди? — деди йиглаб Ёқут.

— Сен энди менга керак эмассан. Ҳа, энди менга ҳаромсан, ҳаром!

Султон уй уртасига келиб, атрофга, сўнг хотинига бир-икки аланглаб қараб, пиджагини елкасига зарб билан ташлади. Ҳасанчанинг қўлидан ушлаб, уни эшикка тортди.

Шу-шу бўлдию, Султон уйга қайтмади. Ҳасанча ҳам колхозга қайтиб келмади. Султон маорифга ариза бериб, мактабдан бўшаб кетди. Олти ойдан кейин Ёқутнинг қўлига ажралиш хатини топширди. Бошқа келмади.

Ёқутга қийин бўлди. Бечора елғиз қолди. Қаерга боришини, кимга арзу-ҳолини айтишини билмай, эрмаги йиғи бўлди. Бир куни Ҳамро хола Ёдгорни кутариб келиб қолди. Ёдгор узини Ёқутга отди. Қиқирлаб кулиб, унинг қулидан ушлаб, ҳовли айланиб, бекинмачоқ уйнади. Бир пайт раис келиб қолди. Ёдгор дадасини таниб, югуриб бориб, қулидан ушлаб ичкарига тортди.

Аҳмаджон ака чунтагидан конфет чиқариб қизаловига бердию:

— Мен далага боряпман, бошқа маҳал келаман, — деди ва бола орқасида турган Ёқут билан куришиб, ҳол-аҳвол сўраб изига қайтди.

Ҳамро хола уларни айвондан кузатиб, иккиси ҳам бева, иккиси ҳам ҳоксор кишилар, бирга яшасалар булмасмикин, деб уйлади. «Лекин, раиснинг ёши Ёқутникидан анча катта. Жувон тегармикин?» деган хаёл кунглидан утди.

Ҳамро хола уларни уйлайдиган булиб қолди. Ёқут Султондан ажралгандан кейин бир йилдан купроқ бева яшади, уни уқитувчилар укситиб қуйишмади. Ҳамма ҳурмат қилар, «домла» ёки «опа» деб чақирар эди. Аҳмаджон ака эса Ёқутни курганда вафот этган ёстиқдоши Азизасини эсларди.

Ҳамро хола бир куни Ёқутникига меҳмонга келиб, уша кечаси ётиб қолди. У Аҳмаджонни чақалоқлигидан буён билишини, илгариги хотини Азиза уқитувчи эканини, Аҳмаджоннинг узи ҳам илгари уқитувчи булганлигини айтиб, суҳбат пировардида «Ёқутхон, сизни мен келин қилмоқчиман, Аҳмаджон укам билан қуша қаришларингни истайман, гапнинг рости Аҳмаджон ҳам сизнинг фикрингизни билишга юборди», деди.

Ёқут нима дейишини билмади. Ҳамро холанинг кўксига бошини қўйиб йиғлади. Уз умр йулини, Султоннинг бевафолигини айтиб фарёд уриб йиғлади. Ҳамро хола уни йиғига қўйиб берди, «кунгли зардобга тулган, бушатсин» деди.

Ҳамро хола эрталаб Ёқутнинг розилигини олиб, Аҳмаджоннинг уйига югурди. Куп утмай колхозда катта туй булиб, Ёқут Аҳмаджон билан бир ёстиққа бош қуйди. Ёқут Аҳмаджон билан етти йил тотув турмуш кечирди. Эри ишлаётган колхоз республиканинг энг олдинги колхозларидан бири булиб келди. Ёқут ишлаётган мактаб ҳам намунавий мактабга айланди.

Лекин бахт билан бахтсизлик ёнма-ён булиши мумкин, деганларидай кутилмаган вақтда уларнинг оиласига катта бахтсизлик келди. Аҳмаджон ака машина авариясига йулиқиб, чулоқ булиб қолди. Узоқ вақт касалхонада ётди. Касалхонадан чиққандан кейин ҳам врачлар уни санаторийга, дам олиш уйларига тез-тез жунатадиган булиб қолдилар. Колхозчилар Аҳмаджон аканинг оғир аҳволини ҳисобга олиб, раисликдан бушаш ҳақидаги аризасига рози бўдилар. Боғ бригадасига бригадир қилиб тайинладилар. У боғ бригадасида ҳам узоқ ишлолмади. Заҳда юрса оёғи зирқираб оғрийдиган булиб қолди.

— Шаҳарга кучиб кетсак, у ерда докторларга қара-тиб юрсангиз қандай бўлади? — маслаҳат берди Ёқут бир куни эрига.

— Сенга қийин бўлмайдами, мен шаҳарда нима қиламан, ўзинг биласан, даласиз, экинсиз туролмайман.

Ёқут эрига меҳрибонлик билан жавоб қайтарди:

— Сизга лойиқ бирор иш топилиб қолар шаҳарда. Мен булсам дарс бераман. Аспирантурада ўқийман. Ёдгорни эса у ерда ўқитамиз.

Аҳмаджон ака оиласи билан шаҳарга кучиб келди.

Ёқут урта мактабга ишга жойлашди. Аспирантурага ҳужжатларини топширди. Вилоят ижроия қўмитаси раиси Аҳмаджон акани ўз аппаратига ишга олди. Унинг иши районлардан келадиган аризаларни ўқиб, тегишли жойларга юборишдан ва у хатларнинг натижаларини аниқлаб, ўз эгаларига қайтаришдан иборат эди...

Мана бугун Ёқут трамвайдан тушиб, автобус тухташ жойига бораётганда биринчи эри Султонни учра-тиб, у билан суҳбатлашиб ўтирибди.

Анҳор сувлари шовиллаб, тўлқин отиб утмоқда. Султон сарғайиб, дарахтдан узилиб тушган барглари олиб сувга оқизарди. Ичига тўлган, юрагини тимдалаётган дардини айтгани келганди у. Қандай бўлмасин Ёқутнинг юрагига йўл топишни изларди. Ахир у бир вақтлар Ёқутни жонидан ҳам зиёда кўрарди. Уни еру кукка ишонмасди. Ёқут ҳам кўз очиб кўрган ёрини — Султонни йигитларнинг султонни деб биларди. Усиз ўз ҳаётини, умрини тасаввур қилолмасди. Султонни қизлардан қизғанар, йигитлар орасидан олиб қочарди. Лекин у бу йўлда ожизлик қилди. Султон ноҳуя улфатчиликдан қўлини

тортмади. Ёқутдан ажралиб, Ҳасанчанинг қайин-синглисига уйланди. У жувон касалга чалиниб улиб кетди. Болалари турмади.

— Ёқут бирга булайлик, — ялиниб, ярашишни таклиф этди Султон. — Мана ҳозир қора кийинган бир жувон бизларга термулиб ёнимиздан утиб кетди. Бизларни тенгуқурлар экан деб, балки ўз севгилисининг азиз хотирасини ўйлаб кетаётгандир. Мен оёғингизга бош уриб келдим.

Ёқут урнидан туриб:

— Бу мумкин эмас, синган кўнгил, синган коса эмас, уни қадоқлаб тузатиб бўлмайди. Қолаверса мен ёлғиз эмасман, — деди-да олдинга қараб дадил қадам босди.

Султон ҳам унинг изидан юрди. Трамвай келгандан кейин унинг сояси йўқолди. Ёқут эса ўз уйига элтадиган автобусга интилди.

1965 й.

Ч А К М О Н

— Қодиржон болам, омонмисан, чакмон муборак, — деди ёнма-ён икки яшил утовга ухшаган қўш сада орасидаги супада ҳассасига суяниб утирган қария.

— Раҳмат ота, ўзингиз бардаммисиз? — отдан сакраб тушиб, қўл узатиб кўришиб, ҳол сўради йигит.

Қўш садага чумчуқ галаси келиб кўнди. Қўшлар бозори бошланди. Қодиржон икки букиб, тиззасига қўйиб утирган қамчининг тўқилган чарм учи билан қирғиз қалпоғининг бир учини юқори кўтариб, тепага қўш боқиши билан қаради. Ота ҳам чумчуқларга қараб, Қодиржонга деди:

— Завқли йигитсан, болалигингни эслаб кетдинг шекилли. Файратинг селдек, қўйиб берса қўшдек учсанг. Қанотинг ўзинг билан. Ҳа, болам, ҳолимни сўрадинг. Шукур бир нави дурустман. Тунов куни мажлис бўлибди, хабарим бор эди, боролмадим. Кексалик, болам. Аммо лекин раис сенга чакмон кийдирганини эшитиб кўп хурсанд бўлдим-да. Ҳар куни чиқиб, шу ерда утиришим бор. Сени қураманми дейман. Мана кўрдим, хурсандман энди, — чол кўкрагига тушиб турган қалин ва оппоқ соқолини силкитиб, чупонга мамнун қаради.

Қушлар гув этиб осмонга кутарилди-да давра ясаб, адир томонга учиб кетди. Қодиржон қушлар учган томонга қараб, югани қўйвориб деди:

— Саксон ота, қутловингиз учун раҳмат. Сирасини айтганда булар сизники. Сиз биз чўпонларнинг отахонисиз-да. Сийлов, ҳа, сизники.

От депсинди. Ота отга қаради. От урнидан жилмай бошини қимирлатиб, сулиқ чайнаб турарди. Ота отга ҳавас билан қараб, Қодиржонга утирилди.

— У гапларни қўй болам, ҳамма ўз даврида келади. Дуруст, бир вақтлар сенинг отангни ҳам, кейин сени ўзингни ҳам хўп уришиб, қўлингга таёқ бериб, қўйлар кетидан етаклаб юриб, чўпон қилганман. Аммо-лекин эллик йил қўй боқиб, сендақа иш қилганим йўқ-да, болам. Юрт йиғинида чўпоннинг елкасига раиснинг беш қўйга баробар турадиган чакмонни ташлаши ҳазил гап эмас. Умрингдан барака топ, азамат.

Қодиржоннинг қотма, қорамтир юзида тер томчилари пайдо бўлди. У ота сузидан уялиб, қизариб турарди. Купни курган кекса чўпоннинг қутлови Қодиржон учун ҳамма нарсадан қимматли эди. Қишлоқда кўп чўпонлар утган. Лекин уларнинг куплари Саксон отадан бирор сўз эшитмай утиб кетганлар. Қишлоқ молига, қишлоқ чорвасига чўпон танлашда юрт катталари албатта отага маслаҳат ташлайдилар. Қодиржон отанинг кенжа шогирдларидан.

— Ота сизни яйловга олиб кетай, қимиз ичиб, тоғ ҳавосида дам олиб қайтасиз. Машинамиз бор, қийналмайсиз. Яна келтириб қўямиз.

Ота қир томонга бошини кутариб қараб лабини қимтиб қўйди. Хира кўзларини қуёш яллуғидан беркитиб, ерга қаради. Ҳасса дастасига икки қўлини қўйиб, сўнг уни кўксига тиргович қилиб оҳиста гапирди:

— Саксонга кирган Саксоннинг белидан қувват, кузидан нур кетган. Уринсам бўлмайди. Ҳимматингга балли. Уйлансанг тўйларингга бораман, омон бўл, болам.

— Хайр ота, — отининг юганини ушлади Қодиржон, — бўлмаса менга руҳсат беринг. Тоққа кетялман. Лекин ота унамаяпсиз. Бир айланиб келсангиз буларди-да. Хайр, майли аммо уйлансам, тўйнинг тури сизники. Сиз фотиҳа бермасангиз, чимилдиққа кирмайман.

Саксон отанинг соқоли яна силкиниб кетди, ажин босган юзларида табассум пайдо бўлди. Сийрак оқ туклари остидаги хорғин кузлари нурланди. Этсиз, бужмайган лаблари қимирлаб, тишсиз оғзини сал очиб, тамшаниб қўйди.

— Оббо сен-ей, қаттиқ шарт қўйдинг. Буни қуда томонлар эшитмасин.

— Эшитса нима қипти.

— Биласанми болам, мени курортга юбориб, тетик юришимни ташвишига тушиб қолардилар.

Қодиржон қотиб кулди:

— Ота ҳали сиз қирчиллама йигитдайсиз. Саксондан ошиб, туқсонда туқнашиб, юзда юз қуришамиз. Уғил кўрсам унинг тўйида ҳам ўзингиз бош бўласиз.

— Айтганинг келсин, болам. Лекин эҳтиёт бул. Юрт мулкининг қуриқчисисан. Элнинг ишончи — умр қувончи.

— Раҳмат отахон, насиҳатингизни унутмайман. Хайр.

Қодиржон отга минди. Қуш сада йулидан жийрон от адир томонга тез юриб кетди. Қодиржон Саксон отани ўйлаб кетарди.

Саксон ота колхоз тузилган йилларда юртда ўз мардлиги билан ном чиқарган машҳур чўпон бўлган. У бурун Парпи пакана деган бойнинг қўйларини боқиб келган. Уша даврда яйловда унга бўрилар ҳужум қилади. Уч бурини ўлдириб, ўзи омон қолади. Бу хабар бойга етади. Бой эса бўрилар чанг солган қўйларни сўйиб, қишлоққа келтиришни буюради. Яраланиб, азоб чекиб ётган Саксон чўпонга ёрдам кўрсатишни эса хаёлига ҳам келтирмайди. Шунда тоғларда доривор ўтларни йиғиб юрган бир табиб чол бетоб Саксонни қуриб қолади. Уни даволаб, оёққа турғзади. Саксон уша табиб чол билан ота-бола тутинади, унга куёв бўлади. Саксон отанинг ҳозир ҳаёт бўлган кампири уша табибнинг қизи дейишади.

Парпи пакананинг қўйлари нима бўлди денг? Саксон оёққа туриб, шифо топгандан кейин ҳамма қўйларни ҳайдаб, ҳалиги табиб чолнинг орқасидан кетаверибди. Табиб «болам, нимага менинг орқамдан келаяпсан» деса, Саксон бундай жавоб берибди: «Бу қўйлар энди сизники, ҳаммасини ўзим боқиб кўпайтирганман. Бой хунимга ташна экан. Энди қура-диганини кўради, мендан...»

Табиб чол эшагини тухтатиб, Саксонга маслаҳат берибди:

— Бу молларни сен купайтирган бўлсанг, уни юртга топшир. Яқинда сизларнинг қишлоғингизда ҳам колхоз тузилади. Ана шу колхоз йигини бўлса, бориб: «Менинг колхозга совгам ана шу» десанг, элу юртга улуг иш қилган буласан, болам. Бундан катта савоб иш бўлмайди дунёда.

— Мен қишлоққа борсам қўйлар кимга қолади? — Саксон бошини ерга эгиб гапирди.

— Колхоз тузиладиган бўлса мен узим келиб, бирикки кун бу ерда дориворлар йигиб, қўйингга қараб тураман.

— Бупти отахон.

Кўп ўтмай колхоз тузилибди. Табиб ота бир куни эшагини етаклаб келиб қолибди. Ёнида ёши ўн олти — ўн еттилардаги жуда чиройли қизи ҳам келибди, Саксон пешвоз чиқиб, салом берибди.

— Келинг отахон.

— Яхшимисиз болам. Мана мен ваъдамга мувофиқ келдим. Қишлоғингизда энди колхоз тузилди. Сен қишлоққа бориб колхозга кириб келасан.

Саксон ўйланиб қолади.

— Нимага ер қизиб қолдинг болам? — Чол хавотирланиб сўради. Шу пайтда қизи хуржун кўзидан қумгонни олиб, чой қайнатишга кетганди. Анча нарига бориб ердан чўп хашак тераётиб Саксонга қарайди. Саксон эса «ер остидан пари қиз лола бўлиб униб чиқди-ёв», деб ўйларди.

— Биласизми, ота, — деди қирга ёйилган қўйларга қараб Саксон, — колхоз тузиладиган бўлса, Парпи пакана одамлари билан бугун эрта бу ерга етиб келади. Қўйларни ё сотиб юборади, ё йўқ қилади.

— Нима қилиш керак бўлмаса, болам? — дейди чол анча нарида кетган қизалоғининг изидан қараб.

— Сиз қаерда турасиз отахон? — Саксон сездирмай қиз томонга кўз ташлаб сўради.

— Менми, мен Лангар қишлоғиданман, нимаиди?

— Бўлмаса қизингизни чақиринг. Уша ёққа кетдик.

Табиб чол довдираб қолди.

— Ота, нега бир жойда туриб қолдингиз. Қизингизни чақиринг, вақт кетмасин.

Саксон чўпон бедарак кетиб, Парпи бойнинг қўйларини нобуд қилмай колхозга топширганлиги бу-

тун юртга овоза бўлди. Уша-уша Саксон қарийб қирк йилдан бери чупонлар сардори.

Бугун уша Саксон ота эса Қодир чупоннинг йулини пойлаб утирибди. Уни кўриб хурсанд бўлиб гапирди, табриклади. Қодиржон бир вақтлар Саксон ота қўй боққан яйловга бормоқда эди. Уша ерда мол боқади. Қодиржон Саксон отани ва чакмонни эслаб кетди. Чакмонни буклаб эгар устига ташлаган. Жийрон йўргалаб, пилдираб тоғлар қучоғига интилади.

Қодиржон чакмоннинг нимага мукофотга берилганини билмай катталар шунчаки ҳиммат этишди-да деб қўйди.

Лекин Қодиржон кўрсатган мардлик ҳар қанча мақтовга арзигулик эди. Воқеа бундай бўлганди:

Қиш чилласи эди. Қодиржон қўрада хашак қолмаганидан кейин қўйларни икки тоғ оралиғидаги сойликка ҳайдайди. Колхоз қўйлари у ерда уч кун утлади. Хашаклар тамом бўлганидан кейин қўйлар аста ер тимирскилаб сой бўйлаб юқорилаб кетаверди.

Туртинчи кун эрталаб қалин қор ёға бошлади. Қодиржон қўйларни камарга ҳайдади. Қор кечгача ёғди. Қўйлар камарда қамалиб қолди. Эрталаб қор яна ёғди. Камардан чиқиб бўлмади. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, қор қалинлиги одам бўйига етиб қолди. Қўйлар ялангликка чиқишга ҳаракат қилишди. Лекин қорга ботиб қолаверди. Қодиржон қорга ботиб қолган қўйларни тортиб олиб, камарга қайтариб қўйишдан бўшамади. Қўйлар оч қолиб, дилни эзиб маърар эди. Доим Қодиржоннинг ёнида юрадиган икки бўрибосар олапари ҳам камардан чиқмай қўйди. Қодиржоннинг юраги эзилиб кетди. Нима қилишини билмайди. Узи ҳам қор остидан чиқолмай қолди.

Кундузи бир нави, қўйларни кузатиб, қараб туришнинг иложи бор. Лекин кечаси қийин бўлди. Қодиржон мижжа қоқмай чиқди. Вақт ярим кечага борганда, сойнинг нариги томонидаги камарларда митти чироқлар ёнгандай бўлди. У чироқлар бир жойда турмай у ёқ-бу ёққа юриб турарди. Азонга яқин уша ёқдан бўрилар овози эшитилди. Тонг отганда овозлар учди, чироқлар ғойиб бўлди. Оларпарлар уша ёққа бош кўтариб бир-икки вовиллаб қўйди.

Шу хилда яна икки кун утди. Қодиржон камарда ёзда сой тулқини оқизиб келиб ташлаб кетган калтак — хашакларни йигиб, гулхан ёқди. Гулхан анчагача ёнди. Бир маҳал сой тепасидан, кимнингдир овози

эшитилди. Қодиржон беш-олти қадам келадиган жойда йулак очиб сой тепасига қараб овоз чиқарди, узини билдирди.

Тепادا ферма мудирини Мурод ака турарди.

— Омонмисан, қўйлар омонми? Қандай қилиб келиб қолдинг бу ерларга? — қичқирди Мурод ака.

— Қўйларни утлатишга чиқарган эдим. Қор ёғиб қолди. Энди чиқаришнинг иложи йўқ.

— Қодиржон, дадил бул. Сенга кийим-бош келтирамиз. Хашак келтириб тепадан ташлаймиз. Кейин бульдозер келтириб, йўлни очиб олиб кетамиз. Ушла!

Тепадан ташланган қоп ерга — қор устига туپ этиб тушди. Унда яхна гушт, нон, консерва бор эди.

Қодиржон кечаси камарга елкасини қўйиб мизғиб олди. Қўйлар дилдираб, бир-бирларига суяниб, маърайди. Қодиржоннинг елка ва тиззаларига тумшукларини суркаб, тимискиланади. Машаққатли тун ўтди. Эрталаб тепадан пичан ғарамлари думалаб ағдарилди. Қўйлар камардан чиқиб, қорга ботишларига қарамай узларини ғарамга ташлашди. Кейин курпа-ёстиқ, озиқ-овқат тушди. Шу алпозда бир ҳафта ўтди.

Бир кун эрталаб трактор овози эшитилди. Кечқурун бульдозер қор уюмларини том буйидай баланд кутариб, четга суриб, камарга етиб келди.

Вақт ярим кечага бориб қолди. Бульдозерчи Умарали гулхан ёқди. Эрталаб бульдозер яна йўлни қордан тозалаб, қўйларни орқасидан эргаштирди.

Сой тепасида ферма мудирини, раис, фирқа қотиби туришарди. Колхоз қўйлари уларнинг ёнидан судралиб, бир-бирига сурканиб ўтди. Охири Қодиржон кўринди.

Раис Қодиржонни ўз машинасига ўтказиб, қишлоққа олиб кетди.

Қодиржон уч кун касалхонада ётганидан кейин идорага келди. Идора клубида бутун қишлоқ аҳли йиғилган эди. Раис одамлар олдида Қодиржоннинг елкасига қимматбаҳо чакмон ёпиб: «Иним, ҳаммавақт танинг иссиқ бўлсин деб ана шу чакмонни юрт номидан сенга кийдирдим», деди.

Одамлар Қодиржонга раҳмат айтиб, уни колхоз мукофоти билан чин дилдан қўтладилар.

Қодиржон адиб оралаб борар экан, ана шу унутилмас йиғин ва қўш сада тагида унга раҳмат айтган кекса чўпонни — Саксон отанинг илиқ сўзларини уйлаб борарди.

1969 й.

Оқшом эди. Изғирин изғиб, асфальтда яхмалак уйнарди. Пардавой билан кучага чиқдим. Кунгил пича дам олиб қайтишни истарди. Пардавой қулоқчинининг икки қулогидан маҳкам ушлаб, иягига қаттиқ тортди. Қулоқчин чоклари шитирлаб, сергушт юзини беркитди. Оғайним пальтосининг ёқасини кутариб, қўлини енги орасига беркитиб, менга қаради. Бу унинг қаёққа юрайлик дегани эди.

Чиндан ҳам бирор ёққа бориб дам олиш учун кучага чиққан эдик. Клубгами ё чойхонагами? Клубда бугун кино бўлмади. Чойхонага эса нима учундир кунгил тортмай турибди.

— Дуконга борайлик. Бир пас ўтириб қайтамыз, — деди Пардавой. Оғзидан бир ҳовуч буғ буралиб ҳавога кутарилди.

— Бормаймиз. Каримбой банддир. Кирди-чиқди жойда нима қиламыз, — дедим.

— Кеч бўлди, ҳозир харидор кам булади. Юравер оғайни, пича чақчақлашиб қайтамыз, — Пардавой елкамни қўли билан туртди. Қалқиб йўлга тушдим.

Кутганимиздай, магазин очиқ, ҳеч ким йўқ экан. Пештахта устида ёнма-ён турган ширинлик қутиларининг орқасидан Каримбойнинг қирилган, озгин боши куринди.

— Келинлар, қани ўтиринлар, бола-чақаларинг омонми? — Каримбой бизлардан ҳол-аҳвол сураб, иккита табуреткани пештахта остидан олиб бизларга узатди. Пардавой табуреткани дўқ этиб ерга қўйиб, яхшилаб ўтириб олиб, Каримбойга илжайиб имо қилди. Каримбой индамай ичкарига кириб кетди. Кейин у ердан бир қўлида чойнак, бир қўлида пиёла билан қайтди.

— Пардавой, илтимосингга кўра, совуқ чой келтирдим, марҳамат, — деди дукон мудири. Чойнакни пештахта устига қўйиб, муғомбирона илжайди.

Пардавой чойнакнинг қопқоғини очиб, ичига қаради. Сўнг, «раҳмат оғайни, ишингга ривож берсин», дегандай жилмайиб, — энди конфетдан юз грамм ол, — деди.

Каримбой бир сиқим конфетни тарозига қўйиб уни олдимизга ташлади.

— Баракалла оғайни, — Пардавой томоғини қириб чойнакни қўлга олди. Пиёлага арақ қўйди. Олдин

Пардавой менинг соғлигимга кутарди. Сунг узининг соғлиги учун қадаҳ сипқаришимни айтди, қулидаги қадаҳни — лиммо-лим пиёлани кафтида тутиб узатди. Дустимнинг соғлиги учун пиёлани бушатдим. Навбат Каримбойга келди. У, узр сўради, ҳамма ички аъзолари гингшиб турганини айтиб, пиёлани кунгил учун ҳам лабига босмади. Ярим соатда яримтани қотириб, дуконнинг хужайини булиб қолдик. Пардавой кўзи арақда бўлса, менинг кўзим конфетда.

Пардавой яна томоғини қирди: «Каримбой яримтанг ҳеч нарса бўлмади, яна биттасини ол» деб чўнтагини пайпаслаб, ундан ўн сўмлик чиқариб, дукон мудирига узатди.

Каримбой пулни олиб, ичилган арақ билан столга қуйилган конфетга пул олиб, қолганини қайтариб берди.

— Бас, купи зиён дўстларим, — деди мулойимлик билан Каримбой.

Менинг қизиб турган қоним, қайнаб кетди: «Унга бермасанг, менга бер, ол яримтани» деб ёнимдан беш сўм чиқариб бердим.

— Сени пулинг керак эмас, оёқда мадор қолмагунча ичишнинг нима кераги бор. Мен чойнакни чайқаб, энди аччиқ чой дамлаб келтираман, — деди Каримбой урнидан кўзгалиб.

Мен унинг енгидан ушлаб, чойнакни қулидан олдим ва пештахтани курсатдим. «Ҳов анави оқчойлардан келтир» — дедим.

— Бас дедимми, бас. Энди кеч бўлди, эртага, дўстлар. Мен магазинни ёпмоқчиман, — деди Каримбой.

— Дуконни ёпмайсан. Ёпиб ҳам кўр. Дукон ким учун. Биз қўллари қадоқ, коржомаси мой заҳматкашлар учун. Биримиз тракторнинг тагидан, иккинчимиз молхона балчиғидан келяпмиз. Гапни кўпайтирмай ол ароғингдан. Буларни кўриш учун эмас, сотиш учун келтирилган! — дедим.

Магазинни эшиги қимирлагандай бўлди. Лекин ташқаридан ҳеч ким кирмади.

Каримбой урнидан ғоз туриб, кўзларимизга тик қаради. У бизнинг тенгдош дўстимиз, ёшликдан бирга катта бўлган кадрдон ҳамқишлоғимиз эди. Туйимизда ҳам, азамизда ҳам бош-қош буладиган дўстларимиздан бири эди. Ҳозир сал ранги узгариб, бизга газаб билан қараб қолди. Сунг бақирди:

— Ёпсам нима қилардиларинг?

Шу вақт эшик яна тик этди, ташқаридан йўтал овози эшитилди. Сунг: «Салом йигитлар!» деган овоз эшитилди.

Утирилиб қарадик. Нурмат ота эканлар. Ҳаммамиз урнимиздан қалқиб, туртиниб, беухшов илжайиш билан бараварига салом бердик. Бундан уттиз йил илгари бошланғич синфда ўқиганимизда мен, Пардавой, Каримбой ҳаммадан олдин ва баланд овоз билан шу домлага салом берардик.

Домла уша дамларни эсладими, кулиб қўйди ва пештахтага яқин келди. Каримбой табуреткани суриб, домлани унга таклиф қилди.

Пардавой урнидан турди. Хуроздай қизариб, бешиктерватардай тебраниб, Каримбойга имо қилди. «Яримгани энди ол, домла билан ичамиз», деди. Нурмат домла бошини сарак-сарак қилиб, «имо-ишорани қўйинглар, Каримбой болам, менга битта сигарет билан битта гугурт бер» деди ва айтганларини олиб, мен билан Пардавойга қаради.

— Қани юринглар болаларим, мени кузатиб қўйинглар, йўллар музлаб, юриш қийинлашиб қолибди. Қоқилиб, йиқилиб юрмай тагин.

Домланинг бир тирсагидан мен, бир тирсагидан Пардавой ушлаб, ташқарига чиқдик. Кучада кета туриб, Пардавой яхга тойилиб, нураб кетди. Уни домла ушлаб қолди. Сал юргандан кейин мен қийшайдим. Мени ҳам домла ушлаб қолди.

Икки тавақалик эшик олдида тўхтадик. Домла билан хайрлашмоқчи бўлдик. Домла уйига таклиф этди. Биз ичкарига кирдик. Чуян печка гувиллаб қизиб турибди. Нариги хонадан Гулнор ая чиқиб, бизлар билан куришиб, чой, қанд-курс келтириб қўйиб кетди. Мен атрофга қараб утирдим. Уйнинг ҳамма жавонлари лиқ тула китоблар. Стол устиларида ҳам китоблар уйилиб ётибди. Пиёлани столга қўйиб, Абу Али ибн Синонинг катта бир китобини қўлимга олиб варақлай бошладим.

— Ҳаким булган, кўп ўқиган буюк ватандошларимиздан, — деди домла.

Пардавой ҳомиза тортди. Домла унга ёмон қараш қилди. Лекин ҳеч нарса демади. Кейин бир хўплам чой қўйиб ичиб: «Ўқишда гап кўп, болаларим,» — деди.

Бир чойнак чойни ичиб урнимиздан турмоқчи бўлдик. Домла: «Китоб ўқийсизларми, сизларга қандай

китоблар берай?» — деди. Мен «Абу Али ибн Сино» ва «Ўзбек халқ мақоллари» китобларини олдим. Пардавой жўжалар расми солинган китобчани қўлтиққа қисиб олди.

— Ана шуни оламан бошланғичига, домла, — деди кўзини ишқалаб, у яна ҳомиза тортди, катта очилган оғзини қўлидаги «жўжалар» билан беркитди.

Домла Пардавой қўлтиғидаги китобчага қараб бир нима демоқчи бўлди, лекин энсаси қотиб, индамади.

Хонадон эгаларига чой ва китоблар учун раҳмат айтиб, ташқарига чиқдик.

Уйга келиб, кайфим тарқади. Нима учундир домланинг оппоқ соқоли кўзим олдида ҳилпиллаб тураверди. Уни уйласам Ибн Сино, Навоий, Умар Хайём, Низомий, Абай, Пушкин ҳаёлимга келадиган ва улар ҳам оппоқ соқоли муйсафидлар бўлиб қуринадиган бўлиб қолди.

Ун кундан кейин Ибн Сино китобини домлага элтиб бердим. Домла уйида бетоб ётган экан. Домлани ёши етмишдан ошган. Икки азамат ўғли фронтда ҳалок бўлган. Битта турмушга чиққан қизи бор. Хотини Гулнор ая ҳам куч-қувватдан кетган. Бир кун тузук бўлса, бир кун касал. Эру хотин бир вақтлар бизни ўқитган талабчан, зўр муаллимлардан эди. Энди уларни нафақадаги домлалар дейишади ҳамма.

Домла инқиллаб урнидан турди, мени диванга утказиб, муштдай чойнакда чой келтирди. Икки қўлтум чой қўйиб менга узатди ва олиб кетган китоблардан олган таассуротларимни сўради. Мен Ибн Сино китобининг ундан бир қисмини зўрға ўқиб, уни олиб келган эдим. Меъда айниш, қайт қилиш ва уларни даволаш ҳақидаги ҳақим сўзларини айтдим, охирида тугилиб, дудуқланиб қолдим. Домланинг инқиллаши йўқолди, жаҳли чиқди шекилли, бир вақтлардагидек менинг хатоларимни тузатиб, китобнинг шифо бобини бутун мазмунини қисқача, лекин жонли сўзлаб берди. Ҳайрон қолдим. «Қандай билимдон киши» дедим ичимда.

— Мен уйимда кутубхона очмоқчиман. Чолу кампир кутубхоначилик вазифасини утамоқчимиз, — деди домла жавонлардаги китобларни кўздан кечириб. Гулнор ая ҳам ичкаридаги уйдан чиқиб, эшик кесакисига суяниб, гапимизни мамнун кайфиятда эшитиб турарди. Домла хотинига кулиб қаради ва яна ўзи чой дамлаб келди. Домла тетиклашиб кетди, рангига қон югургандек бўлди.

— Колхоз бунинг учун маош тулаб турадимми? — деб сурадим ҳайрон қолиб.

— Йуқ, болам, — деди домла, сунг яна сузини давом эттирди, — олган нафақа пулимиз етиб ортади, жамоатчилик асосида ишламоқчимиз, бу фикрга нима дейсан?

— Зур гап, — дедим. — Лекин қийналиб қолмайсизларми? Қишлоқда икки мингдан ортиқ аҳоли бор. Шунинг ярмиси сизнинг остонангизни босиб утадиган булишади.

— Эшигимиз очиқ, кўнглимиз очиқ. Келсалар, нур устига нур бўлади. Чарчаб қолсак, сизларни ёрдамга қақирамиз.

Мен домладан «Қутлуг қон» билан «Чин инсон қиссаси»ни олиб қайтдим. Нима учундир Пардавойни кўргим келди. Йулимни узгартириб, уникага кирдим. Эшигини тақиллатдим. Эшикни хотини очди. Оғайнимни сурадим. «Дам олиб етибдилар», деди у. Изимга қайтдим. Эртасига унинг уйига яна бордим. Стол устида қовурма гушт билан яримта ароқ турибди. Пардавой сурашиб, столдаги ароққа имлади. Мен ароқни қулимга олиб токчага қўйдим.

— Менга бер, ҳазилингни қўй, — деди Пардавой қулини чузиб.

— Ҳазили йуқ, мен ичмайман, — дедим.

— Ичмасанг нега келдинг? — деди у ушқириб.

— Сен домладан олган китобни олишга келдим, — дедим жаҳлим чиқиб.

Пардавой полда варақлари очилиб ётган китобчани энгашиб қулига олди ва: «Мана, ол, «жужулар»ни нима қиласан!» — деди. Унинг овози муз ялаб утгандай дўриллаб эшитилди.

— Пишириб ейман, — дедим.

Пардавой пишқириб бориб ароқни токчадан олди, пиёлага қулт-қулт қўйди, кейин менга тутди. Мен зарб билан урнимдан туриб, хайрлашмай ташқарига чиқдим. Ибн Сино ароқнинг инсонга зарари ҳақида насиҳат қилаётгандай туйилди. Мен Нурмат домла уйига қараб йул олдим.

Домланинг эшиги очиқ эди. Ичкарига кирдим. Уйда ун чокли одам бор эди. Бир туп мактаб болалари. Улар китоб танлаяптилар. Нариди Холжон хола боқчадаги набирасига ўқиб бериш учун эртақ китоб сураб келибди. Дукончи Каримбой ҳам шу ерда. У савдо-сотикқа оид китоб билан қизиқяпти.

Домла мени кўрмади. У, китоб ахтариш билан овра эди. Мен оппоқ соқолли нуроний домланинг орқасидан бир пас қараб турдим. Хаёлимга бир гап келди. Домлани Нурмат ота деб эмас, балки Нур ота деб чақиргим келди. Чиндан ҳам домланинг юзларидан нур ёғилиб турарди. Домланинг кузи менга тушди. Мен отага таъзим қилиб, салом бердим.

1968 й.

ҲАМҚИШЛОҚЛАР

Мен дам олишнинг сўнгги ҳафтасини туғилиб усган уз қишлоғимда утказдим. Қавму-қариндошлар, тенгқур дўстларим орасида бўлдим. Эртага шаҳарга жунайман деб турган вақтимда Карим ака уйга таклиф этди. У қишлоқнинг ҳурматли кишиларидан, машҳур пахтакор, республикада хизмат курсатган агроном. Мен институтда ўқиб юрган Улуғ Ватан урушидан олдинги йилларда у ҳам қишлоқ хўжалик институтида ўқирди, аммо бола-чақалик эди. Шаҳарнинг бир чекасидаги мевазор боғни ижарага олиб, у ерда истиқомат қиларди.

Карим ака уз ҳамқишлоғи бўлган бизларни ҳар дам олиш кунини уйига таклиф қилиб, меҳмон қиларди. Биз эса у турган боғнинг ҳуснига ҳусн қўшиш учун, энг шимариб деҳқончилик ишларига қарашардик. Карим ака бизларни «қулларинг лат еб, қалам ушлолмайдиган бўлиб қолади» деб ишлатгиси келмасди. Узи эса қўлимиздан кетмонни олиб, «ерни ишлаб, ясангириш мана бундай булади», деб миришкорлигини намойиш қиларди. Кейин дам олаётган пайтда «деҳқончиликни эсларингдан чиқарманглар, укаларим», деб насиҳат қиларди. Биз: «Асло, бу — ота касбимиз!» деб жавоб қайтарардик. Шунда у ёйилиб қувонарди. Деҳқончилик Карим акага дунёдаги касбларнинг энг муътабари бўлиб туюларди. Сўхбат чоғида деҳқончиликдан маъруза ўқиб кетарди. У айниқса пахтанинг меҳнати ва роҳати ҳақида кўп ва хўб сўзларди. Юрагини ёзиб олгандан сўнг бизларнинг ҳолу аҳволимизни суриштирарди. Ўқишимиз ҳақида гам-хўрлик қиларди. Биз уни жуда ҳурмат қилардик ва насиҳатларини уз вақтида бажо келтирардик, яхши баҳолар олиб унинг даргоҳига қадам кўярдик.

Мана роса ун беш йилдан кейин яна унинг даргоҳидаман. Лекин бу сафар шаҳарда эмас, унинг уз қишлоғида, ота-бобосидан мерос қолган, колхоз томонидан томорқага берилган каттагина мевазор боғидаман. Боғ уртасида қад кутарган баҳаво, салқин шийпонда болишга суяниб утирибман. Сузга суз қуйилиб, суҳбатимиз ширин утмоқда. Фронтда булганимиз, урушдан кейин у қишлоқда, мен шаҳарда қолиб кетганим, районда пахтачиликнинг аҳволи ва бошқа нарсалар ҳақида гаплашиб утирибмиз.

Карим ака ширинсухан, улфат курган хушчақчақ киши. У билганларини суҳбатдошига айтиб, унинг кунглини хуш этади. Ҳозир ҳам суҳбатимизга сайқал бериб, курган-билган қизиқ воқеаларини тилга олиб, кулдириб утирибди. Мен унинг сузини завқ билан тинглаб, кўринишига разм солиб утирибман. Анча кексайиб қолибди.

Карим аканинг жуда бақувват ва қалин сочи бор эди. Ҳозир сочини устара билан тақир олдирадиган булиб қолибди. Калта, йул-йул гуллик юмшоқ сочиқ билан думалоқ бошини аҳён-аҳёнда артиб қуяди. Бутун юзини қолаб турган соқоли бир-икки кундан бери устара тегмаганиданми, анча ниш уриб, кукариб турибди. Унинг ҳар жой-ҳар жойи худди ун сепгандай оппоқ. Кенг пешонасида ажинлар — қариллик жимжималари пайдо бўлган. Фақат кузлари узгармаган. Катта, уйчан кузлари бирдай меҳрибон боқади. Ярим аср остонасига қадам қўйган Карим ака менга ана шундай бўлиб кўринди. У менга чой узатиб, дастурхон ноз-неъматидан тотиб ўтиришни таклиф этарди. Қирқ даражалик дим иссиқда кунгил нима ҳам тиларди. Чинни вазага тахланиб, дастурхон устига қўйилган чиллаки узумга ўчакишганлигимни кўриб, Карим ака мени боғ айланишга таклиф этди. Мен урнимдан турдим. Беш қадамча юрмасдан шилдираб оқаётган ариқ сувига дуч келдим. Энгашиб, юз-қўлимни ювдим. Худди тоғ қори шу ерда эриб, сув бўлиб оқаётгандек туюлди. Кукрагимни салқин шабада елпиди. Ариқ бўйида ҳар хил атир гуллар очилиб-сочилиб ётибди. Шабада қанотида мушки анбар димоғимга урилди.

Ариқдан хатлаб, ўнг томонга — уй орқасига ўтдик. Анор, анжирзор экан. Ҳосили баргидан кўп.

— Яхши парвариш қилибсиз, — дедим тугмача

анжирларга, қизил карнайча анорларнинг илк ҳосилларига завқ билан қараб.

— Ер фарзанди булганингдан кейин, ишинг шунақа булар экан, укам, — деди Карим ака, сўнг бардам овоз билан таъкидлади, — энди бу ёққа юринг, бундаги бор бойлигимни кўрсатай.

Меваси шовил пишиб ётган гилос, олча, олма дарахтларини томоша қилиб, улардан татиб кўриб, ишқомга ўтдик. Чиллакилар бунда ҳам қалашиб ётибди. Яна анча юрдик, буш ер қолмабди. Ҳамма ерда дарахту кўчат. Айланиб дарвоза олдига келиб қолибмиз. Бир томонда оғил — унда говмиш сигир юмшоқ пичан устида қовш қайтариб ётибди. Бир томонда гараж — унда янги зангори «Волга» савлат тукиб турибди. Машина сиртига тушиб турган қуёш парчаси кўзимни олди.

— Машинани яқинда олдингизми? — деб сўрадим.

— Ҳа, укам, менга унвон беришиб, пойтахтга борганимда мана шу «Волга»га кўзим тушиб қолди. Сотиб олиб, миниб келавердим. Пулим етмай қолувди, пойтахтдаги дуслардан қарз олдим. Мана энди қарзлар узилиб, «Волга» ёнга қолди. Мен от миниб, дала кезаман. Бунда жиянинг Аҳмаджон юради. Ушанга деб олганман. Жуда чаққон ҳайдайди. Қишлоқда битта менда бор. Раисда «Газик», бошқаларда эса «Москвич»лар...

Аҳмаджон Карим аканинг яккаю-ягона фарзанди. Уни еру-қўкка ишонмайди. Мен Аҳмаджонни уч-тўрт ёшлик чоғида кўрганман. Ҳозир азамат йигит бўлиб қолган.

— Қачон келади, кўролмасдан кетадиганга ўхшайман, — дедим.

«Волга»нинг сиртини силаб, Карим ака менга жилмайди.

— Уғлимни кўриб кетмайсизми. Мен унга одам юбордим. Уртоқлариникида зиёфатда эди. Айтмоқчи, уни кўриб кетишингиз шарт.

— Менга хизмат борми? — деб сўрадим гапнинг маъносига тушунмай.

Карим ака шийпонга йўл бошлаб, бироз юргандан кейин жавоб қайтарди:

— Укагинам, энди уғлимдан бошқа сизга кўрсатадиган нарсам қолмади. Палов дам егандир, қани, шийпонга марҳамат!

Карим ака ҳалиги гапини чала қолдирди.

— Анави иморатни курсатмадингиз-ку, — дедим ҳовли этагида қурилаётган икки хоналик, уртаси айвон бинони курсатиб.

— Яхши ният билан жиянингизга қуряпман. Мана урта мактабни битирди, ун саккизга қадам қўйди. Йигит кишининг бошида уйланиш деган гап бор. Отананинг иши — фарзанд ташвиши экан.

Шийпонга қайтдик. Карим аканинг умр йулдоши Норгул опа бир лаган ош сузиб, бизни дастурхонга таклиф этди.

Ош пировард булиб навбат чойга келганда эшикни зарб билан очиб, Аҳмаджон кириб келди. Мен уни дарров танидим. Лекин у мен билан қуришиб, танимагандай юз-қузимга тикилиб қолди.

— Нормат акани танимаяпсанми?

— Танидим. Қани бошқачасига қуришайлик Нормат ака, қариндошчасига қучоқлашиб, — деди Аҳмаджон.

Қуришар эканман унинг оғзидан димоғимга гул этиб ароқ ҳиди урилди.

Мен уни ёнимга ўтқаздим. Урта мактабни битирган бола дўстлари билан хурсандчиликка ичишгандирда, деб бу ҳолатга эътибор бермадим.

Аҳмаджон ичганиданми, ёки одатими, куп гапирарди. Тошкентдаги, Москвадаги институтларни бирма-бир санаб, қайси бирига киришга ҳайрон эканлигини сузларди.

— Киши бир институтни танлайди, сен қайси институтга кирмоқчисан? Ё отанга ухшаб агроном бўлмоқчимисан? — деб сурадим.

— Менми? Йўқ! — деди у дадаси қулидаги гулдор сочиқни олиб пешонасини қаттиқ артар экан. Сунг беухшов гулдиради:

— Политехника институтининг механика... ҳа, уша факультетига!

— Яхши касб, механик-инженер булар экансан-да, иним, — дедим унинг яхши ниятидан хурсанд булиб.

— Бу киши «Волга»ни олиб, шу касбни танлаб қолдилар. Келажак машина билан обод бўлади. Булар ҳам шу йулда хизмат қилмоқчилар, — деди Карим ака, кўзи қизарган ўғлига аччиқ кук чой узатар экан.

— Мен конструктор бўламан, мени ўқишга киришимга ёрдам берасиз, тоға, — деди яна Аҳмаджон беухшов жилмайиб.

— Узинг бардаммисан, — дедим унинг тайёргарлигини билмоқчи бўлиб.

— Михдайман, — деди Аҳмаджон саволимнинг мағзини чақмай.

— Аттестати яхши, аъло баҳолар билан тулиб ётибди, зеҳни уткир, қўли чаққон, ёрдам берсангиз, албатта ўқишга кириб олади, — деди Норгул опа менинг гапимни тўғри тушуниб.

— Мана аттестат, — Аҳмаджон газетани олдимга ташлади.

Карим ака газетани ёзиб, орасидан ҳужжатни олди, уни менга узатиб:

— Буни ҳам, ўғлимни ҳам сизга топшираман, — деди.

Аттестатга куз югуртирдим. Ундаги баҳоларнинг купчилиги уртамиёна.

— Бир-икки муаллим билан сузим қочиб қолган эди, — деди Аҳмаджон буйнига тушиб турган жинглак сочини кафти билан силаб-сийпаб қўяр экан.

Аҳмаджон ўрнидан туриб кетди. Айвондан пастга тушиб, уй эшиги олдида тўхтаб менга қаради.

— Тоға овқат едингизми? Ёки иштахангиз йўқми? Дада! Ойи!.. Нега иштаҳа дорингиз йўқ?! — деди Аҳмаджон аввал дадасига, кейин ойисига ярим савол, ярим дағдаға билан тикилиб.

Эр-хотин шошиб қолишди.

Мен эшик олдида ҳайкалдай қотиб, ота ва онага буйруқ бераётган фарзанднинг чўччайган қиефасини кўриб, индамай унга тикилиб қолдим. Бошидан оёғигача кузатиб, синчиклаб қарадим. Эшикдан кириб келганида унинг уст-бошига разм солмаган эканман. Энди буйи бастини, турқу атворини, товус парларидай жимжимадор либосини беш панжамдай аниқ кўриб турибман. Ғалати сеп, товусдан қолишмайди, деган фикр кунглимдан утди.

Ота-онасининг ҳаракатини кузатиб турган Аҳмаджон уларнинг йулини тўсиб, бир қулига ярим литрлик ароқ билан уч дона рюмка, иккинчи қулига кумуш вазада аччиқ-чучук олиб жилмайиб қадам ташлади.

— Дадамлар ғалати одамлар, уйдаги резервлардан фойдаланишни билмайдилар. Иштаҳа учун қиттай-қиттай қиламиз, тоға. Мени ароқхўр деб уйламанг. Мен сизнинг келганингиз учун... қани дада, ёнимга утиринг! — деди уч рюмкани тўлдириб.

— Овқатландик. Бунинг устига мен ичмайман. Ҳали билмайсанми? — дедим унга савол аломати билан қараб.

— Йўғ-е? — деди Аҳмаджон, сунг қадахни кафтида тутиб илжайди, — биз учун, қуришганлигимиз учун оласиз. Олмасангиз қўлимда мана шундай муаллақ тураверади.

Қадахни қўлидан олиб дастурхонга қўйдим.

Шу вақт дарвозани алаким тақиллатди.

Карим ака сочиқ билан кукрагини аста елпиб, углига тайинлади:

— Эшикка қара, кимдир келди.

Аҳмаджон дастурхонга қўйилган рюмкани яна қўлига олиб, уни менга тутиб, — ойи, сизни биров чақиряпти, қараворинг! — деди.

Норгул опа лапанглаб, зинадан тушиб, бошидаги дуррачасини йул-йулакай тўғрилаб, дарвозага югурди.

Мен ота гапини онага оширган ўғилнинг ҳозирги ҳаракатидан ранжиб, ич-ичимдан куйиндим. Аҳмаджон қадахни қўлида тутиб:

— Булмаса сизнинг соғлигингиз учун, қани дада, кўтаринг! — деди. Ота-бола қадахни уриштириб, бир кўтаришда сипқардилар.

Дарвозадан Норгул опанинг қистов овози эшитилди.

— Кирақол қизим, кимдан уяласан, Нормат тоғанг шу ердалар, гапинг булса кириб айтақол, болам.

— Кирмаётган ким у? — деди Карим ака мурч сепилган помидорни оғзига узатар экан.

— Дада, у Гулҳаёт, қўяверинг, — деди Аҳмаджон бушаган рюмкаларни йиғиштириб, бутилка ёнига тизиб қўяр экан.

Норгул опанинг овози эшитилди:

— Нормат укам, Гулҳаёт сизга келибди, киришга уяляпти.

Мен ўрнимдан турмоқчи бўлдим.

Аҳмаджон кўзгалиб, кўзи билан «сиз ўтира туринг, мен чиқиб келаман» деган ишорани қилди. Оғзи тула қазини чайнаб, дарвозага қараб кетди, ҳиёл утмай чуваккина, озгин бир қиз билан кириб келди.

Қизча ҳамма билан саломлашиб, чеккадағи ҳоли жойга омонатгина ўтирди.

— Мен ўқишга бормоқчиман, — деди Гулҳаёт мен билан яна кўришиб, ҳол-аҳвол сўрагандан кейин ийманиб.

— Қаерга?

— ТошДУнинг филология факультетига.

— Яхши уйлабсан. Ойинг розимилар, — деб ата-йин сурадим. Гулҳаёт тунгич фарзанд. Унинг ҳали вояга етмаган икки укаси борлигини билардим. Ойи-сининг бир қули майиб, рўзгорни ким тебратади, деб андишага бордим.

— Ойим дадамлар учун пенсия олиб турибдилар. Катта укам саққизинчи синфда ўқийди, ўқишдан кейин колхоз радио узелида ишлаяпти. Ойим розилар, дадангни урнига муаллим бўлиб қайтсанг, розиман деяптилар.

— Хужжатларингни туғриладингми? — деб сурадим.

Гулҳаёт қулида ихчам уралган қоғозни очиб, менга аттестатни узатди. Мен аттестатга куз югуртириб, қувониб кетдим. Баҳолари беш. Бунинг устига унга олтин медаль берилганлиги ҳам ёзилган.

Гулҳаётнинг ўқишга тайёрлаган хужжатларини бирма-бир қараб, орасида интернатдан берилган спр-авкани куриб қолдим. Гулҳаёт кейинги уч йил мобайнида интернатда туриб, ўқишни давом эттирган. Бу справка менга кўп нарсаларни эслатди. Оғир уруш йиллари куз олдимга келди. Минглаб, миллионлаб ки-шилар орасида урушга кетган, олов ва металл тўфон-ларига бардош бериб босқинчиларни қувган, қаерда-дир тиконли тусиқ ортида ёки сарғиш қум уюлган окопда бошини ерга қуйган Комил муаллимни эслаб кетдим. У — Гулҳаётнинг отаси. Уни туғрисида қора хат келганини эшитган қишлоқ оқсоқоли Гулҳаётни интернатга жойлаганди.

— Хужжатларинг мукамал, мен билан кетасанми, синглим? — дедим.

— Кетаман, ойим ҳам шуни тайинладилар. Сиз билан кетмасам, Тошкент йўлида адашиб қолармиш-ман, — деди кулиб Гулҳаёт.

— Булмаса гап бундай, — дедим, — сен ҳозир уйингга бориб тарадудингни кўравер. Мен эрталаб туғри станцияга чиқаман. Уша ерда кўришамиз.

— Сизни Аҳмаджон акамлар ўз машиналарида олиб кетмоқчилар-ку? — деди Гулҳаёт.

— Машинада кетсак яхшику-я, лекин шофер бола-дан қўрқяпман — ҳарорати ошиқроқ юрадиганга ўх-шайди, йўл узок.

Поездда кетишга келишиб, мен уй эгалари билан хайрлашиб, қўзғолдим. Гулҳаёт уйига кетди.

Эртаси куни Карим ака шошиб-пишиб мен турган ҳовлига кириб келди. Оғир гавдасини сурига ташлаб, ёстикни қўлига олиб, уҳ тортди:

— Кеча сизлар кетгандан сўнг яна қаёққадир чиқиб кетиб, оёғида турулмайдиган булиб келди. Тур десам, бормайман... дейди.

Тонг олмосланиб, олам нурга чўмганда станцияда мен Гулҳаёт билан поездга утириб, Тошкентга жунадим.

Гулҳаёт Тошкентга келгандан кейин бизникида бир неча кун меҳмон булиб, кейин университетга борди, ҳужжатларини қабул комиссиясига топшириб қайтганидан кейин:

— Тоға, келиноғи, энди менга жавоб берасизлар, мен университет ётоқхонасига бориб, у ерда ўқишга келган қизлар билан имтиҳонга тайёргарлик кураман, — деб туриб олди.

Биз кун ора келиб туриш шарти билан унга рухсат бердик.

Лекин Гулҳаёт кунора келмади. Имтиҳонлар тугай деб қолганда, бир куни уйга кириб келди.

— Имтиҳонни топшириб бўлдим, — деди жилмайиб.

Мен Гулҳаётни табрикладим.

Йиллар ўтди.

Гулҳаёт университетни аъло ва яхши баҳолар билан тамомлаб ҳаворанг дипломини қўлида тутиб уйга кириб келди. Ёнида бир йигит. У курсдоши экан. Исми — Йўлчи. Гапнинг рости, сирдоши экан. Мен уларни ва улар билан бирга университетни тамомлаган курсдошларини уйга чақирдим. Уйда хайрлашув кечаси ўтказилди. Эрталаб вокзалда улар билан хайрлашдим. Гулҳаёт ўқишларидан хабар олиб турганлигим учун кўпдан-кўп миннатдорчилик билдирди. Гулҳаётга қарадим, хусни ойдек тулишиб, куёшдек яшнаб турибди. У ёнида йигит турганлигидан ийманиб, сув ичгани кетди. Йўлчи шунини кутиб тургандай қизариб: — Тоға, мен ҳам Гулҳаётларнинг юртига кетяпман. Кузда туйимиз булади. Туйимизга узингиз бош буласиз-да. Сизни отам ўрнида кураман. Менинг дадам ҳам Гулҳаётнинг дадасига ўхшаб фронтда ҳалок бўлган. Туйимизга келасиз-а? — деди.

— Жоним билан, туйларингизда албатта хизматда буламан, — дедим, сўнг унга Гулҳаёт ва унинг ойиси, укаларига меҳрибон бўлишини тайинладим.

Йулчи ерга қараб, қулини куксига қўйиб, бош эгди. Бу ҳол менга унинг қасамёдидай туюлди.

Поезд қўзғалди. Гулҳаёт билан Йулчи ва уларнинг дўстларини катта ҳаёт йулига кузатиб қолдим.

Гулҳаёт билан Йулчи қишлоқ станциясига қуёш осмоннинг қоқ ўртасига кўтарилганда етиб келишди. Улар вагондан ерга қадам қўйганларида ҳарорат балад эди. Йўловчилардан кимдир «Газ-сув» дуконига боласини етаклади. Йулчи «юринг, сув ичамиз» деди. Гулҳаёт «Газ-сув» дукони ёнидаги газакхонадан гандираклаб чиқиб келаётган Аҳмаджонга кузи тушди. Унинг чўнтагида вино шишаси ва бир булак колбаса кўришиб турарди. Кун иссиқ бўлишига қарамай бошида эски қулоқчин, эгнида тупроққа беланган пиджак. Гулҳаёт Карим акани эслади, ачинди. Сунг Йулчининг қулини ушлаб, индамай автобус томонга юрди.

Ҳамқишлоқлар катта ҳаёт йўлида ана шундай учрашдилар.

1964 йил.

ТАЪЗИМ

Мен яқинда тоғдаги олис бир қишлоқда бўлдим.

Қишлоқ марказидаги гулзорда мангу олов ёниб турибди. Гулхан ёнида урушда ҳалок бўлган қишлоқ марди-майдонларининг хотирасига мармардан ёдгорлик тикланган.

Соқоли куксига тушган, ёши етмишларга борган бир мўйсафид олти-етти яшар неварасини етаклаб, ёдгорлик ёнига келди. Бобонинг ҳам, неваранинг ҳам қўлида анвойи гуллар. Улар гулларни ёдгорлик пойига қўйиб, анча вақт кўзларини гулхандан узмай, сукут сақлаб турдилар. Мен ҳам улар ёнида турдим.

Тоғ шамоли гулхан чўгини уйнади. Қария бошини гулхандан кўтарди. Мен билан кўришиб, ҳол-аҳвол сураб, майдон ёнидаги булоқ бўйида савлат тўкиб турган азим чинор тагидаги сўрига бошлади.

Дастурхон ёзилди. Невара чой келтирди. Отанинг суҳбатга муштоқ эканлигини сездим. Чой асносида дарду дилимиз очилиб кетди. Ота қирқ ёшида ғалаба билан уйига қайтиб келганлигини айтди. Фронтда зенитчи бўлиб, фашист калхатларини қийратган экан.

Ёдгорликка гул қўйилган кун отанинг ҳам, неварасининг ҳам туғилган куни экан. Ота ўз тенгқурларидан куп киши иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлигини айтди. Сўнг бундай деди:

— Қани энди улар ҳаёт бўлганларида мана шу сизу биз соясида дам олиб ўтирган чинор тагида ош қилиб, етмиш йиллигимни нишонлаётган булар эдик.

— Бошқа тенгқурларингиз ҳам бордир, совхоз улуг ёшингизни эсга олгандир, — дедим.

Ота менга хурсанд қаради:

— Улуғ ёшимни яхши нишонладилар. Раҳмат уларга! Аммо тенгқурларим бўлганда янада бошқачароқ буларди. Бир кўрпада катта булган купгина дустларимдан айрилганман. Улар хотирасига шу ёдгорлик тикланиб, гулхан ёниб турибди. Шунинг учун ҳар куни бу ерга бир марта таъзимга келаман.

1976 й.

ТАБАРРУК ЖАВОН

Қишлоқ кутубхонасига келдим. Икки қаватли саккиз хонадан иборат кўркам ва шинам бино. Иккинчи қаватдаги кенг хона қироатхона. Бу ерда ёшу қари китоб мухлислари экан, улар ўзлари қизиққан адабиётларни кўздан кечириш билан банд.

Бир маҳал қишлоқ ўртасидаги мангу олов ёнида кўрган ва кейин чинор остидаги сўрида танишган кекса суҳбатдошим кутубхонага кириб келди. Қулида жумҳурият газетаси. Кутубхона мудираси ёшгина ёқимтой жувон отага пешвоз чиқиб салом берди.

— Қизим жавонга газета келтирдим. Унда учта ҳамқишлоғимизнинг номи бор. Биттаси менинг ўртоғим Абдурахмон. Брестда 1941 йил июнь тонготарида ҳалок булган экан. Яқинда Брест қалъасида қазилма ишлари бораётганида унинг суяги ва номи ёзилган ҳужжат топилибди. Шулар газетага ёзилган экан. Хабаринг бўлдими, йўқми, деб олиб келдим.

— Раҳмат ота, — жувон қулидаги газетани олиб варақлади, сўнг тегишли жойини топиб ўқиди. Уша жойини менга кўрсатиб деди:

— Мана қаранг, қарийиб, ўттиз беш йилга яқин ер остида ётган номаълум қаҳрамон ҳақида хабар. Қишлоғимиздан экан. Биз газетани мана бу табаррук жавонда, авлодларимизга тарихдан сабоқ сифатида сақлаймиз.

Ота хайрлашиб чиқиб кетди.

Табаррук жавон! Мен кутубхонанинг мутолаа зали деворига махсус ишланган жавон ҳужжатлари билан танишдим. У ерда турли тилларда ва турли йилларда чиққан газета тахлamlари, муқоваланган журналлар ва китоблар дид билан тахланиб, эҳтиёт билан сақланмоқда. Табаррук жавондаги ҳар бир ҳужжат шу қишлоқдан бўлган Ватан фарзандларининг фашизмга қарши урушда курсатган қаҳрамонликларини ҳикоя қилади.

— Жавондаги ҳужжатларни ким тўплаяпти? — деб кутубхона мудирасидан сўрадим.

У иккинчи қават деразасидан ҳовлига қараб:

— Уша табаррук отахонимиз,— деди мамнун.

1976 й.

ФАЗИЛАТ

Купега қотма, қоратури, қордай оппоқ, сийрак сочи дока рўмоли тагидан чиқиб турган бир кекса аёл кирди. У бир қулида чамадон, бир қулида беш-олти яшар қизалоқни ушлаб олган. Эшик олдида туриб менга, сунг полкага қаради. Урнимдан тез қўзғалиб, кекса онага салом бериб, қулидан чамадонни олиб, юқори полкага қўйдим.

— Раҳмат болам, барака топ, умринг узоқ бўлсин, — дея дуо қилди, сунг қулида ушлаб турган қизалоқнинг пешонасидан ўпиб ўрта қаватдаги уриндикни курсатди:

— Лолагинам, сенга шу ерга жой қилиб берайми, ташқарини томоша қилиб кетаверасан.

— Майли, ойижон. Қулимни қуйворинг. Қани бир чиқиб қурай-чи, қанақа жойлар экан. Яхши бўлса-чи, унда томоша қилиб кетавераман, ойижон.

— Келақол, яхшиси ёнимда, манави пастдаги уриндикда кетавер. Поезд ҳам тез юриб қолди. Мабодо қалқиб кетса борми, унда сени ушлаб бўлмайди. Оёғимнинг нақ остига ағдарилиб тушма яна, қузичоғим.

Лола аллақачон ўрта полкага чиқиб олиб, ташқарини завқ билан томоша қиларди. У лентага боғланган икки ўрим сочини селкиллайтиб гапирди:

— Бу ердан тушмайман, роса томоша жой экан. Йиқилмайман, йиқилсам-чи, ойижон, сиз ушлаб қоласиз, хўпми?

Кампир менга қараб кулди. Неварасининг бу қизик сүзидан мамнун курунди. Урнидан туриб қизалогининг остига одеял тўшади, бошига каттагина юмшоқ тугунни қўйди.

— Раҳмат, ойижон, энди мен деразадан қараб кетаман, — деди Лола. Унинг ингичка овози чиннидай жаранглаб эшитилди.

Мен термосни дераза ёнига қўйиб, проводник тўшаб кетган уриндикда чордона куриб ўтириб олиб, чой ичишга тутиндим. Онахонга пиёлада чой тутдим.

— Раҳмат, болам, — деб у чойни қўлимдан олиб, пиёлани неварасига узатди, — чой ичасанми?

— Йўқ, ойижон, бир дона конфет берақолинг.

Кампир монпасье қутисини узатди. Сунг узи чой ичишга тутинди. Мен бамайлихотир утирган бу қарияга, сунг ташқарини томоша қилиб кетаётган неварасига бир-бир қараб, бувилик қандай табаррук ва ташвишли давр деб ўйладим ичимда. Киши қариб қўлига ҳасса тутган бундай пайтда шундай неваралари бўлса, ҳассани ҳам унутса керак. «Белимнинг қуввати, кўзимнинг нури» деб шуни айтадилар-да, дедим ичимда.

Чой пировард бўлди. Мен бир мизгиб олдим. Кўзимни очсам кампир кўзойнак тақиб олиб, неварасига жун қўлқоп тўқиб ўтирибди. У гоҳи-гоҳида дераза ойнасидан ташқарига қараб, хомуш қоларди. Сунг яна тўқишда давом этарди. Мен ёстиқдан бошимни кутармай, кампирнинг нимадандир дардли, ташвишли эканини сезиб борардим.

— Ойи, дам олмайсизми, толиқиб қоласиз, — дедим ёстиқдан бошимни кутариб.

— Чарчаш нималигини билмайман, болам. Бекор утирсам, зерикиб қоламан. Иннайкейин йўлда ҳеч уйқум келмайди. Шунақа галати одамман, болам, — қўлқопдан кўзини олмай гапирди кампир. Сунг бошини юқорига кутарди. Невараси ёстиққа бошини қўйиб ухлаб қолибди. Кампир яна тўқишга тушди.

— Тошкентда кимингиз бор? Бу ухлаб қолган қизалоқ неварангизми? — кампирнинг юрагидаги яширин дардига ҳамдард бўлгим, унга қўлимдан келса ёрдам бергим келди.

Кампир аста бошини кутарди, тўқишдан тўхтади, сунг чуқур уҳ тортиб, ёрилди:

— Айланай болам, Тошкентда кимларингиз бор деб сўрадингиз. Гапнинг сирасини айтсам, у ёқда ҳеч кимим йўқ. Мен ҳозир Андижонга боряпман. Уз

уйимга. Бу қизалоқ ким булади, деб сурадингиз. Аслини айтсам, у менга ҳеч ким бўлмайдди.

Кампирнинг кузлари йилтираб кетди. Мен узимни койидим. Уринсиз суроқларимдан уялиб бошимни хам қилиб утирдим. Кампир менга куз қирини ташлаб, яна сузида давом этди.

— Ҳалиги гапларим ёлғон, болам, — деди юзи ёришиб, сунг пишиллаб ухлаб ётган Лоланинг устини яхшилаб ураб қўйди. Урнига утириб яна сузлади: — бу неварам булади. Тошкентда келиним бор. Ушаникидан келяпман.

— Андижонда кимларингиз бор. Отамиз бормилар? — дедим.

Кампир деразадан ташқарига хомуш тикилиб қолди. Юзи қиш ҳавосидай салқиб турарди.

Узимни койидим. Савол бермай утирсам бўлмасми, деб хафа бўлдим.

— Андижонда ҳеч кимим йук. Эримдан ёш келинлигимда айрилганман. Бир яшар уғлим — Тоҳиржоним билан қолганман. Тоҳиржонимнинг дадасини душманлар тракторга боғлаб улдириб кетишган. Мен ойимларникига кетган эдим. Тоҳиржонимни кимнинг эшигига олиб бораман деб, ёлғиз утишни уйладим. Чок тикдим. Меҳнат қилдим. Уғлим катта бўлди. Уқитдим. Институтни битказди. Уша узи уқиган институтда уни муаллимликка олиб қолишди. У, уз қўлида ўқиб юрган Дилбар деган қизга бир йилдан кейин уйланди. Лекин кўп ўтмади. Уруш бошланди. Уғлим фронтга кетди. Мен келиним Дилбар билан қолдим. Уғлим ҳақида қора хат келди. Қора кунлар бошланди. Келин менга, мен келинга қараб йиғлардик. Келин эрга чиқмади. Ун беш йил кутди уғлимни. Қийин бўлди бечорага. «Мен розиман, ёш умринг бундай ёлғизликда ўтмасин», дедим. Кунмади. Охири келиним билан хайрлашиб, Тошкентдан Андижонга, уз уйимга кетдим. Келиним бир куни мени қидириб борди. Рози-ризолигимни олиб келиб мана шу Лолахоннинг дадасига — Собиржон деган хотини улган муаллимга турмушга чиқди.

Собиржон очиқ кўнгил, меҳрибон киши. Лекин мени курса тортиниб туради. Менга балки шундай кўринар. Ҳар ҳолда уз уғлимдай эмас. Келиним эса мени онам деб узидан нари қўймади.

Лекин мен... ўзингиз тушунасиз... гоҳи-гоҳида чидаб туролмайман. Дод фалак, дастингдан, деб юбор-

гим келади. Яна инсофга келаман. Келинимни уйлаб кетаман. Унда нима гуноҳ. Уруш булмаса, уғлим Днепр буйида ҳалок булмаса, келиним бировга хотин булармиди. Яна инсофли экан, мана йигирма йилдики, мени эсидан чиқармайди, деб узимни узим овутаман. Мана шунақа дунё, болагинам. Ичимни жудолик кемириб, умримнинг қолган кунлари утяпти.

Мен кампирнинг тамшанаётганини сездим. Унинг эски дарди очилиб, ичи қуяётган эди. Йўлакка чиқиб, бақдан термосга чой дамлаб келдим. Кампир иссиқ чойни ҳўслаб, узоқ хомуш утирди. Сўнг менинг бошимдаги чандиқни кўриб, аста сўради:

— Болам, сиз ҳам урушда булганмисиз? — Унинг нурсизланиб қолган, ёшланган кўзлари меҳр билан товлангандай кўринди. У ҳозир углининг урнига мени қўйиб, жонимга ачинаётгандай эди.

— Ҳа, ойи, купчилик қаторида мен ҳам урушда булганман. Бу чандиқ Днепрни кечиб утганимда булган.

Кампир бошимни эгиб чандиқни кўрди. Сўнг кўзини артиб гапирди.

— Бошинг тошдан экан болам, узоқ яшайсан. Сизларни курсам уғлимни кўргандай буламан. Энди бошқа уруш булмасин, омон булинглар.

Кампир термосни кўлимдан олиб, узи чой қўйиб ичди. Мен жим утирардим. Хаёлимда Днепр жанги намоён булар эди. Дарёни кечиб утиш учун булган жангларда кўп йигитларни йўқотган эдик. Уларнинг орасида балки Тоҳиржон ҳам булгандир.

Мен йигирма йилдан буён кампирни ўз ёнидан жилдирмаган, бошқа эрга чиққанда ҳам уни йўқлаб эслаб юрган келинни, марҳум жангчи бевасини уйлай бошладим. Уни кўргим, билгим, ана шундай оқсоч ота-оналар номидан унга раҳмат айтгим келди. Ахир у ҳақиқий инсон, ўз эрининг руҳига вафодор келин экан. Кампир йўталди. Чойга раҳмат айтди. Мени хаёлим жойида эмаслигини билиб ўзи гап очди:

— Кетган қайтиб келмайди, болам. Лекин уғлимнинг хоку губорини кўролмай уртанаман. Қабрини кучоқлаб, кўнглимни бўшатсам майли эди. Курсам балки у ердан қайтмасмидим. Мен ҳам у ерда уғлим ёнида қолармидим. Кўзимнинг нури қолмаяпти. Уни юмилган десам ҳам булаверади. Лекин уғлим қабрининг йулини билолмайман, уни жуда-жуда олисда дейишади...

— Дафн этишган жойларини маълум қилишгандир қисмидагилар.

— Маълум болам, уша ерлик мактаб болаларидан ҳозир ҳам хат олиб тураман. Лекин у ерга боришнинг йулини билолмайман. Бир ўзим қаёққа ҳам бора олардим.

— Мен ёзда отпускага чиқаман. Сиз солдат ойисиз. Демак менинг ҳам ойимсиз. Энди сизни ойи дейман, рози бўлсангиз ўзим уша ёққа сизни олиб бораман, — дедим. Кампир бош чайқади. Сунг юзи ёришди.

— Ҳозир келинимникидан шу масалани пишитиб келяпман. Ёрдам бераман деганингиз учун бу кекса бошимни эгиб қуллуқ қиламан сизга, болам. Лекин келиним дардимга малҳам излаяпти. Сизга айтган гапимни унга ҳам айтганман. Келингинам бечора иккиланмай хуп деган. Ёзда Киевга олимлик иши билан бориши керак экан. Шунда мени ўзи билан бирга ўша ёққа олиб бормоқчи бўлди. Лекин эри билан маслаҳатлашиб, унинг розилигини олишни айтди. Эри кунса керак. Неварам Лолахоннинг бошидаги тугунчада совгаларим бор. Уларни менга келиним олиб берди. Ҳаммаси жунли иссиқ кийимлар. Тоҳиржоним ётган жойга кийиб борар эканман. Ҳа, булар сафар сарпоси.

— Келинингиз қизингиздан ҳам афзал аёл экан. Бундай келинларга минг раҳмат айтса арзийди.

— Уғлим урнида кураман. Бечора келиним бир марта куйди, иккинчи марта куймасин дейман. Хузур-ҳаловатини, бола-чақасининг роҳатини курсин. Дунёда мендай елғиз қолмасин. Барака топсин, болагинам. Уни кечалари ҳам, кундузлари ҳам дуо қиламан.

— Келинингизнинг исми ким, қаерда ишлайди? — Менинг бу саволим кампирни чучитмади, ё фахрлантирдими у:

— Институтда муаллим бўлиб ишлайди, исми Фазилат, — деди гурурланиб.

— Фазилат!

Купе ёришгандай бўлди. Поезд Фазилат исмини такрорлаб, куйлаб югуриб елаётгандай туюлди. Дераза ойнасидан қайси бир шаҳарнинг парпираб ёниб турган чироқлари кўринди. Лола уйқусидан уйғониб, бизларга салом берди.

1975 й.

ЙУЛДАГИ УЙЛАР

Уктам йулга чиққанда ҳавонинг авзойи бузилди. Аввалига шиддатли шамол турди, барглари сарғайиб, шох-шиббалари силкиниб турган дарахтлар безовталанди, қадларини букиб тебрана бошлади. Ҳавода чумчуқ галасидай ҳазонрезги қуюни кутарилди. Шошинқираган булут карвонлари осмонни бир зумда бутунлай қоплаб олди.

Енгил «Газик» машинасининг гилдираклари шамол қувватидан қанот боғлагандай шиддат билан тухтовсиз пилдираб боряпти. Машинанинг брезент ёпинчиғи эса ваҳимали дириллайди.

Шофёр Абдуллажон машина эшигини очиб, ойна ташқарисини нимхуш бўз латта билан артди, сўнг ёмғир сидирғични юргизиб юборди. Машина ичига совуқ ҳаво урилди. Абдуллажон ёмғирдан нолиб, йўлни койиб кетди. «Энди нима қиламиз, орқага қайтамизми ёки ботқоқ кечиб кетаверамизми» дегандай бир йулга, бир ёнида утирган Уктамга қараб борди.

Уктам эса ташвиш оғушида. У ҳозир Абдуллажонни ҳам, машинани ҳам унутган. Унинг хаёли дарё ёқасидаги Туқайқишлоқ далаларида эди.

Машина дарё ёқалаб боряпти. Олдинда Туқайқишлоқ. Ўз номига яраша жой. Илгари ҳовлиларнинг деворлари қамишдан тикланиб, йўл атрофлари, дала четлари туқайзор бўлган. Ҳозир ҳам бу ерлар — канал ёнбағирлари, зовурлар, ўнгирлар қамиш кўрпасига бурканган. Қишлоқ атрофидан дарё ўтади. Дарёнинг бу жойларида балиқ кўп бўлади. Қамишзорлар қирғовул макони. Овчиларнинг умидли ўлжалар гушаси ана шу жой. Уктам қирда туғилиб, қирда ўсган. Раҳбарликка кутарилди-ю, бу жойни таниди.

Олдинда тут дарахтлари орасидан қора нарса кўринди. Уктам ўша ёқдан кузини узмай, шофернинг елкасини туртди.

— Машинани тухтат!

Машина йўлнинг икки четига лой сачратиб, қаттиқ силкиниб, бирдан тухтади. Дарахт орқасидан араванинг гижирлаши ва отларнинг пишқириши эшитилди. Арава устида елкасига қанор ташлаган муйсафид утирибди. У яқинлашгач қора қулоқчинни бостириб

олган бошини кутарди. Уктамни таниб, салом бермоқчи бўлиб лабини қимирлатди.

— Салом отахон, — шошилиб, чолдан илгари Уктам салом берди, сунг сўради, — тоза ёмғирда қолиб-сиз-ку, қаёққа боряпсиз?

— Қаёққа буларди, болам. Сушилкага боряпман.

Чол иягида омонат илиниб турган бир тутам оппоқ соқолидан ёмғир томчилари думалай бошлади.

Уктам арава ичидаги учта тула қопни энди кўрди. Бир отага, бир пахта қопларига ачиниб қараб, сунг нима қилишини билмай, Абдуллажонга тайинлади:

— Рулни менга бер. Сен чарм пальтодасан, отани машинага олай, сен эса аравага чиқ.

Ота гапга аралашди:

— Йук, болам, узим бир амаллаб етиб оламан. Сизлар кетаверинглар. Ёмғирда суягим қотган, қорда эгим пишган.

— Ёмғир селга айланяпти. Хуп денг. Қани бу ёққа чиқинг, отахон, — Уктам ўриндигидан кўзгалди.

Абдуллажон машинадан эриниб тушди. Лекин сир бой бермай, бир сапчиб аравага чиқиб:

— Бошвоқни менга беринг. Сушилкани кўрганман. Изларингиздан тез етиб бораман, — деди.

Ота индамай ўрнидан турди. Бошвоқни Абдуллажонга узатар экан, тайинлади:

— Отларга қамчи кутара кўрма, болам. От машина эмас. Қамчи кутарсанг борми, нақ олиб қочади, жониворлар. Эҳтиёт бул, яна узингни дарёда кўрма, болам.

— Хуп отажон, айтганингизни қиламан.

Уктам машинани юргизди. Унинг кетидан Абдуллажон отларга «чух» деди.

Ота Уктам ёнида яхши жойланиб олгандан кейин, туни остидан белбоғини ечиб олиб, юз-қўлларини ва буйинини артди. Унинг салқин ёмғирдан ивиган юзлари қизариб, нур югургандай булди. Буйин томирлари буртиб чиқиб, кўзларида учқун алангаланди. Ота кўзлари уйчан, лекин қандайдир умид учқунлари порлаб кўринарди. Бошини улкан кўкрагига эгиб боришидан бир хаёл билан банддек кўринарди. Отанинг чорпахил гавдаси паҳлавонлар ҳайкалини эслатарди. Бундай кишиларни эл орасида кўпинча полвон ёки паҳлавон деб аташади. Ота Уктамнинг кўзларига ҳозир ана шундай кўринди. Анча ергача жим бориб, сунг бошини кутарди:

— Болам Уктамжон, сиз район оқсоқолисиз. Буни яхши биламан, лекин сиз мени билмайсиз. Нима учун йўлдан қолиб, мени олиб кетяпсиз. Пахта ҳўл бўлса бўлибди. Узи шундай ҳам жиққа ҳўл-ку. Нима бўлса-да сушилкага боради.

Уктам отага жилмайиб қаради-ю, йўқ дегандай бошини сарак-сарак қилди. У отани илгарилари кўрмаганлигини тан олди ва бундан изза тортиб, узр суради.

— Отахон, дарҳақиқат сизни танимаяпман. Бунинг учун узр. Лекин «йўлдан қолиб» деган сўзларингизга асло қушилмайман. Йўлимиз сизлар билан давом этади. Сизлардан нарида йўлимиз йўқ.

— Раҳмат, болам, — чол йўталди. Кафти билан оғзини беркитиб сузида давом этади, — колхозимиз ҳаммадан кейинда. Уч қоп чувишдан чиққан пахтани мана элтяпман. Зора бугун бир фоизга етса. Агар шундай бўлса, план саксонга боради. У ёғини бир амаллармиз. Қимирлаган қир ошар, дейдилар болам. Зора маррага етиб олсак. Ишлаб-ишлаб эл олдида қизариб қолган ёмон.

— Бир фоиз учун кураш, ҳа, яна қор, ёмғирда... — деди Уктам, — сўнг йўлдаги шавладай қайнаётган ёмғир кулмақларига нохуш қараб сўз қотди: — Куз оёқлаб қолди-ю, ҳали пахтанинг бешдан бир қисми ерда.

— Ерда бўлса қўймаймиз-ов. Аммо уша ерда ҳам йўқда, болам, — ота бош қимирлатиб, атрофга ишора қилди, — дала айланиб, кўсак узиб юрибиз. Қопни тулдиргунча озмунча ер босмаяпмиз. Айб нимада, ҳеч ким билмайди, — чол хўрсинди.

— Отахон, сўраш айб эмас, отингизни билсам майлими?

— Азимбойман, отамнинг номи Каримбой. Мени тенгқурларим бундай гавдали бўлишимга қарамай, Азим тараша дейишади. Ёшим етмишдан ошганигами, эндиликда ҳамма учун Азимбува бўлиб қолдим. Ёзда колхозда сувчи бўлиб ишлайман. Кузда эса хирмонда пахта жунатаман. Ишламасам туролмайман. Нафақага қараб утирмайман. Ҳали бир-икки йил колхозга қарашадиган кучим бор.

Машина қаттиқ қалқиб, бедов отдай у ёққа, бу ёққа шох ташлаб, сўнг равон юра бошлади. Энди йўл текис эди. Икки ёнда саф тортган тут дарахтлари шох силкиб хайрлашиб, тез утиб борарди. Уктам рулни

бир қули билан ушлаб, лабига сигарет қистирди. Гургурт чақиб, отага хушнуд қаради.

— Аслида дам олишингиз керак эди, отахон. Еки нафақангизни ошириб берайми?

— Йўқ болам, раҳмат ҳимматингизга. Нафақа пулим етиб ортади. Уйда мол-ҳолим, дони дуним, ҳамма нарсам етарли. Кампиримдан ҳеч қачон у керак, бу керак деган сўзни эшитмайман. Азамат уғилларим бор. Бири шопир, иккинчиси чўпон. Улар ҳам биздан хабар олиб туришади. Лекин мен ишламасам туролмайман. Уйга ҳам, кучага ҳам, ҳатто мана шу Туқайқишлогимга ҳам сиғолмайман. Ишламасам етиб қоладиганга ўхшайман. Шунинг учун ҳам қимирлаб тураман. Лекин колхоз иши юришмаяпти, болам. Ҳаммадан кейиндамиз, туманда ҳам, вилоятда ҳам бизни ҳеч ким яхши ном билан тилга олмайди. Анави қолақ колхозданми, дейишади. Болам, Уктамжон, иложи бўлса менга эмас, колхозга дурустроқ ёрдам беринг. Бирники мингга бўлсин.

— Отахон, яхши гапларни айтдингиз. Уларни юрагимга жойлаб олдим. Уйлаб кўраман. Сизнинг маслаҳатларингизни бажо келтиришга ҳаракат қиламан, — Уктам шу сўзларни айтди-ю, чуқур хаёлга ботди. Икки қули билан рулни маҳкам тутиб, машинани шитоб билан олдинга юргизиб кетди.

Машина анча юргандан кейин томига шифер епилган катта бостирма остига бориб тўхтади. Бостирма орқасидаги хонадан мотор овози эшитилди. У ёқдан бригадир Қодир ака чиқиб келди. Уктам билан куришиб, сўнг Азимбувага ташвишли қараб сўради: — Ҳа, Азим бува, тинчликми, бир ўзингиз, яна машинада?..

— Тинчлик, ўғлим, йўлда бу баракатопгур оқсоқолни учратиб қолдим.

— Пахта олиб келмадингизми?

— Пахтамини шопир олиб келяпти.

Бригадир машинага қараб, унда Абдуллажон йўқлигини энди билди. Унинг чеҳраси очилди. Сўнг Азим бува ҳақида ёйилиб гапирди:

— Бу киши ажойиб деҳқонларимиздан. Суяклари пахта ишида қотган. Бекорга тараша демайдилар. Қаранг, сел ёғса ҳам уйда тинч утира олмаганлар.

— Отахон билан йўлда учрашиб қолдик. Азимбува-

ни илгари билмас эканман. Бу киши ҳурматли шоиримиз Уйғун домла ёзган «Назир ота»нинг худди узгиналари экан, — деди қулиб Уктам.

— Ҳа, худди шундай. Доим ташвишда, доим жон куйдирганлари куйдирган. Лекин бува очилиб юрмайдилар.

— Нимага очилиб юрмайсиз, отахон? — мурожаат қилди Уктам сушилка сеткасидаги иссиқ пахтани гижимлаб кўраётган мўсафидга.

— Болам, мен хафачилик нималигини билмайман. Лекин баъзи-баъзида бир нарса томоғимга келиб тикилади-да, худди ҳул ғузапоя утинидай тутақиб кетаман.

— Сабаби нима отахон?

— Сабабини йўлда айтувдим шекилли, болам. Ишимиз юришмаяпти. Колхозимиз илгарилаб бормаяпти.

Уктам жим қолди.

Йўлда арава қуринди. Бригадир унга пешвоз чиқиб, аравадаги қопларни кўтариб сушилка ёнига олиб бориб қўйди ва Абдуллажонни исиниб олиш учун ичкарига таклиф этди. Абдуллажон эса «Уктам ака, қийналмадингизми» деб ундан аҳвол сураб, кейин машинаси томон юрди.

Уктам Азимбува сўзининг мағзини чақишга ҳаракат қилиб, бригадир Қодирни суҳбатга тортди. Қолоқликнинг сабабини суриштирди. У эса, «еримиз дарё буйида, ботқоқлик жой, пахта яхши битмайди» деди.

Ёмғир тиниб, ҳаво очилиб кетди. Уктам сушилкадаги кишилар билан хайрлашиб, бошқа бригадаларга утиб кетди. Унинг изидан умид кўзларини узолмай қараб турган Азим бува Қодирни туртиб:

— Оқсоқолни колхозимизга раис бўлиб келишини сўрасак қандай бўлади? — деди.

— Ҳа, раис бўлиб-а? — ҳайрон бўлиб сўз қотди бригадир.

— Кунса керак, белида белбоғи борлардан, — деди Азим бува.

Қош қорайганда Уктам район марказига қайтди. Тугри идорага келиб рўйхатни кўздан кечирди. Мана, столи устида колхозлар рўйхати турибди. Туқайқишлоқ колхозининг бугунги топширган пахтаси бир фоизга етмабди. Уктам шу колхозга боғланган. Шу колхоз ундан кумак кутяпти. Лекин колхозга бориб

келиб тургани билан аҳвол узгармаяпти. Колхоз ҳаммадан кейинда.

Йил охишлашди. Колхоз пахта планини бажара олмади. Уктам райком бюросида анча гап эшитди. Бюро бўлиб утган кечаси уйга қайтди-ю, тинчиб ухлолмади. Кўз олдида Туқайқишлоқ ва ёмғирда арава ҳайдаётган Азимбува кўриनावерди. Уктам юраги галаёнга келганди: «Бунақа билан иш битмайди, оқсоқолликни йиғиштираман-у, колхозга бораман. Азимбуванинг ёнига бориб ишлайман. Қолоқликнинг сабабини излайман. Айб нимада? Ердами, қамишдами ёки бошқа нарсадами? Мен деҳқон боласиман-ку! Етти пуштим пахтакор утган. Наҳот, бу сирнинг ниҳоясига етолмасам...»

Уктам янги йилнинг бошида Туқайқишлоқ колхозига раис бўлиб ишга келди. Колхозда уни биринчи бўлиб Азим бува табриклади.

Қиш қаттиқ келди. Лекин иш тухтамади. Уктам ҳамма ерларни баравар, вақтида ҳайдатиб, уғитларни дала бошига чиқартириб қўйди. Экиш-тикиш анжом-ускуналари ҳам мавсумга тайёрлаб қўйилди. Пахта экилиб саратон иссиғида кенг далалар яшил бахмал ёпилгандай ажойиб кўрк олди. Бир куни Уктам Қодир бригадасига келиб:

— Пахтани машина билан теришга мослаб парвариш қилинг, говлаб кетяпти, ҳосилсиз узун шохларнинг кимга кераги бор, — деди.

— Ерларимиз лахтак ерлар. Бу ерларда машиналар яйраб ишлолмайди. Аксинча, пахтани нобуд қилади. Қўлда терганимиз маъқулроқ, — мужмал жавоб қайтарди Қодир.

Уктам ичида ёнди-ю, ташига чиқармади. Правление мажлисини чақириб, унда Қодир бригадасида пахтани машина билан теришга тайёргарлик ёмон бораётганлигини муҳокама қилди. Қодир мажлисдан терлаб чиқди. Эртаси куни колхоз учта янги пахта териш машинасини давлатдан сотиб олди. Уктам бир неча кундан кейин яна Қодир бригадасига чиқди. Йўл четидаги катта картада сув тараб юрган Азимбувани учратди. Кекса сувчи раисга пешвоз чиқди. Саломлашиб, ҳол-аҳвол суради.

— Янги машиналар олибсан деб эшитдим, Уктамжон. Шу гаплар тугрими?

— Тугри, отахон. Энди пахтани қўлда териб, аравада ташимаймиз. Автоприцеплар ҳам сотиб оламиз. Пахтани эса машинада териб оламиз.

— Еримиз нобопроқ, болам, бир ёмғир ёгса борми, бир ҳафта лой кечамиз. Сотиб олган машиналарингиз ушанда жонга оро киролмайди.

— Чумчуқдан қўрққан тариқ экмайди, бува.

— Колхознинг пулини уйлаймиз-да, ҳадеб катта чиқимларга сарф-харажат бўлавермасин деймиз-да, болам.

— Колхоз ҳосилини, даромадини уйлаймиз. Бекорчи сарфларга қарши курашамиз, отахон. Керак булса, сизни ҳам аравадан олиб, «ХВС»га утказамиз.

Азимбува раис гапидан хафа булдими, индамай кетмонини елкасига ташлаб, эгат оралаб кетди.

Уктам пахта териш машиналари ҳақида уйлаб кетди. «Наҳот бу машиналар лахтак ерларда пахта теролмаса. Зовурлар нимага қазилди. Сизот сувлар нимага қочирилди. Наҳот ивирсиб юрсак. Ҳа, чумчуқдан қўрққан тариқ экмайди. Ғўза барглари барвақт тўктирилиб, пахтага барвақт машина киритаман, ҳосилни ёмғирга қолдирмай йиғиштириб оламиз» деб кўнглига туғиб қўйди.

Раис айтганини қилди. Сентябрь ойининг охири машиналар оғи булди. Уктамнинг ўзи ҳам рулга утирди, Абдуллажон ҳам колхозга механизатор бўлиб келди. Қодир, Азимбува машиналар кетидан юриб, тукилган пахталарни теришар экан, раисга «Бу нимаси, пахталаримиз нобуд булаяпти-ку» дейишарди.

Раис булса машинадан тукилган пахталарни териб олиш учун одам туширамиз, кечалари ҳам машина билан пахта теришни уюштирамиз, дер эди.

Бир куни ярим кечада Уктам Қодир бригадасига келди. Шийпонда Азимбува чой дамлаб, косаларга сузилган шурвани дастурхонга тортмоқда. Раисни кўриб чолнинг чеҳраси очилиб кетди. Чопони энгидан туман газетасини олиб раисга узатди:

— Уктамжон, буни кўрдингизми? Қаранг болам, кеча беш процент пахта берибмиз-а, қойил-а, Уктамжон болам, энди сизни болам демайман. Энди сизни Раисбува дейман. Пахтанинг пири экансиз, болам. Барака топинг. Ерларимизни қўшиб, катталаштириб, ишончимизни оқладингиз. Сизни дуо қиламан.

— Бугун ҳам шунча пахта берамиз, бува. Планни эса эртага якунлаймиз. Мажбуриятдан ташқари ҳам пахта берамиз. Пахтакорларимизнинг қули дард кўрмасин, жуда ғайрат кўрсатишяпти. Мана машиналар ҳам ёрдам беришяпти.


Азимбува ғурур билан бош кўтариб пахтазорга қаради. Гуриллаган машиналарга севиниб қараб, сўнг хурсанд гапирди:

— Кампир овқат пишириб, сузиб кетди. Йигитларни дастурхонга чақирсам майлими?

— Чақиринг отахон, тамадди қилиб олишсин, азаматлар. Ҳали ишлайди улар.

Азимбува пахтазор оралаб кетди. Уктам чол кетидан хурсанд қараб қолди.

1966



HAZARMAT

ҚУССАНАР



СИР БУЙИ — НУР БУЙИ

Чулларни узлаштириш, юртни обод қилиш халқимизнинг қадимги орзуси бўлган. Лекин бу орзулар неча асрлар ўтса-да, рўёбга чиқмаган. Эл орзуси эртакка айланиб, сув ва нур ҳақидаги ҳикоялар тиллардан тилларга, эллардан элларга кўчиб юрган. Шундай эртаклардан бири Сирдарёдан Мирзачўлга сув чиқариш, бу йўлда Фарҳод ва Шириннинг аянчли қисмати ҳақида туқилган. Мирзачўл ҳақида туқилган афсона ва ҳақиқат туғрисида «Сир буйи — нур буйи» қиссаси яратилди.

Мотор овози мусаффо осмонда гуриллайди. Текис учиб бораётган самолёт бирдан силкиниб, бир неча метр пастга тушгандай бўлди. Қулимдаги газетани тиззамга қўйиб, ён-веримга қарадим. Ҳамсафар йўловчилар осойишта утиришибди. Самолёт беланчагидаги гудак қийқариб онасини шошириб қўйди. Кекса аёл энгини елпиғич қилиб ўзини елпияпти. Унгадаги креслода бир йигит билан бир қиз катта бир китобни очиб ўқиб, алланималарни баҳслашиб боряпти. Бортпроводник қиз кўринди. Ҳаммани кўздан кечириб осойишталик ва тартибдан мамнун бўлиб, салонда нафис табассум қолдириб, ўз хонасига кириб кетди.

Мен самолётдан пастга — Мирзачўл ерларига қараб бормоқдаман. Менга бу жойлар таниш. Мен бу чўл этагида, Сирдарё буйида туғилганман. Учқур қўшимиз оппоқ булутларни ортда қолдириб, олдинга интилади. Пастда бир-бирига туташ яшил воҳалар, ҳаётбахш каналлар ярқираб кўринади. Бу бугунги

Мирзачул. Утмишда қайсар ва шафқатсиз бўлган табиатнинг бу жойлари қадимда инсон ҳаёти учун ноқулай манзил бўлиб яратилганлигини эслайман. Ери на сув кўрган, тупроғи на гул ундирган. Қуш учса қаноати, одам юрса оёғи қуяди, деган мақол шу қақроқ қадимий чўл бағрида яратилган.

Самолётдан Фарҳод тоғи этакларидан бошланиб, Бухоро шимолидаги Қизилқум барханларигача бориб туташган бугунги антиқа воҳаларни, беқиёс чаманзорларни, гуркираб яшнаб турган шаҳарлар ва қишлоқларни кўриб, бу ерлар наҳотки бир неча ўн йиллар илгари чўл булган деган ҳаёлга бораман. Янги Мирзачулнинг паҳлавон одамларини, гўзал тарихини ва истиқболини уйлайман. Гулистон номи билан жаҳонга таърифи кетган Мирзачулнинг бош шаҳри кучаларини, яшил хиёбонларини, лиммо-лим тулиб оқаятган каналларини кўз олдимга келтириб, шу қиссани ёзишга жазм этдим. Замонамиз Фарҳодларининг азму шижоатлари билан Сир буйи — нур буйи бўлди. Мирзачул ҳақида сўз юритар эканман, бугуннинг таърифини утмишнинг тарихидан бошладим.

Қадимий қисса: Дарё ваҳимали, бесаранжом шовуллайди, марварид томчилар осмонга сачрайди...

Қуёш оташида жизғанақ бўлган чўл уфқида эса бир тўда суворийлар кўринади. Олдинда икки гўзал аёл келяпти. Бири Моҳинбону, иккинчиси унинг жияни Ширин. Отлар сувсизликдан тарс-тарс ёрилган туюқларини тақиллатиб, тўзон кўтариб бормоқда. Калтакесак, эчкиэмар, илонлар югуриб қочишади. Юлгун думалаб келиб отлар ёнидан утиб кетади. Нариди чўл гирдоби осмонга кўтарилади.

Ширин тамшанади. Моҳинбону:

— Сув, — дейди орқадаги сипоҳиларга.

— Марҳамат, маликаи ҳазратлари... — дейди сипоҳ ва сопол кўзани тутайди.

— Муздай роҳатбахш сув, амма, — тухтаб отнинг жиловини ушлайди, кўзани сипоҳига узатади Ширин.

— Сув — оби ҳаёт. Сув бор жойда одам бор. Сув кетса одамлар ҳам кетади, — Моҳинбону чуқур оҳ тортди. Отлар аста қўзғалди. Ширин аммасининг ноҳушлигини пайқайди:

— Амма, сизга нима бўлди, хафа кўринасиз. Нима, бетобмисиз? Бетоб бўлсангиз, кўрғонга қайтақолайлик.

— Йуқ, Ширин. Изимизга қайтмаймиз. Мен бетоб ҳам эмасман. Еримиз бетоб. Оёқ остинга қара...

Ширин гузал қаддини эгиб, ерга, сунгра уфққа қарайди. Йулда сувсизликдан вайронага айланган қишлоқлар, кимсасиз, тошлоқ, тиканзор далалар, қақроқ ариқлар кўринади. Анча юрилгандан кейин дарё ва унинг орқасидан тоғ кўринади.

Суворийлар дарё бўйида тўхтайдилар. Дарё шовуллайди. Марварид учқунларини осмонга сачратади. Моҳинбону отдан тушади. Қолганлар ҳам отдан тушадилар. Юз-қулларини ювадилар. Кузаларига тўлдириб сув оладилар.

Моҳинбону бир кузани олиб Ширинга узатади. Ширин кузани хуржун кузига солиб, сипоҳига узатади.

— Куза суви билан қозонни тўлдириш мумкин, — дейди хаёл оғушига чўмган Моҳинбону.

— Туғри айтасиз амма, лекин куза суви билан ерни тўлдириб булармикин. Ерни қаранг, қовжираб кукунга айланган. Салгина елпидан ҳам тузон кўтарилади.

— Дарёдан чулга сув чиқарсак дейман, бу ер, бу кенг Мирзачўл гулистон буларди, — Моҳинбонунинг овози титраб эшитиларди.

— Дарё йигирма қулочлик пастда оқади. Унинг ёнидаги тоғни дарёга ағдариш керак, — Ширин уйчан сўзлайди.

— Қани шундай азамат булса, оламдан беармон утардим. Лекин буни қилишга одам топилмайди. Унга тулашга божу хирожим ҳам етмайди.

Ширин уйланиб қолади, сунг аммасига дадил қараб: — Амма, сиз юрт онасисиз. Амру фармонингиз элу улусга мақбул ва манзур булғуси. Эл орасида тоғни урса талқон қиладиган баҳодирлар бор. Шундай паҳлавонларни бу ерга, дарёга чорлаш керак. Кузада бундай сув ташиб, умр кечирмайлик. Мен ҳам катта бўлиб қолдим. Қисматим шу ерда деб биламан ва сиз бошқараётган юрт иқболига менинг ҳаётим, турмушим кумакдош булсин. Дарёни тусув учун фармон чиқаринг. Ким уни тусиб мана бу она юртимизга сув чиқарса, мен унинг жуфти ҳалоли бўлай, юрагим шуни айтиб туруп.

Моҳинбону жиянига ялт этиб қарайди. Сипоҳлар қулларини куксига қўйиб, зимдан Ширин сўзларини маъқуллаб, табриклар тургандай кўринади. Моҳинбону жиянини қучиб, унинг пешонасидан ўпади:

— Шириним, доно жияним, сен элнинг дуосини оладиган булдинг. Илойим айтганинг булсин. Эртадан эл буйлаб жарчи йўллайман.

Ҳамма фотиҳа тортади. Суворийлар қўрғонга қараб от чоптириб кетадилар. Жарчилар йўлга чиқади-лар. Икки уйдан икки йигит чиқиб куча муюлишида дуч келади.

— Салом, Фарҳод.

— Салом, Шопур.

— Фарҳод, янги хабарни эшитдингми?

— Нима, бой улиб, моллари бизга қолибдими?

— Бой улмайди, улса ҳам меросхўрлари бизга бир бурда жаз ҳам бермайди. Зулумбойнинг эллик минг қўйи бор. Лекин иложи бўлса яйловда юрган бошқа бойларнинг ҳам қўйларини қушиб олай, дейди! Дустим, жарчи келди. Элимизнинг маликаси Моҳинбону Сирдарёни тусиб, Мирзачулга сув чиқариш ҳақида фармон берибди. Ким дарёни боғлаб чулга сув чиқарса, унга жияним Ширинни бераман, дебди.

— Ширинни?! Чулга сув чиқариш эвазига-я?! — ишонмай сурайди Фарҳод.

— Сузим елгон булса худо урсин. Нима, дарёни боғламоқчимисан?

— Тусаман, чулга сув чиқараман. Ширинни мана шу ҳумбул ватанимга олиб келаман. /

— Дарёни боғласанг бу ерлар ҳумбул ватан булмайди, тулгун ватан бўлади. Чаманда яшаймиз. Кучинг етармикин?

— Уриниб кураман. Дарёнинг тор, шалдиروق жойини биламан. Харсангларни қулата бераман. Зора омадим келса...

— Сен елканг курашда ерга тегмаган паҳлавонсан. Тоғни урса талқон қиладиган йигитлардансан. Ишингга барака берсин. Мен ҳам ёрдам берайми-а?

— Раҳмат дустим. Шарт қўйилган. Шарт — бу Ширин. Сен онамга қараб турсанг булгани. Мен келгуси баҳоргача дарёни боғлаб, қалдирғоч келиб, лолалар очилганда, лола сайлига Шириним билан келаман.

— Худо ишингни ундан берсин. Оқ йўл, дустим.

Фарҳод тунини елкасига ташлаб, Сирдарё томонга юради. /

Нотаниш хиёбонда базм. Башанг кийинган Хисрав тахтада утирибди. Савлатли ноиби, қулида май косаси чайқалиб сўз қотади:

— Ҳазратим, Мирзачулдан, Моҳинбону юртидан қосид келди. Моҳинбону Сирдарёни боғлаб чулга сув чиқарган кишига жияни Ширинни инъом этармишлар.

Даврадагилар:

— О, о, кушоишикор булсин, — дейдилар.

— Ҳазратим, дарёни боғлашга бир уриниб кўрмайдиларми?

— Кани энди, ҳарамимда саҳро оҳуси — Ширинқиз меҳмон булса, иложим қанча...

— Иложи топилади. Иложи жуда осон... Шоҳим, — ноиб Хисрав қулогига шивирлайди. Иккиси қаҳ-қаҳ отиб кулади. Хисрав кафтларини ишқаб, даврага қарайди.

— Муҳтарам меҳмонлар, Моҳинбону юртидан хушхабар келди. Маликаи фармонбардор Сирдарёни боғлаб, Мирзачулга сув чиқармоқчи бўлибдилар. Бу ишни амалга оширган киши билан қариндош булиш истагини билдирибдилар. Менга фотиҳа беришингизни сурайман.

Даврадагилар фотиҳа берадилар...

Хисрав уз сипоҳилари билан йулга чиқади. Сунг чулда куринади.

Фарҳод дарё буйида харсангларни дарёга ағдармоқда. Уни кўришга Ширин келади. Иккиси бир-бирини севиб қолади.

— Ҳорманг паҳлавон, қулингиз илойим дард кўрмасин, — дейди Ширин.

— Айтганингиз булсин, сизнинг шамсу меҳрингиз билан зора бу чулга сув чиқаролсак, унда бирга гуллар териб, ҳаёт кечирардик.

— Арслон изидан, йигит сўзидан қайтмас. Мен сизни кўпдан биламан. Элимизнинг паҳлавонисиз. Паҳлавонлар мард булади, муҳаббати пок булади. Лекин нечундир кўнглим гаш...

— Гаш тортмасин маликам... Гашлик ёмон.

— Дарёни тўсиш учун яқин-йироқдан одамлар келмоқда. Қайси бир элдан Хисрав деган шоҳ ҳам келибди. Чулга чодир қуриб, дарёга йул олибди.

— Асло ташвиш тортманг. Мана дарёнинг ярмини тўсиб қўйдим. Ҳадемай биз турган жойдан бу чулга сув шарқираб оқади. Унинг яшил шалолаларида қўл ушлашиб, ҳаёт қурамыз.

— Илоё, айтганингиз булсин. Мен энди қалъага қайтай. Сизнинг ишларингизни аммамга айттай.

Ширин кетади. Фарҳод харсанг кучириб уни сувга ташлай бошлайди.

Қир тепасида Моҳинбону қалъаси. Қош қорайганда уч отлиқ чоғиб келади. Дарвозабон эшик очади. Моҳинбону ҳузурига чопарлар кирадилар.

— Маликаи бузруквор, биз Хисрав шоҳ ҳузуридан келдик. Шоҳ ҳазратлари дарёни тусиб сувни саҳрога йўлладилар. Сизни ва жиянингиз Ширинни уз шартингизга биноан ихтиёрларига кутиб турибдилар.

Ҳамма қалъа тепасига шошилади.

Олисдан ойдин кечада чул бағри ярқираб куринади.

— Сув... сув!.. — дейди Моҳинбону севиниб.

— Дарё тусилибди, — дейди қалъа одамлари.

Ширин юз-кузларини қули билан беркитиб, хонасига югуради.

— Майли азиз меҳмонлар, биз шартимизга итоат этадиган элатларданмиз. Бориб шоҳингизга айтинг, уша сув чиқарилган дарё буйида туй тараддудини кура берсин.

Хусрав чопарлари изларига шамолдай югуриб еладилар.

Шоҳ ёсуман кампирни ёнига чақириб, унга тайинлайди:

— Зудлик билан Фарҳоднинг ёнига бор. Унга манави чулни курсатиб «Хусрав шоҳ сендан олдин сув чиқарди», дегин. Ширин рози бўлиб мен томон келаетганини айтгин.

Хусрав Ёсуманга халгада танга ташлайди.

Кампир Фарҳод ёнига етиб бориб, бошини тошларга уриб, сочини юлиб, фарёд чека бошлайди. Фарҳод қулидаги харсангни дарёга иргитиб, кампирдан сўради:

— Ҳа ойижон, нима будди?

— Эй, ойинг ургулсин. Мен айтмайин, сен эшитмагин, болам.

— Айтинг нима гап узи?

Кампир йиғламсираб қулини чулга кутарди, — Курмаяпсанми? Чул ярқираб курияпти.

— У нима?

— У Сирдарё, болам. Хусрав деган қайси бир шоҳ сендан олдин дарёни тусибди. Ширинқизни хотин қилиб олаётган эмиш. Мен бу шумхабарни эшитиб, сени олдингга югурдим. Сен ахир шу ерлик йигитсан, қиз сеники, ер сеники бўлиши керак-да, ахир. Эҳ, болам, пешонанг шўр экан-да...

— Эҳ фалак, бунчалар бераҳмсан...

Фарҳод чулга қараб, олисда ялтираб турган дарё сувини кўриб, оҳ уради. Сунг шиддат билан узини тоққа уриб, кучирган катта харсангни уз устига ташлайди. Кампир ғайри табиий қаҳ-қаҳа уриб, кўздан ғойиб бўлади.

Келинлик сепини кийган Ширин: «Мени дарё ёқалаб, Хусрав чодирига олиб боринглар», дейди.

У Фарҳод қазиган харсанг ёнига келади. Тусилай-тусилай деб турган дарё ёнидан утади. Катта харсанг остида Фарҳоднинг танаси кўринади. Ширин узини тутолмайди. Йиғлаб ўрнидан жилолмай, Фарҳоднинг устига ағдарилган харсангга бошини уриб йиғлайди.

Шу вақт Шопур етиб келади.

— Маликам, қаерга келин булиб боряпсиз? Қайтинг, алданибсиз, ялтираб кўринган олисдаги у нарса дарё эмас, бўйра экан, ҳа, сароб экан!

Беш-олтита чопарлар ялтираб кўринган томонга бориб, тезда изларига қайтиб келадилар.

— Алданибсиз, маликам, у ялтироқ нарса чиндан ҳам бўйра экан...

Шопур ва суворилар Фарҳод жасадини харсанг остидан олиб, қирғоққа кўядилар. Ширин Фарҳодга энгашади ва унинг куксига бош қўйиб, уз куксига ханжар уради.

Моҳинбону етиб келади. Соҳилдан, чул бағридан юрт йиғиси кутарилади.

* * *

Утмиш оби ҳаёт афсонаси ана шундай. Ёз чилласида чул бағрида гармсел кутарилганда ялтираб сароб кўринади. У чулга сув чиқариш йўлида умрлари хазон бўлган Фарҳод ва Шириннинг абадий саробга айланган оҳу-зорлари дейишади. Бу афсона Бекобод, Новнинг қадимий қисса айтувчиларининг дostonларига айланган.

Ҳа, эл орасида қадимдан шу афсона юради. Бекобод шаҳрига ва унга қўшни Нов (Тожикистон) районида келсангиз, Фарҳод ва Ширин афсонасига боғлиқ бўлган жойларни сизга курсатадилар. Фарҳод ГЭСи туғонидан чиқарилган канал остидан сой утган. Уни Ширин сойи дейдилар. Ширинсойни ёқалаб юқорига кутарилсангиз, унга, Бекободнинг жануб томонида баланд тепалик кўринади. Бу ерда қазув-текширув

ишлари олиб борилмоқда. Сирдарё тусилиб туғон қурилган жойдан доимо шалдираб турадиган қандайдир овоз эшитилиб туради. Қадимги ривоятларда айтилишича, бу гуё Фарҳоднинг дарёга ташлаган харсанг тошларидан пайдо бўлган эмиш.

Ширинсой тепасидан Оқсой утади. Бу Оқсойдан озми-кўпми жилга булоқлар сувлари оқиб утиб туради. Бу сойнинг унғ томонида ер ости сув йули — кориз қурилган. Унинг ичидан Фарҳод тешаси топилган дейишади. У ҳар йили қишда тозаланади. Соининг чап томонида сув тоннели қавланган. Республикамининг биринчи Президенти Йулдош ота Охунбоев шу ер ости сув йулини қазишда иштирок этган пайтидаги сурати шу ерда олинган дейишади.

Мана Фарҳод ва Ширин ҳақида биринчи афсона — қисса. Қиссада сув фожиаси, утмиш фожеаси ҳикоя қилинади. У аслида муҳаббат фожеаси, ҳаёт фожеаси эди. Эл оғзида шундай эртақ юради.

* * *

Фарҳод тоғи этагида бир нафас тўхтаб, сунг Сирдарё устига қурилган туғондан утиб, Ширинсой орқали Моҳинбону тепалигига кўтарилдим. Бу ердан Мирзачул воҳаси кўзга яққол кўринади. Бундан ун беш йигирма йил аввал тақир чул бўлган, юлғунлар ондасонда ҳилпираб кўринади. Юлғунлар ўсган кенг дашт эндиликда бутунлай узғариб кетган. Бекободдан Ховосга борадиган темир йулнинг икки томони чаманзорга айланган. Кенг асфальт йуллардан полиз маҳсулотлари ортилган карвонлар темир йул бекатлари ва шаҳарларга пайдар-пай утиб туришибди. Эрта-индин бу йуллардан турнақатор булиб «оқ олтин» карвонлари қатнайди.

Дарё томондаги мевазор боғдан муҳаббат тароналари эшитилади. Уни мевазор боғлар ичидаги соя-салқин ва шинам шийпонда қиз билан йигит куйларди. Дам олиш вақтида гулистон ичра гулдай яшнаб, муқаддас юрак туйғуларини куйга солиб бир-бирига изҳор этаётган бу икки ёшнинг севги ҳақидаги қушиғи хаёлимни олис-олисларга элтди. Бу ерда яратилган Фарҳод ва Ширин қиссаси, улар туғрисидаги шеърый дурдоналар, бу дostonларни ёзган утмишдаги ва ҳозирги буюк сўз усталарини бир-бир кўз олдимдан утказдим.

Қардош тожик халқининг XIV асрада яшаган машхур мумтоз шоири Камол Хужандийнинг ёшлиги Хужанд, Самарқанд ва Тошкентда ўтган. Бу шаҳарларга сафари вақтида Мирзачул ерларида бўлган. Фарҳод ва Ширин қиссаларини эшитган. У ўзининг бир қисса-сида машҳур замонанинг қабих гирдобларида Фарҳоднинг тақдири нақадар аянчли бўлганини бундай ёзган:

*Хусрав етди Ширин васлига,
Фарҳод тоғни қазийди бекор.*

Элимиз шеърятининг бобокалони, назм мулкининг султони Алишер Навоий ҳам таҳсил кўргани Самарқандга келганида ўз «Хамса»сидан жой олган машхур достони воқеасини балки Мирзачул ерларида давра алломаларидан эшитгандир.

Алишер Навоийнинг буюк устози Абдураҳмон Жомий ҳам ўз газалларида алданган Фарҳоднинг ҳолидан фарёд чекиб, қуйидаги ажойиб мисраларни ёзиб қолдирган:

*Эй фалак, Ширин дардини
Хусрав кўнглига элтма,
Чунки топилмас бу мулкка,
Фарҳоддин афзал харидор.*

Абдураҳмон Жомий кўнгли Фарҳод ва Ширин афсонаси яратилган юрт томонда эканлигини, бу ерда жондан азиз севгилиси борлигини ёзиб, Хижозга эмас, балки сеvimли ерининг юрти Туркистонга йўл олишини бундай ёзади.

*Эй Жомий, сен Хуросон еридан
Хижоз азмин не қилгайсан,
Чунки сенинг орзу қаъбанг
Мулки Туркистон эрур.*

Мирзачулда Фарҳод ГЭСининг улкан биноси қад кутариб турган жойда Навоий қишлоғи бор. Бу қишлоқ аҳли ўзларини бизлар Фарҳод ва Шириннинг авлодларимиз, дейишади. Ҳозир уларнинг қишлоғи яқинида Ширин шаҳри бунёд этилган. Фарҳод жамоа хужалиги ташкил этилган. Бу шаҳар ва пахтакор хужаликлардан машхур соҳибкорлар, пахта усталари, Мирзачулнинг ҳақиқий бахтиёр, азамат Фарҳодлари етишиб чиққан. Уларнинг уфққа бош қўйган пахтазорла-

ридан утиб буюк Алишерни ўйлайман. Унинг ер ва сув ҳақидаги, Фарҳод ва Ширин қисматига бағишланган юрак сўзлари ёдга келади:

*Қуйиб кўнгилга юз кўҳи аламни,
Тўқуб кўздан туман минг сели ғамни,
Уриб оҳидан ўт ҳардам забона,
Сув очмоқ азмига бўлди равона,
Ки сув ойдин қуйи чун айласа майл,
Ясагай боғ бўстон анда ҳар хайл.*

Навоий Фарҳод дардини қаламга олиб, уни сув очмоқ азмига отланганлиги ва боғу бўстон воҳаларини яратишга азм этганлигини ёзиб, қадимий эл орзуси бўлган қақроқ ерларга сув чиқаришни эзгу муҳаббат қасамёдига айлантиради. Лекин истибдод, жаҳолат, қонхур ҳукмдорлар замонида элнинг ҳар қандай эзгу орзуси оёқ ости буларди. Шунинг учун шоир Фарҳод қисматидан фарёд чекиб, бу мисраларни қаламга олди:

*Яна оламда шаҳру тоғу води,
Кезиб ишқ аҳлига қилгил муноди.
Ки Фарҳод ўлди ошиқлик аро зор,
Вале етди анга Хисравдан озор.*

Фарҳод ва Ширин афсонаси яратилган Сирдарё соҳилидаги халқларнинг орзу-ўйларини, Ўрта Осиё чўлларини узлаштириб, у ерларни гулистонга айлантириш ниятларини қардош тожик халқининг ўтган асрнинг охири ва йигирманчи аср бошларида Хужандада яшаб ижод қилган гуманист шоир Тошхужа Асирий ҳам ўз асарларида ёзиб қолдирган. Унинг «Бекобод ариғи таърифиди» шеъри бу сўзимизга ёрқин мисол бўла олади.

*Бекободнинг ерларига туташ чул,
Ундаги ер экинларга топмас йул.
Агар ариқ чиқарилса дарёдан,
Яшнайти ер турли гулшан гиёҳдан.
Бу афсона шунчаки бир мақол —
Эмас, балки эрур орзу-ю хаёл.*

Шоир Мирзачул ерларида кўп бўлган, бу ердаги кимсасиз ваҳший ерлардан утар экан, эл орзусини тинглайди ва «бу афсона эмас, балки эрур орзу-ю хаёл» деб ажойиб мисраларни қаламга олади.

Тоғ бағрида, Ширин даврида зўравонлар, золим ҳукмдорлар дастидан ўзининг эзгу ниятига — сеvim-ли ёрига етолмаган Фарҳод қиссаси ўзбек адабиётининг йирик вакили Ҳамза Ҳакимзода асарларида ҳам акс этган. Буюк шоирнинг 1911 йилда ёзган «Боғларда гул» газалида шундай байтларни учратамиз:

*«Кесмади тоғ бағрини Фарҳод зор
Ширин йўқлаб келиб гоҳида
ҳолини сўрмагунча.*

Элимизнинг атоқли қалам соҳиблари Гофур Гулом билан Ҳамид Олимжон 1939 йилда Катта Фарғона каналидаги қурувчиларнинг улкан меҳнат галабасини шеър билан ёзиб, бу қасидада халқимизнинг Мирзачўлни ва бошқа сувсиз ётган дашту саҳроларни ўзлаштириб, у ерларни серҳосил экинзорларга айлантириш ҳақидаги орзуси рўёбга чиқаётганини тараннум этганлар.

Қасидада Мирзачўлда, Сирдарё соҳилларида халқ орасида Фарҳод ва Ширин эртаги машҳур ва бу афсонага Мирзачўлга сув чиқариш орзуси асос қилиб олинганлиги бундай куйланади:

*Гузаллигин Мирзачўлга гаров қўйибди,
Талабгорга битта шарту суров қўйибди:
«Шартим шуки, Мирзачўлга утказсин канал,
Сир бир томон, чўл бир томон ётмасин увол».
Қиз шартини довруқ билан тинглабти олам,
Йўл олибди теварақдан оломон-одам.
Бироқ Хисрав одамликдан баҳрасиз юрак,
Ширин қизни эгаллашга элдан буруноқ,
Меҳнат эмас, найрангларни ишга солади,
Бу найрангнинг таърифидан мард уялади.
Тез фурсатда лак-лак бўйра бўлади тайёр,
Тулин ойли бир кечада Хисравдай айёр,
Бўйраларни Мирзачўлга ёяди бутун,
Сирдай гуё ярқирайди Мирзачўлда тун.
Ой нурида бўйра порлаб оққан сув каби,
Шурлик Ширин қувонади кулгуда лаби,
Тонг отганда, ой ботганда, тугаганда тун,
Шараф, номус, сув ҳам канал йўқолмиш бутун...*

Мирзачўлни Мирзагулистонга айлантириш ишлари бизнинг замонамизда бошланиб, чўл номи билан аталган доғлар аста-секин йўқола бошлайди. Айниқса

1941—1945 йилларда, урушдан кейинги беш йилликлар даврида қуриқ ва буз ерларни ўзлаштириш, азим дарёларни жиловлаб, сув ва нур манбаларини бунёд этиш кенг миқёсда олиб борилди.

Қадимий она Сирдарёмиз суви нур — олтин маржонларга айланди. Унинг соҳилларида бирин-кетин улкан нурхоналар ва оби ҳаёт ҳавзалари, каналлар пайдо бўлиб, қадимий дашту чуллар антиқа гулистонга айлантирилди. Бекободда Фарҳод ГЭСи бунёд этилди.

1956 йилнинг 8 апрелида қадимий Сирдарё янги зур тантанани ўз бошидан кечирди. Хужанд шаҳрининг шарқида, Қайроққум посёлкасининг яқинида халқ жонажон диёримизга сув ва нур етказиб бериш учун белини яна бир бор маҳкам боғлади. Улкан дарё узанининг тўсилишига бағишланган тантанага Тошкент ва Фарғона вилоятларидан келган вакиллар, Иттифоқнинг кўпгина йирик гидротехник қурилишларининг қурувчилари ва энергетиклари келдилар. Митингга қардош Тожикистон ва Ўзбекистон республикаларининг раҳбарлари, шунингдек қурилишларда қатнашган бинокорлар сўзга чиқдилар.

Митингга ва митингдан сўнг ҳамма учрашувларда сув ва нур тантаналарига бағишланган шеърлар ўқилди. Ҳофизлар қўшиқлари янгради. Қардош тожик халқининг улкан шоири Мирзо Турсунзода дарё соҳилида ўзининг энг яқин ҳамкасб дўсти, шеъриятимизнинг яловбардори Гофур Фулом билан бирга юриб, қон-қардош халқларнинг асов Сирдарёни жиловлаш ва дашту саҳроларни унинг оби ҳаёт чашмаларидан баҳраманд қилиш тантаналарига бағишланган шеърлар ёздилар. Турсунзода бу тарихий воқеага бундай шеър бағишлади:

*Сайил, янги сайилдир Сир қирғоғида,
Халққа янги иқбол келди хурсанд чоғида,
Хабар қилдик сайлимизга барча дустларни,
Бирга тўсиб Сир йўлини, топдик зафарни.
Кеча-кундуз қирғоғидан елиб эркин ел,
Фарҳод чироқлари томон келар мутассил.
Бахтимизга хизмат қилар у мингларча йил,
Қайроққум ГЭС эртаминни қилар чароғон,
Қудратли юрт ноз-неъматини бўлар фаровон.*

Гофур Фулом қадрдон дўстининг янграқ овозига ҳамнафас бўлиб, бундай сатрларни қаламга олди:


*Нур ва сув халқларнинг қадим орзуси,
Хусусан узбекка бу эски умид.
Ўтмиш ташна кунлар ва тунлар нурсиз,
Бу улуг қиссага бўлдилар қалид.
У «Фарҳод-Ширин» деб атар афсона,
Замири тилакнинг зур шамчироги.
Афсона умидга дастак, баҳона,
Ҳатто макон тайин — Сирнинг қирғоги,
Қадимнинг буй бермас тўнгбош айгири,
Сирдарё эгади тез фурсатда бош,
Бир умр қониқиб Мирзачул ери,
Кумуш кўзгуларда нурланар қуёш.*

Бугун уз эркини уз қўлига олган бахтиёр халқимиз қадимий орзуларини рўёбга чиқариб, мўъжизалар яратмоқда. Буюк мамлакатимизнинг қаерига борманг, катта-кичик дарёлар тўсилиб, буш ётган дашту саҳроларга оби ҳаёти суви оқизилмоқда, ирригация солномасига тарихий воқеалар, халқимизнинг улкан зафарлари ёзилмоқда.

Буюк даҳоларнинг Фарҳод ва Ширин афсонасига бағишланган улмас асарларини хотирга келтирар эканман, Сирдарё бўйида, антиқа бог ичида Навоийнинг газалларидан қўшиқ айтиб, «Фарҳод ва Ширин» дostonидан парчалар ўқиб, ширин суҳбатлашиб ўтирган икки бахтли севишганни яна уйлаб кетдим ва улар ҳақидаги бу сатрларни қаламга олдим:

*Ям-яшил соҳилда, навбаҳор пайти,
Янграр Алишернинг газали, байти,
Оқшом пайти ястаниб, икки ёш дилдор,
«Фарҳод ва Ширин» дан ўқирди такрор.
Ёш йигит куйманиб Фарҳод дардига,
Таҳсинлар ўқирди севги мардига.
Қиз қалби Шириннинг умрини хазон
Ётган қаро кунга қиларди тугён.
Пастликда Сирдарё мавж урар эди,
Шошиб, куйик отиб, шўх куйлар эди:
Мен энди Ватанга бериб сув ва нур,
Бахш этгум чўлларга янги гул умр.
Икки ёш юракдан севиб диёрин,
Томоша қиларди гулшан баҳорин.*

*1978 йил,
Тошкент — Мирзачул.*



УМР ҲИКОЯЛАРИ

Ҳар кунгилнинг уз чироғи булади, унинг пинҳоний шуъласи умр йулини ёритади. Умр узи бир олам, унда бешикдан қабргача булган ҳаётий йул яшайди. Учқун узидан нур таратиб, янги учқунларни пайдо этади. Буни одамзотнинг боқийлиги дейилади. Шу боқийликка иймон ёр булса, олам осойишта умр кечиради. Иймон кетса, заминга ўт кетади. Буни бизнинг авлодлар бошидан кечирган. Шу мушоҳада билан қўлимга қалам олдим.

Яқинда туғилган қишлоғимга бордим. Ота-онам, ака-укаларим қабрларини зиёрат қилиб, йул четида барра майса устида ўтирганимда отамнинг болалигимизда айтган бир ҳикматли сўзи ёдимга тушди. Отам бизни мактаб ёшига етганимизда ёнига ўтказиб бундай деган эди:

*Мактаб жаннатдир,
Кони ҳикматдир,
Келинг, ўртоқлар,
Билим олинглар.*

Бу сўзни эшитганимга етмиш йилдан ортиқ булди. У қалбим турида сунмас учқундай ҳамон порлаб туради. Шу сўзни эслайману босиб ўтган ҳаёт йулимга бир назар ташлайман. Аввало ота-онам хотиримга келади. Сўнг менга устоз булган акам Аширмат кунгилмдан ўтади ва ниҳоят кичик иниларим, сингилларим «бизни унутманг» дегандай дил кузгусида намоён бўлишади.

Мени мактабга дадам эмас, уша акам Аширмат 1923 йилда олиб борган. Дадам «мактаб жаннатдир» дегани билан узи ғирт саводсиз эди. Онам ҳам алифни калтак деб курсатарди. Лекин дадам давр узгаришини зийраклик билан кузатиб «замон сенга боқмаса, сен замонга боқ» зайлида иш кўрарди. Қишлоғимизда янги мактаблар пайдо булди. Бундай мактаблар бошқа жойларда ҳам очилиб, уларда асосан угил болалар уқий бошладилар. Мен акам билан бирга янги мактабга қатнай бошладим.

Онам буз лаҳтак матодан халта тикиб, ичига бир ҳовуч туршак солиб, «энди сен мулло бўласан» деди. Халтанинг ипини елкамга илиб, акам орқасидан биринчи бор мактабга борганим ва онамнинг айтган фотиҳа сўзини ҳамон эслайман. Акамнинг ёнида ўтириб, қаламни илк бор қўлимга беўхшов ушлаганим ҳам эсимда.

Дадамнинг отасидан қолган бир парча ери ва ун қадок суви бор эди. Бу ер қишлоқнинг энг чекка, қирга туташган олис жойида эди. Биздан нарида экинзор ер йўқ эди. Тоғдан келган сувни аввал биз еримизга олардик. Уша тоғ суви йўлида ариқ қазилиб, уни «Янгиариқ» деб, шу оби ҳаёт манбаидан фойдаланиб, экин этиштирардик. Экинимиз ҳар хил эди. Еримизнинг кўп қисмини маккажўхори, оқ жўхори, мош, қовун, тарвуз, сабзи, пиёз экинлари эгалларди. Оқ жўхоридан онамиз қишда қатиклик гўжа ошини яхшилаб тайёрларди. Уни ичиб мактабга борардик. Мактабдан қайтгандан кейин ҳам зиёфатимиз ана шу таом эди. Қовун-тарвузимиз ҳам жуда зур буларди. Қовуннинг асл ширалигини уша болалигимда еганман. Асалдай ўткир ширалик бўлиб, панжамизга тегса бармоқларимиз бир-бирига чиппа ёпишиб қоларди. Тарвуз-чи, унақа катта тарвузни мана, неча ун йилларки, ҳеч қаерда кўрмайман. Ҳар бири сандиқдай баҳайбат бўлади, ўтирсак, оёғимиз ерга тегмасди. Катта бўлгани билан жуда ширин буларди. Энди унақа қовун-тарвузлар йўқ. Ҳаммасига кимёвий ўғитлар сабабчи, ерни қақшатиб, қашшоқ қилиб қўйди. Бирор катта қовун ёки тарвузни олиб сўйсангиз, ичидан оппоқ шўр чиқади. Ҳа, шўр пешона ер шўр экинларнинг макони бўлиб қолди.

Уша вақтларда далаларнинг файзи бошқача эди. Ранг-баранг экинлар кўзни қамаштирарди. Ловия ва жўхори экинларимизнинг ичи қирғовул, беданалар-

нинг суюкли жойи эди. Тузоқ қўйиб қирғовул, беданаларни тутганимиз ҳеч ёдимдан чиқмайди. Эндиликда у унумдор, қадимий ерларимиз ўзгариб, ярми қишлоқ, ярми пахтазорга айланган. Қирғовул, бедананинг уруғи ҳам топилмайди. Шунақа замон. Табиат гузаллигини ўзимиз билиб-билмай, ўз қўлларимиз билан ерларимиздан аста-секин юлиб ташляяпмиз.

Янгиариқдан бошқа деҳқонлар ҳам сув оларди. Баъзан сув талашиб деҳқонларнинг муштлашганини курганман. Ёз чилласида офтоб роса қиздириб, иссиқ қирқ даражадан ошиб кетганда бизнинг минтақаларда фақат ҳайвонот оламигина эмас, балки паррандаю наботот дунёси ҳам сувга интилади. Жазирама ёз кунлари беданадай келадиган бағри қаро қушлар баҳорикор ерлардан, галлазорлардан галалашиб учиб келишарди ва пастлаб уша тошлоқ қўлмақлар атрофига қунишиб, донни кўп еганидан роса чанқашиб, ҳаддан зиёд сув ичиб, ўзларини кутара олмай қолишарди. Ёнига яқинлашсангиз қанотларини ёзиб, учишга ҳаракат қилишарди. Лекин парвозга ҳоли келмай нарига йургалаб тўхтаб қолишарди. Бу беҳол, бечора қушларнинг сойга келиш вақтларини билган тайёрга айёр ургамчик овчилар паналаб, ўтлар орасига жойлашиб олиб, уларни осонгина отиб, ушлашиб олишарди. Уша ёшликда курганларим, бу бешафқат ҳолат дардли дил сатрларида ҳам қолган:

*Бағриқаро, олислардан келдингми?
Қирлар ошиб, сой томонга елдингми?
Роса чанқаб, мунча кўп сув ичмасанг,
Ҳаддан ортиқ тўйиб, жондан кечмасанг,
Жигилдонинг донга тўлиқ, лоҳассан,
Учолмасдан лапанглайсан қирғоқда,
Овчи куриб ушлар сени, тош, хасдан,
Кутар балки полапонинг йироқда.*

*Ҳар нарсанинг меъёри бор оламда,
Нафс балоси жонга хавфли ҳар дамда.*

У вақтларда деҳқончилик оғир иш эди. Молу ҳоли булмаган кишиларга экин етиштириш ҳаддан зиёд машаққатли, заҳматли эди. Оғир меҳнат талаб қиларди. Якка хўжалик эдик, молу ҳолимиз йўқ эди. Пахта етиштириб, давлатдан пул олиб, кийим-кечак қилишни ота-онамиз ўйлаб, бир танобча ерга пахта экарди, кўзда ҳосилини йиғиб олардик.

У вақтларда қишлоқда экинга ишлатиладиган техника йўқ эди. Жамоа хужаликларини тузишга ҳаракат бошланган йиллари қишлоғимизда узиюрар темир машиналар пайдо бўлди. У ҳам бўлса битта трактор. Уни қишлоқ четигаги ерни ҳайдашга олиб келишганда, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, бутун қишлоқ аҳли томошага чиқди. Трактор гуриллаб ер ҳайдашга тушди. Уни бошқарган киши оламда муъжиза яратгандай, ҳайдалаётган ер атрофини давра қилиб ураб кузатаётган тумонот одамларга гурур, қувонч билан жилмайиб қарарди.

Дадам тракторни томоша қилиб, бизларни қўлимиздан ушлаб, «бу биринчи қалдирғоч» деди-ю, далага олиб кетди. Чунки далада бизларни экин кутарди. Уйдан ўроқларни олдик. Бугдой, арпа, мош, шунингдек ўт-уланлар ўроқ билан уриларди. Мош етилиб қолганди, уришга тушдик. Ёшлигимда ўроқни қайроқ тош билан чархлаб, экинларни уриб олишда дадамга ёрдам берганларимни эсласам, ажойиб таассуротлар кўнглимни қоплайди. Мен буларни ёзишдан мақсадим, ҳозирги замон ёшларига бизнинг ёшлигимиз қандай ўтганлигини айтишдир. Чунки ёшликда қурган, урганган, ризқи рўз учун машаққатли кураш тарзи кейинги долғали ҳаёт йўлларида эзгу ният, ирода омилига айланаркан. Ҳа, қуш уясида қурганини қиладди, деганлари бежиз эмас экан. Меҳнат билан суяги қотган, деган гапда маъно куп экан.

Бизнинг болалигимизда ўйинчоқлар йўқ эди. Лекин биз беш-ўн яшарлигимизда жуда шўх эдик. Юпун, ярим оч, ярим яланғоч аҳволда кунимиз ўтсада, шўхлик, туполон, куча чангитишдан қолмасдик. Ҳар нарсани билишга, қўлимиздан келмаса-да, хоҳлаган нарсани қилишга уринардик.

«Болалик — шўхлик» деган иборани тилга олдим. Ҳа, бунга галати, қизиқ мисоллар келтираман. Ўз бошимдан кечирганларимни айтиб утаман. Акам Аширмат ерга урса осмонга сапчийдиган, ута абжир, уринчоқ, шўх, чайир бола булган эди. Даштдаги Янгиариқнинг тезоқар сувида акам билан бирга чумилганимни эсласам, кўнглимни ваҳима босади. Уша ариқ ёзда бўтана бўлиб, тулиб-тошиб, сариқ, лойқа сувларни шиддат билан ағдар-тўнтар қилиб, олдинга оқиб утарди. Сув юзида майда биз-бизаклар у ёқдан-бу ёққа жуда тез-тез утиб турарди. Акам Аширмат уларнинг бир-иккитасини сув юзидан чаққон ушлаб, уша лойқа

сув билан бирга ютиб юборарди. Мен уларни нега ютдинг, деб сўрасам, у қорнини силаб, жилмайиб «мен ҳам чаққон юрадиган буламан», дерди. Ҳақиқатан ҳам акам ёшлигида жуда шўх ва чаққон булган. 1928 йилда у интернатда уқиб юрган вақтида Сирдарёнинг у ёғидан бу ёғига сузиб утган. Интернат Деҳмўй қишлоғида жойлашган бўлиб, дарё қишлоқ ёнидан утарди. Унинг кенглиги ярим чақиримча келарди. Ҳа, бу ерда у ёйилиб оқарди. Акам уртоқлари билан баҳслашиб, дарёни кечиб утган. Унғача интернат болаларидан ҳеч ким дарёни кечиб утишга ботинолмаган. Акам гудаклигидан жисмоний бақувват эди. Қаттиқ меҳнат уни чиниқтирган эди. У улғайиб йигитлик даврига етганида армия хизматиға чақирилади. Интернатда копток тепиб ном чиқарган эди. Армияда ҳам уни футбол командасига олишади. У энг моҳир чарм тўп устаси номини олади. Чунки ҳар уйинда рақиб дарвозасига тўп киритмай қўймасди.

Мен ҳам акамдан қолишмасдим. Турт яшарлигимда қушнимизнинг бойлоқда турган итини қурқитмоқчи бўлиб, ёнига калтак кўтариб борганимда, сонимни гарч тишлаб, бир парча юмшоқ этимни юлиб олишига сал қолган. Уткир тиш излари бир умр эсдалик бўлиб қолган. Яна бир қизиқ воқеани айтаман. Таёқ олиб, кучамиздан утаётган сигирни ҳайдамоқчи бўлдим. Даладан утлаб, подада қайтаётган бу шохдор ҳайвон уткир шохларини чатаноғимдан утказиб, мени азот кўтариб, эшик томонга улоқтирди. Хайриятки, шохини қорнимга ёки бошқа ёғимга ботириб олмади. Бўлмаса бунақа юрмасмидим. Булар-ку бир нави, булардан ҳам хатарлиси бошимдан утган. Беш яшарлик чоғим. Акам Аширмат саккизга қадам қўйган. Уйимиз орқасида қарвонсарой бўларди. Томида варрак учирардик. Акам янги бир варракни ясаб, уни томда учиршини айтди. Хурсанд бўлдим. Нарвон қўйиб тепага кўтарилдик. Акам варракни қўйиб юборди. Мен орқага қараб варракнинг энгил кўтарилишидан хурсанд бўлиб, олдинга қарамай югуриб кетдим. Қарвонсаройнинг куча томонида туташган чойхона, унинг тунаш учун алоҳида хоналари бўлиб, томи яхлит эди. Бир маҳал чойхона мурисидан пастга, хона ичига тушиб кетдим. Мури том билан текис экан, билмай қолибман. Атрофини ураб кесак ҳам қўйишмаган экан. Туппа-тўғри қозоннинг ичига тушибман. Ундаги капгир, қошиқлар ҳар томонга учиб кетди. Сурида

гушт, ёғ туғраб, энди қозонга ташлаб, димлама қилмоқчи булган йуловчиларнинг хушлари бошларидан учиб кетди. Биттаси туриб менга ёрдам бераман, деб шошилганидан мувозанатни йуқотиб, йиқилиб тушди. Иккинчиси менга ёрдамга шошилди. Мен эсам ўзимни эшикка отдим. Ростини айтсам, у амакилардан кўрқдим. Патнисда туғралган гушт ва думбаларни кўриб ундан баттар ваҳимага тушдим. Чунки учоққа ўтин қаланиб, ёнида гугурт турган экан. Қозонкабобга айланишимга сал қолган. Бунақаси жаҳонда булма са керак. Тураман деб йиқилиб тушган киши орқамдан югуриб ўйимизгача келди. Менга шикаст етмадим, деб хавотир олган экан. Лекин мен соппа-соғ эдим.

Яна болалик саргузаштларимдан айтаман. Даштдаги Янгиариқни юқорида тилга олгандим. Уша ариқда жазирама ёзда бошимдан кечган хунук воқеани айтиб бермоқчиман. Болалик шўхлик, деганларидай уша жуда тезоқар сувда чумилмоқчи булдик. Бундай ишларга доим акам бош буларди. Қулимдан етаклаб ариқ лабига олиб борди. Кийимим ҳул булмасин деб яланғоч булиб олдим. Акам эса калта иштонда. Қулимдан ушлаб сувга олиб тушди. Сув таги қум экан, туролмадим. Тезоқар сув мени йиқитиб, оқизиб кетди. Ағдарилиб, чархпалак булиб, бутана тулқинларда оқиб кета бошладим. Оғзимга сув кириб кетди. Турай десам, ўмбалоқ ошаман. Ешман-да. Тўрт яшарлик чоғим. Акам еттиларда. Тезоқар сув мени лойқа йўлига тортарди. Акам орқамдан югуриб етиб келиб, икки қўлтиғимдан кўтарса, лойқа сувдан силлиқлашган баданим сирғаниб, қўлтиғидан чиқиб яна оқар эдим. Билмайман қанча масофагача оқиб бордим. Бахтимизга ариқ ёқалаб отда мироб келаётган экан. У бизларни кўриб қолибди. Отдан узини ерга отиб, акам билан мени ариқ ичидан тортиб олибди. Сўнг икки оёғимдан кўтариб ичимга тулган бир сатилча сувни тукиб, акамни уришиб, иккимизни отига миндириб, анча наридаги қапага, онамнинг ёнига элтиб қўйибди.

Яна бир воқеа. Эсимда, эрта баҳорда, тут пишигида ўйимизда ўтира олмасдик. Тут сайлига чиқардик. Қабристон яқинидаги сайҳонда баҳайбат, баланд тут оппоқ булиб пишарди. Биз болалар унга чиқиб, маза қилиб тут ердик. Йирик, ширин меваси шох учларида гуж-гуж этилиб пишарди. Мен уша нозик шохларига авайлаб ўтиб, тўйиб тут ердим. Шундай бир шохга авайлаб

бориб, қул узатганимни биламан, бир нарса оёғим остида қарсиллади. Шох мурт экан. Синган шох билан бирга йиқилдим. Хайрият, ҳеч ерим зарб емабди. Ҳурнимдан туриб кетдим. Кейин оёғим оғриганини сездим. Анча вақтдан кейин текис юриб кетдим.

Ёшлигим қийинчиликда утган, дедим. Ҳа, биз болаликда кўрган-кечирган, болаликдаги азоб-уқубат, муҳтожликларни ҳеч бир авлод фарзандлари ҳеч бир замонда кўрмасин. Шунинг учун у оғир кунларни шу ёзувларимни ўқиганларга айтиб утмоқчиман. 1929—1930 йилларда қишлоқларда жамоа ҳужаликлари (қолхозлар) тузила бошланди. Менинг дадам ҳам унга биринчи бўлиб аъзо бўлди. Даштдаги бир парча еримиз ва яқинда сотиб олинган, қўшга қўшишга ният қилинган бир новвосни жамоа мулкига айлантирдик. Бирлашдигу биримиз икки бўлмади. Аксинча, шу биримиздан ҳам маҳрум бўлдик. Турмуш оғирлашди. Мактабга оч қатнардик. Лекин мен яхши ўқирдим. Уйин-кулгунни ёқтирмасдим. Китоб варақлардим, унинг ҳар бир бетиде янги бир дунёни кўрардим. Шеърларини ёд олардим. Расмларини оддий қалам билан қора нусхасини чизишга ҳаракат қилардим.

1930 йилда Хужанд шаҳридаги педагогика билим юртида ўзбек тили курси очилди. Икки уртоғим билан уша билим юртига бориб ўқишга кирдим. Билим юрти ётоғи шаҳарнинг кун чиқиш томондаги пахта заводининг ёнида эди. Ўқишхонамиз эса шаҳарнинг шимолида, дарё соҳилига яқин жойда эди. Ҳар куни узоқ йул босиб, шаҳарнинг серқатнов кучаларидан утиб, ўқишга қатнардим. Қўлимдан китоб тушмасди, китобда дунёни кўрардим. Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ойбек, Боту, Ҳамза шеърлари, ҳикоялари мени сеҳрларди. Билим юрти талабаларининг дам олиш кечаларида катта шоирларнинг ижодларидан намуналарни саҳнага чиқиб ёддан айтардим. Улар мени шеърини оламига етакларди.

Уша йиллари Хужанд ноҳиясида якка ҳужалик деҳқонларининг ерлари тортиб олиниб, жамоа ҳужаликларига бўлиб берилган эди. Тортиб олинган ерларни улчаб, ҳажмини аниқлаш керак бўлиб қолибди. Биз талабаларни ер улчашга олиб чиқишди. Икки метрлик ёғоч чўпни қўлимга тутқазишди. Умримда бунақа иш қилмаганман.

Эрталаб ер улчашга чиқиш керак эди. Қишлоқ шўросининг идорасида ётиб қолдим. Кечаси уйқум

келмади. Тахта сүрида бир узим ётибман. Эшик ёнидаги хужрада идора қоровулининг хурраги эшитилади. Ёнимда газчўп мени биласанми, дегандай уч бурчак қаддини кутарган. Қоғоз олиб, хомаки ҳисоб-китоб қилдим. Ҳар хил ер кўринишларини чизиб, энига, бўйига рақамлар кўйиб, сунг ер ҳажми қанча булишини ҳисобладим. Бу тунги машқим менга анча ёрдам берди. Барвақт туриб, ер курсатувчи хужалик ходими билан ноҳиянинг Қистакуз, Исфисор қишлоқлари атрофларидаги ерларни, шунингдек Сирдарё атрофидаги саҳнларни улчаб, ҳажмини аниқлаб, нусхаларини қоғозларга алоҳида-алоҳида чизиб, эгаларига топширдим. Ёнимда юрган киши аввалига менга ишонмади. Оғзидан онасининг сути кетмаган муштдек бу бола улчовни расво қилади, деб анчагача изимдан юрди. Қоғозга туширганларимни синчиклаб текширибди. Хайрият, ҳисобим тўғри экан. Аввалига қовоғи солиқ, димоғдор кўринганди, кейин юзида жилмайиш пайдо бўлди. Иш охирида қулида тугун кўрдим. Нон, урик ва чой келтирибди. Қорнимни тўйгазиб, ётоқхонага шаҳарга қайтдим. Эртаси кун яна ер улчови бошланди. Энди ёнимда одам бўлмади. Бу иш икки ҳафта давом этди. Кўп иш қилдим, лекин хизмат ҳақи олганим йўқ. Мен улчаб чиққан ерларда боғлар, экинзорлар пайдо бўлган. Сирдарё соҳилида эса улкан Қайроққум ГЭСи, янги сув денгизи бунёд этилган.

Қаттиқ очарчилик бўлган 1932 йилда ҳам уша билим юртида ўқишни давом эттирдим. Овқатимиз ярим коса ёвғону, юз эллик грамм келадиган сиқса суви чиқадиган қора нон эди. Уша йили қишки таътилда юпқа ёғоч тахтадан ясалган, устига эски лахтак латта уралган чамадонимга эскирган китоб-дафтарларимни солиб, темир йул вокзалига бордим. Поезд азонга яқин Фарғона томондан келарди. Мен эса кун ботишга, Бекобод яқинидаги Нов қишлоғига боришим керак эди. Тун яримдан оққан. Аччиқ изғирин эсади. Тор вокзал ичида уч-тўртта йўловчи мудраб утирибди. Эшикка чиқмоқчи бўлдим. Ёнимда мудраб бир кўзини сал очиб, менга қараб турган ёши ўтинқираган кишидан чамадонимга бир зум қараб туришини илтимос қилиб, ташқарига чиқдим. Темир йўлдан сал нарига ўтиб, тезда қайтиб келдим. Ҳалиги кекса киши ҳам, чамадоним ҳам йўқ эди. Мудраб утирган кишилардан сўрасам, билмаймиз, дейишди.

Кўп вақт утмай поезд келди. Вагонда утириб, чамадонимни эмас, томоққа олинадиган, пулга чақиладиган ҳеч нарса бўлмаган эски, ҳилпираб турган чамадонимни олиб кетган кекса кишининг ҳолига кулгим ва раҳмим келди. Ҳа, рости ачиндим. Очлик мажбур этиб, невараси тенги бир боланинг юпун нарсасини олишга мажбур этган ҳаётни уйладим.

Вагонда кетаяпман, деразадан ташқарига қарайман. Қор босган далалар хомуш...

Онда-сонда зоғларнинг аста қанот ёзиб, дарахтлар устидан учиб утиб, ерга қўнишларини кўраман. Тиркичилик ҳамма нарсани ҳаракатга, курашга чорлайди.

Тонг отиб кўчаларда ҳаракат бошланганда уйга қайтдим. Отам, онам, укаларим мени илиқ кутиб олишди. Дастурхонда қотирма нон пайдо бўлди. Онам қумғонда чой келтирди. Укаларим бирор ширинлик олиб келдими, деб менга қарашади. Қотирмани укаларим билан баҳам кўрдим. Эшикка чиқиб, айланиб юриб, молхонамизга қарадим. Бузилиб, ёғочлари нонга алмаштирилибди. Уч кун турдим-у Хужандга, билим юртига қайтиб келдим. Бу қийинчилик 1932 йилда бўлган эди.

Болалигимда халқимизнинг қадим тарихини билгим келарди. Ҳа, шундай олис боболаримизнинг йуллари ва уларнинг она юртимизнинг осойишталиги, ўзлиги учун олиб борган қонли курашлари ҳаёлимни қоплаб оларди.

Акам Деҳмой қишлоғида ўқиб юрганда, мен унга нон, туршак, майиз, жийда олиб борардим. Ун беш чақиримча йўлни қари, калтадум эшагим билан босиб утардим. Жонивор умри охирлаб қолганиданми, жуда секин юрарди. Кулмак жой келса, сув уртасида миқ этмай туриб қоларди. Урганим қор қилмасди. Ўзи хоҳлаган вақтида яна жиларди. Шу ҳолда азонни пешин қилиб, акамнинг ёнига етиб борардим. Сирдарёни томоша қилишга қизиқардим. Акам мени ёнига олиб, оғзига онам берган битта шафтоли қоқини ташлаб, Сирдарё тарихини сузлаб кетарди. Бу ерда, яъни Деҳмой қишлоғи ёнида фотиҳ Искандар Зулқарнайн қаршиликка учраб ярадор бўлганлигини, кейинроқ бу ерга кун чиқишдан келган Чингизхон ҳам халқимизнинг беқиёс қаҳрамони Темур Малик зарбасига учраганлигини, уни қўлга тушира олмай, алам қилиб, ҳар ёқни вайрон қилиб, ер билан текислаганини, бу ерлардан ал-

Фарғоний, Камол Хужандий, Бобур каби буюк аллома, олим, шоирлар утганини бирма-бир сўзларди. Мен акамдан бу гапларни қаердан биласан, деб сурасам, у бизда илгари катта домумло бўлган, салла ураб, мадрасада болаларни ўқитган, энди бизни ўқитади, ҳа, ўша кекса, доно муаллим кечқурунлари бизни ўқитади, бизга буларни ўша киши сўзлаб берди, дерди.

Утмишдаги буюк алломалар ҳаётини ва уларнинг инсониятга қолдирган улкан маънавий ва маданий меросларини, у меросларнинг ёзилиш тарихларини, умуман ота-боболаримизнинг тарихларини зўр қизиқиш билан ўқиб-урганиб борардим. Бу қизиқиш менинг доимий умрим одатига айланган. Ҳамон ўқиган, эшитган қизиқ воқеалар, тарихий ҳужжатларни авайлаб, алоҳида урамларда асрайман. Улар менинг мактабим, устозим эрурлар. Она Ватани, ўз халқининг утмиш тарихини билмаган кишиларни эса гофил фарзандлар деярдим. Мана, жонажон Ўзбекистонимиз мустақил булди. Она диёримизнинг қаноти кенг ёзилиб, дунё бўйлаб эркин парвоз қилмоқда. Етти иқлим давлатлари уни таниб, аҳлу фуқаролари қадимий улкан тарихга эга бўлган, дунёга буюк олимларни, маърифат даҳоларини берган, башарият тарихи пойдеворини олтин гиштлар билан мустаҳкамлаган, буюк саркардаларнинг она элига фидоийликларини оламга таратган, буюк ипак йўлида жаннати манзилларни яратган, дунё тижоратчилари, зиёратчиларини оҳангарабодай ўзига тортган она Ватанимиз шукуҳи дунё бўйлаб кенг тарқалмоқда. Бизнинг буронли тарихимизни, асрлардан асрларга ошган озодлик курашларимизни билмаганлар ёки уларни менсимаганлар диёримизни осон мустақилликка эришди, демокдалар. Уларнинг дилларида меҳр ўрнига гараз тутунлари бурқсиётгандек кўринади. Турон, Туркистон, Мовароуннаҳр, Урта Осиё деган номлар билан қадимий диёримиз узининг олис ҳаёт йўлида неча бор йиқилиб, неча бор оёққа турди. Унинг турт томонидан боқинчилар бирин-кетин бостириб, қиргин-барот билан кела берганлар.

Киру Доро ҳам, Искандар Зулқарнайну Чингиз ҳам, Россия подшоҳлари ҳам жафокор диёримизда дарё-дарё қонлар оқизганлар. Мен туғилган биргина қишлоқда Каллахона, Янгимозор, Шоҳидон деган қиргинликни эслатувчи жойлар бор. Жалолиддин Мангуберди ҳам, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам,

Собир Раҳимов ҳам она диёримиз эркинлиги, озодлиги йулида узга элларда жанг қилиб, ҳалок булдилар. Акмал Икромов, Файзулла Хужаев, забардаст қалам соҳибларимиз Фитрат, Чулпон, Элбек, Усмон Носир ва бошқа бир қанча ҳақиқий элимиз фарзандлари она Ватан деб бошларини ёвузлар, қўлларига тутдилар. Уларнинг тақдирларини уйласак, юракларимиз ёниб кетади. Қизил империянинг қарийб етмиш йиллик даврини биз қариялар жуда яхши биламиз. Ишбилармон, моҳир, миришкор деҳқонларимиз бойлик яратганларида, уларнинг бойликлари тортиб олинди. Узлари сургун қилиниб, узга юртларда сарсон, саргардон булдилар, нобуд булдилар.

Маърифатимизни йўқ қилиш учун ҳужум бошланди. Саводсиз югурдақлар элимизнинг фозилларини, зиёлларини ҳибсга олдилар. Улар яратган китобларини кучаларга чиқариб, гулханларда ёқдилар. Дом-дараксиз йўқ қилдилар. Мен бир дўстимнинг мулло отасиникида бир дунё араб, форс, турк, ўзбек тилида ёзилган китобларини кўрганман. Қулоқларни синф сифатида йўқотиш баҳонаси билан дўстимнинг отасини қамаб йўқ қилдилар, китобларини ҳам йўқ қилдилар. У йўқ қилинган китобларни уйласам, халқимизнинг бой маданий тарихи йўқ қилинди, деб юрагим ўртанади. Қанчалик шафқатсиз одамлар қизил империянинг хизматида бўлиб, бу маънавий дунёимизни жар ёқасига элтганлар.

Элимизнинг, умуман сомонийлар, қорахонийлар, Темур ва ундан кейин ўтган ҳокимлар замонларида яшаб ижод этган, дунёвий, диний илмлар, таълимоту маърифат, олам тузилиши ва одамнинг пайдо бўлиши тўғрисида нодир асарлар ёзган, дунёга номи кетган алломаларимизнинг мерослари хорижий мамлакатлар китобхонларини, илмий марказлари, музейларини безаб турибди. У қўлёзма, ягона нусхадаги буюк адабий меросларимизни қай йул билан дуненинг тўрт томонидаги турли давлатларга бориб қолганлигини ҳеч ким аниқ айта олмайди. Лекин ўша маънавий бойликларимизни талаб кетган давлатларнинг бугунги билимдонлари мустақилликка эришган Марказий Осиё мамлакатларига зўр қизиқиш билан келиб, дунёда бундай алломаларни етиштирган давлатлар борлигини билмас эканмиз, деб шаҳарларимизни, қадимий обидаларни, тарихий жойларимизни, улкан маданий меросларимизни,

обод ва гузал заминимизни ҳайрат билан зиёрат этиб кетмоқдалар. Ишбилармонлари ҳамкор бўлиб, биргаликда янги корхоналар яратмоқдалар.

Биз шу она заминнинг фарзандлари утмиш тарихимиз ва бугунги мустақил диёримиз билан қанчалик фахрлансак арзийди. Фахрланиш — бу меҳру оқибатни кучайтиради. Меҳру оқибатимиз каттадан-кичик фуқаромиз қўлни қўлга бериб давлатимиз атрофида йиғилиб, ақлу идрок билан, аҳиллик ва садоқат билан истиқболимиз учун фидойий бўлиб хизмат этишдир. Биз уруш кўрган кексалар юрт тинчлиги — ҳаёт тинчлиги эканлигини яхши биламиз. Боғларимизга чанг тушмасин, оқар сувларимиз тиниқ бўлсин, юртимиз обод, халқимиз маъмурчиликда осойиш ҳаёт кечирсин, деймиз.

Ҳамма жонзотда нафс — емак, ичмак бор. Дунёни ақида этиш, фикрлаш, она-Ватанни обод этиш, турган жойини безаб ҳаёт кечириш фақат инсонга насиб этган деган фикр дилимдан утади. Қишлоғимиздаги билим юртида ўқиб юрган вақтларимда ҳам шуни уйлардим. Билим юртини 1935 йилда аъло баҳолар билан тугатдим. Мен у ерда деворий варақа муҳаррири, ёшлар иттифоқи уюшмасининг аъзоси эдим. Шеърлар ёзиб, мактабларда, аҳоли йиғинларида уни қотириб ўқирдим. Билим юртини битиришим билан мени Сирдарё бўйидаги атрофи шопопоялар билан ўралган кичкина қишлоқ мактабига ўқитувчи этиб юбордилар. Қишлоқ атрофи айланма зовур бўлиб, унда сизот сувлари тўлиб турарди. Юзга яқин хонадони бор эди. Қайси уйга кирманг, деворларининг ярмигача зах кўтарилиб, ғалати бадбўй, намхуш ҳидлар димоққа урилиб, кишини беҳуд этарди. Мен бу ердаги одамлар темир йўлга яқин тепаликка кўтарилиб, қуруқ тошлоқ жойларда ҳаёт кечирсалар бўлмайдими, деб уйлардим. Қишлоқ кучаларидан утсам юзимга чивин тудалари уриларди. Юзлари салқиган ўқувчиларимни кўриб, юрагим эзиларди. Уларнинг оталари «тошлоқда шопо битмайди, биз бу ерларда шопокормиз» деб қурбақалар ин қўйган ботқоқлар қуршовида, заҳқаш ерларда ҳаёт кечиришарди.

Мен бу қишлоқнинг тўлиқсиз урта мактабида, туртинчи синфида ўқитишни бошладим. Шунингдек, кечки саводсизлар курсида машғулот олиб бордим.

Фарҳод ГЭСи қурилиб, Сирдарё тўсилганда, ўша мен биринчи марта ўқитувчи бўлган Янгиқўрғон қиш-

лоғи сув остида қолиб кетган. Қишлоқ аҳолисининг бир қисми темирйўл ёқасига, бир қисми бошқа юқори қишлоқларга кўчирилган. Фармонқўрғон аҳли эса Бекобод металл заводининг шимол томонидаги Жумабозор қишлоғига яқин жойларга макон қуришган.

Мен уша ёш ўқитувчи бўлган йилларимни эслаб, Мирзачўл, Бекобод томонларга кўчиб кетган юртдошларимни ва улар ичида биринчи муҳаббатим ҳам кетганлигини «Сайхун жамоли» шеъримда ёзганман:

*Сайхун соҳилида кезар эмишсан,
Шириннинг дардини сезар эмишсан,
Қарарсан дарёга ағдарган тошга,
Гул юзинг қиёслар узин қуёшга,
Елдан тебранаркан гунчалар қирда,
Ошиқлар буларкан у ҳамма ерда.
Йигитлар доғингда, тош қучоғингда,
Тулишиб баҳордай гузал чоғингда,
Қалбингни билмаскан ҳеч бир навқирон,
Деяркан: йигитни севмас у жонон.
Бироқ сен юрарсан дилга куз ташлаб,
Кўринар унда ишқ гуллари яшнаб,
Сен шунда деярсан олис дилдорим,
Урушдан қайтади омон, деб ёрим.*

Мен ёзги каникулга чиққанимда, ўқишни давом эттириш учун Самарқанддаги дорилфунунга кетдим. Кириш имтиҳонларини топшириб, олий билимгоҳнинг филология, яъни тил ва адабиёт факультетига ўқишга кирдим. Самарқанд катта маданий марказ, билимлар шаҳри. Талабалик йиллари ёшликнинг олтин даври. Ҳа, ун етти-ун саккиз ёшга етган йигит-қизларнинг етилган, гул-гул чиройга тўлган йиллари бошланади. Қадимий тарихий Самарқандни ер юзининг сайқали дейишади. Бу ерда инсониятнинг буюк обидалари, беқиёс тарихи авлодларга уз нарсасини етказиб турибди. Кўчаларида юрсам олдимда буюк алломалар чиқиб, ҳолимни сўраётгандай туюларди. Менга гўё бетакрор нақшли осмонупар бинолар уз усталарининг тарихидан ҳикоя бошларди. Шаҳар атрофидаги тепаликлар эса биз ҳам бир замонлар шаҳар эдик, дегандай асрий ҳомушлиқда пинҳоний сирларини шабада қанотида шивирлаб юзларимни силаб утарди.

Бу ерда соҳибқирон Амир Темур янги фотиҳлик йўлларига юриш учун қўшинларини сафга тизаётган-

дай. Бу ерда илму маърифат даҳолари Абу Абдулло Рудакий, Абдурахмон Жомий, Камол Хужандий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Мирзо Улугбек, Абдураззоқ Самарқандий, Хўжа Аҳрор Вали ва бошқа буюк зотлар Регистон майдонида ўз тарихларини ҳикоя қилишга йиғилишгандай.

Тоғ этагидаги олис бир қишлоқда туғилган, мендек дунё кўрмаган бир бола улғайиб, навқиронлик йилларини таҳсил олишга бағишлаб азим шаҳарга келса, унинг таассуротлари бениҳоя бўларкан. Эшитмаган, кўрмаган ҳар бир нарса менга муъжизадай туйиларди. Мен дастлабки йили Самарқанднинг кучалари, боғлари, хиёбонларида шундай афсонавий таассуротлар билан юрдим. Дорилфунунда янги дўстлар орттирдим. Ойим болалигимда кечалари утмишдан узоқ ҳикоялар айтиб, охирида «яхши билан юрсанг етарсан муродга, ёмон билан юрсанг қоларсан уятга» дерди. Талабаларнинг ҳам ичида ҳар хили бор. Отаонаси, авлоди яхши йигит-қизларнинг юриши, туриши, ўзини тутишлари, ўқишлари ҳам кишининг ҳавасини келтиради. Мен яхши кийиниб, яхши муомала қилиб юрган талабалар билан дўстлашдим.

Ойим чийбахмалдан калта камзул тикиб берганди. Шунини авайлаб, шеърлар ёзадиган бўлганимда вилоят ва пойтахт рўзномаларида чиққан қалам ҳақларимни тўплаб, янги майин жундан тўқилган костюм олдим.

Болалигимизда электр токи йўқ эди. Лампа чироқлар ҳам ўзига тўқ кишиларникида бўларди. Уйимизда неча авлодлардан мерос бўлиб келаётган мокига ўхшаган чўян жинчироқ бўларди. Жувоз мойидан унга қуйиб, пилта ўрнатиб, ним қоронғу уйда эртак эшитардик. Дарс сабоқларини ҳам шу хира чироқда бир амаллаб тайёрлаб олардик. Ухлаб эрталаб турсак, томоғимиз ачирди, туфласак бир қора нарса томоғимиздан кучиб, ерга тушарди. Биз ана шундай шароитда болалигимизни ўтказганмиз, тиришиб ўқиб, эзгу ният йўлларимизга қадам қўйганмиз.

Мен кўпинча табиат манзараларини, унинг гузалликларини томоша қилиб юрардим. Жануб томондаги осмонга бўй чўзган баланд тоғлар, унинг чўққиларидаги оппоқ қор қуёш нурида олмосдай ярқираб, хаёлимни тортарди.

Инсоннинг руҳий, маънавий камолотида у яшаб турган жойнинг катта таъсири бўлади. Айниқса, катта тарихга эга бўлган шаҳарлар камолот манзилгоҳлари

булади. Мен Самарқандни шундай деб биламан. Бу қадимий, абадий навқирон шаҳар тарихи, етти иқлимга машҳурлиги буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темур номи билан, унинг авлодлари Мирзо Улугбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Алишер Навоий ва бошқа улуг юртбошиларимиз, маънавий-маърифий устозларимиз ҳаётлари билан боғланган эди. Бу шаҳарнинг маърифий ҳаёти, кўркем ва гузаллиги, одамларининг билиму ғайратлари, унинг билимгоҳларида мураббийлик қилаётган олимларининг таълим-тарбия соҳасида ёшларга бераётган тажриба-ю донишлари қизиқиб таҳсил олаётган ёшларга қанот бағишларди. Бу ерда жуда кўп олимлар, тарихнавислар, қалам соҳиблари самарали ижод қилиб, энг буюк асарларини яратганлар.

Мен бу ерларда уттизинчи йилларда Фитрат, Чулпон келиб ижод қилганларини кўрганман. Бу ерда устод Садриддин Айний қарийб ҳамма асарларини яратган. У, домулло, биз ёш ижодкорларни ҳар доим самимий кутиб оларди. Бирга утириб, ёзган илк машқларимизга ҳолис фикр айтиб, ижодий ёрдам берардилар. Самарқанд дорилфунунда таҳсил кўрган Ҳамид Олимжон, Уйғун, Ойдин, Миртемир, Усмон Носир, Амин Умарий ижодий учрашувларга келиб турардилар. Айниқса, узлари таҳсил олган олий билимгоҳ талабалари — бизлар билан мулоқотлари ғоят қизиқарли ва самимий утарди.

Уша вақтларда дорилфунунда энди ашъор майдонига қадам қўйган талабалардан Адҳам Ҳамдам, Уткир Рашид, Асқад Мухтор, Шароф Рашид, Сами Абдуқаҳҳор, Насрулло Даврон, Атомулло Тошматов, Исоқжон Юсупов, Раҳим Муқимов, тожик шоири Ҳабиб Юсуфий ва бошқа ёшлар вилоят ёш ижодкорлар уюшмасига тупланиб, ёзган янги асарларни батафсил муҳокама қилардик. Ўзбекчами, тожикчами, русчами — қайси тилда бўлмасин уз маслаҳатчисини топарди. Масалан, курсдош дустимиз Обитой Турумбетов қозоқ ва қорақалпоқ тилида ёзилган шеърларга маслаҳатлар берарди. Ҳабиб Юсуфий эса ёш тожик шоирларининг моҳир маслаҳатчиси эди. Бизлар гоҳи бир мавзуда маслаҳатлашиб, бирга шеър ёзардик. 1937 йилда Қодиржон Имомов, Шароф Рашидов ва мен бирга шеър ёзиб, уни вилоят газетасида эълон қилгандик. Бу шеър Қодиржон Имомов, Шароф Рашидов ва менинг сўнгги йилларда чиққан тўпламларимиздан

жой олган. Қодиржон Имомов, Ҳабиб Юсуфий, Атомулло Тошматов, Исоқжон Юсуповлар иккинчи жаҳон уруши майдонларида қаҳрамонларча ҳалок бўлдилар. Бошқа бир қанча бирга ўқиган қаламкаш дўстларимиз жанггоҳлардан ногирон бўлиб қайтдилар. Бу уруш чандиқлари, яралари кўпларни орамиздан бевақт олиб кетди.

Биз Самарқанд дорилфунуни ёш ижодкорлари вилоятнинг маданий ҳаётида фаол қатнашиб келардик. Мен Нарпай районида истиқомат қилувчи машҳур бахши Ислом ота Назар углига мирзо бўлиб, шанба кuni ўқишдан кейин поездга утириб, унинг уйига борардим. Отанинг янги ёзган термалари ва айтиб юрган халқ достонларини қоғозга тушириб, отага бериб, душанба кuni эрталаб яна ўқишга етиб келардим.

Навоийнинг 500 йиллиги 1941 йилда бўлиши керак эди. Бутун жумҳуриятимизда, шу жумладан Навоий таҳсил олган Самарқанд шаҳрида бу байрамнинг утиши учун катта тайёргарлик ишлари олиб бориларди. Биз талабалар Шароф Рашидов, Асқад Мухтор, Раҳим Муқимов, Саида Нарзуллаева, Обитой Турумбетов ва мен устоз Садриддин Айний, профессор ўқитувчи Абдурахмон Саъдий раҳбарлигида Навоий асарларини ўрганиб, илмий анжуманда иштирок этишга тайёрланардик. Мен Навоийнинг машҳур «Мажолис-ун нафоис» асари устида тадқиқот бошладим, Тошкентдан Ҳоди Зариф, Воҳид Зоҳид, Мансур Афзалов, Мақсуд Шайхзода, Олим Шарафуддиновлар келишди. Машҳур навоийшунос бу олимлар қаторида биз ёшлар ҳам кўп кишилиқ илмий давраларда ўз тадқиқот ишларимиз ҳақида ҳисоб бердик.

Мен шаҳарнинг кундалиқ маданий ҳаётига ҳам доимо қизиқардим. Ҳар бир учрашув, мушоирадан қолмасдим. 1939 йилда Тошкентда Ўзбекистон ёзувчиларининг иккинчи қурултойи бўлди. Самарқанддан Айний домла бошлиқ унта талаба съездга бордик. У ерда кўп машҳур устоз ёзувчилар билан учрашдик. Андижонлик атоқли шоир Султон Жура билан ёнма-ён утириб, маърузаларни бирга тинглаганимни ҳали ҳам унутганим йўқ.

Тақдир тақозосини қарангки, Султон Жура билан 1943—44 йил қишида фашист босқинчиларга қарши уруш бораётган пайтда, Белоруссиянинг Гомель вилоятидаги Лоев қишлоғида яна учрашдик. Мен уни аравада станокли пулемет ёнида кўрдим. Йўл уйдим-

чунқир булганлигидан олдинда бораётган машиналар тувланиб, уларнинг аравага қушилган отлари ҳам тухтаб турган эди. Мен калта пахталик кийган, бошида қулоқчинлик Султон Журани дарҳол танидим. Биз взвод жангчилари билан йулда турган арава ёнида бирпас тухтаб қолдик. Айланиб утиш мумкин эмас эди. Атроф ботқоқ, зовур эди. Мен узимни танитдим. У эслаб самимий куришди. У отлиқ корпусда пулеметчи экан. Мени танк қисмида эканлигимни билди. «Ёзиб турибсанми?» деб суради. «Ҳа, «Қизил Ўзбекистон»га юбориб турибман» дедим. У «урушга биз икки қурол билан келганмиз, бири қурол бўлса, иккинчиси қалам» деди. Сунг: «Йигит, иккисини баробар ишлат, омон бўлсак уруш тугаса, сени Тошкентда топиб олиб, бир отамлашамиз» деди. Шу вақт олдиндаги машиналар қўзғалди. Жангчилар аравани йулга чиқардилар. Султон хайрлашиб олдинга утиб кетди. Мен ҳам қўзғолдим. Лекин куп утмай олдинда бошланган бир шиддатли жангда бу ҳамкасб баҳодир дустим Султон Жура қахрамонларча ҳалок булибди. Мен унинг ҳалокатини урушдан қайтгандан кейин Тошкентда билдим. Қирқ йил утгандан кейин Султон Журанинг рафиқаси Мунира опа ва угли Ботир, куёви Уктам Ризаев билан бирга Белоруссияга бориб, Днепр соҳилига яқин Козероги қишлоғида дафн этилган дустимнинг қабрини зиёрат этдик. Учрашувга Лоев райони мактаблари, аҳолиси ва раҳбарларидан куп кишилар қатнашди. Катта гулчамбар тайёрланди. Улар Тошкентдан келган бизларни қишлоқда катта ҳурмат кўрсатиб, нону туз билан кутиб олишди. Мактаб уқувчилари Султон Журанинг белорус ва рус тилига ағдарилган шеърларини қабр ёнида ва мактабда ўқишди.

Ҳар бир инсоннинг ўз тақдири бор. Бу тақдирнинг фасллари бўлади. Бириники доимий баҳор бўлса, бошқа бириники аёзли, қорли бўлади. Яна бир бошқаники аралаш, ҳам яхшию ҳам ёмон бўлади. Инсон табиатан ҳамма нарсага чидамли бўлади. Уруш ҳаммани тақдир чизигидан утказди. Донони ҳам, бепарвони ҳам ўз домига тортади. Доно баҳодир жангга отланиб, орқадаги қисмда қолиб кетиши мумкин. Бепарво айни қизиган уруш оташида қовурилиши бор. Мен тўрт йиллик жанггоҳларнинг хатарли-хавфли, шиддатли ва нотинч йулларида бундай воқеаларни куп курганман.

Қаттиқ ҳаёт синови бепарвони ҳам синовдан утказди. Айниқса сенга ўқ узиб, йулингни тўсса, жим

туриш инсоннинг иши эмас. Урушда жангчига ку-рол нима учун берилади? Кутариб юриш учунми? Йук! У ёв йулингни тўсса, сени йикитиб хонумо-нингни қуритмоқчи бўлса, унга қарши ишлатиш учун берилади.

Дорилфунуним ҳаёти ҳақида ҳикоямни давом эт-тираман. Бизнинг дорилфунунда икки мингга яқин талаба ўқирди. Шулардан бир ярим мингга йигит-лар, қолгани қизлар эди. Бизнинг олийгоҳимиз ёни-да тиббиёт олийгоҳи бор эди. Унда бир ярим минг-га яқин талаба қиз, қолгани эса йигитлар эди. Икки олийгоҳ талабалари ўтил-қиз миқдор жиҳатдан бир-бирига тўғри келарди. Билимгоҳимиз яқинида ярим чақиримча келадиган сердарахт, шинам баҳаво хиё-бон бор эди. Дарсдан кейин дам олиш куни бу хиё-бон гавжум бўларди. Ҳар икки билимгоҳ талабалари бу ерда хушчақчақ дам олиб яйрардилар. Мен бу ер-да беш йил ўқиб, бирор марта жанжал чиққанини билмайман. Мен бу ёшлар хиёбонида, унда ўтган эз-гу орзу-уйларимиз ҳақида 1939 йилда бундай шеър ёзганман:

*Хиёбонда зангори оқшом,
Уйноқи дилларнинг гурунги қайнар,
Сочларни тортқилаб салқин, шўх шамол
Гулларнинг атрини уйнатиб анқир.
Қуриниб қолади кузларга шу чоқ,
Хушчақчақ йигитлар, шўх барно қизлар,
Ой бўлса суқланиб нур сочар кукдан,
Дам олур айланиб қирмизи юзлар.*

Бизнинг қишлоқдан Самарқанд билимгоҳларига йигирма беш бола борган эдик. Шундан йигирма иккитаси турли йилларда, турли сабаблар билан ўқишни ташлаб, ота-оналари ёнларига қайтиб кетди-лар. Қолган учта ҳамқишлоқдан бири ноҳия оқсоқо-лининг муовини бўлиб ишлаган Файзулло ака Холи-қов эди. Баланг буйли, чиройли, серғайрат зиёли эди. Доим жилмайиб турарди. Биз ёшларга бош-қош эди. Ҳар ҳордиқ куни бизлардан уч сумдан пул йигиб, бозорга бориб, масаллиқ олиб, сўнг қишлоқ хўжалик олийгоҳида ўқитувчи бўлиб ишлаётган ҳамюртимиз Гадейвой Турсунов уйига олиб бориб, палов пиши-риб, бизни зиёфат қиларди. Узи ушанда тиббиёт олийгоҳида ўқирди.

Файзулло ака маълумотли моҳир шифокор бўлди. Фашизмга қарши 1941-1945 йилларда бошланган урушда ҳам ҳарбий врач бўлиб, қанча ярадор жангчиларнинг ҳаётини сақлаб қолди. Уруш тамом бўлгандан кейин эсон-омон уйига қайтиб, ноҳия касалхонасининг бош шифокори бўлиб ишлади. Ун бир фарзанднинг отаси бўлди. Анча йил бўлди, бандаликни бажо келтирди. Ундан эл орасида яхши хотира қолди. Файзулло ака умрининг охиригача ишлаган ноҳия маркази касалхонаси унинг номига қўйилди ва у ерда шифокорлик, ижтимоий фаолиятига бағишланган музей очилди.

Олийгоҳни битирган иккинчи дўстим, менинг ҳамкурсим, тенгдошим Атомулло Тошматов эди. У отадан етим қолиб, онаси бошқага турмушга чиқиб, уни уз тақдирига қўйган эди. У етимхонада тарбияланди. Мен уқиган урта мактабда аъло баҳолар билан ўқиди. Бирга шеърлар машқ қилардик. У хуснихат ёзарди. Катак дафтарни очиб, ҳар майда чизигига эшитган, ўқиган дарсларини жуда майда ҳарфлар билан тизиб борарди. Мунча куп ёзасан, десам, у: «Сен билан мен бу ердан мулло бўлиб чиқсак мактабларга борамиз. Ушанда буларнинг ҳаммаси керак бўлади», дер эди. Нақадар эътиқодли, она Ватанини жондан севувчи, унинг учун жонини фидо қилишга тайёр йигит эди.

Атомулло дўстим кичкина жуссали, умрида милтиқ тутмаган, биров билан муштлашмаган содда, камтар йигит эди. Уни ҳаво десанти қисмига олишибди. Оз муддатли машқлар ўтгандан кейин Украинада душманга қарши разведка жангида ҳалок бўлди.

1941 йил баҳорида мен давлат имтиҳонларига тайёргарлик кура бошладим, июнь ойининг биринчи ярмида туртта давлат имтиҳонларини яхши ва аъло баҳоларда топшириб, охиргиси узбек адабиётидан синовни кутардим. 1941 йил 22 июнь якшанба куни эди. Эрталаб барвақт туриб ювиниб, қулимга дарс дафтаримни олдим. Ёзувларимни куздан кечириб, нонушта қилиб, куллийетимга қараб йул олдим. Йулда бир талаба ҳовлиқиб: «Уруш! Германия фашистлари бизга уруш бошлабди!» — деб ҳайқириб келарди. Ҳамма дорилфунун биносига йигилди. Катта залда йиғилиш бўлди. Дорилфунун ректори Азиз Валиев, шунингдек бизнинг куллийет раҳбаримиз Иброҳим Мўминов ва бошқалар ҳозир бўлганди. Уз-узи-

дан митинг бошланиб кетди. Сузга чиққанлар энди Ватан синови бошланганлигини, қўлга қурол олиб чегарамиздан бостириб келаётган, узининг қўллик ёвуз ниятларини амалга ошириш учун уруш бошлаган Германия фашизмига қарши жангга тайёр эканликларини айтардилар.

Битирувчилар йиғилиши тамом бўлди-ю, ҳеч ким урнидан турмади. Қаторимизда қизлар утиришувди, уларнинг йиғилари эшитилди. Баъзилари узларини тутолмай фарёд кутаришди. Чунки бу утирган қиз-йигитлар орасида бирга турмуш қуриб, бирга ўқитувчиликни бошлашга аҳду паймон қилганлари ҳам бор эди. Энди йигитлар жанггоҳларга йўл олади. Қизларнинг қўзлари йўлда бўлади. Фашистлар Германияси Европанинг катта қисмини босиб, беқиёс катта куч билан энди шарқий мамлакатларга ҳужум қилганлигини талабалар яхши билишарди. Катта уруш катта қурбонлар талаб қилади. Бир-бировларини севишган йигит-қиз талабалар бу катта урушда «умидларимиз пучга чиқмаса» деган ҳаёлни дилидан ўтказишарди.

1942 йил март ойида район ҳарбий комиссари мени Украинадан Тошкентга кучиб келган кимё ҳимояси ҳарбий мактабига юборди. Мен билан яна уч ҳамқишлоқ дўстим Аҳмаджон Алиев, Абдулло Эрматов ва Маъруф Эшонов бирга эди. Эрматов билан Эшонов кимёвий ҳарбий ўқишни оғир билиб, арз қилиб, уйга қайтишди. Қўп вақт ўтмай иккиси яна ҳарбий хизматга чақирилибди. Жанггоҳда биринчи ҳужумдаёқ иккиси ҳалок бўпти. Аҳмаджон эса дорилфунунни кимёвий қўллиётида таҳсил олиб, учинчи курсдан уйга кетиб қолганди. У кимё фанини яхши биларди. Ниҳоят ўқишни тугатдим. Ўртоғим Аҳмаджон Эронга кетди. Мен эсам 1942 йилнинг октябрь ойида Брянск фронтига йўлланма олдим.

Тайинланган жойга бошқа ҳарбийлар билан бирга тез етиб бордим. Қўп вақт ўтмай ҳаракатдаги армияга юборишди. Кимё ҳимояси взводини тузишим керак эди. Лекин ҳали жангчилар келишмаган эди. Шундай бўлса-да, пиёдалар батальонида олдинги маррада бўлдим. Душман ўқ узиб, бизнинг ҳужумга кутарилишимизга халақит берарди. Мен зах, порох ҳиди анқиб турган, снаряд, миналар портлашидан зилзилага айланган чоҳда утириб, урушда инсон тақдирини уйлардим. У ёқда ёв солдатлари юришибди, бу ёқда

биз аскарлар командир нима буйруқ берса, шуни бажаришга тайёрмиз деб турардик. Бу буйруқ минг йиллардан бери бор. Амир Темур замонида ҳам бу буйруқ одамларни ҳаёт-мамот жангига кутарган.

Окопларимизга душман кечаю кундузи ут очади. Унга қарши биз ҳам кучли ут очардик. Лекин ҳар дилда ҳар хил руҳият кезади, деганларидай, баъзи бир жангчиларнинг юзларида паришонлик, ўлим шарпаси сузиб юрганлиги сезиларди. Мен нима учундир ўлимни уйламасдим. Умид қалбимни ёритарди. Ёвни кучли дейишарди, мен эса ўзимни ёвдан кам эмасман, дердим. Шундай чоғда халқимизнинг буюк саркардаларини, уларнинг ғолиб юришларини, сипоҳийларининг энгилмас жасоратларини уйлардим. Бизларни худди соҳибқирон Амир Темур жангга бошлаб бораётгандай ҳис қилардим ўзимни. Чунки ҳар кимнинг уз эътиқоди, уз йўлбошловчиси булади.

Орёл, Касторнос шаҳарлари томонида оғир жанглар борарди. Бир куни жанглар бироз тўхтаб, окопда дам олиб утирганимизда, старшина менга бир откритка берди. Адресига қарасам акам Аширматдан, почта номери бизнинг қисм номерига яқин келарди. Акам менинг яқин келиб қолганлигимни билиб, хат ёзибди. Ўзини бир жангга қаттиқ яраланиб, госпиталда даволанаётганини, тузалса мени топиб олишини, бирга жанг қилишини ёзибди. Кўнглимни кутариб, «Укам, ўзингни дадил тут, сўнг қаламни ҳам ишга солиб тур. Уруш тугайди, жасорат қолади, шеър қолади» деб насиҳат қилибди. Бу хат мени янада дадиллаштирди.

Бир куни сиёсий бўлимдан бир лейтенант келиб мени штабга олиб кетди. Командирим жавоб бериб: «Энди бизга келолмайсан» деди. Ҳайрон бўлдим. Штабдан келган офицер эса: «Энди ўз тилингда газета чиқарасан, сен шеър ёзадиган экансан-ку» деди. Штабдан мени Брянск фронтида чиқадиган газета редакциясига, Ефремов шаҳрига юборишди. У ерда бироз қолиб кетдим. Тошкентлик юрист Абдулло Саидов деган капитан мени илиқ кутиб олди. «Шеърларингизни ўқиганман, энди бу фронтда ўзбек жангчилари учун ўз она тилимизда газета чиқарамиз», деди.

Бир маҳал олдинги маррадан журналист лейтенант Лутфулло Ҳамроев етиб келди. У рота комсорги экан. Унинг ҳам қаламқаш эканлигини билиб, менга ўхшаб бу редакцияга юборишибди. Уч киши бўлиб, «Душ-

манга қарши олға» деган ном билан биринчи ўзбек газетасини чиқардик. Ёш жангчиларга бағишланган фронтда ёзилган илк шеърим унда чиқди. Ҳарбий журналист кераклиги ҳақида хат ёзиб Тошкентга жунатилган экан. Бир ойдан кейин Тошкентдан шинель кийган, погони йўқ журналист Наби Юсуфий келди.

Муҳаррир Саидов уни рус газетасининг редактори полковник ёнига юборди. Бир маҳал полковник адъютанти Саидовни зудлик билан бош редакторга учрашишини айтди. Саидов полковник хонасидан анчадан кейин Юсуфий билан тажанг бўлиб чиқди. У «Наҳот ҳарбий қондани билмасангиз, мени роса уялтирдингиз-ку» деди. Нима гап, десам, Саидов «бу оғайнингиз полковник олдига кириб, қулини чаккасига қўйиб келганини билдириш урнига «идрасти» деб полковникка узи аввал қўл чўзибди. Ана шунақа гап», деди. Менга, бу дўстингни ҳарбий қондаларга ургат, деди. Сиз ургатасиз, мен эсам ўз қисмимга кетаман, дедим. Саидов ҳеч нарса деёлмади. Юсуфийни ёнига олиб ўз хонасига кириб кетди. Эртаси куни мен I-гвардиячи Дон танк корпусига ҳарбий хизматни уташга кетдим. Илгари хизматда бўлган жойим пиёдалар полкига юборишмади. Танк бўлса танк-да, деб уша машҳур корпусни ахтариб кетдим.

I-гвардиячи Дон танк корпуси Сталинград жангларида катта жасорат кўрсатиб, гвардиячи номга эга бўлиб, янги ҳужумларда қатнашиш учун Тула яқинидаги бир қишлоққа келиб жойлашган эди. Унинг 17-танк бригадаси эса Орёл шаҳрини фашистлардан тозалаш жангларида муваффақиятли қатнашди. Корпусда кимё ҳимояси ротаси йўқ эди. Шу бўлинма ташкил этиладиган бўлибди. Мен 1943 йил езида бу машҳур танкчилар қўшилмасига етиб келиб, штабдан йўланма олиб, кимё ҳимояси ротасини ахтариб кетдим. Ротанинг командири бор экану ҳали одамлари йўқ экан.

Рота командири катта лейтенант Михайлов мени илиқ кутиб олди ва иккинчи взводга командир бўласиз, деди. Эртаси куни яна менга ўхшаган иккита кичик лейтенант келди. Бири рус йигити Борис Чубаков эди. У I-взводни бошқарадиган бўлди. Яна бири украин йигити кичик лейтенант Алексей Шинкаренко 3-взводга командир бўлиб борди. Кичик бир бўлинмада учта уч миллатнинг вакиллари ҳамжиҳат бўлиб кимёвий ҳимоя ротасини оёққа турғаздик. Булинма

жангчилари асосан Москва ва Саранск шаҳридан келган эди. Фақат менинг шофёрим Фаргонанинг Хонқиз қишлоғидан бўлган азамат ўзбек йигити Абдуҳамид Паттахонов эди.

Дам олиш жойида бир ойча бўлиб, взводим жангчилари кимёвий ҳужум ҳимоясига ва отишма, ҳамла жангларига ҳам пухта тайёргарлик куришди. Август ойида корпусимиз ҳарбий эшелонга жойлашиб жанубга, Украинага йул олди. Йулда гитлерчи босқинчилар оёғи теккан жойлар култепаларга айланганлигини қайғу билан куриб, ёвга газабимиз тошиб борардик. Корпусимиз эшелони Чернигов шаҳрига етиб келди.

Шинкаренко қизил вагондан сакраб тушар экан тиз чукиб, ерни упди ва «мен шу ерда туғилганман», деди. Мен унга «энди қишлоғингни ёвлардан бирга тозалаймиз», дедим. Борис Чубаков ҳам «биз жангга тайёرمىз», деди. Шинкаренконинг кузларида ёш курдим. У партизанларни учратиб, улардан қишлоғини фашистлар ёндириб кетганлигини эшитиб, кекса ота-онасининг тақдирини ўйларди.

Бизнинг танк колоннаимиз Чернигов вилояти қишлоқларидан ўтарди. Қишлоқлар, дедим, аслида фақат номларигина қолган. Бутунлай куйдирилган бинолар ўрнида қорақуяга айланган ёғоч қолдиқларини, гишт мурилларини, култепаларни куриш нақадар даҳшатли эди. Бир неча юз хонадонлик жойларда гоҳида ҳассасига таяниб, бир нималарни излаб юрган кекса аёл, чоллар куришиб қоларди. Уйлар атрофидаги молхоналар, ертулалар ҳам ағдар-тунтар бўлиб, ёниб, ер билан текисланганди. Боғлар, дарахтзорлар ёвлар гулханига айланган. Мол-қолдан бирор нишона кузга ташланмайди. Дўстим Шинкаренко қишлоқ атрофида тухталиб, ўнқир-чўнқирларга айланган ер-экинзорларга дардли нигоҳ ташлаб, «Бу ерлар булиқ галлазорлар, полиз ерлари эди, барини йўқ қилишибди ёвузлар», деб сўзларди. Кузларида кучли газаб ўтлари ёнарди. Бу газаб ўтлари чексиз эди. Гуноҳсиз ота-оналарни ёвузлар ўқ узиб, тиг санчиб, қиз-аёлларни зурлаб, ўз тўдаси орасида разил ишларидан тиржайиб суратга тушганларидан хабар топган жангчиларимизнинг юраклари вулқонга айланарди. Бир кучга ўн куч, балки юз куч пайдо этиб, ёвузлар устига шердай ташланишарди. Газабдан бутун гавдаси тебраниб, кўзи чақнаб турган украин дўстим ёнида туриб, олис Сирдарё

буйида қолган кекса ота-онамни эслардим. Гитлер Европани босиб олса, сунг Осиёни, кейин Ҳиндистонга утишини ўз китобида ёзган. Унинг қонли қули азиз Туркистон ерларига етганда менинг ота-онамнинг тақдири ҳам Шинкаренконинг қишлоғи, ота-онаси тақдиридай — ҳалокат комига дуч келармиди? Йук! Чунки биз — бир ота-онанинг уч ўгли жанггоҳда фашист босқинчиларнинг қонли йўлини тўсиб, унга зарбалар беришда кеча-ю кундуз тинмасдик. Ушанда 1943 йил Белоруссияда, жанггоҳда, кунглимда бу сатрлар пайдо булганди:

*Душман оёғи-ла топталган ерлар,
Қадирдон ерлардан утиб бораман,
Қалбимда севгиси она-Ватаннинг,
Унинг тақдири-ла нафас оламан.
Урмалар қаршимда улим, хавф, хатар,
Ер титраб, урмонлар кутарар шовқин,
Улимни енгаркан Ватаннинг ишқи,
Демак қулим баланд, жангда мен устун.
Унутмам бегуноҳ тўкилган қонни,
Эй, азиз она юрт — севимли диёр,
Тайёрман сен учун бермоққа жонни.*

Бизнинг кимёвий ҳимоя булинмамиз ҳам, бошқа жанговар қисмлар ҳам олдинга интиларди. Черниговнинг ва унинг яқинидаги озод қилинган қишлоқлар кучаларидан ҳарбий техникалар, танклар, узиюрар зирҳли машиналар, замбараклар, тўшлар, отлар қўшилган аравалар, қурол-яроғ ортилган юк машиналари, мотоциклли, пиёда отлиқ жангчилар тўхтовсиз утиб боришарди. Баъзи жойларда йўллар ёмон бўлиб, техника тўхтаб қоларди. Шундай тўхтаб жойларда жангчиларнинг тажанглиги, бир-бирини қойиб, суқишлари қулоққа чалинарди. Ҳеч ким орқада қолишни истамасди.

Черниговдан утиб, Гомель областига етиб келдик. Оралик қарийб юз чақиримча келарди. Белоруссиянинг Россия ва Украина билан чегарадош бу бласти шиддатли уруш майдонига айланганди.

1943 йил сентябрь ойининг иккинчи ҳафтаси. Днепр ва унга қуйиладиган Сож дарёси соҳилларида оғир жанглар борарди. Гомель областининг Лоев райони Днепрнинг ўнг қирғоғида бўлиб, у ерда душман мустаҳкам мудофаа иншоотларини қурган. Раз-

ведкачиларимиз кечалари у ёққа утиб, душман истехкомларини аниқлаб келмоқдалар. Дарё кечалари олачалпоқ ой нурида ялтирайди. Тулқинлари қалтирайди. Чунки босқинчилар бизнинг кечиб ўтишимиздан қўриқиб, дарё ичига ва биз турган чап соҳилга тўп ва миномётлардан ўқтин-ўқтин ўт очиб турибди. Кечикиш мумкин эмас. Днепр катта дарё, уни понтонларда ва бошқа сузиш анжомларида кечиб ўтиш керак. Куприк бузиб ташланган. Дарёдан пиедалар билан бирга танклар, миномётлар, машиналар, тўпларни олиб ўтишлари керак. Бусиз плацдармни эгаллаб, уни ушлаб туриш ҳамда ичкари томонга ҳужумни кучайтириш мумкин эмас.

Салқин субҳи сабо қаёққадир шошиб, тезоб интилаётган дарёни ҳаракатга келтирган. Тулқинлар авжга минган. Шундай тулқинли, гира-шира паллада кечув бошланди. Душман дарёни кечиш бошланганидан хабар топиб, унга ўз ўт кучини янада кучайтирди. Лекин ҳужумга отланган, Сталинграддан ғолибона ҳамла қилиб келаётган мардларимиз бироз бўлса-да тўхтаб турармиди, вақтни қўлдан берармиди? Йўқ, асло! Ватанни тезроқ, бутунлай озод қилиш, унинг муқаддас чегарасига етиб олиш ҳар бир жангчининг ягона мақсади эди. Чунки ёвни бутунлай маҳв этмай туриб, уйга қайтишни ҳеч ким уйламасди. Урушлар қонуни азалдан шундай. Дарё катта уруш майдонини эслатарди. Унинг ҳар икки соҳилида ажал оташлари ловуллаб ёнарди. Дарёнинг шундай ўт, аланга-оташлар қучоғида понтонлар, қайиқлар шиддат билан олға интиларди. Дарёнинг қуйи томонидан бир қанча дивизияларимизнинг ҳужумкор булинмалари биринчи бўлиб кечиб ўтаётган эди. Шу вақтда, яъни 1943 йилнинг 15 октябрида генерал-лейтенант Павел Иванович Батов қумондон бўлган 65-армия жангчилари эрта тонгда дарёни кечишни бошладилар. Мен хизмат қилаётган гвардиячи танк корпуси шу армия ихтиёрига берилганди. Дарё устига тутун тарқатилиб, полклардан ажратилган алоҳида ҳужумкор батальонларнинг жангчилари қайиқларга тушиб, эшкакларини жуда тез ҳаракатга келтириб, душман турган ўнг соҳилга шошилاردи. Нариги соҳил бўланд бўлиб, нишонга олиш жуда қийин эди. У ерни аввал тўпчиларимиз ағдар-тўнтар қилдилар. Шу аснода 1942 йилда Тошкентда тузилган 69-дивизия 120-полкнинг Туркистон ўлкаларидан бўлган жангчилари биринчи бўлиб ёв устига ёпирилди.

лар. Улар Лоев-Шитци томондан плацдармни эгаллашди.

16 октябрда ҳам Днепрни кечув ва нариги соҳилдаги плацдармни эгаллаш учун жанглар давом этди. 17 октябрда Лоев шаҳарчаси ёвдан тозаланди. Днепрга тезкорлик билан катта юк кутарадиган машиналар, танклар утадиган куприк қурилди. Бу янги куприкдан бизнинг танклар утиб, шимолий-ғарбий ёқдаги Речица шаҳарчаси томонга ҳужумни давом эттириш учун олдинга шошилди. Ҳа, бизнинг алоҳида гвардиячи танк корпусимизнинг Волга соҳилидан Днепр соҳилигача бўлган олис оловли йулларни баҳодирона босиб ўтган жангчиларимиз Белоруссия ерларини фашист босқинчилардан тозалаш учун энг оғир ҳужумларга ўтгандилар. Мен ўз взводим йигитлари билан ғарбдан келган ёвузларга қарши жангга йул олгандим.

1943 йил 18 ноябридаги жанглар шиддати неча йиллар ўтишига қарамай ҳамон вулқон оташидай кунглимни қошлайди. Днепрнинг ўнг қирғоғида Речица шаҳарчаси бўлиб, душман бу ерни муҳим мудофаа истеҳкомига айлантирган эди. Бу шаҳарни босқинчилардан тозалаш учун уч кун шиддатли жанглар бўлди. Кечаю кундуз бир лаҳза ҳам қаттиқ тўқнашувлар тўхтагани йўқ. Бу шаҳар вилоят маркази Гомелдан кейин иккинчи энг муҳим мудофаа марказига айлантирилган эди. Асосий темир йул бу шаҳар орқали ўтарди. Душман узининг Гомель группасидаги қўшинларини ғарбдаги катта кучлари билан алоқа боғлайдиган йулни фақат шу шаҳар орқали ўтадиган жойда деб биларди. Душман Речицага бизнинг қўшинларимиз шарқдан, яъни Гомель томондан ҳужум бошлайди деб, Днепрнинг кун чиқиш томонидаги жойларда мудофаа иншоотларини барпо этган эди. Бизнинг қўшинларимиз эса шарқдан эмас, балки жанубдан, Лоев томондан шиддатли ҳужум бошлади. Сўнг ҳужум ғарб томонга ўтказилиб, Речица-Калинковичи тош йули ва темир йули қирқиб қўйилди. Душман қаттиқ ҳамламизга бардош беролмай ғарб томонга эмас, балки шарққа, Гомель томонга чекинишга мажбур бўлди.

Шаҳарга яқинлашганимиз сари душман янада қаттиқ қаршилиқ курсата бошлади. Речица йулида Ведречь дарёси бор эди. Душман асосий мудофаа кучини бу дарё қирғоғига тўплаб, уни кечиб ўтмаслигимиз учун бор кучини жангга ташлади. Қумондонлигимиз бизнинг танкчиларимиз ва пиёдалардан алоҳида груп-

палар тузиб, Ведречь дарёси соҳилидаги душман қаршилигини яксон этиш ва олдинга силжиш вазифасини қуйди. Танкчиларимиз дарёни кечиш ва олдинга силжиш учун қаттиқ ҳужум бошлади. Соҳилда ва ичкари томонларда кучли отишмалар бир минут ҳам тўхтагани йўқ. Кечаси, қоронғуда ҳам шиддатли отишмалар давом этарди. Бу жангларда бизнинг взводимиз ҳам қатнашди. Туман, ут ичида ёв қаерда-ю, бизникилар қаердалигини ажратиб олиш қийин эди. Чунки бир бўлак ўрмон ёки қишлоқларнинг ярмисида душман ўқ узаётган булса, иккинчи қисмида бизнинг гвардиячи танкчиларимиз ва пиёдаларимиз жанг олиб борарди. Ёвни кечалари ҳам яширинган жойидан қувиб, олдинга силжирдик. Шундай чоқларда бизнинг кимё ҳимояси взводимиз ҳам жангга киришиб кетарди. Кечаси бир ёнгин кутарилган қишлоқни ёвдан тозалаш зарурлигини айтиб, бизнинг взводимиз ҳам автоматчи бўлинмамиз ёвдан жой олди. Душман қишлоқдан қувиб чиқарилишига кўзи етиб, уйларга ўт қўярди. Имконияти борича қишлоқни ёвдан тозалаш зарур эди. Биз бир уйга яқинлашганимизда қорайиб, рўпарамизда турган уй деразаларидан ўқ чақнади. Жавоб қайтариб, граната улоқтирдик. Қочишни мулжаллаган икки фашист пулемётчиси деразадан пастга умбалоқ ошиб тушди. Автомат билан иккинчисини ҳам тинчитдик. Бошқа ёниб турган уйлар ёнида ҳам босқинчилар тўғри келган томонга автоматларидан ўт очиб, пана жой ахтаришиб, ҳар ёққа югура бошлашди. Улар изидан югурдик. Отган ўқларимиз нишонга тегиб, беғуноҳ кишиларни ўлдирган, уйларини аланга олдирган фашист жаллодлар қишлоқдан узоққа кетолмадилар, ўликлари қолди.

Қишлоқ ёвдан тозаланди. Ёвни бор-йўқлигини аниқлаш учун уйларни айландик. Ёв қораси учганди. Лекин уйлар ёниб, қора мўриси кўринарди. Бутун қолган икки-уч уйга кирдик. Уй эгалари куринмасди. Даҳшатли қайғули сукунат ҳукм сурарди. Четда пасткам ерда ярми ёниб, ярми қорайиб турган уйга яқинлашганимизда ўт ичидан хаста йиғи овозини эшитдик. Йигитларимиз ҳасса тутган озгин, сочлари тўзгиган кекса бир аёлни уй ертўласидан ташқарига олиб чиқишди. У фарёд кўтариб, фашист одамхўрларни қарғарди. Бизга омонлик тилаб, ёвни тезроқ қувинглар, қолган бу уйларимизни ҳам куйдириб кетмасин, дерди. 1944 йил қуйидаги шеърни ёзгандим:

*Қулимда бор жанговар қурол,
Дейди: разил ёвдан қасос ол.
Бунда қулу гишглар уюми,
Наҳот, бу ер элнинг уйими?
Бунда учмас тунлар аланга,
Ўт қуймоқда душман жаҳонга.
Бу қишлоқда қолиб ягона,
Сочларига оқ тушган она,
Излар эди уз қурасини,
Излар эди дон урасини.
Излар уйин тентиб муштипар,
Ёв азобин чеккан нақадар,
Унутмайман бу хорликни мен,
Унутмайман бу зорликни мен.*

Душманнинг Ведречь дарёси соҳилидаги икки таянч мудофаа истеҳкомларини бизнинг танкчиларимиз ёриб утди. Биз Ведречь дарёсидан узоқлашиб, Речица шаҳрини озод этишга шошилдик. Пиёда жангчилар орқада қолиб, бизнинг танкчилар эса душман ичига кириб олган эди, яъни Речица шаҳрига яқинлашгандик. Душман қарши ҳужумга утди. Унинг ҳужумини қаттиқ туриб қайтардик. Душманнинг чекиниш йулини тусиш керак эди. Танкчиларимиз ҳужумни янада тезлаштириб, шаҳарнинг шимолий томонидаги Озершина деган қишлоқни эгалладилар. Душманнинг гарбдаги чекиниш йули бутунлай беркилди. У қопқонга тушган бўридай узини ҳар ёққа уриб, охири шарққа, яъни Днепрнинг кун чиқиш томони Гомелга чекинишга мажбур бўлди. Гомель ёқда эса бизнинг бошқа қисмларимиз дадил ҳаракат қилиб душман кучларини яксон этаётган эдилар.

Речица шаҳрига танкчиларимиз билан бир қаторда кириб борганимизни ҳеч қачон унутмайман. Шаҳар ўт ичида эди. Лекин аҳоли, партизанлар душман ўтларини учуриб, бизларни шодиёна қарши олиш учун ертўлалардан югуриб чиқишарди. Улар шаҳар марказида фашист офицери шаҳар комендантини ва сотқин бир полициячини дорга осганларини курганман.

Речица шаҳрини фашист босқинчиларидан озод қилиш жангларида қатнашганлигимизни ҳукуматимиз, бош қўмондонлик юксак баҳолади. Вэвдим жангчиларига, шу жумладан менга раҳматнома берилди. Бу биринчи олинган раҳматномаму булиб, унда бундай ёзилганди: «Кичик лейтенант Эгамназаров На-

зармат. Речица шаҳрини озод қилиш жанглари-нинг қатнашчиси, сизга намунали жанговор ҳаракатларингиз учун Олий Бош қўмондоннинг 1943 йил 18 ноябрдаги буйруғи билан Раҳмат эълон қилинади». Бундай раҳматномаларни Калининвичи, Осиповичи, Бобруйск ва Минск шаҳарларини озод қилиш жангларида ҳам қатнашганлигим учун олганман.

Днепрни кечиб ўтиб, ғарбий соҳилдаги жанглارни ўйласам, Лоев шаҳарчасидаги госпиталь даҳшатлари қалбимни ёндириб ўтади. Биз дарёдан кечиб Лоев кучаларидан ўтиб борардик. Шаҳар ичкарасида тепасига қизил крест туширилган катта брезент чодирлар илма-тешик бўлиб, тикланган жойидан булиниб, ерда ётганлигини, уйларга бомба ташланиб вайрон этилганлигини, дарё томондан шифокорлар машинаси келиб, вайроналар ва ҳандақлардан ярадорларни олиб кетаётганлигини кўрдик. Шу ерда оқ халат кийган бир киши бизнинг машиналаримиз ёнига келди. У сув сўради. Унга сувдонни узатдим. Унинг поғонида капитанлик белгисини кўрдим. Сувни ичиб, идишни узатиб, раҳмат дегандай бошини қимирлатди. Кетмоқчи эди, сўрадим:

— Нима гап, душман тушларининг ишими бу? — дедим.

— Бомбардимон натижаси булар... Фашист калхатлари бу ерда госпиталь жойлашганини била туриб, атайин ҳаводан бомбардимон қилишди. Шунча ҳам ёвузлик бўладими? Ярадорларнинг ярми ҳалок бўлди. Соғ қолганларини дарёнинг нариги қирғоғидаги госпиталга жўнатаяпмиз.

— Сиз ҳамшаҳарга ухшаяпсиз? — дедим.

— Ҳа, тошкентлик врачман. Ғани Нуритдиновман. Сиз-чи, лейтенант?

Мен ўзимни танитдим. Сунг хайрлашиб, олдинга кетдим.

Урушдан сунг Ғани Нуритдиновни Германияда кўрдим. Ғалабанинг биринчи кунларида енгилган фашистлар Германиясининг пойтахтида тўрт йиллик уруш оловларидан омон қолган шифокор юртдошим билан босиб ўтган оловли йўлларимизни эслаб ўтирдик. Ғани ака Днепр соҳилидаги Лоев шаҳарчасидаги госпитални қайта-қайта ички дард-қайғу билан эсларди. Юзга яқин ярадор жангчилар ва бир неча шифокорлар ёвнинг ғаламусона бомбардимони натижасида ҳалок бўлганларини эслаб, бошини эгиб ўтирарди.

Мен уша вақтда фронт газетасининг мухбири эдим. Бизнинг 2-Белоруссия frontiда узбек тилида чиқиб турган «Фронт ҳақиқати» газетамиз энди «Галаба байроғи» номи билан чиқаётган эди. Кўп жангчиларнинг ҳаётларини сақлаб қолган, урушнинг бошидан то охиригача шиддатли жангдошларда ўзининг хайрли ишини фидокорона бажариб келган Ғани Нуритдинов ҳақида очерк ёздим. Бу очерк уша газетада унинг сурати билан бирга эълон қилинди. Ғани ака урушдан кейин Тошкентга қайтиб, шаҳар касалхоналарида яна ўзининг шифокорлик ишини давом эттирди. Урушда унинг госпиталида ҳамшира бўлиб ишлаган рус қизи Клавдия билан турмуш қурганди. Клавдия ҳам урушнинг бошидан охиригача фронтда Ғани аканинг ёнида туриб, оғир ярадорларнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун курашган. Сталинградда оғир яраланиб, госпиталда даволаниб яна ўзининг ҳамширалик ишини давом эттирган. У Ғани ака билан турмуш қуриб, урушдан кейин Тошкентга қайтиб, шаҳар касалхоналарида ҳамширалик касбида ишлади. Уларнинг улғайиб болачақалик бўлган ўғил-қизлари бор. Тошкентнинг Кукча даҳасидаги алоҳида боғ ҳовлида туришади. Ҳозир фахрийлар қаторида осойишта турмуш кечирмоқдалар. Мен Ғани ака билан учрашиб тураман. Бу ажойиб инсон саксонга яқинлашганига қарамай ҳамон бардам. Илгари ишлаган шифохонасида маслаҳатчи жароҳ бўлиб, у ерга қатнаб туради.

Яна уруш даврига қайтаман...

Қиш вақтида жанглар янада оғир утарди. Яхмалак, тизза бўйи қор уйилган, ноаниқ, йўлсиз, дала жойларида машиналарни душман ўти остида олдинга, янги марраларга олиб ўтиш осон эмасди. Лекин вазият чекинган душманни тўхтатмасликни тақозо қиларди. Чунки дам берсак у яна куч тўплаб, кўп қон тукишимизни истарди.

Речицадан кейин Калининвичи шаҳарчасини озод қилиш учун янги жойларга йўл олдик. Корпус командири бизнинг кимё ҳимояси ротамизни сочилиб жанг қилаётган душман тудаларини тўсишга буюрарди. Чунки танқларимиз, мото-ўқчи қисмларимиз асосий шиддатли майдонлардаги оғир жангларда жонбозлик кўрсатардилар. Бу майдонлардан ўзини четга олган душман қўйқаларини яқсон этиш бизнинг булинмалар зиммасига тушарди. Ёвнинг кимёвий ҳамласини кутиб утирмасдан, асосий жангдор кучларимизга кў-

макдош эдик. Душман чекиниб талофот кураётган ерларимиз у ёвузлардан тозаланаётган маврида четда туришни ҳеч бир жангчи хоҳламасди. Бизнинг кимё химояси ротамиздан бир-икки оддий жангчимиз мотоуқчи бўлинмаларга утиб жанг қилишни сураб, корпус командирига мурожаат қилди. Менинг бўлинма командирим кичик сержант Александр Царев ҳам танкчилар бўлинмасига утиб, жанг қила бошлади. Мен бу собиқ жангчи йигитимни уруш тамом бўлиб қирқ йилдан сунг Москвада учратдим. У Москвага қайтиб, уйланиб, химия заводида технолог бўлиб ишларди. Ҳозир пенсияда.

Қаҳратон қишда кундузи жанг қилиб, кечаси бирор жойда дам олиш зарур бўлади. Узоқ қиш кечалари очиқ зовур ёки чоҳда бир жойда қурол тутиб утириш мумкин эмас. Шундай пайтда урмон ичида қулбола ертула қуриб олардик. Бушаган ёнилги бочкасини печка қилиб, ертулани иситардик. Ташқарига навбат билан соқчилар қўйилиб, вақти-вақти билан алмашиб турарди. Кундузги жанглардан кейин иссиқ ертўлада похол ва хазон тушалган тахталарда чўзилишнинг узи бир роҳат эди. Мен эшик ёнида жангчиларим ёнида, бир чеккадан жой олиб, мизғиб олардим. Тўп пистонидан ишланган қулбола чироқ тутаб хира ёруғлик берарди.

Жангчилар бир зумда ухлаб қолишарди. Лекин ташқаридаги навбатчиликдан келган соқчи йигитларимиз совқотган қўлларини печка иссиғига тутиб, мохорка тутатиб утиришарди. Мен эсам қадрдон блокнотимни қўлга олардим. Хаёлим она қишлоғимга, беш йил таҳсил курган Самарқанд дорилфунунига кетарди. Гузал ёшлик йилларини унутиш мумкин эмасди. Лекин узимни ўт ичида утирганимни унутмасдим. Кечаси қоронғу ва ваҳимали қуринарди. Зулмат осмонда душман самолёти гув-гув учиб юрарди. Бирор ерда чуғ курса уша жойга бомба ташлаб ҳаммаёқни ларзага келтирарди. Мен йигитларимизга печка чуғини ташқарига чиқармасликни тайинлардим. Шундай бўлса-да, ертуламаздан узоқ булмаган жойларда бомба портларди. Ертуламининг тепа ёғочлари силкиниб, шипдан кум шувиллаб устимизга тукиларди.

Мен олис тоғли қишлоғим Новда нон тишлатиб оқ йўл тилаган онамни ва қишлоқ марказидан ўтадиган Қорасув кўпригида мени фронтга кузатиб қолган кекса отамни ва ёш укаларимни уйлардим. У ерларда

қахатчилик деб эшитардим. Шунинг учун ойлигимдан 600 сўмни отам номига юбориб туришни расмийлаштиргандим. Отам ҳар ой охирида қишлоқ хазинахонасидан 600 та бир сўмликни олиб уйга қайтаркан ва уйда оила даврасида утириб, пулни қайта санаб, ҳар бир сўмни қўлга олганда мени алқаб дуо қиларкан. Мени ва фронт майдонларидаги акам Аширматни ва укам Холматни соғ-омон қайтиб келишимизни худои таолодан тилаб қоларкан. Отам дуоси бизларга оқ йўл бўлиб, уч ака-ука жангчи офицерлар эсон-омон она юртимизга қайтиб келганмиз. Мени фронтга кузатган отам ҳақида «Куприк» деган шеър ёзганман.

Ертула ҳақида суз юритдим. Ҳа, ертуладаги бир неча соатлик осойиш ҳаёт мени қўлга қалам олишга ундарди. Мен автоматни ёнга қўйиб, қўлга яримта қаламни олганимда бутун бир олам ҳаёлимни қамраб оларди. Урушни уйлардим. Олис Сирдарё буйидан жуда олисда аланга ичида безовта буралиб оқаятган Днепр яқинида бу қирғин уруш қачон тамом бўлади, ота-онам ёнига эсон-омон қайта оламанми, деб уйлардим. Уйланмаганим ва бировга қўнгил бермаганим учун дорилфунун ва унга қўшни бўлган тиббий илмгоҳнинг гузал қизларини ҳаёлимдан утказардим. Буй етган ўша дилрабо қизларнинг қўзларида йилтираган ёшларини қўнгил ойнасида қўриб турардим.

Уйланмаганлигимни ва бировга қўнгил бермаганлигимни айтдим. Кишининг ўз ҳаёти ва тақдирига ўзининг алоҳида муносабати бўлади. Мен бечора камбағал, серфарзанд оилада катта бўлганман. Шунданми ёки оғир табиатим, уйчан вазминлигимданми, бирор қизга турмуш қурайлик, деб ваъда бермагандим. Лекин уруш энди бошланган пайтда мени уйланишимни маслаҳат берган дўстларим булган. Менинг бир тенгдош уртоғим 1941 йилнинг кузида алғов-далғов уруш вақтида икки боласи билан хотинини қўйиб, тоғлиқ қишлоқдан ун саккизга энди қадам қўйган бир гузал қизга уйланишини айтиб, извош келтириб мени келинникига боришга таклиф қилди. Мен дўстимнинг илгариги турмуш уртоғини билардим. Яхши одамнинг фарзанди, ўзи эса камбағал, садоқатли, юлдузи иссиқ, бир ўғил, бир қизнинг онаси эди. Шу бева қолган жувон ва икки тирик етимни уйлаб, дўстимга унинг туйига бормаслигимни айтдим. У хафа бўлди. Сўнг менга: «Уруш эрта-индин сени

ҳам, мени ҳам олиб кетади. У ердан қайтамизми, йўқми? Ундан қура уйланиб, беш-олти кун роҳат қил», деди. Мен бундай роҳатни хоҳламайман, дедим. Уйланиб, бировнинг ёш қизини ўз ҳолига ташлаб кетмайман, ота-онамнинг ночор ҳоли менга маълум. Мен Ватанни ҳимоя қилишга тайёрман. Акам билан укам фронтда, уларнинг ёнига бораман. Умримдан бўлса, эсон бўлсам, қайтиб келиб уйланаман, дедим. Ҳақиқатда ҳам шундай бўлди.

Белоруссия ўрмонидаги ертула ёдимга келди. Унга бундай шеър бағишлаганман:

*Эртаю кеч бурон увиллар,
Қор учқуни худди капалак,
Ўрмонликда туриб қолдик биз,
Ниятимиз дам олиш андак.
Тунаш учун қурдик ертула,
Бир нафасда битказдик уни,
Жангдан чиқиб келган бўлинма,
Ҳордиқ олур унда шу куни.
Ертулада жангчи дам олур,
Бири уқир ёрин хатини,
Бири куйлаб севги қушигин,
Эркалайди муҳаббатини,
Разведкадан қайтган эр йигит,
Қуритарди пайтавасини,
Гулхан қизир, дустига суйлар,
Борган жойи разведкасини,
Либослар нам, иссиқдан ҳовур,
Ҳордиқ олур жангчилар шу он,
Эрта яна жангга қўзғолур,
Ёвни босар мисоли туфон,
Эртаю кеч бурон увиллар,
Қор ёғади, худди капалак,
Ўрмонликда туриб қолдик биз,
Ният эди дам олиш андак.*

Қиш аёзи туғрисида сўз юритдим. Ёшлик қаттиқ совуққа бардошли буларкан. Тупурсанг, тупугинг ерга тушгунча музлаб қолган дамларни кўрдик. Печкани ёқиш учун ташқаридан қийшайган, снарядлар тегиб парчаланган оқ қайинлар бўлагини келтирардик. Бу бўлақлар қарсиллаб кучли ёнаркан. Купинча шунақа утинларни аланга олдирардик. Тонг отиши билан яна жанг майдони томон йўл олардик. Калининвичи шаҳар-

часи 1944 йилнинг 14 январида гитлерчи босқинчилардан озод қилинди. Бу шаҳарча учун ҳам оғир жанглар бўлди. Душман бу шаҳарчадан утадиган темир йулини узининг Германия билан боғлайдиган асосий алоқа манзилларидан бирига айлантирган эди. Танкларимиз ҳаммага утди. Улар орқасидан бизлар юрдик. Баланд усган ёввойи алафлар ичидан душман автоматчилари баъзи жойларда пистирмада туриб, бизларга қараб автоматларидан ут очиб қоларди. Бизлар ҳам дарҳол уларнинг пайига тушиб, пайларини қирқиб қўярдик. Шаҳарча бекати учун бўлган жанглар айниқса шиддатли бўлди. Бир-икки танкимиз ёниб кетди. Танклардаги десантчи йигитларимиз ҳам ҳалок бўлди. Лекин бир танкимизнинг ҳайдовчиси камдан-кам учрайдиган жасорат курсатди. У бекатга яқинлашганда, қатор вагонларни, панжарали туйнукларидан эса одамларнинг қўлларини куради. Улар ёрдам сураётгандай айланарди. Вагонларни тортишга тайёр турган паровоз ҳаракатга келиб, буг чиқариб тебранарди. Ҳайдовчи танк командирига «паровозни бориб ураман» дейди. Командир «Ҳайда!» дейди. Танк тез юриб бориб, темирйул изига чиқиб, паровоз гилдирагига узини қаттиқ урди. Паровоз тўхтаб қолди. Шу пайт жангчи йигитларимиз етиб келиб, вагонларнинг эшикларини очдилар. Улардан Германияга ҳайдаб кетилаётган ўғил болалар ва катта кишилар ерга сакраб туша бошладилар. Халоскор жангчиларимизга раҳмат айтардилар. Улар Белоруссия шаҳар ва қишлоқларидан қўлиққа ҳайдаб кетилаётган кишилар экан. Улар паровозни уриб тўхтатган танкчиларимизни ўраб олишиб, чексиз миннатдорчилик изҳор этардилар.

Шаҳарчада душманнинг катта қурол-яроғ омбори бор экан. Уни қўлга олдик, сўнг яна олға юрдик.

Ертула тўғрисида гапирганимда Самарқанд дорилфунунида бирга ўқиган дўстларимнинг орзу, интилиш, кундалик ҳаётлари ёдимга келади. Уларнинг ўқиш ва ишларини хотирлайман. Талабалик олтин йилларим, дейишади. Бир томондан бу ибора тўғри. Чунки ўқишдан бошқа нарсани ўйламайсан. Билим олиб, улғайиб катта ҳаёт йулига чиқиб олишни орзу қиласан. Инсон билим ёки ҳунар эгаси бўлиши шарт. Шу шарт бажарилмаса, нони бутун бўлмайди.

Ажойиб ҳамхона дўстларимиз билан суҳбатимиз мавзуси фақат бадий адабиёт, айниқса шеърят ҳақида борарди. Қайси биримиз қандай асар ўқиган

булсак, уни кечқурун суҳбатга киритардик. Қайси биримиз янги шеър ёзган булсак, уни албатта биринчи ҳарфидан тортиб, то охириги ифодасигача мулоҳазадан утказардик.

Уша йиллари Каттақурғон яқинида сув омбори курила бошлади. Қурилишга жумҳуриятимизнинг ҳамма томонларидан куп чулқувар баҳодирлар келишди. Биз талабалар ҳам у иншоотга тез-тез бориб турардик.

Фронтда, ертулада утириб, Катта Фарғона ва Каттақурғон сув иншоотларини, халқимизнинг жасоратини уйлаб кетардим. Бундай халқ ҳеч қачон енгилмайди, дердим.

Самарқандда ўқиб юрган вақтимизда ҳар баҳор Навруз кунлари ётоқхонамиз яқинидаги кекса, доно ғазалхон Гулҳаний домулло уйига борардик. Домуллонинг қатта мевазор боғи бўлиб, мевалари пишганда бизларни меҳмонга чақириб, роса зиёфат қилиб, сунг мушоира бошларди. Бундай мушоираларга ҳамма қатнашарди.

Ёш дилларда дилрабо тароналар пайдо буларди. Мушоира муҳаббат номаларини ўқишга айланарди. Гузал қизлар давраларида баъзи диллар хомуш қоларди. Ёнма-ён утириб беш йил бирга таҳсил олган йигит-қизларнинг баъзи бирлари қатта ҳаёт йўлига бирга қадам қўйганликларини, бола-чақалик бўлиб, бахтли ҳаёт кечирганларидан куп ҳикоялар айтиш мумкин.

Қишлоқдан қатта шаҳарга ўқишга келган болалар талабалик ҳаётига қадам қўйган илк дамларидан бошлаб оламни бутунлай бошқача тасаввур этадилар ва шаҳарнинг жўшқин, гавжум ҳаёти уларга антиқа эртаклардай туйилади. У даврда қишлоқларда маданият энди тетапоя бўлаётган бўлиб, аҳолининг маданий мавқеи кенг қанот ёзмаганди. Эсимда бор, машҳур ўзбек ҳофиси Бобораҳим Мирзаевнинг «Сегоҳ» ашуласи ёзилган пластинкасини бир бадавлат дўкондор битта қатта қўйга алмаштириб, граммафонда эшиттирганда бутун бир маҳалла одами уникига бориб, эшитиб келганини эслайман. Электр нималигини билмасдик. Асосий улов оту эшак, ҳайдов молимиз ҳукиз булган. Биз олис тоғли қишлоқлардан келган болалар яхши сўзнинг гадоси эдик. Яхши, доно маслаҳатларга ишониш ёшлик йилларимизнинг мазмуни булган эди. Яқинда урушда булганимни эслаб ёзган бир шеъримда бундай мисраларни келтиргандим:

*Айрилиқ бошланди бизга у кун,
Бизни кузатарди на она, на ёр,
Дилда ёнар эди севги учқуни,
Олис тоғлар аро кутарди дилдор.*

Биз қишлоқлик талабалардаги орзу-хаёллар шундай эди. Ҳаётни доимий дустимиз китоблардан урганиб, билимларимизни ошириб борардик. Бу ҳолат ҳаётнинг чуқур илдизларига куз нуримизни, дил ақидамизни тула етказмасди. Буни бизга на мавжуд тузум, на мураббийлар ургатарди.

Биз ёш бўғинлар йигирманчи аср биринчи ярмининг охиригى ун йилликлари фарзандлари буронлар даврига дуч келиб, унинг шиддатли оқимларида олға сурилган тўлқинларда сузиб кетаверганмиз. Мана энди, инсоният тарихида бунақа нотинч қирғин-баротни кўрмаган асрлар ичидан утиб, сўнгги йиллардаги оламшумул ўзгаришларни кўриб, етмиш йил давомида таълим-тарбия манзилларида чаламулло булганлигимизни рўй-рост кўриб турибмиз.

Талабалик йилларига қайтишимнинг боиси бор. Чунки бизни замоннинг зайлига қараб овора қилганлар куп булган. Талабалар аскарларга ўхшаган экан. Аскарлар очиқ майдонда машқ қилиб, ҳарбий таълим оладилар. Талабалар эса кенг билимгоҳларга тупланиб таҳсил оладилар. Беш йил, олти йил шу хоналарда таҳсил олиб, мулло бўлиб катта ҳаётга қадам кўядилар. Лекин билимгоҳлардан ташқаридаги ҳаёт ҳамма нарсага қизиқувчан, билимга чанқоқ йигит ва қизларга ўз ҳолича таъсир қилиб, таълим берар экан. Самарқанд ҳаёти, қадимий обидалар нафаси, шаҳарда яшган буюк алломалар ҳам толиби илмларга ўзи бир улкан мактаб эди.

Билимгоҳимиздан унча узоқ булмаган жойда буюк саркарда бобомиз Амир Темур сағанаси, ундан нарида буюк устоз Садриддин Айний хонадони бор эди. Биз ёш талабалар Амир Темур, Регистон, Биби-хоним, Шоҳи Зинда ва бошқа тарихий муқаддас жойларни ҳар замонда зиёрат этиб, уларни тарихи билан қизиқардик. Ҳукумат одамлари, олимлар Амир Темур қабрини очган кунлари уруш бошланганини уша ерда эшитганмиз. Қанча гап-суз булганлигини, жаҳонгир қабри очилганлиги учун уруш булганлиги ҳақидаги гап-суз бутун шаҳар аҳолисининг кундалик мушоҳадаси ва бизга ўхшаган урушга ке-

таётган ёшларга ақида бўлиб қолганлигини ҳали-ҳали эслайман.

Қабр очилиб, уруш бошланганини айтдим, яна жангтоҳдаги қиш аёзлари роса баданни тилиб утаётган бир палла ёдимга келди. Ертўла қуриб, чанқов, чарчоқ пайтларимиздаги орзу-уйларимиз ҳақида сўз бошлагим келди.

Урушдан кейин кўп йиллар утиб, 1967 йилда қуролдош, қаламкаш дўстим Адҳам Раҳмат билан Беларуссияга бориб, жанг қилган жойларимизни зиёрат қилдик. Беларуссия пойтахти Минскдан унча узоқ бўлмаган Апчак деган жойга бориб, ўрмон ичини айландик. У ерда 1944 йил июнь ойининг охирларида Минскни озод қилиш олдидан бир кеча дам олишга, яъни мудофаада туришга тўғри келиб, ертўла қуриб, унда тунаган жойимизни ахтардим. Йиллар утиб ёмгир, қорлар ёғиб, ут-уланлар ўсиб, текисланган жойлар пайдо булибди. Ертўлада қолдирилган ёғочлар олиниб, том тупроқлари кумилиб, билинмас жойларга айланибди. Дўстим менинг ертўла излаб юрганлигимни қуриб, жилмайиб «Қанча йил утди, мана, сен ҳам кексайиб бобо булибсан, бу жойлар ҳам узғариб кетипти. Дарахтларни қара, осмонга етай деб турибди, қандай улкан қарагайлар», деди. Дўстим бу сафаримиз ҳақида «Изларингни излаб» деган очерк ёзди.

Ҳа, ертўла дедим, оғир фронт йўлларини кенгрок ёритгим келди. Минскни эсладим. Минскни озод қилишдан олдин Осиповичи ва Бобруйск шаҳарларини озод қилишда қатнашганмиз. Бу ерларда ҳам шиддатли жанглар бўлган. Бобруйск атрофида душманнинг жуда катта кучи қамалда қолган эди. У қамални ёриб утиб, ғарбга йўл топиш учун жон-жаҳди билан кетмакет ҳамлага ўтиб турарди. Бўлинган душман кучлари қишлоқларда, ўрмонларда жон сақлаб, қамалдан чиқиб кетиш учун узини ҳар томонга урарди. Лекин ёв ҳамма ерда ўраб олиниб, яксон этиларди.

Бизнинг қисмимиз Осиповичи шаҳарчасини 1944 йилнинг 28 июнида, Бобруйск шаҳрини эса 29 июнда ёвдан озод қилди. Бобруйск учун бўлган ҳужум энг катта жанглардан бири эди. Бу шаҳарни озод қилиш учун шиддатли ҳамлага ўтиб, шаҳар атрофида қаттиқ мудофаа қўрган душман ҳалқасини 25 июнда ёриб, олдинга силжидик. Юз мингдан ортиқ гитлерчи босқинчилар Бобруйск қуршовида қолиб, чиқиб кетиш учун бор кучини қирғинбарот тўфонига ташлаб, мақ-

садига эришолмади. Куп зарбдор кучларини йўқотганидан кейин, тўда-тўда бўлиб таслим бўлишга мажбур бўлди. Урушнинг бошида фашист кумондонлиги катта кучларини тўсатдан ҳамлага ташлаб, куп одамларимизни асирга олган эди. Қўлга олинган одамларимизнинг купчилигини улим лагерларида тутиб, оғир кон ишларида қийнаб ишлатиб, уларни қириб юборди.

Дунёни хавф остига қолдирган, Ёвропанинг куп қисмини босиб олган фашистлар Германияси қушинларига қарши СССРнинг ҳамма жанговар кучлари ҳаёт-мамот курашига кўтарилдилар. Ҳозирги ҳамдўстлик мамлакатларининг фарзандлари ҳамжиҳат бўлиб, муқаддас урушга йўл олдилар. Бир қозондан овқат еб, бир чимдим тамакини бирга тортиб, бир чоҳда елкаларини бир-бирларига қўйиб, исиниб, бир майдонда жонбозлик кўрсатаётган турли мамлакатлар йигитларини эслаб, бирлашган ўзар, деган фикр ёдимга келди. Бирлашиб кучли душманга қарши жанг қилаётган баҳодирлар орасида у ёки бу миллатдан бўлган битта-яримта ғаламис, ичи қора жангчи ҳам топилиб қоларди. Лекин биз бу кир кунгил, мағзава лафзларнинг жирканч сўзларига эътибор бермасдик. Бошқа миллатдан бўлган, улимнинг кўзига тик қараб, олдинга интилган шерикларимиздан орқада қолмай ўз она-Ватанимизнинг нурли келажаги учун ёвни йиқитишга борардик.

Ичи қора жангчилар ҳақида сўз юритдим. Мен бунга мисол келтирмасам бўлмайди. Ичи қора одамлар ҳамма вақт, ҳамма замонларда топилади. Улар бировнинг бахтини, ютуғини кўролмайдилар. Бахиллик қиладилар, соя, булутлик томонни излайдилар. Одамнинг эътиқодини, ҳафсаласини сўндиришга интиладилар, кайфиятини пасайтириб ўзларининг мавқеларини яхшилашга уринадилар. Лекин ҳаётнинг аччиқ қонуни бор. Ҳақиқат ҳамма вақт ўз ўрнини топади. Ғаламислар мағзава кўпигига айланиб, ифлос кир ўраларга ташлаб юбориладилар.

Минск учун қаттиқ жанглар борарди. Ҳар икки томон ҳам кучли, шиддатли тўқнашувда эди. Мен ўз взводим жангчилари билан ўрмон ичида қаршилиқ қилган босқинчиларни маҳв этиш билан банд эдим. Бир қўлимда автомат, бир қўлимда пистолет. Анча нарида бошқа қисмлар ҳам бизлар билан бирга душманни қувиб олдинга силжиётган эди. Кечга яқин ўрмонни ёвдан тозалаб, нариги чеккасига чиқдик. Йигирмадан ортиқ фашист солдатларини асир олиб,

жунатиш учун тўплаб турган эдик. Шу вақт погониди сержант белгиси булган бир жангчи ёнимга немис шинелидаги икки кишини олиб келди ва менга «мана юртдошларингни кўр, бизга қарши улим келтиряпти» деди. «Мени ҳозир отиб ташлайди» деб жовдираб кўзимга қараб турган бу икки ҳамюртимнинг хароб ҳолига тикилиб, улар илгари ҳеч жангчи булмаганлигини, умумий сафарбарлик балосига йулиққан кекса, ночор қишлоқ одамлари эканлигини фараз қилдим. «Ким булиб...» дедим холос. Бири «биз кўп эдик, ураб олишди, ўз ҳолимизга ташлашди. Герман бизни темир йўлни тузатишга ишлатди, ўзлари қочишди. Биз мана шу ўрмон ичидаги чоҳларда яшириндик», деди. Мен уларни отмадим. Жунатишни кутиб турган асирларга қушиб, орқага жунатдим. Лекин бу икки нобакорни тутиб, олдимга келтириб мендан сўз кутиб турган сержант Урта Осиёдан эмаслигини, у Ғарбий улкалардан бўлган бир ичи қора маҳлуқ эканлигини фаҳмлаб, унга «булар власовчилардан эмас, сени власовчиларга қарши жангга олиб бораман» дедим.

Мен жангда чақмоқдай ярқираб, шердай дадил душман устига ташланган ва ўз ҳаётини хавф остига қолдириб, қумондонларини қутқарган ўзбек жангчиларни кўрганман. Мен бир йигитга бир улим дердим. Мен уқ олмайдигандай, ҳар қандай хавfli ҳолатда ҳам узимни тетик ва ҳушёр тутар эдим. Фашист генералини ертўласида улдириб, ҳужжатларини олиб келган Абдулло Қурбоновни, кўкрагини душман темирбетон қопқоғига қўйиб, ҳалок булиб, бошқа жангчиларнинг олдинга силжишларига имконият яратган Тоштемир Рустамов, Қудрат Суёнов, Туйчи Эрийгитовни, ёв офицерини эгарга унгариб, асир олган Аҳмад Болиевни, партизан булиб, душман колоннасини ёриб утиб, уларни қириб ташлаган Мамадали Тошиболдиевни, Брест қалъасини бир ой сақлаб, кўксиди «Каттақўрғон ҳақиқати» газетаси билан йиқилган номи номаълум ҳамюртимнинг қаҳрамонликлари билан нафас олардим. Кўпинча Амир Темурни ўйлардим. Халқимиз орасидан зўр саркардалар чиққан-ку, дердим. Собир Раҳимовни ўйлардим. Мен бу машҳур саркарда билан 65-армия жангчилари қаторида фашист босқинчиларга қарши кўп жангларда ёнма-ён туриб жанг қилганман. У урушнинг энг оғир майдонида қаҳрамонларча ҳалок булди. Германиянинг Пруссия булагидидаги қушинларини, Берлин, марказ

қушинлари билан қушилиш йулини тусиб, ёвнинг мақталган қисмларини яксон этди. Бу майдонда ёмгирдай ёғилиб турган уқ ва снарядлар остида генерал Собир Раҳимов фақат олга интилди. Гданск яқинида душманнинг катта кучлари тор-мор этилишида юртдош генералимиз қисмларининг хизмати катта.

Минск учун булган жангларда взводим билан фаол қатнашганман. Бунинг учун қумондонлик мени «Қизил Юлдуз» нишони билан тақдирлаган. Бир неча жангчиларим ҳам орден ва медаллар билан мукофотланган. Уйимда бу улкан шаҳарни немис-фашист босқинчилардан озод қилишда қатнашганлигим учун Олий Бош қумондон томонидан берилган раҳматнома сақланади. Мен бу раҳматномани ва фронт майдонларида берилган бошқа ҳарбий ҳужжатларни қулга олганимда бугун Мустақил Давлатлар Ҳамдустлигига айланган қардош жумҳуриятларни қонли урушда босқинчилардан озод этиш жангларида қатнашганлигим билан фахрланаман. Куз олдимдан оғир, қонли, аянчли, дардли фронт йуллари утади. Хоҳ голиб халқ булсин, хоҳ мағлуб давлат булсин, уруш оддий кишиларнинг жабр-жафоларига айланар экан. Уруш тамом булиб, Германиядан 1947 йилда юртимга қайтаётганимда бир вагонда жангчи украин, белорус дўстларим бор эди. Улар ота-оналарини фашистлар қириб ташлаганликларини, турар жойлари култепаларга айлантирилганини ички оғир дард билан сўзлаб, ота юртларига етимдек бораётганликларини, уй-жой ва оилаларини қайтадан тиклашларини айтардилар. Биз бу дўстларимиз тушадиган манзилларга етиб келганимизда ён-атрофда вайроналарни кўрардик. Уй-жойсиз тентираб юрган қария ва болаларни кўриб қайғурардик. Узимиз билан олиб келаётган озиқ-овқатларимизнинг бир қисмини уларга қолдириб кетардик. Уруш бошга битган бало, деб халқимиз бежиз айтмаган экан.

Жанг кун сайин кучайиб борарди. Қишлоқлар орқасидан қишлоқлар, шаҳарлар орқасидан шаҳарлар озод қилинарди. Таом ёйишга ҳам қул тегмасди. Машинага тиркалган темир дошқозонимиз орқада қолиб кетарди. Шундай пайтларда бир-икки бурда қолиб кетган қотган нонимиз асқотарди. Кружкага сувни қуйиб, нонни ботириб еб кетаверардик. Шундай оч қолган пайтларимизда, 1943 йил январь ойининг қиш чилласида Речицадан олис булмаган бир қишлоқда

бир белорус йигити бизни асал билан зиёфат қилганини эслаб кетаман. Хужум қилиб қишлоқни гитлерчилардан тозаладик. Бир йигит пайдо бўлди. У партизан экан. Биз билан уз қишлоғига келибди. Бир маҳал эски бир тахта омборхонага кириб кетди. У ердан похол гарами ичидан уғирдай келадиган кундани олиб чиқди, похолни ёқиб уни кундага тутди. Кунда асаларининг уйи экан. Ундан муми аралаш қотган асал парчаларини бизга тутиб, «маъзур тутинглар, қишлоғимизни ёвдан тозалаганларинг учун», деди. Бу ажойиб, ватанпарвар белорус партизан йигитининг ҳиммати бир умр қалбим тубидан жой олган.

Минск озод бўлгандан кейин бу қардош мамлакатнинг ғарбий чегараларига қараб юрдик. Энди мақталган душман қаттиқ зарбага учраган буридай орқага тисариларди, уз инига чекинаётганини кўриб, ўлим ваҳимасини сезиб, қуршовда қолганини сезиб тобора қаттиқ қаршилик кўрсатарди. Сараланган солдатлари сийраклашиб, бушаётган жойларни кексалар ва ҳали балоғатга етмаган болалар билан тўлдирарди. Биз асир олган фашист солдатлари орасида кекса кишиларни кўриб, Гитлернинг мадори қурияпти дердик.

Белоруссия ерларидан утиб борар эканмиз, бу кўп азоб-уқубатлар тортган, лекин метин бардошли мард халқнинг жасоратини, уз ватанига бўлган буюк муҳаббатини ҳар қадамда сезиб борардик. Бутун бир жумҳурият партизанлар ўлкасига айланганди. Буни урушдан кейин барпо этилган Хатин мемориал ёдгорлиги ҳужжатларидан ҳам билиш мумкин. Биз жангчилар белорус партизанлари билан бирга, ёнма-ён туриб, фашист газандаларни уларнинг муқаддас диёрларидан қувганмиз.

Биз бир қишлоқ яқинидаги ўрмонда партизан қиз қабрини кўрдик. Қишлоқни босқинчилардан тозалаб, ўрмонга келишимиз билан қишлоқ аҳолиси ўша партизан қиз қабри томон юришди. Гуллар қўйишди. Мен қабр ёнида тўхтадим. Кекса бир партизан отахон бу ерда партизан қиз — набираси дафн этилганлигини айтди. Янги жанг маррасига йўл оларканман, бу мисралар дилимда пайдо бўлди:

*Баланд бир эманнинг остида,
Қабр кўрдим, турарди ёлғиз,
Унда ётар шиддатли жангда,
Ҳалок бўлган ёш партизан қиз.*

*Уз шаҳрини қамалда кўрди,
Қасос билан тўлди ёш юрак,
Ўрмонларда ҳаёт кечирди,
Деди: Ёв-ла курашмоқ керак!
Қизил лента товланар эди,
Унинг кулранг қулоқчиниди,
Ёвни енгиб у ҳалок бўлди,
Йўл устида, ўрмон четида.
Қабр ёнидан бош эгиб ўтдим,
Юрагимда унинг учи бор,
Уч олмоқ - чун жангга йўл тутдим,
Қувватимда Ватан кучи бор.*

Бундай қабрларни кўрганимда, Ватан бошига му-
сибат тушганда унинг фарзандлари хоҳ кекса бўлсин,
хоҳ ёш бўлсин, хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин ўзини она
замин ҳимоясига сафарбар деб билишини англадим.
Ҳа, улар — фидойи партизан, содиқ фарзандлар эди-
лар. Лекин айниган сотқинлар ҳам пайдо бўлиб қола-
ди. Бу сотқинлар душман каллакесарларидан хавфли
эди. Чунки душман сенга ташқаридан қилич уқтала-
ди. Сотқинлар эса ичингдан кўпораман дейди. Худо
сақласин бунақа айниган сотқинлардан.

Менинг ихтиёримда усти очиқ уч тонналик авто-
машина бор эди. Бу машина Тула шаҳри яқинидан
Германиянинг шимолидаги Росток шаҳригача бўлган
оловли йўлларда менинг взводимга хизмат қилди. У
бир неча бор пулемет, тушларнинг утига, авиа бомба-
ларнинг портлашларига дуч келди. Ҳаммасидан ши-
каст топса ҳам ҳаракатда бўлди, бизларни янги олов-
ли марраларга элтди. Бир воқеани айтмай утол-
майман. 1944 йил ёзида Белоруссия ерларини озод
қилиб бир қишлоқдан иккинчи қишлоққа утиб борар-
дик. Бир қишлоқда биз бўлсак, бошқа ён қишлоқда
гитлерчилар ўрнашиб, қаршилиқ кўрсатарди. Бизнинг
тепамиздан учиб ўтиб юрувчи учувчиларимиз эса го-
ҳида қаерда бизникию, қаерда ёв борлигини билол-
май қолардилар. Бир маҳал орқадаги ўрмондан ҳавога
ракета отилди. Бу олдинда душман бор, деган маъно-
ни билдириб учган ракета эди. Душманнинг қирувчи-
бомбардимончи, «учар танклар» деб ном олган само-
лётлари олдинда кетаётган автоколонналаримиз усти-
га пастлаб пулемётлардан ут очиб, бомбалар ёғдира
бошлашди. Бизнинг машиналаримиз тухтаб қолди.
Мен машинадаги йигитларимга «тушинглар, буг-

дойзорга беркининглар», дедим. Узим ҳам машинадан тушиб, йул четидаги энди ҳосилга кирган бугдойзорга югурдим. Ҳамма машиналардан ерга сакраб тушиб, ҳар томонга тарқалиб, тўғри келган жойдан паноҳ излаб ерга ётиб олишди. Мен очиқ жойда қолиб кетибман. Ерга қапишиб олиб, самолётларнинг ҳужумига қараяпман. Улар ҳамон бирин-кетин пастлаб йўлда қолдириб кетилган машиналар устига ҳамла қилишарди. Бир маҳал ҳужумни тўхтатиб олдинга ўтиб кетишди. Уринларимиздан қўзғалиб уз машиналаримиз ёнига келдик. Менинг машинам ҳам шикастланибди. Эшигини очдим. Шоферим оддий жангчи Абдулҳамид Паттохонов «лейтенант, эшикни қуряписизми?» деди. Снаряд машина эшигининг бир томонидан кириб, иккинчи томонидан уйиб чиқиб кетибди. Тухумдай келадиган иккита парча бўлса керак. Худди тизза турадиган жойидан тешиб ўтиб кетибди. Мен Абдулҳамидга «ерга тушмасак иккимиз ҳам оёғимиздан айрилар эканмиз», дедим. Шоферим «шуни айтинг-а» деб довдираб, жовдираб, қўллари қалтираб машинани юргизди. Бундай фалокатларга жуда кўп дуч келганмиз фронт йўлларида. Халқимизнинг «қирқ йил қиргин бўлса, ажали етган ўлади» деган гапи рост экан. Лекин бефарқлик, манманлик ҳам жангтоҳда кетмас экан. Бир хил жангчилар ўзининг қўрқмаслигини билдириш учун, ёнида беркиниш чоҳи бўлгани ҳолда худди томошага чиққандай, тепада турган ёв мергани нишонига дуч келиб ағдарилганларининг гувоҳи бўлганман.

Жангда қўрқмаслик муваффақият гаровидир. Лекин ҳамла бўлганда, қўл жанги бошланганда, разведкага борганда, ёв билан юзма-юз қолганда шер бўлмасанг, қаро ер буласан. Ҳеч ким ёнгилишни истамайди. Устун келаман деб ёв устига бостириб борасан. Агар чаққон бўлмасанг, ҳийла ишлатмасанг, чап бермасанг ёв устинга бостириб келиб сени йиқитади. Қўрқмас бўлиш керак, дедим. Бу уруш қонуни. Муҳаммад пайгамбаримиз ҳам уз ҳадисларида «Ал ҳарбу хадаба», яъни урушда ҳийла керак деганлар, буюк саркардамиз Амир Темур жангга кириш олдидан ёв томонга айғоқчи-разведкачи юбориб, ёвни чалғитиш йўлларини уйлаганлар. Лекин қайси инсон ажалдан қўрқмайди. Ёнингда ёв снарядлари портлаб турса, сал наридаги дўстларинг устига бомбалар тушиб, парчалашиб кетганини кўрсанг, сенинг кўнглинг тош эмас-ку,

ажал яқинлашяпти, деб безовта булмасанг. Лекин узингни кулга олишга, урушда улимнинг юзига тик қарашга мажбур буласан. Буни уруш қонуни дейдилар. Уруш қонсиз булмайди, деган гап ҳамма халқларда бор-ку, ахир.

Мамлакатда, дунёда уруш кетиб турганда халқлар хунрезликка қараб турмас экан. Биз буни, уруш йилларида жангтоҳларда аҳли оламнинг хайрихоҳ, ҳамдам ҳимматларини сезиб турардик. Шунингдек, ўз ҳамюртларинг ҳам сен билан ҳамнафас, ҳамкор бўлиб яшар эканлар. Биз жанг майдонларида она юртимиздан қуруқ мевалар, совуқдан ҳимоя қиладиган иссиқ кийим — пахталиклар олиб турдик. Ота-оналаримиздан, ёру-биродарларимиздан хат-хабарлар келиб турди.

Энг қизиғи жангда йигитларга, буйдоқ марди майдонларга туғилган жойларимиздан, номаълум қизлардан меҳр-муҳаббат билан тулган хатлар келганлигини айтгим келади. Чунки мен ўзим ҳам барно қизлардан жонфидо хатлар олганман. Хатларини ўқиб, адресимни қаердан олганликларига ҳайрон бўлардим. Балки Тошкент газеталарида чиқиб турган шеърларимни ўқиб, адресни уша редакциядан сўраб олгандирлар, деган хаёлга борардим. Фронтдалиқ вақтимда қўлимга теккан бир хат: «Фронтчи йигит, мен сиз билан таниш булмасам ҳам, қуёшли Ўзбекистоннинг дилкаш қўйнида бирга усган, бир юртнинг боласидирсиз деб ўзимнинг алангали саломимни ушбу мактубим орқали йўллаيمان. Уч йилдан купроқ вақт бўлдики, севимли Ватанимизнинг қаҳрамон фарзандлари — сизлар фашист босқинчиларга қарши улуг Ватан урушини олиб бормоқдасиз. Сизни шу ҳал қилувчи жангларнинг ботир жангчиси ёки командири деб уйлайман.

Сиз фронтда разил душманни қандай қираётган бўлсангиз, бизлар мамлакат ичкарасида туриб Сизларга ҳар тарафлама ёрдам бермоқдамиз. Корхоналарда фронтчасига ишламоқдамиз. Ғалабамиз яқин, у худди тоғ орқасидан қизариб чиқаётган қуёшдек ярқираб турибди. Фронтчи йигит, сиз ғалаба қозониб қайтиб келарсиз. Балки шу вақт биз куришиб қолармиз. Вақтингиз булса, мактубимга жавоб ёзинг. Хайр! Салом билан сизга таниш булмаган ўзбек қизи Муҳаббат».

Бу мактуб менга кучли таъсир қилди. Унинг «Ғалабамиз тоғ орқасидан қизариб чиқаётган қуёшдек яр-

қираб турибди. Қайтиб келарсиз, биз куришиб қолармиз», деган сўзлари қалбим тубидан жой олиб, энг қийин дамларда ҳам мени олға йўлларди. Лекин адресини йўқотиб қўйдим. Хат Тошкентдан, тикувчилик корхонасидан келган эди. Хатни йўқотсам-да унинг дилкаш самимий нафасидан таъсирланиб, «Мактуб» деган кичик ҳикоя ёздим. Унда қиз мактубини келтирдим. Тақдирни қарангки, урушни тамомлаб 1947 йилда қишлоғимга қайтганимда менинг дорилфунундош дўстим Шароф Рашидов Тошкентга «Қизил Ўзбекистон» («Ўзбекистон овози») рўзномасига муҳаррир бўлиб тайинланибди. Менинг уйга қайтганимдан хабар топиб, телеграмма юбориб, мени ишга таклиф қилди. Дўст таклифини ерда қолдириш мумкин эмас. Тошкентга рўзномага ишга келдим. Бу ерда қуролдош шифокор дўстим Қосим Мадумаровни учратиб қолдим. Унинг табаррук Ҳасти имом маҳалласидаги куп хоналик ҳовлисидаги бир хонада жой топилгунча вақтинча истиқомат қилдим. Дўстим Қосим ака бир кунни менга «биз қуролдош дўстмиз, кел энди, кен-нойингни тоғасини қизи бор, моҳир тикувчи, илғор, қўли гул ишчи. Қайлигинг бўлсин, қариндош бўлайлик», деди. Тақдирни қарангки, дўстимга қариндош бўлдим. Туй бўляпти-ю, фронтга хат ёзган қиз шу эмасмикин, деган хаёл кунглимдан утарди. Туйдан кейин азиз турмуш уртоғим Орифахондан фронтга хат ёзганмисиз, совғалар юборганмисиз, деб сурадим. Ҳа, фабрикадан совғалар юборганмиз, лекин мактуб ёзмаганман, деди ва ҳазиллашиб: «Мактуб ёзмасам ҳам мени топиб оласиз, деб уйлаб юардим», — деди. Ҳазилнинг таги чин деб шуни айтсалар керак.

Фронтдан ёзган айрим хатларимиз, шеърларимизнинг баъзи бирлари жумҳурият нашриётлари томонидан галабага бағишланган тўпламларда эълон қилинган. Фронтдалиқ вақтимизда ўзбек халқининг Қора денгиздан Оқ денгизга қадар чўзилган бир неча минг километрли қонли жанггоҳларда қардош халқлар жангчилари қаторида туриб фашист босқинчиларга қарши жанг қилаётган ўзбек фарзандларига қарата ёзган хати «Правда» газетасида 1942 йил 31 октябрда эълон қилинди. Унда халқимизнинг ўз жанговар фарзандларига қаратилган мурожаатнома сўзлари ёзилган эди.

Бундай чақириқлар, варақалар, рўзномалар, мактублар жанггоҳларга тез-тез келиб турарди. Албатта жангчиларга таъсир қилмай қолмасди. Ўз она юрти,

оила, бола-чақаси, ота-онаси булган ҳақиқий жангчи бу чақириқларсиз ҳам ҳалол, мардонавор жанг қилиб, уз диёрини озод булишини, ота-онаси ёнига қайтишни ҳам қарз, ҳам фарз деб биларди. Қўрқоқ, лоқайдларга бундай чақириқлар шамолдай бу қулогидан кириб, у қулогидан гувиллаб чиқиб кетаверарди. Халқимизда «бедана қаерга борса битбилдиқ дейди», деган мақол бор. Унга чаман ҳам, сассиқ алафзор ҳам барибир. Уз Ватанининг қадрига етмаган, унинг дарди билан яшамаган одам қаерда, кимнинг ҳимоясида булмасин, бир куни киндик қони тўкилган ернинг уволи тутади.

Она юртдан келган жанговор чақириқни уқиган юртдош, қуролдош йигитларимиз жавоб қайтариб жангга кирганлар. Эсимда бор, 2-Белоруссия фронтидаги йигитларнинг хати «Фронт ҳақиқати» газетасида эълон қилинганди ва Ўзбекистон меҳнаткашларига етказиш учун Тошкентга жунатилди.

1944 йилнинг декабр ойида Польшада ёзилган бу мактубга 3715 жангчи қул қўйган эди.

Жангчининг руҳини кутариш, унинг ёв устидан голиб келишига ишончини оширишда элу юртнинг бундай панду насиҳатлари азалдан удум бўлиб келган. Лекин ҳар инсоннинг ўз эътиқоди бўлади. Ешлар ҳеч нарсадан қўрқмайди, ёши утганлари эса мулоҳазали бўлади. Ҳар бир ҳаракатини уйлаб қилади. Шунинг учун жанггоҳлардаги бошлиқлар кўпни қўрган, катта жанговор ҳаёт йулидан утган кишилар бўлади. Бундай саркардалар ўз ихтиёрларидаги жангчиларни кам нобуд қилиб, ғалабага олиб боради.

Бизнинг гвардиячи танк корпусимизнинг командири Михаил Федорович Панов ҳам зирҳли машиналарни бошқариб, пулат қалбли йигитларни янги-янги муваффақиятларга олиб борарди. Урушдан кейин ҳар икки йилда корпуснинг ветеранлари танкчилар куни 7 сентябрда Москвада учрашиб турардик. Шунда командиримиз генерал-лейтенант уруш қаҳрамони М. Ф. Панов ҳаммамизни табриклаб, уруш йилларини ёдга оларди. Қилган ишларидан ҳисоб бериб, ўз ихтиёридаги жангчилардан кам қурбон бериб, кўпроқ муваффақиятларга эришиш учун қўлланган ҳарбий санъат ва тажрибаси ҳақида гапириб берарди.

Командиримиз М. Ф. Панов Москвага борганимизда мени албатта уйига чақирарди. Бир пиёла чой устида аҳволимни, ижодимни сўраб, ҳарбий ватанпар-

варлик мавзуи мангу, муқаддас эканлигини сузлаб, бу мавзудаги асарлар шаҳид кетган жангчилар руҳини шод қилишини, ҳарбий хизматга чақирилган, оғзидан она сути кетмаган ёшларни оталар жасоратига ургатишини сузларди. Суҳбат охирида мени қандай қилиб корпусдан фронт газетасига бориб ишлашга рухсат берганлигини мамнун бўлиб айтарди.

Мен мото-ўқчи батальон командирининг кимё ҳимояси бўйича уринбосари, жангчи командир эдим. Газетага сиёсий ходимлар борарди. Мен эсам жангларда бевосита қатнашаётган офицер эдим. Менга жавоб бермасликлари мумкин эди. Лекин менга жавоб беришди. Польшада Нарев плацдарми учун бўлган жангларда кўп кучларимиз нобуд бўлди. Янги кучлар олиш учун дарё яқинидаги жойга дам олишга келгандик. Бир вақт батальон мирзоси мени излаб қолди. Батальон мирзосининг ертўласига келиб, ўз кўзларимга ишонмадим. Мирзонинг ёнида жилмайиб Адҳам ака Ҳамдамов турибди. Бир-биримизнинг бағримизга отилдик. Мирзо кичкина ту누ка чойгумда чой дамлаб, руҳ кружкаларга қўйиб, қотган нонни тахтага қўйиб, «марҳамат, қандай шодиёна учрашув» деб бизнинг — икки дўстнинг суҳбатимизга қулоқ тутди. Биз ўзбекча гаплашардик. Юзимиздаги хурсандчилик аломатларига у ҳавас ва завқ билан тикилиб турарди.

Адҳам ака 2-Белоруссия фронтида ўзбек тилида чиқиб турган «Фронт ҳақиқати» газетасида ҳарбий муҳбир экан. У махсус тошшириқ билан бизнинг корпусимизга келибди. Командирларга Нарев плацдармини эгаллаш учун курашда қаҳрамонлик кўрсатган йигитларимиз ҳақида очерк ёзишини айтибди. Улар корпусимизда чиқиб турган рўзнома муҳарририга юборишибди. Адҳам ака рўзнома муҳарририга учраса, у менинг ҳақимда маълумот берибди. «Намунали командир, иқтидорли шоир ҳам, унинг шеърларини рўзномамизда таржима қилиб чиқариб турибмиз» дебди. Бу хабарни эшитиши билан командирнинг мотоциклини олиб 20 километр йўл босиб, мени ахтариб келибди.

Биз эски дўстлар эдик. Самарқанд Давлат дорилфунунида бирга ўқиган, бирга ижод қилган яқин ҳамнафас собиқ талабалар эдик. Адҳам ака кечгача ёнимда бўлди. Булинмаларда бўлиб қаҳрамон жангчилар ҳақида мақола ва очерки учун материаллар тўплади. Сунг кетар чоғида хайрлашиб, «яқинда келиб сени фронт рўзномасига олиб кетаман» деди. Мен «жанг-

ларда бевосита қатнашаётган одамман, командирим жавоб бермайди» дедим. Адҳам ака «Фронт қумондонни Рокосовскийдан қоғоз олиб келаман. Жавоб беради», деди. Шу билан хайрлашиб кетди. Бир ҳафтадан кейин яна мотоциклини тариллатиб Адҳам ака келиб қолди. Мени кучоқлаб кўришиб, «сузимнинг устидан чиқиб, сени олиб кетгани келяпман» деди.

— Қани юр, — деди Адҳам ака. Биз корпус командирининг ертуласига бордик. Ертула эмас, икки-уч хоналик шинам уйга ухшарди. Корпус командири Панов комиссар полковник Жуков билан суҳбатлашиб утирган экан. Мен Адҳам ака олиб келган қоғозни қоида буйича мурожаат қилиб узатдим. Панов қоғозни қараб, корпус комиссарига узатди. У ҳам уқиб менга синчков назар ташлади.

— Сен шунақа номи чиққан шоирмисан, нега биз билмай юрган эканмиз? — деди Михаил Федорович.

— Шеърларинг бизнинг корпус газетасида чиққанми? — деб сўради комиссар.

— Чиққан, — дедим.

— Игамназаров имзоси билан чиққан шеърни кўрмадим, — деди комиссар яна аниқлаш учун.

— Мен шеърга Назармат деб номимни ёзаман. Бу тахаллус ҳам, — дедим.

— Ҳа, тушундим, мирзомиз Силаев таржимасида чиққан шеърлар бундан чиқди сеники экан-да.

— Шундай ўртоқ полковник, — дедим.

— Менга қара, — деди корпус командири генерал Панов, — сен яхши жанг қилдинг, биламан. Менга 2-гвардиячи мото-уқчи батальон командири капитан Иванов айтган. Сени мукофотга тақдим этган. Сен шоир экансан. Буни ҳам ҳисобга олиш керак. Фронтда ёзувчилар кам. Уруш тамомланиб боряпти. Кимдир бизнинг бу оловли йулларимизни авлодларга ёзиб қолдириши керак-ку. Сен ҳам уз халқингнинг ёзувчисисан. Сенга қалам берган халқни унутма. Баҳодирларни ёз. Мамасоли Жабборовдек ҳақиқий қаҳрамон юртдошларинг бор. У Наревда ҳалок бўлди. Бундай қаҳрамонлар жасорати беиз кетмасин. Энди шуларни ёз. Сенга оқ йул тилаймиз, — деб қоғозга имзо чекди.

Батальонга келдим. Командирим Иванов ва бошқа жанговар дустларим билан хайрлашиб, юк-халтамни елкамга олиб, Адҳам ака билан йулга чиқдим. Батальон командири Нарев плацдарми жангларида

қатнашганлигим учун мукофотга тақдим этилганлигимни айтиб, менга тавсияномани ёзиб берди. Таржимаси бундай:

«Гвардиячи лейтенант Эгамназаров Назармат 1944 йил 15 сентябрдан 2-батальонда кимё ҳимояси бошлиғи вазифасида бўлган вақтида ўзига ва ўз итлоғидаги жангчиларга нисбатан талабчан, интизомли, тажрибали командир эканлигини, Нарев дарёсини кечиб ўтиш ва унинг ғарбий қирғоғидаги плацдармни эгаллаш жанглирида жасоратли ва мардонавор жанг қилиб, ўзини дадил ташаббускор офицер эканлигини кўрсатди ва плацдармда батальон учун оғир булган жангларда роталарнинг жанговор сафларида бўлди. Бу билан жанговар буйруқни бажаришда командирларга катта ёрдам берди. Аъло даражадаги жанговар ҳаракатлари учун ҳукумат мукофоти Қизил Юлдуз орденига тақдим этилди. 2-гвардиячи мото-уқчи батальон командири, Совет Иттифоқи қаҳрамони, гвардиячи майор Иванов».

Майор Иванов тавсияномасининг бир нусхасини уруш йилларидан хотира сифатида асраб юрибман. Иванов ифодалаган Нарев плацдармидаги жанглар ҳақида ҳали кенгроқ тўхталаман. Чунки у жангга кўп нарсаларни бошимдан кечиришга тўғри келган. Унгача кўп оловли жангларни босиб ўтганман.

Душман чекиниб, бизнинг корпусимиз ғарбий чегараларимизга яқинлашиб борарди. Белоруссиянинг Слоним, Барановичи, Брест шаҳарларидан, Беловеж ўрмон қўриқхонасидан ўтганлигимизни эслайман. Машинамиз гоҳ тутаб турган қишлоқлар, вайрон қилинган шаҳарлардан, топталган ўтлоқлар, шувиллаб безовта турган ўрмонлардан ўтиб борарди. Ўрмонлар нима учундир ҳаёлимни тортарди. Балки орқада Бобруйск, Минск атрофларидаги ўрмонларда партизанлар отрядлари билан учрашганимиз, уларнинг ичида ўзбек ва бошқа ўрта осиелик йигитларни кўрганлигим хотирамга келганлигиданми, уша қалин, шохлари осмон бағрига етган сарбаланд, яшил қарағайзорлар оралиб юрганлигимми, ҳар ҳолда бизларни ёв кўзидан паналаб, сақлаётганлигини кўнглимдан ўтказардим. Лекин, эрта-ю кеч қалин ўрмоннинг ичида қолиб кетиб, унинг четига чиқолмаганимизга гоҳида тажанг бўлардим. Чунки осмон, зангори фазо кўринмасди. Мен ўрмони бўлмаган жазирама Осие заминида, олисдан баланд қорли тоғлари ялтираб кўринадиган,

паст-баланд қирларида баҳор пайтлари лолалар очиладиган жойларда устанлигимданми, олисдан дашту далалари қуринадиган очиқ жойларда кезгим келарди. Белоруссия ерларини эса асосан урмонзорлар қоплаб олган. Бир жиҳатдан, бу элу юртни ёв кўзидан асраб келарди.

Ғоҳида урмон четига чиқиб қолардик. Шунда дам олиб, овқатланиб, яна йўлга чиқардик. Шундай кунларни эсласам, ҳаводаги уруш ёдимга келади. Баланд осмонда қаторлашиб, гув-гув овоз чиқариб, ғарб томонга самолётлар учиб ўтарди. Бу бомбардимончи самолётларни мамлакатимиз Америкадан сотиб олиб, улардан олис масофалардаги душман иншоотларини яксон этиш учун фойдаланарди. Ҳавода қонли жанг бошланарди. Душманнинг ердаги зенит замбараклари кўп ва хўп ўт очарди. Кўзимиз осмонда буларди. Гуё секин учиб бораётгандай туюладиган «Бостон» бомбардимончи самолётларидан бири ўт олиб, ерга қуларди. Сал нарида яна бирини аланга қопларди. Кўздан ғойиб булгунча яна учинчисига ҳам ўқ тегиб, чуғга айланиб қуларди. Баъзиларидан учувчилари парашютдан ерга узини ташларди. Бу ҳаво қиргинини кўриш нақадар аянчли эди. Душманнинг қонли қўли ерда, ҳавода, денгизда ўлимни кучайтиришга интилаётганини кўриб ғазабланардик ва қасос олиш учун майдонга ташланардик.

Польша ерига ўтганимизда фашист калхатларининг сурбетлигини неча бор окоп ичида туриб кўрганман. Қирувчи «Фокке-вульф» ва «миссершмидт»лари бирдан пастлаб, ер устидан учиб ўтиб, тўпчиларимиз ва окопдаги жангчиларимизга пулемётлардан ўт очиб қочиб қоларди. Бу ҳаво қароқчиларига ўт очиб қололмасдик. Очиқ жанг қилишга ботинолмасди. Олдинда мудофаада паналаб турган жангчиларимизни ваҳимага солишни истарди.

Жангда ҳамма тур қурооларни ишлатишда моҳир ва қўрқмас булиш урушнинг муқаддас қонуни эканлигини билардим. Нодон, бушанг булсанг, панд ейсан. Шундай ҳолни Польша осмонидаги ҳаво жангида кўрдим. Бизнинг бир қирувчи самолётимиз душманнинг қирувчи самолёти билан баланд осмонда яккама-якка жанг бошлади. Қайси бири зўр чиқар экан, деб қараб турдик. Икки самолёт бир-бирининг изидан айланиб учиб ўтиб, бир-бирини қувиб, аниқ нишонга олиш учун пайт пойларди. Бир пайт бизнинг қирувчи

самолётимиз уқ теккан қушдай ағдарилиб, ерга йиқила бошлади. Учувчимиз узини парашютдан ташлади. Фашист учувчиси айланиб, паства, ерга тушаётган парашютга яқинлашиб, унинг арқонини уққа тутди. Учувчимиз палахмон тошидай биздан анча наридаги ерга келиб урилди. Бу ҳаво жангини ердан ҳаяжон билан кузатиб, учувчимиз ёш, тажрибасиз бўлса керак деган хаёлга бордим. Булмаса бизнинг қирувчи самолётимиз тезлик жиҳатдан душманниқидан устун турарди. Жангда буш келсанг, ана шунақа фалокат сенга эшик очади. Мен бу воқеани қарийб 50 йилдан кейин, она жумҳуриятимиз мустақил булган бир пайтда нима учун ёзяман? Энди бизнинг мустақил ўз учувчи лочинларимиз, тўпчиларимиз, баҳодир посбонларимиз бор. Уларни худди бобомиз Амир Темур лашкарларидай доимо ғолиб, ута моҳир ва баҳодир посбонлар бўлишларини истаб қалам тебратмоқдаман. Биз байналминал жангчи булган эканмиз. Россия, Украина, Белоруссия, Польша ерларини фашистлар Германияси тажовузидан озод қилишда ҳамдўстлик мамлакатларининг фарзандлари билан биргаликда қатнашган эдик.

Учувчилар ҳақида суз юритдим. Мен ҳарбий мухбир булган «Фронт ҳақиқати» газетаси (1944-45 йиллар) муҳаррирининг топшириги билан фронтдаги ўзбек учувчиси, моҳир ҳужумчи, бомбардимончи, тошкентлик Абдусаттор Эшонқуловнинг жанговар топшириққа борган ҳар бир учишидан хабардор эдим. У учишдан қайтиб келганда учрашиб, жанг таассуротларини, ёвга берган зарбаларини ёзиб олиб, фронт газетасида ёритардик. Биз унга юз марта оқ йўл тилагандик. У бизнинг тилагимизни бажо келтириб, фашист қўшинларига даҳшат солиб, уруш қаҳрамони бўлди. У жанговар қуролдош дўстим билан ҳозир ҳам Тошкентда тез-тез учрашиб турамиз. У етмишдан ошган бўлишига қарамай ҳамон бардам. Булажак ўзбек учувчиларимиз ана шу Абдусаттор акадай шерюрак, ёв олмас ботир лочинлар бўлишини истаيمان.

Москвада чиқадиган «Комсомольская правда» рўзномаси 1992 йил январь сонларининг бирида Қоранденгиздаги ҳарбий қисмда хизмат қилаётган бир гуруҳ ўзбек йигитларининг Совет Иттифоқи тугатилиб, мустақил ҳамдўстлик давлатлари тузилганда Украина давлатининг ҳарбий қисмларида булганини, улар бу давлат учун қасамёд қилишдан бош тортганликларини

расмлари билан босиб чиқарди. Бу ҳол эътирозга молик нарса эмас. Ўзбек йигитлари: «узимизнинг мустақил давлатимиз бор, энди шу она Ватанимизга хизмат қиламиз ва унинг содиқ посбонлари бўлиш учун қасамёд қиламиз» деб тўғри иш қилганлар.

Биз кекса уруш фахрийлари ҳам Иккинчи жаҳон уруши оловларида тобланган ёшлигимизни уйласак, ўша вақтларда ҳам ота-онамиз, туғилган юртаримизга уруш алангаси етиб келмасин, деб ўз диёримизнинг хавфсизлиги учун жангга кирганмиз. Ёдимда, 1944 йил декабрида Ўзбекистон жумҳуриятининг 20 йиллиги нишонланди. Шунда мен «Салом, Ўзбекистон» деган шеър ёздим. У фронт газетасида эълон қилинди. Унда бундай сатрлар бор эди:

*Муқаддас онт ичиб сенга — Ватанга,
Упиб тупроғингни, қўзғолдик жангга,
Туйингни жангларда нишонлаймиз биз,
Сени узгаларга ишонмаймиз биз.*

Бу сатрлар энг оғир, шиддатли жанглар бориб турган жойда, Польшанинг Нарев дарёсининг унги қирғоғида, душмандан тортиб олинган бир парча ерда, уталанга ичида ёзилган. Биз ўзбек жангчилари бошқа диёрлар йигитлари қаторида туриб, дунё халқларига хавф солган душманга қаттиқ зарбалар бериб, ўз қадримиз, она юртимизга содиқ фарзандлар бўлиш учун қасам ичганлигимизни унутмасдик.

Жанглар бир минут ҳам тўхтамасди. Қўшинларимиз душманнинг омон қолган, таслим бўлмаган кучларини чегарадош қўшни давлатлар — Польша, Чехословакия, Венгрия, Руминия ерларида яксон қилиш учун шиддатли жангларни давом эттирардилар.

Иккинчи Белорус fronti қўшинлари Польшанинг шарқий-шимол томонидан ёв устига бостириб борди. Белоруссия ерлари орқада қолди. Олдинда катта азоб-уқубатларни бошидан кечирган Польша мамлакати бизлардан нажот кутарди. У ерда ёв кенг жойда мустаҳкам мудофаа истеҳкомларини қуриб, муъжиза бўлишини кутарди.

Польша ерлари... болалигимда қишлоғимиз чорраҳаси ёнида катта чойхона бор эди. Бу ерда доим одам куп буларди. Айниқса пайшанба-бозор, жума кунларида чойхонага одам сизмасди. Баъзи вақтларда чойхонанинг бир томони гиламлар билан уралиб, у ерда

машшоқлар, ҳофизларнинг томошалари бошланарди. Мен бундай томошаларнинг бирида танбур чалиб, ашула айтган Ҳамза Ҳакимзодани кўрганман. Оқшомлари чойхонанинг тўрт томонида катта осма чироқлар осиб қўйиларди. У чироқларни оталаримиз Варшава лампалари дейишарди. Ушанда Варшава деган шаҳар борлигини, у ердан катта чироқлар олиб келинишини билиб юрардим. Мана энди Варшава томонда, аниги у шаҳарни озод этиш жангларида қатнашиб юрибман.

Биз қайси мамлакатда бўлмайдик, ўз она диёри-мизнинг таровати, сахий бағри, беқиёс шарофатли ҳусни-жамоли, оддий, самимий аҳлининг меҳри билан яшардик. Эсимда бор, уруш тугаб, Польша ерларида қуролдош, қаламкаш дўстим Адҳам Ҳамдам билан далада бироз айланиб, дам олиб юрганимизда, у киши тухумдай келадиган битта итқовунни топиб, палагидан узиб менга кўрсатди. Йул-йул, кум-кўк қовунни икки ҳамюрт қўлимизда навбатма-навбат тутиб, сўнг тишлаб кўрдик. Шундай шўр ва аччиқ эдики, лаб-у юзларимиз буришиб, тиришиб, кўзимиздан ёш чиқиб кетди. Адҳам ака у ёввойи емишни улоқтириб: «Оҳ дўстим, қани энди бир тилим Фарғона ёки Хоразм қовунларидан бўлса-ю, аччиқ оғизларимизга малҳам этсак», деди. Ҳар йили юртимизда куз пайти қовун сайли бўлиб, кимнинг қовуни ширин эканлигини билиш учун жойларда оммавий йиғин, кўриклар бўлишини хотирга келтириб, анча вақт хомуш ўтирдик.

Ҳар ернинг ўз иқлими бўлади. Польшанинг иқлими бизнинг юрларнинг иқлимига ўхшамайди. Шунинг учун ҳам бу мамлакат ерларида пахта, қовун бўлмайди. Лекин жангчи қаерда бўлмасин ўз юртининг нафаси билан яшайди. Яна бир воқеани айтман. Урушдан кейин бизнинг қисмимиз Берлинда туриб қолди. Мен бир уруш қаҳрамони, ҳамюртимиз ҳақида лавҳа ёзиш учун уни излаб бордим. У оддий жангчи бўлиб, бир муҳим жойни қўриқлашга қўйилган экан. Постдан бушаб хонага келганда у билан суҳбатлашдим. Дераза тоқчасидаги тувакда ўстирилган ўч дона чигит кучати менинг эътиборимни тортди. Йигит Фарғонадан экан. Пахта теримида ҳарбий хизматга чақирилибди. У қўлидаги чаноқдан ўч дона чигитини ёсдалик учун ажратиб олиб, йулга чиқибди. Тўрт йиллик урушда қатнашиб, галаба кунига соғомон етганда, чунтагидан шу ўчта чигитни чиқариб, «сенга бўлган эътиқодим мени омон сақлади», деб

уни хизмат жойида тувакда ундирибди. Мен бу йигит устирган кучатни, ҳамюрт йигитларимиз эътиқоди, она юртига булган чексиз меҳр-муҳаббатларини куриб, улар билан гурурландим, шеър бағишладим:

*Эльбадаги шаҳарчада ҳамшаҳрим
Ундирибди тувакчада ёш кучат,
Уни куриб гулдай очилди баҳрим,
Митти гуза уч дона эди фақат.
Жангчи эслар олис она юртини,
Асраб юрган чигитни ҳам у ҳар он,
Ҳар кўрганда оқ толанинг кўркини
Пахтазори булган дилда намоён.
Тувакчадан қарар юртин ниҳоли,
Турар жангчи, елкасида қуроли.*

Яна бир мисол келтираман. Ғалабанинг 20 йиллигида қуrolдош дўстим Адҳам Раҳмат билан Брестга бордик. Урушнинг биринчи куни Буг дарёси соҳилидаги шу қалъадан бошланган эди. Урушдан илгари Иттифоқ ҳукуматининг ва ҳарбий вазирлигининг буйруғи билан урта осиелик йигитлар ҳарбий хизматни мамлакатнинг гарбий чегараларида, у ердагилар эса Урта Осие ва Сибирда утказадиган булишганди. Шу олий фармон натижасида Украина, Белоруссия ва Болтиқбуйи жумҳуриятларида хизматда булган фарзандларимиз фашистлар Германияси қўшинлари ҳужумининг дастлабки зарбаларини тўсишга турганлар. Менинг 1919 йилда туғилган, бошланғич мактаб ўқитувчиси булган укам Холмат ҳам Гарбий чегарада оддий посбон эди.

Улар Брест шаҳри ва унга яқин булган жойлардаги қисмларда ўзларининг йигитлик бурчларини утаб турган. Булар урушнинг биринчи кунидаёқ тўс-туполон, аланга ичида ёв ҳужумини мардонавор қайтарганлар. Мен Белоруссия нашриёти чоп этган Белорус партизанлари ҳаракатларига бағишланган катта ҳажмдаги икки жилдлик китобни олиб, уни ўқиб чиқдим. Унда Белоруссия ерларида фашист босқинчиларга қарши бошланган дастлабки жангларда қатнашган партизанларнинг номлари тилга олинган. Улар ичида жуда кўп ўзбек йигитларининг номларига кўзим тушди. Гитлер узининг бир неча миллионлик, яхши қуrolланган, катта тажрибага эга булган қўшинларини уруш эълон қилмай дам олиш — яқшанба куни, ёзнинг туни қис-

қа, кундузи узун вақтда бирдан жангга ташлади. Бу қўққисдан булган зарбага чидам бериб, қаҳрамонона қарши чиқиб, кўп чегарачиларимиз ҳалок булди. Айниқса, чегара ёнидаги тарихий шаҳар Брест қалъасида шиддатли тўқнашувлар булди. Ҳарбий ёзувчиларнинг ёдномаларига қараганда, айрим полкларда уч юздан беш юзгача ўрта осиелик йигитлар хизматда булган.

Душман Брестни бир кучли зарба билан ишғол қилишни уйлаган. Унга жуда катта кучини ташлаган. Лекин мустақкам мудофаа қалъасининг ҳимоячилари гитлерчи босқинчиларнинг такрор ва такрор ҳамлаларини мардонавор қайтариб турганлар. Қалъанинг қалин деворлари танк, замбарак, тўп, авиа бомбаларининг зарбларидан парчаланиб, илма-тешик булиб кетишига қарамай, чуқур ертула ва чорраҳаларидаги азамат йигитларимиз ёвни ер тишлата берган. Душман кучлари бир ойдан ортиқ қалъага киролмаган. Кўп техника ва жонли кучидан ажралган. Ҳимоядаги бизнинг кучларимиз ташқи дунёдан ажралиб, бор қуролларини ишга солиб, қаттиқ турганлар. Лекин кўп йигитлар нобуд булган, қуроллар кам қолган. Соқчиларнинг болалари, хотинлари ҳам ҳимояда туришган. Душман кўп кучни жангга ташлаб, охири қалъани эгаллаган. Қалъа ҳимоячиларидан бир-иккита қолганлари партизанларга қўшилиб, жангни давом эттирганлар. Ярадор бўлиб, олиб чиқиб кетишга имконият булмаб, қалъа ичида қолган, йиқилиб қолган йигитларимизни ёса босқинчилар отиб ташлаганлар. Юра оладиганларини ёса асир қилиб олиб кетганлар. Душман асирлигида не-не азобларни чекиб, соғ қолганлари урушдан кейин ҳам янги азобларни тортишга мажбур булганлар. Брест ҳимоясида қаҳрамонлик кўрсатиб, сўнг оғир ярадор булиб асирлик азобини тортиб охири омон қолган йигитларимиз Қизил империя давлати раҳбарларининг шафқатсизликларига дуч келганлар. Улар Ватан хоинлари сифатида Сибир ўрмонларига, олис қаҳратон Магадан конларига сургун қилинганлар. Уларнинг ичида бир қанча ўзбек йигитлари ҳам булган. Рус ёзувчиси Сергей Смирновнинг Брест қалъаси ҳимоячилари ҳақидаги китобида сургун қилинган юртдошларимизнинг номларини учратасиз.

Лекин ўзбек йигитининг юраги шернинг юраги булганлигини тарихдан ҳам, Иккинчи жаҳон уруши оловлари нафасидан ҳам биламиз. Тарихда олис ўтмишда

ташқи босқинчиларга қарши жангларда Спитамен, Широқ, Жалолиддин Мангуберди, Муқанна, Паҳлавон Маҳмуд, Темур Малик, Амир Темур, Бобур ва бошқаларнинг афсонавий қаҳрамонликларини тарихий китоблардан биламиз. Улуғ Ватан уруши фронтларида эса бундай шерюрак қаҳрамонларнинг жасоратларини курганмиз ва уларнинг гувоҳи булганмиз. Лекин ҳамма қаҳрамонларнинг фидойиликлари элу юртига маълум булавермайди. Шундай ҳолатлар буладики, ун баҳодир мингдан ортиқ душманга бардош бериб, уни ҳалокатга учратиб, узи ҳам нобуд булади. Бу ун баҳодир мислсиз қаҳрамонликлар курсатган жой эса четлаб утилади ёки ёвнинг янги кучи оёғи остида топталиб, изсиз қолиб кетади. Бундай жанговар баҳодирларнинг руҳлари мангу шод бўлсин, хотиралари унутилмасин, элнинг ёдгорлик қояларига айлансин.

Брест қалъасида ҳалок бўлган ва қалъа ичида қолиб, кўмилиб, уттиз йилдан кейин суяғи чиққан бир каттақурғонлик йигитимиз хотирасини тилга олгим келади. Воқса бундай бўлган: 1944 йил ёзида Брест шаҳрини гитлерчи босқинчилардан озод қилиш учун ҳужум бошлаган жангчиларимиз қаторида эдим. Ҳужумни давом эттириш учун шаҳар ёнидан ўтиб, Польша ерига қадам қўйган эдик. Брест қалъасининг жангчилари ҳужумнинг дастлабки ойида мислсиз жасорат курсатганликларини билардик. Омон булсам, уруш тамом булса, Германиядан қайтсам Брестга тўтаб утаман деб ният қилган эдим. Уруш тугагач уйга Украина чегарасидан утишга тўғри келди. Брестни эса 1969 йил ёзида ёзувчи дўстим Адҳам Раҳмат билан бориб кўришга муяссар бўлдим. Шаҳарни, унинг бағридаги ҳарбий қалъани айланиб кўрдик. Қалъа мустаҳкам мудофаа иншооти экан. Унинг дарвозалари, деворлари, бурчаклари мудофаа жойларига айланган экан. Бир-бирига туташган ертўлага ўхшаган қалин гиштлик хоналар мустаҳкам ихота бурчакларини бунёд этган. Уқ тегмаган, снаряд, бомба портламаган жой қолмаган. Қалъа яраланган, лекин йиқилмаган шерни эслатади. Шунинг учун ҳам бу муқаддас жойни дунёнинг ҳамма жойларидан одамлар келиб, зиёрат этиб кетдилар.

Биз қалъа музейини кўрдик. Унда мислсиз чидам ва жасорат ҳужжатлари қўйилган эди. Бизнинг диққатимизни ойна тагидаги бир ҳужжат тортди. Сарғайиб, майда булакларга бўлиниб кетган қоғоз бир-бирита

уланиб, уқиладиган ҳолга келтирилган. Саргайган қоғозда йирик ҳарфлаб билан ёзилган «Каттақургон ҳақиқати» деган ёзувни ўқидик. Музей ходими бизни ўзбекистонлик эканлигимизни билиб, ойна остидаги қоғознинг тарихини сўзлади. Музей ҳовлисида сув қувурини утказиш учун экскаватор ер қазийтганда ер остидан одамлар суяги кўринибди. Музей ходимлари суякларни тупроқдан ажратиб, уларни аниқлаб шаҳар четидаги ўртоқлик мазорига дафн этиш учун тайёргарлик кўрибди. Суякларнинг бош чаноғи олинганда, тишлари бутунлиги, қўл-оёқлари шикастланиб, синганлиги билинибди. Уларнинг ҳужжатларини кўришибди. Бир суякнинг остидан чириган ҳамён чиқибди. Ҳамёни очиб қарашса, ичидан букланган, узоқ вақт ер остида ётганидан саргайиб кетган рўзнома чиқибди. Бу тупроқ остида ётганлар Урта осийлик эканликлари аниқланибди. Шаҳидларнинг суяклари ҳурмат билан белгиланган жойга дафн этилибди. Рўзномани эса музейга қўйишибди.

Ойнани кутариб, рўзномани қўлга олдим. Хатларнинг бўёғи учиб, хира тортиб, ўқиш қийин эди. Лекин ундаги айрим хабарларнинг сарлавҳаси ва рўзноманинг босмадан чиққан йилини ўқиш мумкин эди. Ундаги «1940 йил 30 октябрь, чоршанба. Каттақургон комсомолининг XIII конференцияси» деган ёзув аниқ кўзга ташланди.

Музей ходими бу рўзноманинг бир булагини соҳибининг юртига элтиш учун менга берди. Мен уни авайлаб, қоғозга ураб, дафтар ичига қўйдим. Рўзноманинг биринчи саҳифасида тўртта ёш йигитнинг сура-ти туширилган эди. Кимга қандоғу, менга бу рўзнома парчаси чуқур таъсир қилди ва қаламкаш бўлганимданми, рўзномани қадрлаб, уни ёнида асраб, энг оғир жангга кирган ўзбек йигитини уйладим.

Ҳар бир рўзнома ўз касбига эътиқод қўйган, тунларни бедор утказиб, ҳужжатларни синчиқлаб урганувчи журналистларнинг машаққатли меҳнатлари туфайли бунёдга келишини билганлигим учун олис чегара замини остидан топилган бу қимматбаҳо топилмани Каттақургонга элтиб, у ердаги музейга топшираман, деб ният қилган эдим. Мен Брестда музей залларини кўздан кечириб юрар эканман, шу рўзномани ўз юртидан эсдалик учун олиб, чегара посбонлигига кетган йигит кўзим олдидан утаверди. Уни аниқлагим келди. Музей ходими эса бошқа ҳужжат топилмаган-

лигини айтди. Музей ходими жангчи ўзбек йигитининг бошқа ҳужжатлари ер остида узоқ ётганлиги туфайли чириб, қўлга қанчалик эҳтиёт қилиб олинса-да, уқаланиб, тукилиб кетганлигини айтди.

Мен Брестдан Тошкентга қайтганимдан кейин қаламқаш дўстларим Назир Сафаров ва Пиримқул Қодиров билан Каттақўрғонга бордим. Мактабларда ва ёғ-мой заводида катта учрашув бўлди. Қайси учрашувда бўлмай, Брестдан келтирилган газета булақларини курсатиб, ким шу газетани юборганини ё қайси бир йигит ҳарбий хизматга ўзи билан олиб кетганини билди, деган маънода суҳбатлар утказдим. Айрим кекса кишилар 20—30-йилларда Каттақўрғонда Тошпулат Саъдий деган ўтқир ёш шоир бўлган. Шунинг жияни бўлиши керак, деган фикрни билдирдилар. Мен эсдалик учун Брестдан олиб келган ўша рўзнома булақларини завод ёшлари музейига топширдим.

Сўнг газетани аниқлаш учун Тошкентга келиб, Навоий номли кутубхонадан «Каттақўрғон ҳақиқати» рўзномасининг 40-йилларда чиққан сонлари тўпламини топтириб, қараб чиқдим. Ўша рўзноманинг асл нусхасидан нусха олдирдим. У ҳозир менда сақланади. Уруш фахрийсиман. Учрашувларга борсам, ўша рўзнома тарихидан ҳам сўз очиб, фотонусхасини курсатаман. Қаламқашларга ҳар бир рўзнома бу бир тарих, унинг ҳар бир сўзи халқ ва давр нафасини билдириб туради, дейман. Уларни авайлаб-асраш ва улардаги ёзувлардан таълим олиш ҳақида сўз юритаман.

Мен армия хизматида чақирилиб, фронтга жунаганимда кичик, ихчам ҳажмдаги бир қанча китобларни ўзим билан бирга олган эдим. Улар ичида Навоий, Умар Ҳайём ва Ҳамид Олимжоннинг китоблари бор эди. Навоийнинг ҳикматли сўзларини ёд олиб, ўзбек жангчиларига айтиб, улар ҳақида суҳбат утказардим. Уруш бошланганда йигитлик бурчимни бажариш учун қўлимга қурол олиб, фашист босқинчиларга қарши фронтга бориш вақтида, 1941 йил 28 июнида ёзган шеъримни Навоийнинг «Хунарни асрабон нетгумдир охир, олиб тупроққаму кетгумдир охир» деган фалсафий икки мисраси билан бошлаган эдим.

Ҳамид Олимжоннинг Чирчиқ бўйлари мавзусига бағишланган муҳаббат шеърлари, Умар Ҳайёмнинг 1939 йилда Ленинградда нашр этилган митти рублилар тўплами ҳам мен билан олис ўтли жанггоҳ йулларини босиб ўтди. Умар Ҳайём китоби муқоваси-

нинг ичига урушда қайси шаҳарда бўлсам уша жойнинг номини арабчада ёзиб қуйганман. Бу китоб узимда. Уни туғилган қишлоғимда қаҳрамон жангчи, улкан тожик ва ўзбек шоири Аширмат акамнинг хотирасига бағишлаб очиладиган зиёратгоҳ уйга қуймоқчиман.

Инсон нон ёки гуштсиз яшамаганидек, китобсиз ҳам яшай олмайди. Чунки китоб инсонни инсофга, адолатга, диёнатга, чин ва пок муҳаббатга чақиради. Китоб Қуръони Карим, Таврот, Инжил каби инсонни қон тўкишга эмас, имон, эътиқод билан покликка ургатади. Ризқи рўзни баҳам куриб, тинч-тотув яшашга чақиради. Мен буни ёзишимдан мақсад, яхши кишилардан яхши суз қолади деган маънони айтмоқчиман. Самарқанд Дорилфунунида беш йил бирга бир куллийетда ўқиб, олий маълумот соҳиби бўлган Атомулло Тошматов фронтга кетаётганда йулда синглисига бундай мактуб йуллаганди: *«Туркменистондан чиқиб, унинг кенг чўлларини, Ўзбекистон гулзорларини, Қозоғистон далаларини ва Россиянинг бепоён ғаллазорларини босиб, кўп дарёлар, тоғлар ошиб, қизил Москвага етиб келдим. Ўзбекистон боғларидан ўтганда унинг ўзимиз соғинган ёз меваларининг ҳаммасидан тўйгунча еб ўтдик ва шу билан гуё қадрдон Нов меваларини ҳам бориб егандек бўлдик. Новликлар анча эди. Аммо улардан айримлари нималарнидир ўйлаб, Ховос станциясида яширинча тушиб, Новага томон кетдилар. Улар мутлақо фойдасиз ва фаросатсиз иш қилдилар. Агар улар қочмай, бирга бўлганларида яхши иш бўларди, жангга бирга борар эдик. Ҳай, майли. Биз сизларнинг осойишталик, тинчликларинг учун, дўстлик ва тенглик учун улуг жангга йўл олдик. Биздан сизлар асло хавотир бўлмаглар. Сизлар уз турмушингизни янада яхшироқ қилишга тиришиб, бизни соғ-саломат ва тезроқ душман устидан ғалаба қозониб қайтишимизни кутинглар.*

Ҳаммага соғлиқ тилаб Атомулло. 23.IX.43.»

Дустимнинг бу хатини асраб юрибман. Чунки у билан қишлоғимизда очилган ўрта мактабда, Самарқанд Дорилфунунида бир партада ёнма-ён ўтириб ўқиганман. Ўқишни тамомласак, қишлоқ болаларини ўқитиб, уларни худди баҳор қалдирғочларидай ҳаёт чаманзорларига ялпи учирамиз, элу юртимизга маъри-

фат тарқатамиз, дердик. Афсус, дўстим узининг бу ниятига эриша олмади. 1943 йил кузида Украина ерларида булган қаттиқ жангларда қаҳрамонларча ҳалок булди. У яхши шеърлар ёзарди. Моҳир таржимон, иқтидорли мураббий эди. Ёзганидек халқимизнинг осойишталиги, дўстлиги, тинчлиги учун фидойи булди. У қўрқоқ дўстларини, ҳарбий хизматдан узларини четга олган бебурд ҳамюрт тенгқурларининг ноҳужа ҳаракатларини афсусланиб ёзиб, соф ва виждонли киши қандай булишини, эл бошига иш тушганда узини қандай тутишни мактубида қалб амри билан баён этган эди. Мен урушдан қайтмаган бундай юртдош, тенгқур дўстларим ҳақида бундай сатрларни ҳикоя қилганман:

*Новда гулхан ёнар, мангу хотира,
Турибман, кўз ёшим тўхтамас сира,
Ел аста тебратар гулхан чўгини,
Эслатар дўстларнинг бунда йўгини.
Атомулло, Бурхон, Файбулло дўстим,
Абдурахмон, Саид, Абдулло дўстим,
Маматкарим, Қодир, Аҳмад, Исоқжон,
Мингдан ортиқ новлик булибди қурбон.
Шу сунмас гулханнинг чўғи булибсиз,
Олис улкаларда мангу қолибсиз,
Табаррук изингиз қани, дўстларим?
У ёниқ юзингиз қани, дўстларим?
Қани у дилларга нур берган дийдор?
Мармар харсангларда булибсиз ёдгор.*

Шаҳид дўстларим! Қаҳрамон дўстларим, руҳингиз абадий шод булсин!

Мен фарзандлик бурчи-ю садоқат жангларда кун сайин кучайиб борганини сезардим. Шиддатли, шафқатсиз жанглар, ҳайқиригу қонли фарёдлар ҳар қадамда дилларни ларзага келтирарди. Белоруссия чегарасидан утиб, Польша ерларига ўтганимда ҳам даҳшатли жанглар гувоҳи бўлганман. Бу жангларда қанча баҳодир дўстларимдан айрилганман.

Польша ерлари... Бизнинг гвардиячи танк корпусимиз Нарев дарёсининг ғарбий қирғоғида плацдарм эгаллаш учун буйруқ олди. Нарев соҳилига боргунча юз километрдан ортиқ жанг йўлларини босиб утиш керак эди. Ватан чегаралари ёвдан тозаланиб орқада қолди. Энди жанг йўлларимиз Польша ерларидан

утарди. Йўлнинг ярмиси қалин дарахтзорлар орасига бурилган эди. Урмоннинг охири Вишқув деган шаҳарча бўсағасигача етиб борарди. Ана шу урмон тамом бўлган жойдан бизнинг танк қисмларимиз пиёда қисмлар билан бирга жангга кириш ҳақида буйруқ олди, олдинда Нарев дарёси.

Сентябрь ойининг биринчи кунлари. Корпусимиз дарёга яқин келиб, дарахтзорлар орасида жойлашиб, дарёни кечиб утишга тайёр турибди.

Бошқа қисмлар ҳам сув йулини кечиб утиб, нариги соҳилни эгаллашга тайёр. Лекин соҳилга етиб бориш учун йўлда чекинган ва мудофаада турган душман қисмлари ҳали анчагина. Уларни йўл-йўлакай мажаклаб, дарёга етиб бориш керак. Бу вазифа бизнинг корпусимизга топширилди. Вишқувнинг ғарбий қисмидан ҳужумга ўтдик. Танкчиларимиз қудратли зирҳли машиналарини гуриллатиб, душман истеҳкомларига бостириб кира бошладилар. Улар машиналарининг гилдираклари, пулемёт ва туп ўтлари билан қаршилик кўрсатаётган душман тўпчилари, автоматчилари ва миномётчиларини яксон этиб, олдинга тез югуриб, ҳужумни тобора кучайтирардилар. Танклар худди қанот боғлагандай тош ва дала йўлларидан шиддат билан олдинга ташланарди. Душман саросимага тушиб, бетартиб ўт очиб, қаршилик қиларди. Лекин унинг йўлдаги кучлари даф қилиниб, дарё томон тобора яқинлашардик.

5 сентябрь тонготарида бизнинг танкчиларимиз Пултуск ва Карневск қишлоқлари рупарасидан чиқиб қолдилар. Танклардан кейин бизлар ҳам юк машиналарида дарёга етиб бордик. Дарёга яқин жойлар одам бўйича келадиган бутазорлардан иборат бўлиб, ҳар икки соҳилдаги туқнашувлар ҳамма ердан аниқ кўриниб турарди. Биз дарёга яқинлашганда унинг куприги бутун эди. Душманнинг бўлинган қисмларини ҳаммаси куприкка етиб келмаган, айримлари орқада, бир қисми бир-бирини туртиб куприк устига ёпирилди. Шундай вақтда куприк бирдан портлаб кетди. Унинг устига етиб борган танкимиз ғарқ бўлди. Душман қўмондонлиги ўз қўшинлари утаётган куприкни кура-била туриб портлатиб, дарёга ғарқ этди. Бизнинг танкчиларимиз соҳилда қолган ёв одамларини асир олди. Оққанлари асфаласофинга кетди. Чунки улар кучли портлашдан қаттиқ шикастланган эдилар. Зирҳли машиналаримиз чуқур тезоқар дарёдан ўтолмай, у ёқдан

бу ёққа тез юриб, тупларининг оғзини душман тарафга қаратиб, ўт очардилар.

Мото-ўқчи батальонларга дарёни тез кечиб ўтиб, плацдарм эгаллашга буйруқ берилди. Қирғоқдаги танкимиз душман томонни бирин-кетин ўққа тутиб турди. Шундай вазиятда нариги ёв қирғоғига ўтиш мулжалланганди. Жангчилар қуролларини бошларига куйиб, узларини сувга ташладилар. Дарёни кечиш бошланди. Сузишни билганлар нариги қирғоққа тез етиб олдилар. Билмаганлар ясама қайиқларда нариги қирғоққа шошилдилар. Ясама қайиқлар эса душман ташлаб кетган автомашиналар, аравалар кажаваларидан ясаб олинган эди. Дарёнинг ичи арининг уясига ўхшарди. Дарёга етиб келган бошқа ўқчи дивизиялар ҳам уни ялши кечиб ўтиб, душман устига ёпириларди.

Душман дош беролмади. Қирғоқдаги истеҳкомларини ташлаб, ичкаридаги мудофаа жойларига чекинди. У ердан икки қирғоққа ва дарё ичига тез-тез ўт оча бошлади. Қурбонлар бўлди. Дарёдан бир чақиримча жой эгалланди. Душман энгил пиёда дивизиясининг чекинган жойига қаёқдандир истеҳкомларини ташлаб қочган, қолган-қутган ёрдамчи кучларини қуйиб, қарши ҳамлага ўтди. Бир кунда беш марта жонжаҳди билан юриш бошлади. Лекин гвардиячи мотоўқчи йигитлар эгаллаган жойларида қаттиқ турдилар. Мен хизмат қилган гвардиячи мото-ўқчи батальон душманга қаттиқ талофот етказди. Маст-аласт автомат, пулеметлардан ўт очиб, олдинга ташланган фашист солдатлари мулжалга яқинлашишлари билан бизнинг батальон йигитлари уларни тутдай тукиб, орқага қайтишга мажбур этардилар.

Жанг бир дақиқа ҳам тўтамасди. Саккиз километрга яқин жой душмандан тортиб олинди. Лекин бу кичкина, кафтдек текис соҳилни пиёда аскарлар билан ушлаб туриш амри маҳол эди. Танкларни ва тупларни плацдармга тез олиб ўтиш жуда зарур эди. Сапёрлар эса қасрдадир орқада қолиб кетган эди. Сузишни яхши биладиган чаққон йигитлар дарёнинг саёз жойини топиш учун шўнғиб, қайиқчаларда туриб узун ёғочлар орқали пастроқдан саёз жойни аниқладилар. Корпус командиримиз танкка ўтириб, ҳайдовчига «кетдик!», деди. Танкнинг пастки қисмидаги тешик латталар билан беркитилган эди, аста сувга тушди. Танкнинг устки қисми куринарди. Бир меъёردа юриб нариги соҳилга ўтиб олди. Бошқа танклар ҳам

унинг изидан олдинга интилди. Бир батальон танклари соҳилга кутарилиб, плацдармнинг юқори томонида мудофаа қурган жангчиларимизга ёрдам бериш учун югуриб кетди. Чунки Пултуск-Сероцк тош йулида душман танклари ва тўплари плацдарм томонга колонна бўлиб келаётгани аниқланган эди. Жанг беқийс кучли тус олиши кутилди.

Бу шиддатли жанг вақтида 2-мото-уқчи батальон командирининг кимё ҳимояси бўйича ёрдамчиси ҳалок бўлганлиги ҳақида хабар келди. Менга корпус командиридан унинг ўрнига хизматга боришга буйруқ келди. Батальон командири капитан Георгий Федорович Иванов ва унинг комиссари капитан Сажко мени илиқ кутиб олди. Ҳол-аҳвол сўраб билганидан кейин комбат бир солдатни чақириб, «ўртоқ лейтенант, — деб уни менга таништирди, — бу йигит сизнинг ихтиёрингизда, яна бир шофёр ва уч тонналик юк машинаси, ундаги батальонга тегишли кимё ихотаси ашёларига сиз жавобгарсиз», деди. Сунг: «Бизни куриб турибсиз, кимё ҳужуми хавфи ҳозирча йўқ, қўл жанги, пулемёт, автомат жанглари бўляпти. Сиз ҳам бу жанглардан четда қолмайсиз», — деди. Мен «батальон нима қилса, мен ҳам шуни қиламан», дедим. Комбат: «Нима қилса эмас, қандай жанг қилса... — деб мени тузатди-ю, — сизни жангларда қатнашиб, мукофотланганлигингизни айтишди», — деб қушиб қўйди. Порох ҳидини тортган жангчини менга ёрдамчи қилиб беришган эди. У батальон парторги Овчаренко деган кексароқ украин лейтенантни менга таништириб: «Сизлар энди бирга бўласизлар, ертўлада унинг ёнидаги бўш жой сизники бўлади», — деди. Мен парторг билан ертўлага келдим. У бўш жойда ҳалок бўлган лейтенант ётиб юрган экан. Овчаренко «бир жойга икки марта ўқ тушмайди, бу ерда тинчланиб дам олавер», деди.

Мен дам олмадим. Менга қарашли машина ва ундаги анжомларни аниқлаб, ҳисоблаб олиш учун солдатимни ёнимга олиб, у ерга бордим. Машина дарахт остида турарди. Шофер эса кабинада мудраб ўтирибди.

Шоферни уйғотдим. Ёрдамчи жангчим мени курсатиб: «булар энди бизга бошлиқ — командир» деди.

— Икки кундан бери ухлаганим йўқ, — деди шофёр жангчи, — машинани асраб пана жойда олиб юрибман.

— Отишмани кўряпсизми, ухлашга вақт йук, — дедим. Сўнг ёрдамчим жангчи Галеевга: — Анжомларни яна санаб чиқиб, аниқ рўйхатини менга беринг, — дедим. Чунки йулда ташлаб кетилган газниқобни курган эдим.

— Хуп булади, рўйхатни бераман, — деди Галеев.

Комбат Иванов бизларни туплаб, бригада штабида булганлигини, душман бутун фронт бўйлаб қаттиқ қаршилиқ курсатишга утганлигини билиб қайтганлигини айтди. Асир олинган душман солдати сўроқ қилинганда, у плацдарм яқинига душманнинг 542 ва 552-пиёда дивизиялари ва 114-«Тигр» оғир танк бригадаси келтирилганлигини айтибди. Иванов мана шу хабарни билиб, батальон тайёргарлигини янада ошириш ҳақида тушунтириш бериб, биз уринбосар командирларни роталарга юборди. Мен 1-ротага бордим, рота командири лейтенант Сидоров билан хандақларни айланиб, ҳар бир жангчига душман кўкқисдан катта куч билан қарши ҳамлага утиб қолишини айтиб, етарли уқ-дори, гранаталар жамлашни тайинладик.

Мен энг четда турган қул пулемётчиси ёнига бордим. У самарқандлик оддий жангчи Ирисов экан. Анча гаплашиб утирдик. У «ёвни яқин келтирмаймиз», деди.

Кечгача ротада булиб, сўнг батальон командири ёнига қайтдим. Комбатга ротадаги аҳвол ҳақида хабар бериб, штаб ёнида қазилган чоҳ йулак орқали сал наридаги ертўлага қайтдим. Дам олишим, овқатланишим керак эди. Ертўла поляк деҳқонининг қишда мева-сабзавот сақлайдиган бир қаватли ғиштдан қилинган торгина ер ости хонаси эди. Унинг ичида тахтадан қилинган дам олиш жой — сўри бор эди. Деҳқоннинг ҳосили ва бошқа бирон-бир нарсаси йук эди. Хонадон соҳиби уруш яқинлашиб келаётганлигини сезганиданми ёки фашист солдатлари мудофаага утаётганини билганиданми, уйини ташлаб, қаёққадир, хавфсизроқ жойга кетиб қолган экан.

Тахта сўрида парторг Овчаренко қандайдир қозғоларни титкилаб, уқиб утирибди. Ёнида роталардан келган иккита алоқачи солдат ухлаб ётибди. Овчаренко менга бошини кутариб бир қаради-ю, ёнидаги сатилчани суриб қўйди. Уни очдим, ярмида бутқа, устида икки бурда гугурт қутисидай келадиган жавдари нон. Иштаҳа карнай эди. Бир зумда са-

тилчани бушатиб, рух кружкага термосдан чой куйиб ичдим.

Уйқу элгарди, лекин кўнглим гаш, нимадандир хавотир олгандай, эшикка қулоқ солиб, хаёлга берилдим. Сентябр ойи. Польшада бир кун иссиқ бўлса, иккинчи кун салқин шабада эсарди. Батальон команда пункти жойлашган ер қиялик бўлиб, дарё томон пастлаб кетарди. Душман турган ғарб томон эса анча баланд бўлиб, бизнинг мудофаа жойларимизни аниқ нишонга олиши мумкин эди.

Бу жой бир поляк деҳқонининг дала ҳовлисига ухшарди. Битта уч хоналик уй, унинг тўғрисида тахтадан тикланган молхона ва унғ томонда, биз жойлашган сабзавот ертуласи атрофида полиз майдони бор эди. Анча нарида ҳам шунақа уйлар қуринарди. Атрофдаги экинлар йиғиштириб олинди, шудгор қилинган эди. Лахтак жойлар эса ўтлоқ бўлиб, мол-чорва боқишга қолдирилганга ухшарди. Уй ёнидан сал нарида эса уч-тўртта мева дарахти, эртапишар олма булса керак, қуруқ япроқлари қолганди. Ўша ерда менга тегишли машина турарди.

Ҳовлига чиқдим, салқин қуз шабадаси юзимни елпиб ўтди. Дарё томонга қарадим. Битта-иккита одам қораси кўринади. Батальонлар, полклардан дивизия, бригада штабларига бораётган алоқачилар, ярадорларни етаклаган ҳамширалар, хат ташувчи, овқат элтувчи жангчилар қатнови гоҳида соҳил томонда пайдо бўларди.

Ғарб томондан ҳар замон миномёт овозлари эшитилиб, соҳил яқинида ва ундан нарида гумбурлаб, шарақлаб портлаш овозлари эшитиларди. Ҳали душман билан юзма-юз олишмай туриб, тасодифий отилган ўқлардан ярадорлар пайдо бўлганди. Кишининг ғазаби гулхан оларди. Тезроқ хужумга кутарилиб, бундай безовта қилиб, одамларимизни сафдан чиқараётган босқинчиларнинг адабини беришни истардик.

Бир хунук воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Батальонимизга бир ёшгина лейтенант келди. У взвод командири этиб тайинланди. Комбат уни ротага қоронғу тушиши билан юборишни тайинлабди. Мен билан ўтириб ертулада овқатланди. «Биринчи рота қайси томонда?» деб сўради. Мен: «Унғ томонда, юз метрча тепаликда. Мен оқшом ўша ёққа бораман. Сизни взводга элтиб, жангчиларимиз билан таништириш менга топширилган», дедим.

Лейтенант «хуп» дегандай бирпас жим утирди-ю, «Ташқарига чиқиб, борадиган жойимизни аниқлаб олай», деди. Мен «Чиқманг, туғрида ва чап томонда немис танклари жамақланган, уша танклар остида фашист мерганлари утирибди. Куринганни йиқитади», деб огоҳлантирдим. У менга бир украйиб қаради-ю, мени қурқоқ фаҳмлаб, узини ботир ҳисоблаб, ертуланинг плаш чодирли эшигини кутариб ташқарига чиқди. Комиссар ёнидан, хандақ ичидан ертулага келаётган парторг Овчаренконинг товуши эшитилди:

— Лейтенант, тепада турманг, чоҳга тушинг!

Мен эшикка чиқиб: — Тушинг! — деб қаттиқ чақирдим. У қулоқ солмади. Бир маҳал кўкрагини ушлаб, чоҳдан унга қараб югуриб чиққан парторг қўлига йиқилди.

— Айтмадимми! — Овчаренко қаҳрланиб уни ертулага олиб кирди.

Санитар дам олаётган эди. У дарҳол биринчи ёрдамни курсатиб, оддий ўқ тешиб ўтган кўкрагини боғлаб, санбатга олиб кетди.

Парторг лейтенантни даволанишга жўнатар экан:

— Йигит, сен учун уруш тамом бўлди. Қирқ биринчи йилнинг кузида Москва яқинида бир шундай геройлик қилиб, елка курагингдан ўқ егандинг, тузалиб бугун бу ерга келдинг ҳали ҳам ақлинг кирмаган экан, — деди. Кекса Овчаренко мени ертулага имлаб, энгашиб олдинга ўтди.

Ертуланинг дарё томонида туриш мумкин эди. Чунки бу ёқ пастлик бўлиб, душман кузидан пана эди. Ҳалиги лейтенант буни уйлаб кўрмаганди.

Кеч кирди, биринчи ротага яна бордим. Рота командири Иван Сидоров: «Бизга ваъда қилинган взвод командири қани?», деди. «Ҳалок бўлди», дедим. Комрот ҳазиллашиб: «Бўлмаса узингиз взводни оласиз» деди. Мен, ҳалиям сизнинг ихтиёрингиздаман, дедим. У хурсанд бўлиб тамаки узатди. Чекиб хумордан чиқиб, гаплашиб утирдик.

— Уйланганмисиз? — деб сўраб қолди Иван Евсеевич.

— Йўқ, сиз-чи? — дедим.

— Мен ҳам буйдоқман. Самараданман, — деди.

— Бизнинг йўлимиз уша шаҳардан ўтади, — дедим.

— Уруш тугаса, уйга қайтадиган бўлсам, деб яхши ният қилинг, — деди.

— Шу ният билан юрибман, — дедим.

— Мен ҳам Светамга қачон соғ-омон етаман, деган умидда юрибман. Лекин взвод, рота командирлари душман ўқи остида яшайди. Соғ қолгани кам бўлади, дўстим, — деди.

«Қирқ йил қирғин бўлса, ажали етган улади», деган мақолни тилга олдим.

— Яхши гапни айтдинг, зора ажали етмаганлардан биттаси мен бўлсам, — деди хаёлга ботиб рота командири.

Ташқаридан алоқачи кирди, олдинда шарпа кури-наётганлигини билдирди.

Гапни шу ерда тухтатиб, ташқарига отилдик. Рота командири унга кетди. «Сиз чап томонга боринг», деди. Хандақнинг охиригача энгашиб бордим. Бошимни ер баробари кутариб, душман томон қарадим, булут ерга ёпирилгандай, анча наридаги нарсани куриб бўлмасди. Жангчиларга нишонни айтиб, отишга тайёрланишни буюрдим. Ўзим ҳам автоматни қўлга олдим. Шарпа яқинлашди, ҳавонинг булутлигидан фойдаланиб, душман разведкага одамларини юборибди. Унг томондан қўл пулеметининг овози эшитилди. Бу рота командирининг ўт очишга билдирган хабари эди. Менинг ёнимдаги жангчилар ҳам қора шарпаларни нишонга ола бошлашди. Мен уларга ҳамдам бўлдим. Ёв бир взводга яқин аскарини разведкага юборган экан. Уч-тўрттаси йиқилди. Шундан кейин олдинга юришга ботинолмади. Уликларини судраб гумдон бўлди. Қўп ўтмай миномётлари овоз чиқариб қолди. Йигитларимиз хандақлардаги пана жойларга урнашиб олдилар.

Мен рота ергуласига қайтдим. Санитар рота командирининг бир бармоғини ураб боғлаган эди. Нима бўлди, деб сурадим. «Биринчи мина яқин жойда портлади, тимдалаб ўтди. Ҳечқиси йўқ. Этим ярага қаттиқ, тез тузалиб кетади», деди.

Тонггача ротада бўлиб, сўнг батальон команда пунктига қайтдим. Капитан Ивановга биринчи ротадаги аҳволни айтдим. У ротадаги аҳволдан хабардор экан. «Вақтида ёв разведкачиларини фаҳмладиларинг, ғаламусларни бошини кутарган жойида йўқ қилиш керак. Плацдарм қўлдан кетиб, ёвнинг безовталиги кучайди. Катта қарши ҳужуми кутилаяпти. Бригада штабидан келдим. У ерда бизни шунга тайёр туришимизни уқтиришди», деди у менга.

Ертулага, дам оладиган жойимга қайтдим. Лейтенант Овчаренко меҳрибонлик қилиб, сатилчада овқат олиб, чой дамлаб, кутиб утирган экан. Унга раҳмат айтиб бирга нонушта қилдик.

Ротада тун бўйи мижжа қоқмадим, десам бўлади. Уз ертуламга келиб юмшоқ похол устида, шинелни бошимга қуйсам, мудроқ босди. Бир вақт туш курибман, Самарқандда юрганмишман. Атрофимни нота ниш пари қизлар ўраб олиб, бизнинг ичимизда севганингиз бор, уйланасиз, туй бўлади, дер эмиш. Қайси гўзал менинг севган ёрим бўлади, деб атрофга аланглаб қарар эмишман. Шу вақт курсдош дустим, фронтдаги Ҳамдам Бердиев ёнимда пайдо бўлиб, сен билан мен қишлоқда туғилганмиз, сен ҳали мен каби урушдасан. Уруш тугаса қишлоғингга қайтиб, у ердаги бир гўзалга уйланасан, деб мени қизлар қуршовидан олиб чиқиб кетди.

Дустимнинг орқасидан юриб бутун уфқни эгаллаб, осмонга алангаси кутарилаётган ёнгинга дуч келдим уйғониб кетдим. Овчаренко одатдагидек вазмин ҳолатда: «Нима, туш курдингми?» — деди.

— Аввал қизларни, кейин катта ёнгинни, — дедим.

— Ҳаётда тескариси бўлади, ҳозир сен ёнгинда юрибсан, уруш тамом бўлса севган қизинг ёнига борасан. Мана сенга туш таъбири, мана сенга фалсафа, — деди парторг.

— Мен ҳам шуни уйлаб тургандим, — дедим.

— Нечундир менга бу плацдарм ёқмай турибди, — деб Овчаренко эшик томонга бош кутариб, яккам-дуккам портлаб турган мина, снаряд товушларига қулоқ тутди.

— Плацдармни ёқадигани, ёқмайдигани бўладими, отахон? — Парторгнинг бу галати сўзининг маъносини билмоқчи бўлиб сўрадим.

— Бўлади. Мана, Днепрнинг ўнг қирғоғидаги плацдармни олайлик. У ёққа ўтдигу, кенгайтира бошладик. Ёққани шу-да. Кам талофот кўрдик. Бу ер-чи, эни беш километр, ичкараси саккиз километр, кафт-дек, қанчадан-қанча қисмлар шу ерда. Силжиш йўқ. Одамларни йўқотяпмиз. Ёқмагани шу, йигит.

— Берлингга йулимиз очилади. Бу йул шу ердан бошланади, — дедим.

— Мен эмас, сен файласуф экансан, уқисанг ҳарбий донишманд бўладиганга ухшайсан, — Овчаренко

хурсанд нигоҳ ташлади, — гапинг туғри, Берлинга йул шу ердан.

— Мен ҳеч қачон файласуф бўлмайман. Қулимдан қаламим тушмаса, шеър битиб юрсам булгани.

— Мен эса уруш тугаса, Украинага қайтиб, ризқи-рўзимиз булган ғалла етиштираман. Қирқ биринчи йил ёзида чекинаётиб, етилиб пишиб турган ғаллаларимиз аланга олиб, ёнганини кўриб, ушанда юрагим эзилган эди, — деди у.

— Бола-чақаларингиз омондир? — сурадим.

— Украинам энди озод, хат ёздим, лекин дарак йўқ.

— Яхши хабар келиб қолар, — кўнглини кутариш учун черниговлик дўстим, взвод командири Алексей Шинкаренконинг ота-онаси борлигини айтдим.

— Менинг эса ота-онам аллақачон оламдан утган. Аелим Мария ва мактаб ёшидаги икки болам уйда қолганди. Мана, бир неча ой булди, неча бор хат ёздим, ҳеч кимдан ё бор, ё йўқ деган хабар келмайди.

— Умидвор булинг, Тарас оға, — дедим. — Мана бугун Польшадамиз, эртага Берлинда буламиз, кейин қарабсизки, уйдамыз.

Кекса жангчининг юзига табассум югурди, қулини елкамга қўйиб, — илойим айтганинг бўлсин, — деди. Сунг тамаки ўраб чекди. Менга ҳам узатди. Биргаликда ертўлани тутунга тўлатиб, хумордан чиқиб, яна анча вақтгача суҳбатлашиб утирдик.

Комбат мени чақириб, иккинчи ротага боришни, у ердаги аҳволни билиб, ҳушёрликни оширишни таъкидлади. У ерга бордим. Ротанинг айрим жангчилари ҳандақларда соқчиликда туришибди. Бир қисми дам олишда. Рота командири, старший лейтенант Алексеевни ёнимга олиб, постни айланиб чиқдим. Ҳаво салқин ва тутун тарқагандай, лекин анча наридаги нарсани кўриб бўлмайди. Ҳали мен юрганда тикка турган бир-икки жангчи энди узини ҳандақ ичига олиб, автоматини қўлтиқлаб, мудраб утирибди. Алексеев бирини қулогидан чузиб тургизди, — Нима, ух-лашга қўйдимми?! — деб туртди. Жангчи индамади, бир уқрайди-ю, индамай куксини ҳандақ устига қўйди. — Шундай тез-тез текшириб турилмаса, чарчаган жангчини мудроқ босади. Душман қулай фурсатни пойлайди, — уқтирди комрот.

Мен рота командирига душман қарши ҳужумга тайёргарлик кўраётгани ҳақида разведка маълумоти борлигини айтдим. «Биз ўзимиз ҳам сезиб турибмиз.

Душман томонда ҳаракат кучайган», деди-ю сунг мудраб, ёнида бепарво турган жангчига қараб дуқ ура кетди: — Буларнинг ҳеч нарса билан иши йўқ, «момоқалди роқ гумбу рласа, рус деҳқони чуқинади», дегани рост, жанг бошланса буларнинг кузи очилади. Қачон ақл киради деб уйлайман. Менда уч-туртта шунақаси бор. Сал нари кетдингми, иссиқ чой ахтаришади. Иссиқ чой онасининг уйига борганда. Ҳа, ҳамма вақт ҳамма тайёр туриши керак. Уруш тамом булмагунча уйку йўқ.

Алексеев менга «гапим туғрими?» дегандай бир қараб олди-ю, сунг «юр, чой ичамиз», деб ертуласига бошлади. Мен эса комбат кутаётганлигини айтиб, орқага қайтдим. Кечгача яна бошқа бўлинмаларда бўлдим. Қоронғу тушганда ўз ертуламга қайтдим. Комбат Ивановга роталардаги аҳвол ҳақида ахборот бериб, дам олишга рухсат олдим.

Кўп юрганим учунми, чарчаб, мудроқ босди. Шинелга бош қўйиб, кўзим илинибди. Бир вақт уйғонсам, тонг бўзаряпти. Ташқарида ғовур-ғувур бошланди. Овчаренко «кўчма ошхона келди, сатилчани ол», деди. «Бугун қанақа кун?» дедим. Парторг «6 октябрь, нимага сўраб қолдинг?» — деди. «Бир уртоғимнинг туғилган куни», дедим. У «Қиз боланикидир?» — деди. Мен жавоб ўрнига кулиб бош қимирлатдим.

Уруш бошланиб Украинадан Урта Осиега, шу жумладан менинг туғилган қишлоғимга кишилар кучиб кела бошладилар. Мен уларни жойлаштириш ва иш билан таъминлашда район раҳбарларига ёрдамчи эдим. Винница вилоятдан Покровский деган бир кекса инвалид украин киши оиласи билан кучиб келди. У колхозга бухгалтер бўлиб ишга кирди. Урта мактабни битирган Людмила деган қизини мактабга рус тили ўқитувчиси қилиб тайинладик. Мен маориф ходими сифатида у қизни мактаб жамоасига таништирдим. Людмила менга раҳмат айтиб, адабиётлар топиб беришимни илтимос қилди. Айтган ҳамма китобларини топиб бердим. У машғулотларини энди шу китоблар орқали яхши ўтказаётганлигини айтиб, хурсанд бўлганлигини билдирди.

Людмила энди ўн саккизга қадам қўйган ниҳоятда гузал қиз эди. У маориф идорасига келса, албатта менга учрашиб, бадий адабиётлар олиб кетарди. Украин тилида чиройли сўзларди. Биз яқин дўст бўлиб қолдик. У менинг урушга кетишим аниқлигини билиб, «Сиз

кетсангиз мен кимдан китоблар оламан?» деди. Мен эса «Кутубхонамни сизга қолдириб кетаман», дедим. У жилмайиб раҳмат айтди. Бир куни унинг мактабига бориб, синфига кириб утирдим. Дарс беришини кузатдим. У вазмин, узининг билимдонлиги ва утаётган сабоқни мукамал билиши билан менда яхши таассурот қолдирди. Қунғироқ чалинганда, дарсни юқори савияда олиб борганлигини, бугун қувноқ эканлигини айтдим. У «Бугун 1941 йил 6 октябрь, мен туғилган кун, ун саккизга қадам қўйдим», деди. «Гул келтирсам буларкан», дедим. У жилмайиб: «Гул келтириб юрасизми, гулларингиз сизнинг менга булган эътиборингиз, китобларингиз. Бу китоблар булмаганида мен чаласавод эдим», деб раҳмат айтиб, қўлимни ушлаб самимий жилмайди.

Куп вақт утмай ҳарбий хизматга чақирилдим. Фронтга келганимда маорифдаги, мактаблардаги дўстларимдан, шу жумладан Людмиладан хат олдим. Хатнинг ичида кичкина митти гул бор эди. Хат охирида эса бундай украинча шеър ёзилганди:

*«Прийди пара, не хай зазеление
А твий милый от тебе выдейте».*

Мен бу шеърий мактубни ва гулни кўкрагимда асраб Белоруссия ботқоқларидан утдим. Унинг ям-яшил ва қалин урмонларини орқада қолдириб Польша ерида, Нарев дарёси соҳилида ертўлада 1944 йил 6 октябрь тонг отарида Людмилани эсладим. Мен 1947 йил майида Ватанга қайтдим. Қишлоққа келсам, ўқитувчи дўстларим уруш тамом булиши билан Людмила отаси билан Украинага кетганлигини айтишди. «Гул чаманга қайтибди, унга булбул келади», дедим. Мени ҳурмат қилиб, дўстлик меҳру оқибатини билдириб юрганлиги учун у гузал ўқитувчи қизни ҳар замон эслаб юраман. Чунки фронтда Тошкентдан, узбек қизларидан совға, меҳру оқибатли мактублар олганлигимни, улар ҳикояларимга мавзу булганлигини юқорида айтган эдим.

Мана бугун 1944 йил 6 октябрь тонги отмоқда. Парторг Тарас Макарич мени секин туртди:

— Иним, тур, ташқарига нонушта келди.

— Уйгоқман, ота, — дедим ва урнимдан туриб, бошим остидаги шинелни нари суриб, парторгга юзландим. — Украина қизини туш кўрибман...

— Мен билан ҳамхона, ҳамкасб бўлиб қолдинг, иним. Менинг таъсирим сенга урибди. Холамнинг қизи бор, энди ун еттига кирди. Урушдан бирга соғ чиқсак, барибир сен Украина орқали уйингга қайтасан, меникига тушиб ўтасан. Холамини қизининг оти Людмила, соғ-омон юрган бўлса сенга никоҳлаб, юртингга бирга жунатаман. Сен менга ёқиб қолдинг. Қариндош бўлсак, ёмон бўлмайди, — деди кекса жангчи.

— Юргимда украин қизи Людмила бор, у Винницадан кучирилган. Мактуби бор, машинада, юк халтада, уни олиб сизга кўрсатаман, — дедим отахонга.

— Ундай бўлса холамнинг қизига бошқа куёв топаман.

— У ерларда энди уруш йўқ, ҳа, Украина озод қилинган, биттасини топиб, бирга яшаб юргандир.

— Илойим шундай бўлсин, лекин у ердан хат-хабар йўқ. Людани балки фашистлар Германияга ҳурилиққа ҳайдаб кетдимиз? — Тарас оға бошини эгиб, хўрсинди. Индамай сатилчани қўлга олди. Мен ҳам идишимни қўлга олдим.

Ертула эшигидаги плаш-палатка дарпардани қутариб, ташқарига чиқаман деб зинага бир қадам қўйишим билан олисдан гувиллаган кучли овоз эшитилди. Шу заҳоти атроф-теварак патира-путур гумбураб, чийиллаб, снаряд, миналар портлай бошлади. Орқага чекиндим. Тирсагим билан Овчаренкони туртдим: «Ёв ҳамласи бошланди!».

— Четлан, утиб кетай, — парторг жиддий суз қотди ва олдинга утди. Шу вақт бир мина ертула ёнида портлади. Парчалари шарақлаб йулакка тушди. Парторг орқага қайтди. Сўкинди: «Тургандан юрган афзал, деярли. Биз томонга юриб бўпти. Тишини синдирамиз».

— Овқат келтирай, — парторгнинг қулидан сатилчани олдим. Ташқарига чиқолмадим. Яна мина портлади. Бир тухумдай парчаси оёгим остига питирлаб тушди. Қўлга олдим, сирти гадир-будур, иссиқ. Орқага қайтдим. Мина парчасини Тарас амакига узатдим. У қулида тутиб: «Бунақалари қанча одамларни нобуд қилган. Мен комбатга учрайман, роталарда аҳвол қалайкин?» — деди ташвишли, жиддий.

— Мен ҳам бораман. — Иккимиз дарпардани қутариб ташқарига чиқдик. Ҳовлида кучма ошхона турибди. Ун, пиво ташийдиган кажавага ўхшаган катта қозон бир неча жойидан тешилибди. Ундан овқат оқиб

тушяпти. Ёнида икки жангчи улиб ётибди. Ошпаз булса керак. Яна атрофда снарядлар портлаши давом этди. Парторг билан йигирма қадамча наридаги комбат команда пунктига чоҳ орқали боролмадик. Снарядлар шарақлаб, уй томларига урилиб, ҳаммаёқни вайронага айлантирарди.

Тарас амаки хуноб бўлиб ертула тахтасига утирди. Мен эсам эшик олдида туриб қолдим. Елкамни ертуланинг намхуш деворига суяб снарядлар келиб портлашини кўнглимдан утказиб турардим. Агар биронтаси тўғри келиб ертула устига тушса, ертуладан ҳеч нарса қолмасди. Бир вақт гиштдан қилинган бу қазноқ бир туртки билан ағанаб тушиши аниқ.

Ертула атрофида ва унинг томида худди йирик дўл келиб урилаётгандай патира-путур, шатира-шутур товушлар тоборо кучайиб, атрофдаги тахта томларнинг қарсиллаб ағдарилгани эшитиларди. Бир маҳал ертула ичи исигандай бўлди. Тарас амаки дарпардаларни кўтариб: «Ёнимиздаги сарой ёнаётти, унинг атрофида разведкачилар жойлашган эди», — деди.

— Хабар олайми? — мурожаат қилдим.

— Йўқ! — деди парторг. — Сарой тахтадан қилинган, ёниб, тахталари ерга тушяпти, бориб бўлмайди.

Душман артиллерияси ҳамон кучли ўт очарди. Ташқарига чиқиб бўлмасди. У ерда «шовла» қайнардди. Соатимга қарадим. Ёв ҳужуми қарийб бир соатдан бери тинмасди. Бизникилар ҳам жавоб утини очарди. Бир маҳал артиллерия отишмалари тухтади. Олисдан моторларнинг овози эшитилди. Мен парторг билан комбат ёнига хандақ бўйлаб югурдим.

— Тирикмисизлар! — деди комбат Иванов. — Саройдан хабар олинглар, мудофаа уюштиринглар. Сўнг роталарга овқат жунатишни уюштиринглар!

Мен саройга яқинлашдим. Унинг ғарбий-шимолий томонида хандақлар қазилиб, лейтенент Потапов командир бўлган разведка взводи жангчилари мудофаа қуришган эди. Парторг роталарга нонушта жунатишга киришди. Саройнинг сўнги том тахтаси куйиб, тутаб аланга олиб, ерга ағдарилди. Унинг ёнидан утиб, унун беш қадамча нарида қазилган хандаққа ўзимни отдим. Шу вақт бошим устидан пулемёт ўқлари визиллаб утиб кетди.

— Бу ёққа! — деган овоз эшитилди. Взвод командирининг уринбосари сержант Пахомов экан, — тез

утинг. Худо асради сизни, бир гала уқ ичидан омон чикдингиз. Жойимизни ёндириб юборишди даюслар.

— Взвод командири қани? — сурадим.

— Бирга эди, кўринмай қолди, — жавоб қайтарди у, — тамаки борми, лейтенант?

Тамаки узатиб, «топ» дедим.

Пахомов хандақларни айланиб: «Йуқ, — деди, сўнг яна, комбат ёнидадир, деб қўшиб қўйди.

— Мен ўша ёқдан келдим, танкларни кўряпсанми, душманники, бизга келяпти. Гранаталарни тайёрланглар. Неча киши тирик? — сурадим.

— Етти киши, — деди ва энгашиб тамакини суриб, охири қуруқ қоғозини ташлаб гапирди, — гранаталар бор, тайёрмиз.

— Потаповни топиш керак, — дедим яна.

— Энди сиз топасиз, — қўпол жавоб қилди у, — йуқ булса, қайдан топай?

Куйиб қорайган тахта остидан бир нарса йилтираб кўринди. Унга тикилиб қолдим. Сержант Пахомов ҳам тикилиб, хандақдан ирғиб чиқиб, ҳали тафти пасаймаган ут ичидан пистолетни олиб чиқди. Куйиб қорайиб кетган, фақат огзигина ялтираб кўринарди:

— Командирникига ухшайди.

— Номерини биласанми? — дедим. Пахомов енги билан артиб, тикилиб, — ҳа, лейтенантнинг пистолети... — дея қайгуга чўмди.

— Потаповнинг ўзи қаердайкин? — хавотирланиб тутаб турган саройга қарадим.

— Қараб чиқаман, — деди сержант Пахомов ва жавоб кутмасдан хандақдан ирғиб тепага кутарилди. Ярми куйиб, ярми қорайиб ётган сарой тахталарини айланиб, нариги томонга ўтиб қичқирди: «Лейтенант бу ерда, чуқурда, ҳалок бўпти!»

Мен сержант Пахомов билан лейтенант Потаповни тахтага ётқизиб, хандақ ичига олдик. Чунки олисдан танклар кўриниб, ут очиб келарди.

Комбатга Потапов ҳалок булганлигини, етти жангчи қолганлигини хабар қилдим.

— Узингиз у ерда вақтинча командирсиз, — деди комбат, — яна беш жангчи ёрдамга боради. Душман танкида десантлари бор, ҳужумларини қайтарасизлар.

— Тайёрмиз, — дедим.

Комбат Иванов хандақда кўринди. Унинг орқасида бешта нотаниш жангчи.

— Ҳамма нарса жангга тайёр булсин. Душман катта куч билан қарши ҳамлага утяпти. Мана, беш йигитни сизларга келтирдим. Сержант Пахомов, буларни ёнингга ол. Танкка қарши гранаталарни тайёр тутинлар! — буюрди комбат.

Иванов мен билан хандақларни айланиб куриб, команда пунктига қайтиш олдидан мени аҳвол билан таништирди: «Душман биз турган Нарев плацдармига уч дивизиядан иборат танк группасини келтирган. Улар олдинда турган қисмларимизга ҳужум қилиб биз томонга келяпти. Танкларида десантлари бор. Уларни йуқ қиласизлар. Мен бригада командирига оғир аҳволни тушунтириб, бизга танклар, тўплардан ёрдам беришини сўрадим. Аҳвол шундай. Тайёр турунлар», — деди, сунг менга қараб, — ҳозирча бу йигитлар билан бирга буласиз. Взводга командир келиши билан сизни чақириб оламан, — деб қўшиб қўйди.

Комбат кетди. Хандақларни яна айланиб, ҳар бир жангчини бирма-бир қараб чиқдим. Ҳамма жангга тайёр.

Душман танклари сапёрларимиз миналаштирган майдонлардан утиб келарди. Уларнинг биттаси ҳам миналаримиздан портламаяпти, деб ҳайрон булдим. Кейин билсам, душман сапёрлари кечаси бизга билдирмай миналаримизни зарарсизлантирган экан. Тумшугинг остига келиб, кумиб қўйган миналарингни, уларга аталган «совгаларинг»ни йигиб ими-жимиди ҳаммасини олиб кетса-ю, сен пайқамай, мудраб, уларнинг ҳамла қилишларига йул қўйиб утирсанг, бундан ёмон анқовлик бўладими?

Плацдармда шу куни катта, беқиёс шиддатли жанг бошланди. Армия, корпус, дивизия тўпчилари ёвга қарши ялпи ут очишни бошладилар. Ёпирилиб келаётган душман танклари ёна бошлади. Душман кўп миқдордаги танклари ёрдамида қисмларимизни булиб ташлаб, уларни ўз ути билан кучсизлантириб, Нарев дарёсига чиқиб олишга интилар эди. Бизнинг Дон танк корпусимиз яқинда кучли оғир танклар олган эди. Бу танклар душманнинг ҳар қандай зирҳли машиналарини пачоқлаб, яксон қилиш қувватига эга эди. Ёнимизда улар пайдо булди. Танклар жанги бошланди.

Душманнинг шикастланиб, тухтаб қолган танкларидидаги десантчилари автоматларидан уқ ёғдириб, жойларимизни эгалламоқчи булди. Мен йигитларга ут

очишни буюрдим. Узим ҳам автоматни қўлга олдим. Анча наридаги, унгу сулимиздаги батальон ўқчилари, шунингдек, бошқа қисм ўқчилари жангчилари ҳам ёпирилиб келаётган душман кучларига қарши ўт очишни кучайтирдилар. Гуё бутун олам отишма ичида қолгандай эди. Моторларнинг гулдураши, темир гилдиракларнинг гижирлашлари, тўп ва миномётларнинг гумбурлаб ўт очишлари, самолётларнинг пастлаб учиб бомбалар ёғдириши, порох тутунининг жанг майдони устида булутдай сузиб юриши даҳшатли эди.

Энг ёмони душманнинг олдинга силжиб, биринчи мудофаа марраларимизни босиб утиб, бизларга яқинлашиб қолгани эди. Олдинги марраларда парокандалик бошланди, жангчиларимиз орқага чекиниб, қоча бошладилар.

Душман ўқ ёғдириб турганига қарамай комбат Иванов ва комиссар Сажко команда пунктдан чиқиб, олдинги марралардан қочиб келаётган жангчиларни ушлаб, тухтатиб қолмоқда эди. Мен ҳам тепага кутарилдим. Икки жангчининг йулини тўсиб, ушлаб қолдим. Ҳар иккаласи ҳам ниҳоятда қўрққан, ранги оқарган эди. «Миномётчиларимиз, миномётларимиз яксон бўлди, одамлар ҳалок бўлди», дейишди. «Сенлар тириксанлар-ку», деб уларни хандақ ичига туширттирдим. Яна шунақалардан беш-олтитасини тухтатиб қололдим. Сўнг ёнган сарой ёнидаги йигитларим томон югурдим. Улар ҳамон танклар ёнида кўринган душман солдатларига қарши ўт очишни давом эттирар эдилар.

Шиддатли ҳаёт-мамот жанги бошланганди, батальонда ҳеч ким чекинишни ўйламасди. Комбатнинг команда пункти устидаги ўй уч-тўрт хоналик бўлиб, айвони тахтадан тикланган экан. Снаряд урилиб, шарақ-шуруқ қарсиллаб, тахта деворлари йиқилди. Душманнинг қарши ҳужуми тушгача давом этди. Ҳеч ким жойидан қимирлагани йўқ. Кун ғарбга оғанда оғир танкларимиз бизга ёрдамга келди. Душманнинг зирҳли ҳамласини тухтатишга мувофиқ булдик. Ёвнинг хуружи пасайди. Энди сал нафас олиш имконияти пайдо бўлди.

Комбатдан одам келиб мени Иванов чақираётганлигини айтди. Сержант Пахомов взводга командир этиб тайинланганлигини билдирди.

— Иван оғайни, сен ботир йигит, тажрибали жангчисан, менинг йўқлигимни билдирмайсан, — дедим.

— Жангга тайёрмиз, — деб Пахомов менга соғ-саломат куришишликни тилади, — келиб тулинг.

Комбат капитан Иванов пагониди майорлик белгисини курдим. Келганлигимни билдириб, янги юқори ҳарбий унвон билан табрикладим. У раҳмат айтиб, разведка взводи аҳволини сўради ва мендан тулик жавоб олиб:

— Уртоқ гвардиячи лейтенант Эгамназаров, сиз яна биринчи ротага борасиз. Командири яраланибди. Ҳалок бўлганлар, ярадорлар бор. Улар билан бирга бўласиз, — деди.

— Ҳозир борайми? — дедим.

— Қоронғи тушиши билан борасиз, — деди, — ёв снайперлари куринганни, қимирлаганни йиқитяпти. Ертўлангизга кириб, дамнгизни олинг, лекин роталар билан алоқа узилиб қолди. Снарядлар алоқа симларига шикаст етказяпти. Алоқа ўрнатиш зарур.

Комбат бир алоқачига узилган симларни улаб алоқа ўрнатишни буюрди. Жангчи батальон команда пункти ёнидан телефон симини ушлаб, рота томонга энгашиб югурди. Эллик қадам юрмасданок йиқилди. Фашист мергани уни нишонга олган эди. Йиқилган жангчини келтириш ва симни улаш учун яна бир жангчи ўша ёққа югурди. У ҳам етиб боролмади. Кукрагини ушлаб, ерга мукка тушди. Комбат Иванов газабга келди. Пачақланган ёв танклари остидаги унинг пойлоқчи-уқчиларини қандай бўлмасин йуқотишни ўйлади.

Гира-шира қоронғулик тушиши билан рота томонга қўзғолдим. Бир ўзим кетяпман. Қоронғулик тушгани билан душманнинг кузи биз ёқда. Эҳтиёт бўлиш керак. Очиқ дала, ер шудгор қилинган. Югуриб кетяпман. Бир маҳал қулоғим тагидан уқ гизиллаб утиб кетди. Ўзимни панага олдим. Пана нима, шудгор, бир қарич келмайдиган эгат ораси. Таваккал деб туриб яна рота томонга зипиллаб қолдим. Яна ёнимдан мерган уқи чинқириб утди. Думалаб кетдим. Тураман, деб белимни ушласам, гилофдаги пистолетим йуқ. У ҳам учиб кетибди, эмаклар қулимни чўзиб, уни олдим. Ротага етишга эллик метрча қолганди. У ёқдан рота жангчилари қараб турган экан. «Тез югуринг», деб имо қилишди. Айтганларидай бор кучим билан улар томонга югурдим. Ҳансираб хандаққа ўзимни отдим. Яна бошим устидан бир гала уқ учиб утди.

— Ҳеч тинчлик бермаяпти, ёвузлар, — деб сукинди старшина, — танк остига каламушдай беркиниб олишган.

— Бориб нафасини учирай десанг, атрофини ми-нага тулдириб олишган, — деди қул пулемётли жангчи, — барибир дамани учирамиз.

— Рота командири қаерда? — сўрадим старшинадан.

— Ертулада, қаттиқ контузия, бечора гўлдирайди-ю, ҳеч нарса гапиролмайди.

Ертулага шошилдим. Рота командири катта лейтенант Андреев сўрида ётибди. Менинг кирганлигимни сезиб, бошини кутарди. Бир нима деди, тушунолмадим. Сўнг старшинага қаради. У рота катта талофот кўрганлигини, ўттиз чоғлик одам қолганини айтди. Ротанинг мудофаа жойини хандаққа энгашиб юриб қараб чиқдим. Жангчилар белгиланган муҳим жойларда туришибди. Соқчиликдан бушаганлари ертулада ва чуқур хандақларда тамаки тортишиб, мудраб дам олишяпти. Уқ, дори, гранаталар етарли, фақат одам кам. Ўттиз йигит душман билан юзма-юз жангга тайёр.

Бир маҳал душман миномётлари рота хандақларини уққа тутиб, кейин автоматчилари танклари ёнидан бош кутаришиб, бизнинг ротага юриш қилди. Рота ери тепалик, қулай жойда эди. Душман шу қулай жойни эгаллашни мўлжаллабди. Душман автоматчилари мўлжалга яқинлашиши билан йигитларимиз ҳамжиҳатлик билан ўт очишди. Мен чап томонда эдим. Ертуладан автомат олган эдим. Уни ишга солдим. Олдинда автоматларини тариллатиб келаётган фашист жангчилари йиқила бошлади. Уларни яқин келтирмадик. Ўндан ортиқ одамни йўқотиб, ёв ортига қайтди. Кеч, қоронгу тушгунча ёв яна икки марта шунақа ҳужум қилди. Бу ҳужумлар ҳам даф қилинди. Аламига чидаёлмаган ёв яна рота истехкомига мина ёғдиришни бошлади. Икки жангчимиз ҳалок бўлди. Уч жангчи ярадор бўлди. Уларга ёрдам кўрсатдик. Энди йигирма беш жангчи қолди. Ярадорларни орқага жунатишнинг иложи йўқ. Ёв мерганлари қимирлаган нарсага уқ узишарди. Қоронгу тушди. Рота командирини ва ярадорларни санбатга жунатдик.

Ротада икки кун қолиб кетдим. Батальон билан алоқа урнатилди. Майор Иванов мени 1-ротада жангчилар ёнида бўлишимни айтди. Телефон орқали гаплашиб, «Сизга ишонамиз, ротада офицер командир-

лар қолмади. Одам юборгунимизча, у ерда буласиз» деди. Ротани бошқариш учун одам келмади. Учинчи куни батальон штаб бошлиғи катта лейтенант Сафонов ротага командир булиб келди. Унга аҳволни тушунтирдим. У ротада бирга булишимни суради. Комбат ҳам шу фикрни айтибди. Эртаси куни ёв яна қарши атакага ўтди. Сафонов йигитларини жангга кўтарди. Ёвнинг ҳамласи қайтарилди. Ёв яна унга яқин одамидан ажралди. Биздан эса старшина ва яна бир жангчи яраланди. Уларга биринчи ёрдам кўрсатилди. Улар санбатга бормадилар.

Эртаси кун оқшомда комбат ёнига қайтдим. Лекин хунук хабарни эшитдим. Парторг Овчаренко учинчи ротага борган экан. У турган хандақда душман минаси портлаб, ҳалок бўлибди. Ертулага кирдим. Ҳеч ким йўқ. Илгари билмаган эканман. Ертула менга жуда зах ва қоронғи кўринди, ростини айтсам қоронғи гўрни эслатди. Сурига ташланган похол чириб, қорайиб ётибди. Роталардан келувчи алоқачи жангчилар ҳам бу ерни тарк этишган. Овчаренконинг партия ҳужжатларини сақлаб юрадиган сумкаси, юк халтаси, умуман ҳамма нарсаси кўринмайди. Комиссар Сажко олганга ухшайди. Тарас амаки қандай меҳрибон, камтар, вазмин киши эди. «Об Украине и Узбекистане, мой друг Назармат пишет дастан» деб кўнглимни кутарарди. Энди энг яқин дилкаш дўстим йўқ.

Ташқарига чиқиб машинадан хабар олдим. Жангчйим билан шофёр иккаласи кимёвий ҳимоя анжомларини бешикаст сақлаб утиришибди. Яқинларида бир-икки снаряд ва миналар портлаганини, лекин машинага зарар етмаганини айтишди. Мен уларга ҳар қандай тасодифга тайёр туришларини тайинлаб, машинадаги ён дафтарчамни ва Умар Ҳайём билан Ҳамид Олимжоннинг кичкина шеърйй тўпламларини кўлимга олдим. Ертулада суҳбатдошим қолмади. Мен Тула шаҳри яқинидаги Миценск шаҳри учун булган жангларда қатнашиб, уша ердан Польшанинг мана бу Нарев дарёсигача булган олис оловли йўлларни босиб ўтиб келдим. Куп жангларни кўрдим. Лекин Нарев плацдармидек қаттиқ жанг булганлигини ҳеч қачон ёдимдан чиқармайман. Уша нотинч вақтда бу даҳшатли жанггоҳ ҳақида бундай сатрлар пайдо булганди:

*Биз Наревдан кечдик тонг чоғи,
Тилим-тилим дарё қирғоғи,*

*Совуқ окоп, чоҳлар ёнарди,
Ҳар қадамда умр сунарди,
Туп гумбурлаб, букирар ҳар ён,
Бу ер бўлди менга имтиҳон.*

Мен имтиҳон сўзини атайин тилга олиб, уни дафтарчамга ёзиб қўйдим. Чунки бу сўз менга азиз ва муқаддас эди. 1941 йил 28 июнда Самарқанд Дорилфунунини тугатиб, қўлга диплом олганимда, факультетимиз декани файласуф Иброҳим Муминов: «Энди сизлар янги имтиҳон олдида турибсизлар. Бу имтиҳонни жанггоҳларда, она Ватан бахту эркинлиги учун олиб борилган ҳужумларда берасизлар» деганди. Буюк устознинг ўз шогирдларига айтган бу самимий дил сўзлари ва оқ йўл тилаганликларини Нарев плацдарми учун бўлган қаттиқ жанглар вақтида яна ёдга олиб, қалам тебратгандим.

Ертўлада купроқ туриб қололмасдим. Комбат роталардан хабар олишга юборарди. Бир куни биринчи рота ертўласида утирсам, батальон командирининг разведка бўйича ўринбосари капитан Соколов ёнимга кириб келди. Ертўлада биздан бошқа одам йўқ эди. Анча вақт у ёқ - бу ёқдан суҳбатлашиб утирдик. У чарм сумкасини қўлига олиб, «дўстим, суҳбат қуруқ бўлмасин...» деди-ю, ундан сувдонни чиқарди. «Газак борми?» деди. Уралиб ёстиқ қилинган шинел орасидан америка консервасини олдим. Соколовни сувдонидан тула спирт бор экан. Бунча ичимликни қаердан олганини сурамадим. Банка қиррасини ханжар билан қирқиб очиб, консерва гуштини сочиқ устига қўйдим. Қотган нонни ҳам олдим. Газак қилиб, галма-гал спиртни мириқиб ичдик. Яқин уртада ёв минаси портлади. Соколов ташқарига қулоқ солиб, «даюслар кечаси ҳам тинч қўймайди», деб руҳ кружканинг учдан бир қисмига спирт қўйиб менга узатди. Уни ҳам отиб олдим. Ичимни куйдириб кетди. Лекин баданимни қиздириб, кайфиятни кутарди. Соколов ташқарига чиқиб, тунги ҳаводан нафас олиб, атрофни кузатишни айтди. Қўзғалдик, хандақ бўйлаб, постда турган жангчилар ёнидан ўтиб, ҳолироқ жойга бориб утирдик. Душман яқин, уйғоқ турганлигини сездиргандай лабаки гармончасини чалаётганини шабада қулоққа элас-элас олиб келарди. Бизни мазах қилаётгандай туйилди. Фашимни келтирди. Соколов «гармончанинг овози остида ичамиз» деб тебраниб, жиндек май узатди. Олмадим. Бошимни хандақдан ташқарига

кутардим. Соколов: «Нега олмайсан, қаёққа қараяпсан?» — деди. Ұрнимдан турдим ва дустимга: «Капитан эшитяпсанми? Фашист музыка чалаяпти, бизни мазах қиялпти. Ҳозир бориб, овозини учириб келаман», — дедим ва юқорига кутарилдим. Соколов этагимдан ушлаб, пастга тортди ва ёнига утқазиб: «Оғайни қимирлама, борсанг ўзинг тайёр гушт бўласан, «нақа... бупқола-сан», — деб кайфим ошганига ишора қилди. — Фашист ухлаб қолмай деб мокидай лабаки гармонини чалиб ўтирибди. Тонг отса музыкасини ҳам, ўзини ҳам гумдон қиламиз. Ундан кура, тур, ертулага бориб, тонггача дам олайлик, эртага жангга қўзғалсақ керак», деди.

Хандақ ичи чуқур бўлиб, одам буйича келарди. Бир маҳал осмонга қарадим. Булутлар ичидан чиққан ой тепамга келибди, унг томонимда турибди. Қишлоғимда ҳам ойга қарасам, худди шу ердагидек унг томонимда тепамда турарди. Кайфим ошганиданми, ота-онамни соғинганимданми, кеча-кундуз улим билан олишиб юрганимданми, кунглим уксиб, кузим намланди, упкам тулиб, хурсиндим. Лекин Соколовга билдирмадим. У ертулага қараб юрар экан, «кириб сен ҳам дамнингни ол», деди. Ертуланинг плаш-палаткадан қилинган дарпардасини кутариб, ичкарига кирмоқчи бўлдим, йулақда тухтаб қолдим. Тулин ой менга эргашиб ертула устига келгандай, пастлаб ярқираб турарди. Бундай ойдин кечаларда ёшлар қалбида муҳаббат уйғонади, ошиқ-маъшуқларнинг соғинчли мулоқотлари бошланади, деган хаёл кунглимдан утди. Дорилфунундаги курсдош қизларни, урушга кетган гузал шифокор қизларни эсладим. Шундай ширин хаёлга берилганимда бошим устидан душман минаси шигиллаб утиб, анча нарида шарақлаб портлади. Унга эътибор қилмадим. Бир йигитга бир улим, лекин муҳаббат улмасин, чин муҳаббат улимни енгади, дедим. Шу ният билан ойга яна бир қараб, ўзимни ичкарига олдим.

Эрта уйғондим. Соколов билан батальон команда пунктига қайтдик. Тонг ҳали оқ гардишини уфққа кутармаган эди. Зухро юлдуз ойга ҳамроҳ бўлиб, уфқ устида пастлаб, ярқираб кўринарди. Роталардан келган алоқачилар бўлинмаларни ҳужумга кутарилиш учун жанговар ҳолатда туришга буйруқ булганлигини айтишиб, бир зумда хандақлар орқали уз шерикларининг ёнларига жунаб кетишди. Мен команда пункти-

га кириб, комбат Ивановга ротадан келганимни айтдим.

— Утирганимиз булди, энди Берлинга йул оламиз, — деди батальон командири гвардиячи майор Иванов, сунг тушунтирди: — Фронт буйлаб ёвни қувиш бошланади.

Унинг айтганидай булди. Эртаси кун тонготарда ҳужумга кутарилиш олдидан душман мудофаа қурган жойлар туп ва миномётлар, танк ва авиация утлари билан ағдар-тунтар қилинди. Душман истехкомлари аланга, тутун билан қопланганди. Бизлар етиб боргунимизча у ерларда снарядлар, миналар кетма-кет портлаб турарди, душманнинг қарши ҳужумга утишига йул қўймасди. Ниҳоят ёв окопларига етиб бордик. Душманнинг ағдар-тунтар қилинган хандақларида омон қолганлари пулемёт, автоматлардан тўхтовсиз ут очарди. Лекин биз ҳам буш келмасдик. Йигитларимиз пулемёт, автоматлардан ўқ ёғдириб, ёв турган жойга етиб олдилар. Мен яна биринчи рота жангчилари орасида бўлдим. Ёв хандақлари, ертўлаларида жанг қизиб кетди. Снаряд тушиб ярим вайрона бўлган ертўладан пулемёт овози эшитилди. Унга автоматни тўғрилаб ут очдим. Ёнимда бораётган бир жангчи у ерга граната иргитди. Ёв пулемёти жим булди. Ертўла орқасидан ҳам пулемёт овози эшитилди. Узимни панага олиб, у ёққа ўқ ёғдирдим. Бир-бирига туташиб кетган ёв хандақларида, ҳамма ерда отишма тинмасди. Ўқ овозлари, граната портлашлари анчагача давом этди. Ёв чекина бошлади. Шунда йигитларимизнинг «Ура!» деган ҳайқириви янгради.

Душман истехкомлари эгалланди. Ёв хандақлари ва ертўлаларида турли нарсалар — Россия, Украина, Белоруссия ерларидан таланган кийим-кечаклар, ихчам осма соатлар, майин чойшаблар, румоллар, бошқа буюмлар, шунингдек уйин карталари, қоғозлар сочилиб ётарди. Чуқур қазилган хандақларда тупроққа кўмилган босқинчилар жасаглари кўринарди... Снарядларимиз тегиб, дабдаласи чиқиб, упирилиб ётган ертўла эшигида бир фашист солдати ярмидан тупроққа кўмилиб ўлиб ётарди. Ёнида пуфлаб чалинадиган кичкина гармон кўринди. Шунда разведкачи капитан Соколов билан хандақдаги суҳбатим эсимга тушди... «Ҳой босқинчи, эрмагингни чалиб бупсан-ку...» дедим-у олдинга ўтиб кетдим. Қасосли дунё, деб шуни айтсалар керак-да.

Кеч бошланди. Ҳамла билан олдинга юришда да-
вом этдик. Осмон хира, ола-чалпоқ булут кўринади.
Ой бир булут орасидан иккинчи булут ичига узини
олишга шошилари. Бизларни ёвга кўрсатмаслик учун
шундай қиялптим деб уйлайман. Бир неча чақирим
юргандан кейин кимнингдир дам олиш ҳақидаги қич-
қириғи эшитилди. Комбат Иванов шудгор қилинмай
қолиб кетган ерда биров дам олишни айтди. Батальон
йигитлари чарчаган эди. Ҳамма қуруқ хашақлар усти-
га чўзилишди. Мен ҳам разведка взводи йигитлари
ёнида ёнбошладим. Капитан Соколов ёнимда пайдо
бўлди. «Тур, сал нарида ёв тўпчилари ташлаб кетган
хандақ бор, шамолпана, ўша ерда тамаки чекиб дам
оламиз» деди. Унга эргашдим. Чуқур хандаққа кириб,
тамаки тортиб утирувдик, ҳалиги хас устида ётган
жойимизга қаердан бир мина келиб тушиб портла-
ди. Дод-вой, инграш овози эшитилди. Соколов у ер-
дан хабар олиб қайтди. Уч киши улиб, саккиз киши
яраланибди. Бу ёққа келмасак, биз ҳам яраланиши-
миз аниқ эканлигини айтди. «Хайрият...» деган сўзни
аранг айта олдим. Бир оздан кейин яна юришни да-
вом эттирдик. Душман чекинаётиб, ташлаб кетган
жойларини мулжалга олиб, кейинча у ерларга зарба
беришни уйлаб қўйганга ухшарди. Булмаса, қоронги
зулмат кечада одамлар дам оладиган хандақлар ёнида-
ги ўтлоққа қандай тўппа-туғри мина келиб тушади.
Ҳа, душман чекинган йўлларида ажал тузоқларини
қўйиб кетишни одат тусига киритган. Бизнинг ба-
тальон бир бутазор, дарахтзор ичида дам олиб, овқат-
ланадиган бўлди. Сайхон жойга кўчма қозон келди.
Мен 1-рота йигитлари билан анча наридаги эман да-
рахтининг остида плаш-палаткамни ёзиб дам олдим.
Бир маҳал овқатга чақиритилди. Ҳамма қозон томонга
йўналди. Мен ҳам руҳ сатилчани олиб, бутазорлар
орасидан ўтадиган сўкмоқ йўлдан насибамни олишга
югурдим. Қозон ёнига етганимда орқамдан мен босиб
ўтган сўкмоқдан портлаш эшитилди. У ёққа қарадим.
Ёв сапёрлари пиёдаларга қарши қўйиладиган минани
билинтирмай кўмиб кетган экан. Овқатга келаётган
жангчининг оёқлари, елкаси шикастланди. Унга дар-
ҳол ёрдам курсатиб, санбатга олиб кетдилар.

Тункага утириб, бир чумичча келадиган шавлани
ёб, «душман ҳамма ерда, ҳатто овлоқ чакалакзорларда
ҳам найранг ишлатиб кетяпти. Разилнинг босган ҳар
қадамидан ажал изи қолади. Эҳтиёт бул, талаба жанг-

чи», деб ўзимга ўзим сўз қотиб, ишқилиб, фашист қорақуртларининг улим турларидан эсон-омон чиқиб, она юртимга, олисда қолган Сирдарё буйидаги туғилган қишлоғимга етиб борай-да, деб бушаган сатилчамга кажава тоғорадан қайноқ чой олишга турдим.

Яна юришда давом этдик. Энди йўлимиз экинзор далалардан утарди. Урмонлар олисда, олдинда уфққа бош қўйган яшил қарағайзорларга етишга шошилардик. Чунки уша ёқда отишмалар эшитиларди. Осмонда душманнинг бомбардимончи самолётлари пайдо бўлди. Кимдир «Ҳаво, яширин!» деб бақирди. Ўзимизни ут босган ариқларга урдик. Одам буйи келадиган бурганларга ўралиб, ариқ ичида ётибману, кўзим осмонда. Тепамда бир «юнкерс» пайдо бўлди. Унинг остидан майда бомбачалар сочилиб, ерга туша бошлади. Худди менинг устимга тушаётгандай ўзимни четга олмоқчи бўлдим. Комбат Иванов ҳам ёнимда ут ичида яшириниб ётган экан. Менинг қаддим кўтарилганини кўриб: «Қаёққа, қимирлама», деди. Яна кўксимни ариқ ичига қўйдим. Қарангки, тепамда очилган ёвнинг ажал қутилари анча нарига учиб бориб, ерда патира-путур ёрила бошлади. Ёв «калхат»лари «ишларини» бажариб бўлиб, ғойиб бўлишди. Иванов «Тур», деб ёнимдан ўтиб кетди. Орқасидан эргашидим. «Бизнинг қирувчи самолётларимиз қаерда юрибди?» деб Иванов сўкиниб борарди.

Ҳаводан қутилари очилиб самолётлардан сочилиб ерга тушаётган ёвнинг майда бомбачаларини жангчиларимиз «нўхат» деб аташарди. Бу майда бомбачалар пиёда аскарларимизнинг йўлини тусиш учун ёндириларди. Бундай ҳаво хужуми бўлса ўзимизни панага олардик. Бу дафъа бизларни ут босган чуқур ариқлар асраб қолди. Комбат Ивановнинг сўкинганича бор эди. Душманнинг калхатлари аллақачон гумдон бўлди-ю, энди бизнинг қирувчи эпчил, тез учар жажжи самолётларимиз осмонда пайдо бўлиб, қанотларини қийшайтириб ёв томонга учиб кетишди. Душман анойилардан эмас, аллақачон пана жойларга қўниб, яшириниб олишган эди. Ҳар нарсанинг ўз вақтида ҳаракатга келиши омаднинг гаровидир. Халқимизда «омад» деган ҳикматли сўз бор. Сендан ҳаракат, мендан баракат, деган мақолнинг маъноси ҳам шу.

Мана, икки буюк дарё бағридаги жаннатмакон Ўзбекистонимиз мустақил бўлди. Бутун дунё давлатлари

мустақиллигимизни табриклаб, элчилар юборишяпти. Қадимий тарихий шаҳарларимиз Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Андижон, Тошкент, Қуқон тижорат ва зиёрат марказларига айланди. Тошкент тайёрагоҳига турли мамлакатларнинг самолётлари келиб қунмоқда. Сайёҳлар, савдо, тижорат ходимлари, хорижда яшаётган ватандошларимиз она заминимизга ташриф буюрмоқдалар. Уч рангли, ун икки юлдузли, ёрқин ҳилолли байроғимиз баланд пештоқларда ҳилпираб турибди. Муқаддас сарҳадларимизда озод Ватанимизнинг фидоий фарзандлари посбон бўлиб, садоқатли хизматларини ўтамоқдалар. Буюк саркардамиз Амир Темур Қурагоний бундай ёзган эди: «Бизким мулки Турон, амири Туркистонмиз. Бизким миллатларнинг энг қадимги ва энг улуғи — туркнинг бош бўғинимиз...» Бу ҳикматли сўзлар авлодлар йўлини қуёшдай ёритиб туради. Уз элинга бош бўлмасанг, мунаввар истиқболига йулдош бўлмасанг, фарзандлик бурчи ҳоки туробга айланади. Бошингда сенинг бахтинга, бойлигинга, эркинлигинга чангал солишга шайланган қузғунлар пайдо бўлади. Имоннинг боши она Ватан эркинлигидир. Биз фахрийлар бошимизни саждага, тунлари янги мунаввар тонгни кутиш учун ёстиққа қўйсақ, аввало элимизнинг тинчлиги, хотиржамлигини ўйлаймиз. Эл тинч — сен тинч, деган ҳикмат бор. Бизнинг мустақил давлатимизнинг азамат фарзандлари қўлларига қурол олиб, она Ватанга фидоийлик ҳақида қасам ичсалар, эл тинчлигини, олам тинчлигини ўйлайдилар.

Киши киндик қони тукилган жойини, уз халқини, унинг буюк муҳаббатини чет элда мусофир бўлиб юрганда ёки тажовуз бошлаган ёвни маҳв этиб, унинг бегона ерларида юрганида юракда беқийёс соғинч ҳиссини ҳис этар экан. Ҳа, фашист босқинчиларини йўл-йўлакай мажақлаб, унинг маконига яқинлашар эканмиз, эсон-омон она юртимизга қайтармиканмиз, деган эзгу хаёлларни дилимиздан такрор ва такрор ўтказардик.

Польшанинг катта бир қишлоғини фашистлардан озод қилиб, олдинга юрдик. Чунки ёвга дам бермаслик керак эди. Анча юрганимиздан кейин тепалик келди. Тепаликка кутарилганимизда олдимизда кенг майдон ва унинг анча наридаги чегарасидан қалин урмон бошланди. Унга қишлоқ кўринди. У қишлоққа қўшни танк қисмларимиз ва пиёдаларимиз ҳужум-

га утиб, ёвнинг тинкасини қурита бошлади. Бизнинг батальонимиз эса очиқ экинзор ердан ўрмон томонга юриш бошлашга ва ўрмон ичидаги душман кучларига зарба бериб, уни йўқотишга буйруқ олди. Тепаликка яқинлашиб, у ерда хандақлар қазиб, ҳужумга тайёргарлик кўрдик. Бир вақт хандақ устида, ертўладан сал нарида қирқ беш миллиметрлик замбарак пайдо бўлди. Комбат Иванов: «Шу замбаракни мен келтирдим, — деди, — бу замбарак ўти билан ўрмон четини тозалаймиз, сизларга ҳамла учун йўл очилади».

— Шу-я! — дедим аччиғим келиб, — душманнинг катта туплари, танклари кўринмоқда. Уларга бунингиз бас келиб бупти.

— Ёв танкларини танкларимиз нишонга олиб мажакляпти. Ёв бир қисм одамларини ўрмон четида қолдирыпти. Гап бундай, утгиз чоғлик одамим қолди. Офицер, командирлар қолмади. Ҳаммаси шикастланиб, сафдан чиқди. Батальонни ўрмон жангига сиз олиб борасиз, — деди.

Йигирма минутдан кейин йигитларни ҳужумга кўтаришим керак. Унғача ертўла ёнидаги кичик якка замбарак душман жойларини утга тутиши керак. Шундай бўлди. Замбарак тилга кирди. Кузатиб турибман. Унинг снаряди ўрмон четида ердан тузон кўтариб, портляпти. Дуруст, дедим ўзимга. Душман чекинди шекилли, жим кўринади. Одамларимизни ҳамлага кўтарсам бўлади, дедим. Шу маҳал ўрмон четида ёв тупи пайдо бўлди. Қирқ беш миллиметрлик замбаракимизнинг овозини ўчириш учун ўт очиб қолди. Мен турган ертўлада учта жангчи ўтирувди. Улар роталарнинг алоқачилари эди. Мен нима десам, ушани бажаришарди. Ертўла тепасида душман снарядлари портлай бошлади. Уч алоқачи жангчининг бири ҳар снаряд портлаганда кузлари ола-кула бўлиб, рангидан қон қочарди, кузи худди косасидан чиқиб кетаётгандай ваҳимали эди. Мен ўзимни вазмин тутиб, ҳалиги жангчини бир пас кузатиб, сўнг «ўринларингдан туринглар, сал наридаги хавфсиз хандаққа утамиз», — дедим. Сузимни эшитиш билан уч жангчи зипиллаб менга қарамай нари кетди. Беш минут вақт қолган эди. Мен ҳам улар ёнига бордим. Айтилган муддатда батальон йигитларини ҳужумга кўтардим. Очиқ ялангликдан кетяпмиз. Ёнларимиздан душман автоматчиларининг ўқлари визиллаб ўтиб кетяпти. Икки жангчим ярадор бўлиб ётиб қолди. Уларга санитарлар ёр-

дам бериб қолишди. Юриш давом этипти. Шу маҳал унғ томонимиздаги бир танкимиз бизга яқинлашиб, душман томонга кучли ут очди. Кейин билсам комбат Иванов у танкни бизга ёрдамга юборибди. Танк рақсга тушгандай бир олдинга, сунғ кейинга, яна айланиб, унғга, бирдан чап томонга югуриб ёв устига ут очарди. Душман автоматчилари ўрмон четида туриб, ҳамон отишни давом эттирарди. Биз танк кетидан ёвга жавоб ути очиб, ўрмонга тезроқ етиб олиш учун танкни орқада қолдириб, олдинга югурдик. Ниҳоят душман ўрмон ичига чекинди.

Унгдаги катта қишлоқни жангчиларимиз ёвдан тозаллади. Чап томонимизда мото-уқчи бригадамизнинг бошқа булинмалари душман кучларини қаттиқ зарбага учратиб, уларнинг истеҳкомларини эгаллади. Энди ўрмон четида эмас, балки унинг ичкари томонларида жанг бошланди. Комбат Иванов кўринмай қолди. Унинг уринбосари капитан Монахов ёнимда пайдо бўлди ва жангчилар билан бирга ёвнинг қолган-қутганларини анча нарига суришда бош-қош бўлди. Душманни бир ярим чақиримча ичкарига суриб, сунғ мудофаада турдик. Жангчиларимиз ўзлари учун хандақлар қазиб, тез фурсатда жойлашиб олдилар. Ихчам ертўла ҳам қуриб беришди. Бу командирлар учун мўлжалланган ихота жойини капитан Монахов кўздан кечириб, сунғ менга тайинлади: — Сиз шу ерда бўласиз. Комбат ўрмон четидаги бошқа батальонлар билан алоқа боғлаб кейинги, яъни эртанги ҳужумга тайёргарлик кўряпти. Мен унга бориб, бу ерда жойлашганлигимизни айтиб, овқат юбортираман.

Кеч бошланди. Монахов кетди-ю, ваъда қилинган овқатдан дарак бўлмади. Бир жангчи алоқачини батальон штабини ахтариб топишга, овқат келтиришга юборай дедим. Лекин йигирма чоғлик жангчи қолган. Уларнинг ярмиси енгил ярадор. Ялангликдаги жанг ва ўрмон ичкарисидаги шиддатли туқнашувдан кейин йигитлар чарчаган ва буш қоринларини тўйдириш хоҳиши пайдо булган. Азонга яқин штаб бошлиғи катта лейтенант Сафонов пайдо бўлди ва: «Лейтенант Эгамназаров, энди сиз комбат ёнига борасиз, мен батальон билан бирга бўламан», — деди. Аҳволни тушунтирдим, мудофаа жойларимизни, ёв қайси томонда турганлигини ҳам унга кўрсатдим.

— Хабарим бор, — деди Сафонов. Лекин мен уни аҳволдан хабардорлигига ишонмадим. Чунки бу ерда-

ги аҳвол ҳақида хабар юбормагандим. Шундай булса да аҳволни тушунтириб, урмон четига йул олдим.

Кечаси зулмат, икки қадам наридаги нарсани куриб бўлмайти. Катта дарахтлар одам булиб куринади. Кетяпман, урмон четига чиқишгача ярим чақиримча йул бор. Юз қадамча юрганимда қадам шарпасини сездим. Тухтаб, узимни панага олиб, қулоқ солдим. Шарпа ҳам жим бўлди. Тургандан юрган яхши, деб яна қўзғолдим. Анча нари кетганимдан кейин шарпа яна ҳаракатга келди. Сўнг ғойиб бўлди. Мен шарқдан осмонга кутарилиб ёритиб турган прожектор нурини мулжалга олиб юриб, урмон четига чиқиб бордим. Бўлмаса қоронғида адашишим ҳеч гап эмасди.

Урмон четидан ҳар икки томонга чўзилиб кетган хандақлар ва сал нарироқда ертўла ва улар ёнида турган танкларни кўрдим. Батальон алоқачиси — жангчини танидим.

— Уртоқ лейтенант, биз бу ёқдамиз, — деди у. Танк ёнида соқчиликда турган экан. Яқинлашдим. Танқдан бошқа нарсани кўрмадим. «Келдингми?» деган овозни эшитдим. Энгашиб қарадим. Танк остида чуқур хандақ қазилиб, унда Монахов бир узи консерва гуштини еб утирарди. Ёнига тушдим. Консерва банкасини ёнимга суриб, «ол, оч қолгандирсан, қани гапир, Сафонов турибдими урнингда?» деди. «Турибди, лекин йигитларимиз чарчаган, ярадорлари бор. Зах жойда утиришибди», дедим. «Кўрганман, биламан, бошқа иложи йўқ. Буни уруш дейдилар, ут ичида ҳам яшаш керак», деди. Монахов бошқа сўз айтмади. Узи эса танк остида пустинга уралиб, паёгини икки ҳисса олиб, консерва ютиб утирибди. Кўкрагида янги Қизил байроқ ордени пайдо бўлибди.

— Комбат қаерда? — дедим.

— Биринчи чақирибди, — деди. Биринчи дегани бригада командири эди.

— Йигитлар орасида ярадорлар бор, санитар доридармонлар олиб бориб, ёрдам курсатсин, — дедим.

— Санитар бор-ку, у нима қилиб юрибди? — Монахов димоғи билан гапириб, танк остидан бўйинини чўзиб чағир қўзларини олайтириб қаради.

— Кеча минадан яраланиб, санбатга кетган, — дедим.

— Кетган булса, бугун келади. Уша боради. Бошқа санитарни қаёқдан топаман? — деди.

— Санитарнинг яраси огир, сон суяги шикастланган, ҳали-бери узига келмайди. Штабда битта санитар юрибди. Ҳов ана, дарахт тагида утирибди. Ушани юборинг, — дедим буш келмай.

— Бу ерга керак, — деди Монахов бепарво.

— Бу ерда сиздан бошқа ҳеч кимни кўрмайпман. Битта одамга битта санитар керакмас, — дедим жаҳлим чиқиб ва дилимда «Мен ҳам батальон одамларининг тақдирига жавобгарман-ку. Комбат Иванов батальонни жангга кўтаришни менга ишониб топширди. Батальон топшириқни бажариб, ёвни урмон четидан ҳайдаб, ичкарига кириб борганлиги ва ярадорлар борлигидан фақат мен хабардорман-ку. Энди қаёқдандир пайдо бўлиб, танкнинг остида, панада утириб, санитар йуқ, деганига қуяйми» деб, — комбат Ивановга бораман! — дедим.

Монахов комбатга боришга шай турганлигимни кўриб, мени йулдан тухтатди. — Санитар! — деб бақирди.

Сумка кўтарган кексароқ, жуссаси кичкина жангчи дарахт остидан аста туриб, танк ёнига келди.

— Ҳозир манави лейтенант билан батальон жангчилари ёнига борасан, санитар яраланибди. Ярадорлар бор экан. Ёрдам курсатиб уша ерда ҳозирча турасан, — деди Монахов. Сунг менга утирилди, — буни ўзинг билан бирга олиб бор ва уша ерда бўлинглар.

Мен санитар билан мудофаада турган йигитларим ёнига йул олдим. Санитар ҳам орқамдан юрди. Етиб бордик. Санитар ярадорларга ёрдам курсатишга шошилди. Мен батальон штаб бошлиғи, катта лейтенант Сафоновнинг ертўласига кирдим. Унинг кайфи бордай кўринди. Митти қулбола курсида колбаса парраклари, оғзи очик сувдон кўринди, спирт ҳиди анқиб турарди.

— Кел, дустим, — деди Сафонов. — Монахов яна юбордим сени?

— Санитарни олиб келдим, — дедим.

— Яхши бўпти, енгил ярадорлар бор. Уларга ёрдам керак. У азаматлар санбатга боришни хоҳламай, яраларини ўзлари дока билан боғлаб юрибдилар.

Алоқачи трубкани Сафоновга узатди. «Комбат гапиряпти», деди.

Сафонов трубкани қулоғига тутиб: «Санитар келди, ёрдамчингиз ҳам», деди, кейин — хуп булади, — деб трубкани қўйиб гапирди: — Сиз, уртоқ Эгамназаров, Монахов ёнига борар экансиз.

— Кеч кирди, тунда бу ерда булганим яхши эмасми? — дедим.

— Билмайман, — деди Сафонов, — керак булгандирсиз-да.

Кечаси яна йулга чиқдим. Тунда урмон ичида суқмоқ йулни аниқлаб булмайди. Айланма арава йули эса анча вақтни олади. Таваккал деб туғридан йул бошладим. Зулмат, ваҳимали сониялар. Катта қалин урмоннинг қаерида ким юрганлигини билиб булмайди. Қулоқни қоматга келтириб, кўзни олмосга айлантриб, фикрни чархлаб, қуролни жангга тайёр тутиб қадамлаш керак. Қўлимдаги митти фонарни ёқай десам, узимни билдириб қўяман. Шунинг учун туртиниб, суртиниб, Монаховнинг танки ёнига етиб олдим.

— Келдингми, санитар қараяптими? — деди у ва бошини кутариб орқага қаради, — анави танкни қуряпсанми? Ушани ҳозир йигитлар ёнига олиб бора-сан. Танкчи йулни билмас экан.

Индамадим.

— Нега индамайсан? — бақирди Монахов.

— Олиб борадиган алоқачи йўқми? Мен машинадан, йигитларимдан хабар олишим керак, — дедим.

— Алоқачи йўқ, битта санитар бор эди, уни ҳам олиб кетдинг. Машинанг, икки йигитинг юргандир. Қани, Вася, моторингни юргиз. Мана бу лейтенант фонари билан олдинда йул курсатиб боради, — деди.

Мен кимё ҳимояси анжомлари ортилган машинага ва ундаги икки жангчи тақдирига жавобгарман, бригада командири билиб қолса, нима жавоб бераман деган хавотирда эдим. Лекин душманнинг шундоққина тумшугида хандақлар қазиб, мудофаада турган йигирма чоғлиқ жанговар дўстларимни уйладим. Уларга ёрдам керак. Душман танки, түпи, ўзи юрар зирҳли машиналари билан ҳужум қилиб қолса, батальонга нима бўлади. Шу мулоҳаза билан танк ҳайдовчи Васяга «орқамдан юр» дедим. Олдинги маррага элтадиган айланма йулни фақат мен биламан. У ерга борадиган бошқа йул йўқ. Вася танкни гуриллатди. Мен қўл фонаримни ёқиб, йулни курсатиб, олдинда юра бошладим. Эллик метрча олдинга юрмасимиздан душманнинг түп ва миномётларининг овози чиқа бошлади. Танк овози уларни ҳушёр тортирган эди. Ваҳима олиб, тахминан ут очарди. Снаряд ва миналар атрофимда шарақлаб портлар эди. Лекин чекиниш, яши-

риниш мумкин эмасди. Йул курсатиш керак эди. Тухтаб туриш ҳам хатарли эди. Чунки ёв нишонга олаётган эди. Шу аҳволда душман оловлари остида танкни йигитларим олдига олиб бордим.

Ертулага кириб, Сафоновга танкни олиб келганлигимни айтдим. У эса трубкани қулимга тутқазди. Қулогимга тутсам яна уша Монаховнинг овози. «Тез қайтиб кел», деяпти. Нима гап, деб йулга тушдим. Кимёвий машинам топилибдими, йигитларим эсон-омонмикин, деган хаёл дилимдан ўтди. Шу хаёллар билан Монахов ёнига етиб олдим. Яна бир янги танк пайдо булганлигини курдим.

— Буни энди унг томондан батальонга олиб борасан, — деди Монахов, — унг томонда ёрдамчи кучимиз йуқ экан.

— Биладан, аниқлаганман, — дедим.

— Билсанг яхши, энди бу танкни уша ҳеч қандай ёрдамчи кучимиз булмаган унг томонга олиб борасан, — деди Монахов.

— Унг томонда йул йуқ, — дедим.

— Гапирма! — деб бақирди Монахов, — менга худди оддий бир жангчига муомала қилгандай, ҳамон танк остида ўтириб, бошини кўтариб дағдаға қилди.

— Унг томонда ёв турибди.

— Ёлғон! — деб бақирди.

— Нега бақирасиз! — дедим жаҳлим чиқиб, — Мен батальон тақдирига ачинаман. Уни жанг билан ўрмон ичига мен олиб бордим. Унг томонда бизникилардан ҳеч ким йуқ. Мен ўзимга ачинмайман, танкка ачинаман. Уни унг томондан юргизиб, фашистларнинг қулига олиб бориб топширайми? Олиб бормаيمان! — дедим.

— Буйруқни бажармаганинг учун сени отиб ташлайман, — деб яна бақирди. Ёнини кавлаб, гилофидан тупшончасини чиқарди. Мен ҳам қулимни қайишимдаги қуролимга юбордим.

— Сизнинг узингизни отиб ташлаш керак! — дедим. — Батальон қаердалигини билмайсиз. Мен бу танкни ҳам уша биринчи танк борган жойга олиб бораман.

Шу вақт танк ёнида старший лейтенант Сафонов, иккита сержант алоқачи пайдо бўлди.

— Буларни унга юборинг, қани, танкни қаёққа элтаркан? — дедим Сафонов нимага батальонни ташлаб келганига ҳайрон бўлиб.

— Мен чақирдим. Сендан бошқа ҳеч ким танкни у ерга олиб бормајди. Майли, эски йўлдан элт. Комбат билан гаплашдим. Йигитлар ёнида сен буласан, шундай буйрук! — деди.

Иккинчи танкни ҳам не-не хатар, ёв оташлари остида йигитлар ёнига элтдим. Монахов танкни асрашни ўйлади-ю, мени танк олдида, душманнинг тупи, миномёт утлари ичидан боришимни лозим кўрди. Мен танк ичида ўтириб ҳам йўл курсатишим мумкин эди. Бунни айтгандим. У кўнмади. Танкни мендан афзал кўрди.

Тонгда душманнинг қарши ҳужуми бошланди. Унинг ўзиюар тушлари ва зирҳли машиналари, уни устида автоматчилари пайдо бўлди. Жанг қизигандан қизиди. Ҳар икки томоннинг зирҳли машиналари аввал ўт очишди. Снарядлар дарахтларга тегиб катта шохларни синдириб, ёш дарахтларни йиқитиб, олдинга интиларди.

— Йигитлар, ёв автоматчиларига ўт очинглар! — дедим. Ўзим ҳам автоматни қўлга олдим. Ёв устига ўқ ёмғири ёғиларди. Душманнинг ўзиюар зирҳли бир машинаси олдинга ўтганда танкимиз ўт очиб, ёндириб юборди. Яна бир ёв «фердинанди» олдинга ўтиб, бизнинг турган жойимизга ўт очиб яқинлашиб келарди. Уни танктешар снарядлар билан танкчиларимиз галвирак қилиб ташладилар. Шундан кейин ўт очиб, автомат ва пулемётларини тариллатиб югуриб келаётган фашист тудаларининг авжи анча пасайди. Биз уларни мулжалга яқинлаштириб, нафасини учирриш учун ҳамжиҳат бўлиб оёққа турдик. Ярадор йигитларим ҳам, штабдан келган санитар ҳам бўш келмади. Дадиллик билан ўт очиб, ёвнинг қонли йўлини тўсдилар.

Мен танкчилар ёнига бориб, уларга бизни ҳимоя қилганликлари учун миннатдорчилик билдирдим. Бир танкнинг ёшгина командири лейтенант, номини тилга олгим келмайди, ёнидан қоғоз чиқариб, бир нималарни ёзди-ю, менга узатиб: «Бунга қўл қўйинг», деди. Қарасам «душманнинг тўртта ўзиюар тупини ёндирди», деган ёзувга кўзим тушди. Қўл қўймадим, иккита деб тузатиб, «бунақа герой бўлманг» дедим. Танкчи бир ўкрайди-ю, танк ичига кириб кетди. Жангда ҳам ҳалол ва мард бўлишни ҳаёт тақозо этади. Бунақа «герой» танкчини олдин ҳам кўргандим. Унга ҳам эътироз билдириб, қоғозига қўл қўймагандим.

Бу айтганларим 1944 йил декабрь ойининг бошла-
рида Польшада, Гарев плацдармини ёриб утиб, ичка-
рилаб кетганимизда булган эди. У хотираларни энди
ёзаяпман. 1995 йил май ойида урушни тамом қилга-
нимизга 50 йил булди. Мен узим иштирокчиси булган
иккинчи жаҳон уруши ҳақида сўз юритдим.

Уруш хотираларини ёзишдан мақсадим, дунёда
уруш булмасин, дейман. Икки мамлакатдан нодон,
урушқоқ бошлиқ чиқса, қонли аланга кутарилиши
ҳеч гап эмас. Шу кунги замонамизда ҳам дунёнинг
баъзи жойларида қон тўкилмоқда. Африканинг баъзи
бир мамлакатларида, Афғонистон ва Тожикистонда
қон тўкилмоқда. Мен Тожикистоннинг шимолий ви-
лоятидаги Нов қишлоғида туғилганимни қисса боши-
да айтиб утганман. Нотинч жойлар пайдо булиб, од-
дий кишилар хонавайрон ва қурбон бўлишларини
огир дард билан дилимга оламан. Мен Кулоб, Қур-
ғонтепа вилоятларида бир неча бор булганман. У ер-
нинг меҳнатсевар, азамат, тинчликсевар, қўли гул ки-
шиларига бағишлаб шеърлар ёзганман. У ерларнинг
аҳли жуда иноқ ва қадриятли ҳаёт кечирардилар.
Дарелар тусилиб, Кулоб ва Вахш водийлари жаннатга
айланган эди. Лекин шу бир тан ва бир жон халқнинг
қалбига кимлардир низо уругини сочди. Биродарқуш-
лик бошланди. Уша зуравонларнинг қора ниятлари
пучга чиқмоқда. Тинч ҳаёт изига қайтапти. Лекин
қанча беғуноҳ кишиларнинг ёстиқлари қуриди. Бун-
дай қонли йўлларни, беғуноҳ кексалар, аёллар, бола-
ларнинг ҳалокатларини ёв босиб олган жойларда қур-
ганман. Шунинг учун юрагим ёниб, асло уруш булма-
син дейман. Мен бир йили Марғилонга борганимда
темирйўл бекатида афғон урушидан қайтган икки йи-
гитни қурганман. Бири майиб, оёқсиз эди:

*Марғилонда бекатда кўрдим,
У поезддан тушиб келарди,
Ҳаёл билан ортидан юрдим,
Дусти уни ушлаб келарди.
Ҳарбий кийим иккисида ҳам,
Ғижирлайди қўлтиқ таёғи,
Секин-секин қўярди қадам,
Ёғоч эди икки оёғи.*

Йигитларимиз кимнингдир хоҳиши билан бошлан-
ган бемаъни уруш-жанжалларнинг қурбони булмасин,

дейман. Мен уруш даҳшатларини кўрганим, юрагимдан ҳис қилганим учун ҳам қуроғлар оғзи очилмасин, дейман. Дунёда урушни хоҳловчи ёвуз ҳокимлар бўлмасин, дейман. Оллоҳга минг қатла шукурки, ёвузликлар бир куни даф бўлади. Инсоният ёвузликка, ваҳшийликка йўл қўймаслик учун муқаддас урушга кўтарилиши бу ҳаёт қонунидир. Иккинчи жаҳон уруши ҳам худди шундай бўлди. Бош кўтарган фашист зўравонлар инсоният лаънатига учрадилар.

Мен Польша урмонидаги сўнгги жанг хотираларини қаламга олар эканман, 1942 йил кузида Россиянинг Тула яқинидаги Миценск шаҳридан 1945 йил май ойида Германиянинг шимолидаги Росток шаҳригача бўлган жанг йўлларида кўрган воқеаларни кўз олдидан ўтказдим. Ёзсам бир неча китоб булиши мумкин. Лекин кўнглим менга: «Сен тинчлик, озодлик, бахт ва инсоният қадриятлари учун курашдинг, шулар ҳақида ҳам сўз юрит», дейди.

Қадрият ҳақида гапирсам, унга амал қилган киши дунёда кам бўлмайди. Дунёда энг катта бойлик бу қадрият. Жанг майдонида фидойилик курсатган баҳодир жангчилар давлат бошлиқлари томонидан қадрландилар. Уларнинг жасоратлари элларнинг мангу дostonларига айланди. Ўз эркини, мустақиллигини қадрлаган давлатларда қаҳрамонларга ёдгорликлар қўйилмоқда. Уларнинг жасоратли тарихи мангудир.

Биз ўзбек жангчилари фашизмга қарши урушда собиқ СССР мамлакатининг посбонлари бўлиб, жанг майдонларига отланганмиз. Лекин она юртимизнинг фарзанди сифатида нафас олиб, унинг бахту саодати, эрки, мустақиллиги, осойишталиги учун ҳам курашганмиз. Жанггоҳларда биз Урта осийлик халқларни урф-одатларимиз яқинлаштирарди. Бизларнинг қонқариндошлигимизни жанггоҳларда ҳамма яхши билишарди. Машҳур гвардиячи танк корпусимизда Урта Осийе жумҳуриятларидан бўлган жангчиларни дам олиш чоғларида бир жойга тўплаб, уларга мени тарғиботчи қилиб тайинлар эдилар. Мен қозоқ, қирғиз, тожик, туркман, ўзбек, уйғур, қорақалпоқ ва татар йигитларимиз билан суҳбат ўтказардим. Улар билан тушунарли бўлган туркий ва тожик тилларида гурунглашардик. Мен филолог бўлганим учун туркий сўзлари қозоқчадан ёки туркманчадан қандай келиши фарқига бориб, уша шевада сўзлашардим. Тожик тилида ҳам шундай дилкаш суҳбатимиз бўларди. Менинг тар-

ғиботчи бўлганлигимни корпус газетасида ёзганлар. Уша жанггоҳда чиққан бу хабар нусхаси ҳамон менда эсдалик учун сақланади. Эсладик учун сақлаган компас, қалин камар ва елкага осиб юриладиган кичкина чарм сумкам ҳам бор. Буларни қўлга олсам, фронт йўллари эсга тушади. Булар оддий қишлоқлик бир деҳқон фарзандининг ота-онаси, она Ватани олдидаги эътиқоди, садоқатининг ўчмас хотироти бўлиб туюлади. Оддий бир саводсиз камбағал деҳқоннинг уч ўғли урушга бирин-кетин йўл олиб, уларнинг офицер, командир бўлиб, шиддатли жанглар синовидан ўтиб, она юртига эсон-омон етиб келганликлари тасодиф ҳол эмас. Балки ҳаёт учун, Ватан учун, ота-она меҳру тарбияси учун астойдил курашда фидойилик курсатганликларининг оқибатидир. Урушни кўрмаган баъзилар уруш бошланган пайтда жанговарлигимиз суст бўлган, деган ҳаёлга боришлари мумкин. Йўқ, бундай эмас экан. Киши йиртқичга дуч келса, уни уриб йиқитаман деб илож ахтаргандек, эл бошига хавф тушганида, бу хавфни ўз хавфи деб билиб, уша ўта жангари ёв билан басма-бас олишишга қудрати етар экан. Мен бундай жангчилар ҳақида дил сўзларимни ёзганман.

Халқимизда «мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмайсан», деган нақл бор. Мен уруш тугагач, 1945-47 йилларда ҳарбий хизматни давом эттириш учун Польша ва Германияда қолиб кетдим. Бегона эллар, бегона тиллар мени ўз элимни, ўз она тилимни соғинтирарди. Она Ватаним бағрида, унинг меҳрида бўлсам дердим. Тулин ой ярқираб чиққанда, юлдузлар чарақлаб, жимжима нурларини бошимга сочганида, баҳор насими юрагимни тўлдирганида соғинч ҳислари пайдо бўлиб, олис Одер соҳилида утириб ҳаёлга берилардим. Шундай соғинчлик, мусофирлик пайтларда энг муътабар, азиз нарса она Ватан бўлиб туюларди. Унинг қадри, нафаси юрагимни аланга олдирарди. Шу соғинчли дамларда дилим мени қаламга ундарди.

*Онадан туғилар бир марта инсон,
Ва битта бўлгуси онаи зори,
Жанггоҳда Ватанни дедим — онажон,
Йўқ экан усиз бахт, она дийдори.*

Сокин лаҳзаларда ҳам уша шиддатли жангларнинг куланкаси ҳаёлимни қоплаб оларди. Польшада, 1944 йил қишида урмон ичида ёвга қарши сўнгги жангга

кирганлигим куз олдимдан нари кетмасди. Урмоннинг яланг майдонларида ва қалин дарахтлари орасида шиддатли тўқнашувлар такрор ва такрор бўлганлигини эслайман. Мен командир уринбосари бўлган мото-ўқчи батальоннинг йигирма чоғли жангчилари билан бирга ўжар ёв ҳамласини юзма-юз туриб қайтарганим ҳамон ёдимда. Шундай пайтда «ўзингни бардам тут, ваҳима қилмасанг, шу урмон ичида қолиб кетмасанг бўлгани», деган хаёл кўнглимдан ялт этиб утарди. Гапнинг рости ўлимдан қўрқмасдим, фақат йиқилсам ҳеч ким билмайдиган ва ҳеч ким келмайдиган, йиртқичлар изғиб юрадиган, олис, ёввойи урмон хазонлари тагида қолиб кетмасам, деярдим. Ватан меҳри менда кучли эди.

Жанггоҳдаги у гапларга неча йиллар ўтди. Мана ҳозир бир вақтда биз озод этиб, эркини олиб берган уша узга мамлакатларда кўпгина кишиларимиз ётибди. Қанчалари ногирон бўлиб қайтдилар. Бизнинг биринчи генералимиз Собир Раҳимов Гданск шаҳри яқинида Польша озодлиги учун ҳалок бўлди. Биз ўзгаларнинг эрки учун ҳам курашдик. Дунёда бизникидай гузал, табаррук, бадавлат диёр узга бирор мамлакатда борлигини тасаввур этолмайман. Чунки бизнинг она Ватанимиз дунё маданияти бешикларидан бири бўлган. Иқлими, одамлари, тарихи... Буюк зотлари мустақиллик учун курашганларини бутун жаҳон билади. Буюк зотлар, дедим. Ҳа, Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий, Форобий, Амир Темур, Улуғбек, Бобур, диний алломаларимиз Имом Исмоил ал-Бухорий, Имом Исо ат-Термизий, Хожа Баҳовуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Шайх Нажмиддин Кубро каби табаррук юртдошларимизнинг хотирасини ёдга олиб, зиёрат этиш учун дунёнинг ҳамма жойларидан кишилар келиб туришибди.

Уруш хотираларини эсласам Польша мамлакатининг тўрт томонидан юриб, бошидан охиригача жанглар билан ўтган йилларим ёдимга келади. Польша урмонларидаги сўнги қаттиқ жангни унутолмайман. Шиддатли жангларда бизнинг танқларимиз ёнди, лекин биз ёнмадик. Олов кутариб ҳамла қилган ёв уз оташига қоврилди. Жанггоҳда оқолларда дам олиб утирардик. Бошқа қисмларнинг жангчилари бизни урнимизни алмаштириш учун урнимизга келишди. Мудофаа жойларимизни уларга топшириб, орқага қайтдик. Жанг бориб турган эллик чақиримча орқадаги сокин бир қишлоқда дам олиб, яна янги, сўнги

жангларга отланишимиз зарур эди. Шундай осойиш дамда юқорида айтганимдай фронт газетасидан Адхам ака Ҳамдамов келиб, мени узи ишлаб турган рузномага олиб кетди. Қуролни қаламга айлантириб, жанг майдонларидаги баҳодир юртдош йигитларимизнинг жасоратларини, жанговар ҳаётлари, орзу-уйлари, интилишларини ёзиш учун ҳарбий мухбирга айландим.

1944 йил апрель ойида Германиянинг Одер дарёсини жанглар билан кечиб, ҳужумларда намуна кўрсатган 69-уқчи дивизия билан бирга бўлдим, материаллар уюштирдим. Мени мукофотга тавсия этишиб, «Эгамназаров ўз шеърлари билан жангчиларни илҳомлантириб, босқинчиларни тор-мор этишга чорлаб келмоқда», деб ёздилар.

Ҳа, марди-майдонлар жасоратини ёзиш бир умр бурчим булиб қолди. Умрим ҳикоялари ана шундай. Кучим етса уни кейинроқ яна давом эттириш ниятим бор.

Ҳа, бу умр дафтарим битикларини мустақил она Ватанимиз меҳри билан камол топаётган ёш ватандошларимизга янада тулароқ ҳикоя қилгим келади.